

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

А. САИДОВ, У. ТАДЖИХАНОВ, Х. ОДИЛҚОРИЕВ

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

*ДАРСЛИК*

---

## ОСНОВЫ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА

*УЧЕБНИК*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ—2002

Тақризчилар:  
*Ўзбекистон Республикаси ФА академиги юридик фанлар доктори, профессор*  
*Ш. З. Уразаев;*  
*юридик фанлар доктори, профессор М. М. Файзиев*

**Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х.**  
Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. — Т.: Шарқ,  
2002.— 720 б.

ББК

Дарслик давлат ва ҳуқуқ асослари ўқув фани режасига мувофиқ унинг қамровига кирувчи барча йўналишларни ўз ичига олган. Унда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги умумий таълимот, ҳуқуқнинг асосий тармоқлари бўйича тушунча ва таърифлар лўнда шаклда баён этилган. Дарслик уч қисмдан: назарий қисм, давлат-ҳуқуқий фан соҳалари бўйича чизмалар ва тестлар ҳамда савол-жавоблар қисмидан иборат.

Давлат ва ҳуқуқ асосларини ўрганаётган мактаб, академик лицей ҳамда коллеж ўқувчилари ва талабалари, юридик ўқув юртларига кирувчи абитуриентлар, ушбу фандан дарс берувчи ўқитувчилар ҳамда давлат ва ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

В учебнике кратко и в доступной форме изложены понятия и определения основ государства и права. Основной материал дан в схемах, значительно облегчающих усвоение курса и способствующих запоминанию ключевых понятий права. В учебнике приводятся вопросы и ответы, тесты для самопроверки по основным отраслям права.

Для учащихся школ, академических лицеев и колледжей, изучающих основы государства и права, абитуриентов, поступающих в юридические учебные заведения, преподавателей этой дисциплины и всех, кто интересуется вопросами государства и права.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2002.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.

*Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди<sup>1</sup>.*

*И. А. Каримов*

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар даврини бошидан кечирмоқда: мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтмоқда; жамиятда умуминсоний қадриятлар борган сари кўпроқ қарор топмоқда; шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлатнинг бурчига айланмоқда. Республикада демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш жараёни кечмоқда.

Ушбу ўтиш даврида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, уларнинг давлат, ҳуқуқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ҳақида энг зарур билимларга эга бўлишидан иборат муҳим вазифа юзага келди. 1997 йилда Олий Мажлис қабул қилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ана шу умумдавлат аҳамиятига молик вазифани бажаришга қаратилгандир.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу дарсликда умуман «давлат», хусусан «ҳуқуқий давлат» тушунчалари қараб чиқилган, фуқаролик жамиятининг таърифи берилган, ҳуқуқ асослари нафақат ҳуқуқий нормалар тизими сифатида, балки кенгроқ маънода — ҳуқуқий муносабатлар, юридик масъулият ва ҳуқуқбузарликлар йиғиндиси билан бирга кўриб чиқилган.

Мазкур дарсликда давлат ва ҳуқуқ назарияси ва ҳуқуқ тармоқлари бўйича асосий тушунчалар оммабоп шаклда баён этилган. Унинг бутун тузилиши ва мазмуни қуйидаги масалаларни:

**биринчидан**, давлат ва ҳуқуқ асослари, жумладан, давлат ва ҳуқуқ нима, улар қандай шароитда вужудга келган, ушбу ҳодисалар ҳозирги вақтда қандай элементлардан ташкил топган; давлатнинг механизми, функциялари ва шакллари қандай; ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ нормаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат нима каби саволларни;

**иккинчидан**, конституциявий ҳуқуқ, чунончи, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети асосларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимияти органлари тизимининг конституциявий мустақамланишини ўрганиш ва ўзлаштиришни назарда тутди.

Муаллифлар ушбу дарсликни тайёрлаш давомида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуллари, мамлакатимиз ва чет элларда чиқарилган илмий, ўқув ва ўқув-методик адабиётлардан кенг фойдаландилар.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999. 8-бет.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқи асослари бўйича қайта ишланган ва тўлдирилган нашрдир. Дарслик аввалги ўқув қўлланмасидан бир қатор янги жиҳатлари билан фарқ қилади. *Биринчидан*, у мактаб, лицей ва коллеж ўқув дастурларига мослаштирилди; *иккинчидан*, дарсликка конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ тармоқларига бағишланган янги бўлимлар ва тегишли чизмалар ҳамда тест ва саволлар қўшилди; *учинчидан*, дарсликдаги барча материаллар сўнгги йилларда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим ўзгаришлар, ислохотлар, қабул қилинган янги қонунлар, фармонлар ва қарорлар асосида бойитилди; *тўртинчидан*, аввалги ўқув қўлланмасида ҳар бир бўлимдан сўнг чизмалар берилган бўлса, энди дарслик аниқ қисмларга бўлинди, яъни ҳуқуқ соҳаларини тўла тавсифловчи назарий қисми, барча ҳуқуқ тармоқлари бўйича жамланган чизмалар қисми, тестлар ва савол-жавоблар қисмларига ажратилди.

Энди дарсликнинг тузилиши ҳақида икки оғиз сўз. У бошқа дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фарқ қилади: унда материал эслаб қолиниши кераклигидан кўра кўпроқ. Муаллифлар ўз олдидарига турли даражалардаги ўқув курсини ўрганиш учун ярайдиган дарслик тузиш вазифасини қўйганлар. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани, оддий мактабда ҳам, гуманитар йўналишдаги махсус мактабда ҳам, лицейда ҳам, коллежда ҳам ўқитилади. Бундан ташқари, дарсликдан абитуриентлар ҳам юридик олий ўқув юртига киришда фойдаланишлари мумкин.

Дарслик уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида давлат ва ҳуқуқ назариясининг асосий тушунчалари, таърифлари, категориялари, ҳуқуқий давлат мезонлари умумий тарзда тавсифланган; ҳуқуқ, ахлоқ ва бошқа ижтимоий нормаларнинг ўзаро муносабати таҳлил этилган, шахс ҳуқуқлари, ҳуқуқбузарликлар ва бошқалар ҳақида тушунча берилган. Конституциявий, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, оила, экология, жиноят ва халқаро ҳуқуқ тармоқларига алоҳида-алоҳида бўлимлар бағишланган.

Дарсликнинг иккинчи қисмида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича катта ҳажмдаги чизмалар келтирилган. Улар турли хил ҳуқуқий тушунча ва категорияларнинг алоқалари ва ўзаро муносабатлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишга, таълим олувчилар ва абитуриентларнинг фикрлаш қобилиятини ва мантиқий хотирасини ривожлантириш ҳамда машқ қилдиришга ёрдам беради.

Дарсликнинг учинчи қисмида саволлар ва уларнинг қисқача жавоблари берилган. Ўқувчилар нафақат (муस्ताқил равишда) саволларга жавоб беришлари, балки, асосийси, ўз жавобларини қонунларга ҳавола қилиб, пухта асослашлари, далиллар келтиришлари зарур. Дарслик материалларини ўзлаштириш ва тестларни бажариш учун зарур бўлган қонунларнинг матнлари «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари» хрестоматиясида келтирилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия / Тузувчи-муаллифлар У.Таджиханов ва А.Саидов. Т., 2000.

Шунингдек, ўзлаштирилган материални текшириш учун тестлар берилган. Шу қисмнинг ўзида қўшимча ўрганиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган. Бунда ўқувчилар ва абитуриентлар учун ҳуқуқий маълумотлар олишнинг асосий манбаи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси хизмат қилиши керак.

Ва ниҳоят, олий ўқув юртларида ҳуқуқдан дарс бериш тажрибамиз қуйидаги хулосага олиб келди: асосийси — инсонни мантиқий, танқидий, ижодий ўйлашга ўргатиш, унда таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадга эришилса, у ҳар қандай вазиятда ҳам вазифани энг яхши бажариш йўлини топа олади. Қолаверса, ҳуқуқ нормалари ўзгаради, аммо ҳуқуқнинг ўзи эзгулик ва адолатни қарор топтириш санъати сифатида сақланиб қолади.

Муаллифлар дарсликнинг шакли ва мазмуни ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва таклифларни миннатдорлик билан қабул қиладилар.

**Б и р и н ч и қ и с м**  
**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ: ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР**

- Давлат ҳақида асосий тушунчалар
- Ҳуқуқ ҳақида асосий тушунчалар
- Конституциявий ҳуқуқ асослари
- Маъмурий ҳуқуқ асослари
- Фуқаролик ҳуқуқи асослари
- Меҳнат ҳуқуқи асослари
- Оила ҳуқуқи асослари
- Экологик ҳуқуқ асослари
- Жиноят ҳуқуқи асослари
- Халқаро ҳуқуқ асослари

*Давлат демократия шароитида ижтимоий қарама-қаршиликларни зўравонлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишиш йўли билан ҳал этиш воситасига айланмоқда.*

**И. А. КАРИМОВ**

## **Б и р и н ч и б ў л и м**

### **ДАВЛАТ ҲАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

- **Фуқаролик жамияти ва давлат**
- **Давлатнинг келиб чиқиши**
- **Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар**
- **Давлат ва унинг асосий белгилари**
- **Давлатнинг функциялари**
- **Давлатнинг шакллари**
- **Сиёсий режим**
- **Давлат механизми**
- **Ҳуқуқий давлат ва унинг белгилари**
- **Давлатлар таснифи: этатик ва ҳуқуқий давлат**
- **Ҳуқуқий давлат манбалари**
- **Ҳуқуқий давлатнинг хусусиятлари**
- **Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти**
- **Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши**

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТ

*Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади<sup>1</sup>.*

*И. А. Каримов*

**Жамият** — муайян эҳтиёж ва манфаатларига кўра бирлашган кишиларнинг маълум тарзда ташкил топган мажмуаси. Жамият бирлашишга мойил бўлган гуруҳлар, синфлар, қатламлардан иборат. Аммо айрим ҳолларда, одатда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний манфаатлар асосида, «ажрашиш кайфиятларига» мубтало бўлади. Давлат жамиятнинг энг муҳим таркибий элементидир. У жамиятда асосан сиёсий функцияларни бажаради. Жамият билан давлат асло бир нарса эмас. «Жамият» тушунчаси «давлат» тушунчасидан кенгдир.

**Фуқаролик жамияти** — комил фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамият. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг кучи билан, балки унинг аъзолари бўлиш фуқароларнинг ўзлари орқали сақлаб туриладиган ва қатъий тартиб қарор топган жамиятдир. Бундай жамият ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлиши керак, чунки давлат — фуқаролик жамиятининг «ёлланма хизматкори». Зеро у фуқаролар, корхона ва муассасалардан олинадиган солиқлар ҳисобига мавжуд бўлади. Ушбу жамият нафақат ўзининг сиёсий, маданий ҳаётини, балки иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ҳам бошқариб туради.

Ҳамма жамиятлар ҳам фуқаролик жамияти эмас. Фуқаролик жамияти анча юксак даражадаги ижтимоий ривожланиш кўрсаткичидир.

Маърифатли дунёда «фуқаролар давлати» деб гапирилмайди, «фуқаролар жамияти» дейилади. Давлат — бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг фаоллиги баландроқ туради. Мажбурлов аппаратига кирувчи тузилмалар, шунингдек, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият идоралари давлат ташкилотлари тизимига қиради. Шунинг учун ҳам «бизнинг асосий мақсадимиз — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат»<sup>2</sup>.

Давлат, ҳуқуқ ва жамият муайян алоқадорликдадир. «Жамият» — нисбатан

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. 173-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Т., 1996. 80-б.



кенг тушунча. Давлат унинг ичида мавжуд бўлади. Давлат ҳуқуқни келтириб чиқаради, аммо ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йўналтиради. Жамият давлат ва ҳуқуқ таъсирида у ёки бу томонга ўзгаради. Ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлиб, давлат учун ҳам, жамият аъзолари учун ҳам муҳимдир.

Давлат ва жамият ўзаро алоқадор, аммо тенг аҳамиятли эмас. Давлат билан жамият айнан бир нарса эмас. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик мукамал бўлса, жамият ва давлатнинг функциялари (вазифалари) шунчалик аниқ ажралиб туради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат уйғун муносабатга эга. Жамият ўзининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамсиз (ва аралашувисиз) ҳал қилади. Ҳуқуқий давлат жамиятнинг ўзи эплайдиган масалаларда фуқаролик жамияти (ва унинг айрим аъзолари)га васийлик қилиши шарт эмас. Фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсатида, ундаги ҳуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

**«Демократик жамият — бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди»<sup>1</sup>.**

## **ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ**

Инсоният давлат пайдо бўлгунига қадар ўз тараққиётида узоқ йўлни босиб ўтган. Давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам бўлмаган ибтидоий жамият бир-биридан асосан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан фарқ қиладиган ёввойилик, варварлик ва цивилизация каби уч босқични ўтган. Меҳнат қуролларининг ривожланиши ва такомиллашиши, йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти (зироатчиликнинг чорвачиликдан, ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, савдонинг алоҳида иқтисодий соҳага айланиши) натижасида меҳнат унумдорлиги ошиб, ортиқча маҳсулот ҳосил бўлган, бу эса хусусий мулкчиликка ва жамиятнинг мулкий жиҳатдан табақалашувига олиб келган. Ана шу туфайли асосий машғулоти хусусий мулкчилик муносабатларини ва мулкдорлар манфаатини муҳофаза қилишдан иборат бўлган кишиларнинг махсус гуруҳлари юзага келган.

Шундай қилиб, ибтидоий жамиятда оқсоқоллар, уруғ ва қабила бошлиқлари ҳамда дин раҳнамоларига тегишли бўлган ижтимоий ҳокимият аста-секин давлат ҳокимиятига айланган. Агар давлат пайдо бўлгунича мавжуд бўлган жамиятда ижтимоий ҳокимиятни сақлашнинг асосий воситаси олий руҳонийларнинг шахсий обрўи бўлган бўлса, давлат ҳокимиятининг моҳиятини мажбурлаш ташкил эта бошлаган. Инсоннинг жамиятдаги мавқеи тубдан ўзгарган. Агар ибтидоий жамиятда инсоннинг мавқеи алоҳида шахснинг оилага, уруққа ёки қабилага мансублиги билан белгиланган бўлса, давлатга эга жамиятда инсоннинг мавқеи унинг мулкий ҳолати ва давлат ҳокимияти соҳибларига шахсий яқинлигига қараб белгиланган.

Давлат жамият ривожининг муайян босқичида юзага келган. У ўзининг шаклланиши ва ривожланишида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Жамият ривожининг дастлабки босқичларида давлат етарлича ривожланмаган сиёсий ҳодиса бўлган. Бундай давлат, энг аввало, мажбурлашга асосланган.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ватан сажлагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., 1996. 362—363-б.

Демократия шароитида давлат цивилизация талабларига мос тарзда ривожланади. У иқтисодий ва маънавий омиллар асосида ҳокимиятнинг мамлакатда тартиботни таъминлайдиган бир бутун ташкилотига айланади. Давлат ўзининг асосий вазифасини — халқ ҳокимиятчилиги, иқтисодий эркинлик, мустақил шахс эркинлигини таъминлаш вазифасини адо этади.

## **ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ДОИР НАЗАРИЯЛАР**

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала кўп асрлар давомида кўплаб мутафаккир файласуфлар, юристлар, тарихчиларни ўйлантириб келган. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳақида турли хил назариялар мавжуд. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз.

**1. Теологик назария** вакиллари давлатнинг худо томонидан яратилганлигини уқтирадилар, «бутун ҳокимият худоники» деган қондани илгари сурадилар. Бу назария қадимда пайдо бўлган ва ўрта асрларда кенг тарқалган. Ушбу назария теократик, яъни давлат бошлиғи айна пайтда унинг диний раҳнамоси бўладиган давлат қарор топган даврдаги жараёнларни акс эттиради.

**2. Патриархал назария** тарафдорлари давлат катталашиб кетган оиладан бевосита келиб чиққан, монарх ҳокимияти эса гўё оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар. Ушбу назария Юнонистонда (қадимги Грецияда) пайдо бўлган ва Арасту (Аристотель) асарларида асослаб берилган, XVII асрда инглиз олими Фильмернинг «Патриарх» асарида ривожлантирилган. Муаллиф Инжилга асосланиб, Одам атонинг ҳокимиятни худодан олиб, ўзининг кагга ўғли — патриархга, у эса ўзининг авлодлари бўлган қиролларга берганлигини исботлашга уринган.

**3. Шартнома назарияси** XVII—XVIII асрларда ёйилган. Голландияда ушбу назарияни Гроций ва Спиноза, Англияда — Локк ва Гоббс, Францияда — Руссо, Россияда А. Н. Радищев ривожлантирган. Уларнинг фикрича, ҳокимият халққа тегишли бўлиб, халқ уни монархга берган. Агар монарх ҳокимиятни сунистеъмом қилса, халқ кўзғолон кўтаришга ва монархни тахтдан ағдаришга ҳақли бўлади.

Шартнома назариясига кўра, давлат — онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси. Давлат — ўзаро келишув асосида ва онгли тарзда бирлашган кишилар ташкилоти бўлиб, ана шу шартнома асосида улар ўзларининг эркинликлари ва ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

**4. Зўрлик назарияси** (Гумплович, Каутский)га кўра, давлатнинг келиб чиқиши асосида зўрлик ҳаракати, бир халқнинг бошқа халқни босиб олиши ётади. Давлат ғолибнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун тузилади.

**5. Ирригация назариясига** кўра, давлатларнинг келиб чиқиши, уларнинг илк шакллари Шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттфогелнинг «Шарқ истибдоди» асарида ифодалаб берилган.

**6. Синфий назария** намояндалари (К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин) фикрича, давлат иқтисодий сабаблар — ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши иқтисодий манфаатларга эга синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан. Ушбу жараёнларнинг объектив натижаси ўлароқ давлат ўзининг маҳсус бошқариш ва бостириш

воситалари билан ана шу синфларнинг курашини бостириб туради. Бунда давлат ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилади. В. И. Ленин давлатни синфларни келиштириш органи эмас, балки синфий ҳукмронлик органи, бир синфнинг бошқа синфни бостириш курали, бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлигини таъминлаш машинаси, деб ҳисоблаган.

## ДАВЛАТ ВА УНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

! «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда уч асосий назарий ёндашув мавжуд: *ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий*!

Биринчи ёндашувга кўра, давлат — умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. Иккинчи ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш курали бўлиб хизмат қилади. Учинчи ёндашувнинг асоси қуйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўзининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир.

! Албатта, учала ёндашувда ҳам муайян асос бор. Янглишув бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлақлаштирилганда бошланади.

! Давлат — суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилоти.

! Давлат — бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилот.

Давлат — жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳ, синф ва ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институт.

! Давлат — ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари бир-бирига жуда яқин бўлиб, бир-бирларини тақозо этади. Ҳокимият — ўзга кишилар хулқ-атвори (иродаси) ва фаолиятини бутун жамият ёки алоҳида ижтимоий гуруҳлар (шахслар) иродасига бўйсундириш қобилияти. Сиёсат эса юнонча «polis» сўзидан олинган бўлиб, «давлат ишлари», «давлатни бошқариш санъати» деган маънони англатади. «Сиёсат» ҳозирги замонда бошқарув бобида оқилона қарор қабул қилиш санъати ва қобилияти, деган маънони билдиради.

Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) *ўзига хос оммавий ҳокимият* — *давлат ҳокимиятининг мавжудлиги*, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги;
- 2) *аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги*. Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшашини билдиради;
- 3) *суверенитет*, яъни ички ва ташқи сиёсатни ўтказишда мустақил бўлиш;
- 4) *ҳуқуқ ижодкорлиги*, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар риоя этадиган қонунларни чиқаришга қодирлик;
- 5) *аҳолидан* давлат аппаратини сақлаш ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам беришга сарфланадиган *солиқларни тўлаш*;

**б) умумий функцияларни (вазифаларни) бажариш**, яъни ҳудудни кўриқлаш, жинойатчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш.

**Давлатнинг моҳияти ҳақидаги замонавий қарашлар:**

1) ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф этиш (ўзаро ёнбосиш, муро-са қилиш ва ҳ. к.) воситаси;

2) умумдемократик институтларни (инсон ҳуқуқлари, ошкоралик, демокра-тия, плюрализм ва б.) таъминлаш;

3) ташқи фаолият (мудофаа, босқинчиликдан ҳимояланиш, ҳудудий яхлит-ликни таъминлаш).

**Давлат ва ҳуқуқнинг — узвий боғлиқ ижтимоий ҳодисалар сифатидаги жи-ҳатлари:**

давлат — ҳуқуқни шакллантирувчи сиёсий механизм;

давлат ҳуқуқнинг амал қилишини кафолатлайди ва уни бузилишдан сақлай-ди;

муайян давлатга ҳуқуқнинг тарихан шаклланган муайян тури мос келади;

ҳуқуқнинг юзага келиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ;

ҳуқуқ давлат нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни мустақамлайди ва тартибга солади;

ҳуқуқ мамлакатдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва давлат-нинг халқаро майдонда муомала қилиш тилидир.

## **ДАВЛАТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

**Давлатнинг функциялари** давлат фаолиятининг асосий йўналишларидир.

**Давлат функцияларининг асосий белгилари:**

1) *мазмуни* — давлат фаолияти бир хил жиҳатларининг йиғиндиси;

2) *миқёси* — функциялар давлатни бир бутун сифатида қамраб олади;

3) *хусусияти* — комплекс, мажмуавий;

4) *мақсади* — инсоннинг ижтимоий ҳимояланганлиги, ташқи хавфсизлик ва ҳ.к.

Давлатнинг функциялари ички ва ташқи функцияларга бўлинади.

**Давлатнинг ички функциялари мамлакат ички ҳаётини бошқаришга қаратил-ган фаолиятининг асосий йўналишларидир.**

**Ички функцияга қуйидагилар киради:**

1) регулятив (тартибга солиш, бошқариш);

2) кўриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш).

**а) Регулятив функция** давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўрнини белгилайди:

**иқтисодий:**

иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва жамият иқтисодий ҳаётига таъсир этиш;

иқтисодиётнинг давлат секторини бошқариш;

бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ўрнатиш ва нарх-наво сиёса-тини белгилаш;

**ижтимоий:**

ижтимоий бойликни тақсимлаш;

аҳолининг энг кам муҳофазаланган қисмини (ногиронлар, кўп болали оила-

лар, ишсизлар) ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти кабиларни ташкил этиш; соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантириш, жамоат транспортини ташкил этиш, уй-жой қуриш ва ш.к.

*сиёсий:*

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш;

барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш:

*маънавий:*

санъатни қўллаб-қувватлаш;

миллий маданиятни ривожлантириш;

жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

*молиявий:*

солиқ тўплаш;

божхона назорати;

бевосита молиявий назоратнинг ўзи.

б) *Қўриқлаш функцияси* давлатнинг ҳуқуқ билан мустаҳкамланган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги фаолиятини тақозо этади:

а) фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;

б) табиатни муҳофаза қилиш;

в) барча шакллардаги мулкларни ҳимоя қилиш;

г) ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

*Ташқи функциялар — давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий ўйналишлари.*

1. *Халқаро ҳамкорлик:*

ташқи сиёсий фаолият;

ташқи иқтисодий фаолият.

2. *Мудофаа ва миллий хавфсизликни таъминлаш.*

*Халқаро ҳамкорлик* ҳар қандай давлат учун ҳаётий заруратдир. Ер юзида ҳозир 200 дан ортиқ давлат бор. Уларнинг ҳар бири меъёрида ҳаёт кечириниш ва ўзаро ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезади.

Халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этувчи умум эътироф этган принцип ва қоидаларнинг бутун бошли мажмуасини ишлаб чиққан. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик ана шу принциплар асосида амалга оширилади.

Суверен давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, энг нуфузли халқаро ташкилот бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзосидир.

Давлатнинг мамлакат *мудофааси* ва *хавфсизлигини* таъминлаш функциясини, энг аввало, мамлакатнинг Қуролли Кучлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати бажаради.

## ДАВЛАТНИНГ ШАКЛЛАРИ

*Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир<sup>1</sup>.*

*И. А. Каримов*

Давлат шакли деганда, давлатнинг тузилиши ва бошқарув усулини белгилайдиган ташқи хусусиятлари тушунилади. Давлат шакли қуйидаги уч элементни ўзида ифодалайди:

- давлат бошқаруви шакли;
- давлат тузилиши шакли;
- сиёсий режим.

Ушбу элементлар давлат қандай ташкил этилганлигини ва давлат ҳокимияти қандай усулларда амалга оширилишини кўрсатади.

**Бошқарув шакли** деганда, олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади.

Бошқарув шаклига кўра давлатлар монархия ва республикага бўлинади.

«**Монархия**» сўзи юнончада «якка ҳокимлик» маъносини билдиради. Монархия олий ҳокимият якка ҳоким — давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқаруви шаклидир.

*Монархиянинг асосий белгилари* қуйидагилардан иборат:

- 1) монарх давлатни шахсийлаштиради, ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқади;
- 2) монарх давлатни якка ўзи бошқаради;
- 3) монарх ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинади;
- 4) монарх ўз фаолиятида расман мустақилдир;
- 5) ҳокимиятни ўрнатиш, қабул қилиш (легитимлаштириш)нинг алоҳида тартиби мавжуд;

6) муддатсиз, умрбод бошқарув;

7) монарх ўз бошқарувининг натижаси учун юридик жиҳатдан жавобгар эмас.

Монархия *мутлақ* ва *чекланган* (ёки *парламентар*) шаклларда бўлади.

Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (қирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида), бундай монархия *мутлақ монархия* дейилади.

Агар монархнинг ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия *чекланган, конституциявий, парламент* шаклидаги монархия бўлади (масалан, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция).

«Республика» сўзи юнончада «умумий иш» маъносини билдиради. **Республика** давлат бошқарувининг ҳокимият олий идоралари муайян муддатга сайланадиган шаклидир.

*Республиканинг асосий белгилари* қуйидагилардан иборат:

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ватан сажлағоҳ каби муқалласдир. Т. 3. Т., 1996. 6-бет.

- 1) ҳокимият олий идораларининг сайлаб қўйилиши;
- 2) ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши;
- 3) ҳокимият олий органларининг ўз қарорларини сайланган муддати давомида қабул қилиши;
- 4) қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи орган бўлган судлар обрўининг ортиши;
- 5) фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок эта олиши.

Республикалар *президентлик* республикаси ва *парламентар* республикаларга бўлинади.

*Президентлик республикасида* давлатни халқ сайлайдиган ва жуда кенг ваколатларга эга бўлган Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Бундай республикада ҳукуматни президент тузади. Президентлик республикасининг мисоли сифатида АҚШ ва Ўзбекистон Республикасини келтириш мумкин.

*Парламентар республикада* давлат бошлиғи сайланувчи мансабдор шахс бўлиб, нисбатан торроқ ваколатларга эга. Бунда президентни парламент сайлайди. У расман давлат бошлиғи ҳисобланиб, асосан вакиллик функцияларини бажаради. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга бўлади. У ҳукуматни бошқармайди (ҳукуматни бош вазир бошқаради). Аммо ҳукумат уни тарқатиб юбориши мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир. Парламентар республикага Австрия, Италия, Германия мисол бўлади.

Республика шаклидаги бошқарувнинг яна бир кўриниши **аралаш бошқарув**-дир. Бундай бошқарувда президентлик ва парламентар республикалар элементлари аралашиб кетган бўлади. Масалан, Францияда президентни халқ сайлайди. У жуда катта ваколатларга эга бўлади, аммо ҳукуматни бошқармайди.

**Давлат тузилиши шакли** унинг маъмурий-ҳудудий ташкил этилишидир.

Давлат тузилиши бўйича барча давлатлар қуйидаги турларга бўлинади:

- унитар,
- федератив,
- конфедератив.

**Унитар давлат** — бу оддий, яхлит давлат. Бундай давлат вилоят, область, округ, воеводство, район, туман деб турлича номланадиган маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади. Бундай давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади. Унитар давлат одатда бир миллатли бўлади.

**Унитар давлат белгилари** қуйидагилардан иборат:

- 1) бутун мамлакат миқёсида бир хил бўлган вакиллик, ижроия ва суд органлари бўлади;
- 2) битта конституция;
- 3) ягона қонунчилик тизими;
- 4) ягона фуқаролик;
- 5) ягона пул бирлиги;
- 6) барча маъмурий-ҳудудий бирликлар учун умумий бўлган солиқ ва кредит сиёсати;
- 7) унитар давлатлар таркибий қисмлари суверенитетга эга эмас (яъни том маънодаги давлатлар эмас);
- 8) ягона армия мавжудлиги.

**Федератив давлат** — мураккаб, иттифоқдош давлат. Одатда у бир қанча

давлатларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бирлашганидан кейин бу давлатлар федерация аъзолари ёки субъектлари бўлиб қоладилар. Улар турлича аталиши (штатлар, ўлкалар, республикалар) ва ўз маъмурий-ҳудудий бўлинмаларига эга бўлиши мумкин.

Федерацияда ҳокимият идораларининг икки тизими амал қилади: федерал даражада ва федерация субъектлари даражасида. Федерал даражада ҳам, федерация субъектлари даражасида ҳам президент, парламент, ҳукумат бўлиши мумкин.

*Федератив давлат белгилари:*

- 1) федерация ҳудуди унинг субъектлари ҳудудидан ташкил топади;
- 2) олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерал давлат органларига тегишли бўлади;
- 3) федерация субъектлари ва федерациянинг ўзи ўртасидаги ваколатлар иттифоқ конституцияси билан ажратилади;
- 4) федерация субъектлари ўз конституцияси, ўзларининг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга;
- 5) федерациянинг олий қонун чиқарувчи (вакиллик) идораси икки палатали тузилишга эга (федерация аъзоларининг манфаатларини ифода этувчи қўшимча палата мавжуд).

Федерация ҳудудий ва миллий турларга бўлинади.

*Ҳудудий федерация* қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) федерациянинг ушбу турини ташкил этувчи давлат тузилмалари суверен давлатлар бўлмайди;
- 2) субъектлар халқаро муносабатларда бевосита иштирок этиш ҳуқуқидан конституция билан маҳрум этилган;
- 3) иттифоқдан бир томонлама чиқиш тақиқланган;
- 4) Қуролли Кучларни иттифоқ идораси бошқаради.

*Миллий федерациянинг* хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) субъектлари — миллий давлатлар ва миллий-давлат тузилмалари;
- 2) федерация субъектлари ихтиёрийлик принципига мувофиқ бирлашадилар;
- 3) катта ва кичик миллатлар суверенитети кафолатланади;
- 4) олий давлат идоралари федерация субъектларининг вакилларидан ташкил этилади;
- 5) миллатлар ўз тақдирини ўзи-белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Жаҳонда 20 тадан кўпроқ федерация бор. Федерация ва улар субъектлари ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам уйғун эмас. Тез-тез бунинг акси ҳам бўлади. Миллий-ҳудудий принцип бўйича тузилган федерациялардан бўлган Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия тарқалиб кетди.

Ҳозир амал қилаётган федерацияларнинг мисоли сифатида Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Бразилия, Россия Федерацияси, Ҳиндистонни келтириш мумкин.

**Конфедерация** — ўз суверенитети ва мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда у ёки бу мақсадга эришиш учун бирлашган давлатлар иттифоқи. Конфедерацияда ягона ҳудуд, ягона фуқаролик бўлмайди. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлади.

*Конфедерация белгилари* қуйидагилардан иборат:

- 1) мустақил давлатларнинг муайян мақсадларга эришиш учун бирлашган эканлиги;



- 2) конфедерация — мустаҳкам бўлмаган тузилма;
- 3) ягона ҳудуднинг йўқлиги (конфедерация унинг аъзолари бўлган давлатлар ҳудудидан ташкил топади);
- 4) ягона фуқароликнинг бўлмаслиги;
- 5) конфедерация субъектлари ундан эркин чиқиш ҳуқуқига эгадирлар;
- 6) конфедерация субъектлари иттифоқ ҳокимияти қонун ҳужжатларини нул-лификация қилиш (эътироф этмаслик ёки қўлламаслик) ҳуқуқига эгадирлар;
- 7) конфедерация ваколатига унча кўп бўлмаган (уруш ва тинчлик, халқаро сиёсат ва ҳ. к.) масалаларни ҳал этиш киради;
- 8) конфедерация бюджети унинг аъзоларининг ихтиёрий бадалларидан ташкил топади.

Конфедерациянинг мисоли сифатида 1848 йилгача бўлган Швейцарияни, ҳозир эса Европанинг 15 та давлатини бирлаштирган Европа Иттифоқини келтириш мумкин.

## СИЁСИЙ РЕЖИМ

**Сиёсий режим** давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва йўлларининг мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради.

**Демократия** (юнонча «халқ ҳокимияти») — инсон сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларининг кенглигини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти идораларини тузишда ва уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, халқ иродасини демократик ҳокимиятнинг ягона манбаи деб билишни англатади. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга: вакиллик демократияси ва бевосита демократия.

**Вакиллик демократияси** халқнинг ўз ҳокимиятини вакиллик идоралари, яъни демократик ҳокимиятнинг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали амалга оширилишини билдиради.

**Бевосита демократия** халқнинг демократик ҳокимият масалаларини ҳал этишда умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан тўғридан-тўғри иштирок этишидир.

**Демократик режим белгилари:**

- 1) шахснинг иқтисодий соҳада эркинлиги;
- 2) инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг эълон қилиниши ва кафолатланиши;
- 3) барча шакллардаги ва том маънодаги демократия;
- 4) ҳокимият ваколатларининг бўлиниши;
- 5) ижтимоий ҳаётда фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм), ижтимоий бирлашмаларнинг кўплиги;
- 6) қонун устунлиги.

Агар давлатда демократик режим ҳукмрон бўлса, демак бу давлатда фуқаролар умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла фойдаланадилар, давлат эса уларни нафақат тан олади, балки ҳар томонлама кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Бундай давлатда мафқуравий ва сиёсий хилма-хиллик конституция билан мустаҳкамлаб қўйилади, сиёсий партияларнинг фаолиятига рухсат этилади. Сиёсий партиялар олий ва маҳаллий ҳокимият идораларига депутатларни сайлашда

иштирок этиш орқали иложи борича кўпроқ аъзоларини ҳокимият идораларига киритишга ҳаракат қиладилар. Қоида тариқасида, демократик сайловда галаба қилган сиёсий партиялар ҳукуматни тузиш ва шу тариқа ўз сиёсатини ўтказиш ҳуқуқига эга бўладилар.

**Аксилдемократик режимга** хос хусусият шундаки, бундай режимда давлат идоралари ҳокимиятни амалга ошириш чоғида демократик принциплар ва қоидаларга риоя этмайдилар, уларни доимо ёки тез-тез бузадилар. Бундай сиёсий режимда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилади, кўпол равишда бузилади, мухолафат бартараф этилади (баъзан жуда шафқатсизлик билан), баъзида эса парламент сингари демократик институтлар йўқ қилинади.

*Аксилдемократик режим белгилари* қуйидагилардан иборат:

- 1) давлатнинг ҳуқуқдан устунлиги;
- 2) давлатнинг жамият ҳаёти барча соҳаларини назорат қилиши;
- 3) давлатнинг шахс манфаатларига бефарқлиги;
- 4) жамоат ташкилотларининг давлатлаштирилиши;
- 5) ижтимоий ҳаётнинг бутунлай ҳарбийлаштирилиши;
- 6) кам сонли миллатлар манфаатларига эътибор берилмаслиги.

Аксилдемократик режимлар ичида фашистик ва тоталитар режимларни кўрсатиш мумкин.

**Фашистик режимда** ҳар қандай мухолафат йўқ қилинади, бирон ирқнинг ҳукмронлиги эълон қилинади, бошқа ҳудудларни босиб олиш учун йўл очилади. 1933—1945 йиллардаги фашистлар Германияси ва ўша даврдаги фашистлар Италияси фашистик режимли давлатларга мисол бўла олади.

**Тоталитар режим** бир партиянинг ҳукмронлиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг поймол этилиши, кўпинча эса уларнинг ёппасига бузилиши, ўзгача фикрлашга қарши кураш, сайловчиларнинг сайловда муқобил депутатларни сайлаш имкониятининг бўлмаслигига асосланган бошқаруви деб таърифланади. Тоталитар давлат мисоли сифатида собиқ Совет Иттифоқини келтириш мумкин.

Сиёсий режим давлат шаклининг инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгиловчи энг муҳим элементидир.

## ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ

**Давлат механизми** — жамиятни бошқариш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширадиган давлат идоралари ва муассасаларининг тизими.

*Давлат механизмининг асосий белгилари* қуйидагилар:

- 1) таркиби — бошқарув фаолияти билан шуғулланадиган одамлар йиғиндиси;
- 2) бир-бирлари билан ўзаро алоқадорликда ва муносабатда бўлган идоралар ва муассасаларнинг мураккаб тизими;
- 3) давлат аппарати барча бўғинларининг функциялари, ташкилий ва молиявий воситалар, зарур бўлганда эса давлатнинг мажбурлов чоралари билан таъминланади;
- 4) мақсади — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш ва муҳофаза қилиш.

**Давлат идораси** (органи) — давлат механизмининг қонунга мувофиқ равиш-

да ўз тузилишига, ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасини бошқариш бўйича аниқ белгиланган ваколатига эга бўлган ҳамда давлат механизмнинг бошқа қисмлари билан узвий алоқадорликда бўлган ва яхлит бирлик ҳосил қиладиган таркибий қисми.

*Давлат идорасининг белгилари:*

- 1) қонун чиқариш йўли билан ташкил топиши;
- 2) ваколати — ушбу идора мустақил ҳал эта оладиган масалалар доираси;
- 3) ҳуқуқий асосда функционал фаолият кўрсатиши;
- 4) давлат аппаратида мустақил ўрин тутиши;
- 5) бошқа идоралар билан алоқада бўлиши;
- 6) тузилиши (ички тузилиши).

*Давлат идоралари қуйидаги турларга бўлинади.*

**1. Вакиллик идоралари:**

қонун чиқарувчи;  
маҳаллий ҳокимият идоралари.

**2. Ижроия идоралари:**

марказий идоралар;  
давлат бошлиғи (монарх, президент);  
ҳукумат;  
вазирлик ва давлат қўмиталари;  
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар (прокуратура; ички ишлар вазирлиги ва унинг органлари; адлия вазирлиги; миллий хавфсизлик хизмати);  
маҳаллий идоралар (Ўзбекистонда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари).

**3. Суд ва конституциявий назорат идоралари:**

Конституциявий суд;  
Олий суд ва умумий юрисдикция судлари;  
Олий ҳўжалик суди ва унинг вилоят (шаҳар) бўғинлари.

## **ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ**

*Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуңлиги таъминланишидир<sup>1</sup>.*

**И. А. Каримов**

**Ҳуқуқий давлат** — ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуңлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларнинг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

*Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларига қуйидагилар киради:*

**1. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги.** Давлат ҳудудида бўлган барча шахслар — ушбу давлат фуқаролари, хорижликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар, мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти идоралари ҳуқуққа бўйсунадилар.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996. 125-б.

2. *Конституция ва қонунларнинг устуңлиги.* Конституция ва қонунлар ҳуқуқий нормалар тизимида олий юридик кучга эгадир. Турли хил давлат идоралари чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмаслиги керак.

3. *Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши.* Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан тегишли бўлиб, улар инсондан ажралмасдир. Гап, энг аввало, инсоннинг яшаш, эркинлик, дахлсизлик ва хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида бормоқда. Барча фуқаролар қонун ва мустақил суд олдида тенгдирлар.

4. *Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти.* Давлат қонунларда шахс эркинлигининг метёрини белгилаб қўяр экан, худди шу чегараларда ўзини ҳам қарор қабул қилишда чеклаб қўяди.

5. *Жамиятда ҳокимиятнинг қонунийлиги (легитимлиги).* Ҳокимият қонуний деб эътироф этилиши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: демократик сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлиши; самарали фаолият юритиб, жамиятда барқарорлик ва қатъий тартибни таъминлаши; ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам халқаро миқёсда тан олиниси.

6. *Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши.* Давлат ҳокимияти бир қўлда тўпланиб қолмаслиги учун ҳокимиятнинг учта тармоғини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ажратиб қўйиш керак. Ушбу ҳокимият тармоқларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида амал қилади.

7. *Суднинг мустақиллиги.* Суд давлат ҳокимиятининг бошқа икки тармоғи каби мустақилдир. Бошқача айтганда, суд фаолиятига ҳеч кимнинг аралашшига йўл қўйилмайди.

8. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.* Агар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол этилса ёки бунга таҳдид мавжуд бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар унга ёрдам беришлари керак, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишлари керак.

9. *Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.* Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи жамиятдаги ҳуқуқий онг даражасидир. Ҳуқуқий онг — ҳуқуққа муносабат, қонун талабларини бажариш зарурлигини англаш даражасини ифодалайдиган ҳуқуқий қарашлар йиғиндиси. Ҳуқуқий маданият амалдаги қонунларни билиш, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва ҳуқуқий қоидаларга риоя этишда намоён бўлади.

10. *Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.* Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолатланиши, халқ давлат бошқарувида доимо иштирок этиши, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши ва маълум бир муҳолафатнинг бўлиши зарур.

## **ДАВЛАТЛАР ТАСНИФИ: ЭТАТИК ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ**

XXI аср бошига келиб, дунёдаги давлатлар сони 200 тага етди. Ҳозиргача мавжуд бўлган кўп сонли давлатларни бир-биридан ажратиш мақсадида уларни турли асосда таснифлаш русум бўлган. Бунда уларни **этактик** ва **ҳуқуқий** давлатларга ажратиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Унинг замирида давлатнинг ҳуқуққа бўлган муносабати, шунингдек, давлатнинг жамиятни бошқариш шакл ва усуллари тизимида ҳуқуқнинг туган ўрни ётади.

**Этатик** давлатларнинг фаолиятига хос жиҳат шундаки, барча фуқаролар ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектлари мажбурий ва сўзсиз риоя этиши ҳамда бажариши шарт бўлган қатъий буйруқ ва фармойишлар кўпчиликини ташкил этади. Бундан ташқари, мазкур субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллиги, давлатга нисбатан автономлиги ниҳоятда чекланган бўлади. Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг шахсий ҳаёти соҳасини ўзининг бевосита бошқаруви ва қарамоғига олишга ҳаддан ташқари интилиши кучайган бўлади. Шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ўрни, нафақат қонуннинг аниқ ва барқарор қоидаларига, балки улар кундалик ҳаётда кўпроқ тўқнашиб турадиган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг субъектив фикрига ҳам боғлиқ бўлади.

**Ҳуқуқий** давлатларда давлат бошқаруви ҳуқуқнинг устунлигига асосланади ва шу боис нафақат расмий органлар ва мансабдор шахсларнинг мақсадига, балки фуқаролар ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини таъминлаш ҳамда кафолатлаш заруратини ҳисобга олувчи ҳуқуқий шакл ва усулларга боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий давлатларга барча иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жараёнлар, шунингдек, кишилар орасидаги алоқаларга аралашув бегонадир. Бундай давлатларда ижтимоий бирлашмалар фаолиятига бир қадар мустақиллик ва эркинлик берилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқлари мустаҳкамланади ва уларга риоя этилади.

Шунингдек, **оралиқ турдаги** давлатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ушбу иккала давлат хусусиятларини мужассамлаштиради. Мазкур давлатлардан баъзилари ўз хусусияти, табиати ва йўналиши бўйича этатик давлатларга яқин бўлса-да, ўз фаолиятида алоҳида ҳуқуқий принциплар ва асосларга риоя этишга ҳаракат қилади. Бошқалари эса, аксинча, этатизм белгиларини сақлаб қолган ҳолда ҳуқуқий давлатларга яқинлашади.

Этатик давлатларга тоталитар ва авторитар тузумдаги барча турдаги давлатлар, ҳуқуқий давлатларга эса фақат тараққий топган ва юксак ривожланган давлатлар киради. Собиқ совет давлати ноҳуқуқий, этатик давлатнинг типик намунасидир. Унда конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муносиб ўринга эга бўлмай, ўз аҳамиятига кўра партия органларининг ҳужжатларига ён босар, бошқарув эса маъмурий-буйруқбозлик усулларига таянар эди. Бундан ташқари, давлат ўз фуқароларига нисбатан зўравонлик ва адолатсизликка йўл қўяр, XX асрнинг 30—50 ҳамда 80-йилларида эса айбсиз одамларга нисбатан ўзининг миқёси ва шафқатсизлиги бўйича мисли кўрилмаган оммавий-сиёсий таъқибларни амалга оширган эди.

Ҳозирги замон бошқарувида ҳуқуқнинг устунлиги ҳақидаги ғоялар таъсирининг ўсиб бориши муносабати билан ўз конституциялари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида ҳуқуқий давлатга мансублигини эълон қилаётган давлатлар сони мунтазам ўсиб бормоқда. Бироқ мазкур эълонларни ушбу мамлакатлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи билан таққослаб кўриш зарур. Хусусан, аввалги ноҳуқуқий давлатни ҳуқуқий давлатга амалий тарзда қайта ўзгартириш учун қандай шароитлар яратилганлиги ва улар қандай босқичда эканлигини объектив равишда аниқлаб олиш, яъни мазкур жараённинг бошланғич, оралиқ ёки якуний босқичда эканлигини билиш керак, зеро давлатнинг ўзи ҳақидаги тасаввур иундаги ҳақиқий шароит билан тафовутда бўлади.

Ҳуқуқий давлатларнинг вужудга келиши давлат-ҳуқуқий жараёнларнинг узоқ муддатли эволюциясидаги қонуний натижаси, бошқарувнинг илғор, тараққий-парвар ва самарали бошқарув институтларининг ўзига хос табиий танланишининг самараси бўлди. Бунга давлат бошқарувидаги ҳуқуқий шаклларнинг маъмурий-мақамачилик шаклидан устунлигини назарий жиҳатдан англаб етиш сабаб бўлган эди.

## **ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ МАНБАЛАРИ**

Эндиликда жаҳонда ҳуқуқий давлатларнинг сони эстатик давлатлар сонининг камайиши ҳисобига ўсади, деб эътироф этиш мумкин. Бироқ бу тараққиётнинг умумий йўналиши бўлиб, уни оддий тарзда изоҳлаб бўлмайди. Зеро, турли мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг реал нисбатидан келиб чиққан ҳолда башорат қилиниши қийин бўлган ҳамда тараққиётнинг умумий йўналишига мос келмайдиган бурилишлар юзага келиши мумкин. Масалан, алоҳида давлатлар ҳуқуқий давлат маррасига етганидан сўнг, кейинчалик тоталитар ва авторитар тузумлар сари юз тутиши ҳам мумкин. Бироқ, шундай бўлса-да, умумий тараққиёт муқаррардир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатнинг назарий манбалари ўтмишга бориб тақалганини таъкидлаш жоиз. Қадимда ўтган буюк алломалар (Афлотун, Арасту) ҳуқуқнинг улкан ижобий аҳамиятини ҳисобга олмаган давлат мустақкам, барқарор ва ишончли бўла олмаслиги ҳақида фикр билдирганлар. Ҳуқуқ давлат ҳукмдорларининг зўравонлигига қарши посанги сифатида баҳоланган, яъни қонун ҳеч кимнинг ҳукмронлиги остида бўлмаслиги керак, зеро у барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳаракатларини йўналтиришга хизмат қилади.

Дастлаб тарқоқ бўлган, баъзида эса алоҳида фаразлар сифатида намоён бўлган ғоялар замирида кейинчалик ҳуқуқий давлатнинг изчил ва яхлит концепцияси вужудга келди. Унинг асосчилари Ж. Локк, И. Кант, В. Гумбольд, Г. Еллинек, К. Шмидт ҳисобланади. Мазкур алломаларнинг қарашларида тафовут бўлса-да, умуман олганда, улар бир нарсада ҳақдирлар, у ҳам бўлса, давлатнинг ўзи ҳуқуқий қонун-қоидаларга амал қилиши ва буни ижтимоий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларидан талаб қилиши кераклигидан иборат. Ҳуқуқий давлатнинг назарий концепцияси қоидаларини қатор давлатлар ҳаёт фаолиятининг амалиётига татбиқ этиш консерватив кучларнинг қаршилигига учраган ва уни енгган ҳолда давлат ва жамоат фаолиятининг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар билан нишонланган. Чунончи, бутун давлат тизимини барпо этиш ва амал қилиш принциплари демократлаштирилган, шахс мақоми реал мазмун билан тўлдирилган, ҳуқуқий қадриятлар бирламчи аҳамиятга эга бўла бошлаган, мансабдор шахсларнинг зўравонлигига барҳам берилган, уларнинг фаолияти аста-секин тартибга солинган ва тўғри йўлга қўйилган.

Ҳуқуқий давлатларнинг пайдо бўлиши ва кўпайиб бориши инсонлар жамиятининг сиёсий тараққиётида янги босқич бўлди. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва амалиётининг ушбу мислсиз ютуғи замонавий цивилизациянинг улкан муваффақиятга эришганидан далолат беради. Ҳуқуқий давлатларнинг мавжудлиги, ҳаётнинг барча тармоқларида эришаётган кундалик ютуқлари бошқа мамлакатлар учун маёқ вазифасини ўтайди ҳамда уларга адолатли ва инсонпарвар давлат қуриш йўлларини кўрсатади.

## ХУКУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хукуқий давлат этатик давлатдан бутунлай ажралиб туради. Мазкур тафовут давлат ҳокимиятини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг барча тарафлари, шунингдек, олдида турган вазифаларни ҳал этиш шакл ва усуллари, жамият, миллат ва элатлар, ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида фуқаролар, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари каби тармоқларни қамраб олади. Улардан энг муҳимларига тўхталамиз.

1. Хукуқий давлатда ҳокимиятнинг бутун механизми — ҳар бир орган, мансабдор шахс — ўз фаолияти давомида хукуқий принциплар ва қоидаларга таянади, ўз фаолиятини улар билан боғлайди. Хукуқий нормалар нафақат аҳоли учун, балки давлат органлари ва мансабдор шахслар учун ҳам мажбурий бўлади. Уларнинг хукуқ чегараларидан чиқишига умуман йўл қўйилмайди ёки имкон берилмайди. Агар этатик давлатда расмий органлар ва мансабдор шахслар хукуқни ўзлари учун иккинчи даражали ва мажбурий эмас деб тушунсалар, хукуқий давлат шароитида бундай ҳолат, аксинча, умуман номақбул ва ножоиз ҳисобланади, шу сабабдан у секин-аста енгиб ўтилади.

2. Хукуқий давлатда этатик давлат учун хос бўлган ҳолат, яъни хукуқ ва қонун ўртасидаги масофанинг узайиб кетишига йўл қўйилмайди. Ундаги давлат органларининг барча норматив ҳужжатлари ўзининг мазмун-моҳияти ва йўналиши, қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби, қонуний кучга киритиш, қўллаш, амалга ошириш ва бузилишлардан муҳофаза қилиш хусусиятларига кўра хукуқнинг юксак талабларига жавоб беради. Қонунчилик мунтазам равишда хукуқий принципларга асосланади, уларни ўзига сингдиради, улардан асло чекинмайди. Давлат органларининг нохукуқий норматив ҳужжатларни қабул қилиши ва уларга амал қилишига умуман йўл қўйилмайди. Этатик давлатларда эса кўпинча бунинг акси эканлигига шоҳид бўламиз.

3. Хукуқий давлат норматив қонунларни қабул қилиш ва эътироф этиш билан чекланиб қолмайди. У мазкур қонунлар зарурий равишда ҳаётга татбиқ этилиши, барча жисмоний ва юридик шахслар, давлат ва жамоат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини керакли йўналишга солишга катта аҳамият беради. Давлатнинг хукуқни амалга ошириш борасидаги фаолияти асосий вазифа ҳисобланади. Шу боис унда «қоғозда қолган», амал қилмайдиган қонунлар умуман бўлмайди. Аксинча, этатик давлатда кераксиз қонунларнинг «уюмлари»ни ҳеч ким тозалашга уринмайди ҳам. Хукуқий давлатда ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир субъекти давлат органларининг амалдаги норматив ҳужжатларини албатта бажариш кераклигига астойдил ишонади (бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас), зеро бу хукуқ-тартиботнинг барқарорлиги муҳитини яратади ва жамиятда юридик нигилизмнинг тарқалиши ҳамда одамларнинг хукуққа менсимай муносабатда бўлишини бартараф этади.

4. Хукуқий давлатда давлат норматив ҳужжатларининг амал қилишида субординацияга риоя қилинишига катта аҳамият берилади. Унда хукуқ манбалари, яъни норматив ҳужжатларнинг қатъий бўйсундирилган тизими шаклланади, амал қилиши ва ривожланади. Бу тизимда ҳар бир ҳужжатнинг ўрни унинг юридик кучига боғлиқ бўлади. Мазкур хукуқий манбалар «эхроми»нинг чўққиси — юқори юридик кучга эга бўлган конституция ҳисобланади. Ҳеч қандай хукуқий манба конституция нормалари ва принципларига зид бўлиши мумкин эмас. Аксинча, давлат

органларининг барча норматив ҳужжатлари ва ҳуқуқнинг бошқа манбалари конституцияга асосланиши, уни аниқлаштириши, тўлдириши ва мазмунини ривожлантириши лозим. Шунга мувофиқ равишда конституциявий ва оддий қонунлар тузилади, юридик пиллапоя (пирамида)нинг қуйи «қаватлари»да давлат раҳбарининг ҳужжатлари, ҳукумат фармонлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ва кўрсатмалари, маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи органларнинг ҳужжатлари, ҳуқуқий одатлар, суд ва маъмурий прецедентлар<sup>1</sup> яратилади. Кам юридик кучга эга бўлган ҳужжатларга юқорироқ юридик кучга эга ҳужжатларга нисбатан устун аҳамият берилиши тоталитар ва авторитар давлатларга хос бўлиб, ҳуқуқий манбалар субординацияси ва иерархиясини бузади, шу боис ҳуқуқий давлат учун зид ҳисобланади.

5. Ҳуқуқий давлатда, биринчидан, шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенг миқёсда қамраб олинганлиги, нормал ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда жамият олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун етарлилиги билан ажралиб туради. Иккинчидан, ҳуқуқлар билан ажралмас бирликда мажбуриятлар тизимининг мутаносиб ва мувофиқ тизимини ўз ичига олади. Учинчидан, ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш реал юридик кафолатлар билан мустаҳкамланган. Бунда ижтимоий муносабатларнинг бир турдаги субъектлари орасида тенгликни мустаҳкамлашга, синфий, миллий, уруг-аймоқчилик имтиёзларини белгилаш ва бу орқали улардан бирига имтиёз бериб, иккинчисини имтиёзлардан маҳрум этишга йўл қўйилмайди. Субъектлар орасида мазкур тенгликнинг йўқлиги эстатик жамиятнинг ҳуқуқий амалиёти учун хосдир. Айни пайтда ҳуқуқий давлат шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик қилади.

6. Барча давлат идоралари ҳамда ижтимоий институтлар ва тузилмаларнинг легитимлиги — ҳуқуқий давлатнинг алоҳида белгиларидан бири. Ҳуқуқий давлатда етарли юридик асосга эга бўлмаган институтлар ва тузилмалар учрамайди. Башарти улар мавжуд бўлса ҳам, узоқ муддат муваффақиятли фаолият кўрсата олмайди, пировардида енгиб бўлмас қийинчиликларга учраб, тарих саҳнасидан тушиб кетади. Давлат институтлари ва тузилмаларининг кўпчилиги қонун асосида, белгиланган тартибларга риоя қилинган ҳолда, уларнинг мақсади, вазифаси, амал қилиш шакл ва усуллари аниқ белгиланган ҳолда яратилади. Хусусан, бу қонунийлаштиришнинг рўйхатга олиш, ижозат бериш ва лицензия бериш усуллари, шунингдек, тегишли давлат органлари томонидан назорат-тафтиш ваколатларининг қўлланиши билан таъминланади. Ҳуқуқий давлатдаги муҳитнинг ўзи юридик муносабатда шубҳали институт ва тузилмаларнинг қисқаришига хизмат қилади, аксинча, қонунийлиги доимо тасдиқланадиган институтлар учун эса кенг имкониятлар яратиб беради.

7. Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятлар бўлиниши принципи эътироф этилади ва амалга оширилади. Шунга мувофиқ равишда ягона давлат ҳокимияти доирасида унинг учта мустақил тармоққа бўлиниши таъминланади. Булар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари бўлиб, улар ўзаро узвий муносабатда бўлади.

---

<sup>1</sup> Прецедент ҳуқуқи ҳуқуқнинг англо-саксон тизими амал қиладиган мамлакатларда кенг қўлланади ва амал қилади. Эндиликда бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам қўлланила бошлади.



Ҳокимиятнинг битта тармоғи бошқаларини «букиб олиши» ва бўйсундиришига йўл қўйилмайди. Мазкур принципнинг аҳамияти шундаки, у ҳокимиятнинг фақат битта орган ёки мансабдор шахс қўлида тўпланишига йўл қўймайди, натижада ички давлат аппаратида ҳокимиятнинг тенг тақсимланишини таъминлайди ҳамда диктаторлик тартиби юзага келишининг олдини олади.

8. Ҳуқуқий давлатда ички қонунлар ҳамда умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасида оптимал мувофиқликни таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади. Халқаро ҳуқуқ нормалари ҳозирги замон ҳуқуқий цивилизациясининг ютуқларини мужассамлаштиради. Мазкур ютуқларга у ёки бу даражада ҳуқуқий давлатлар ҳам аралашади, зеро уларда одатда ички қонунлар олдида халқаро шартномалар (ҳаммасини эмас, фақат ратификация қилинганлари)нинг устуңлиги белгиланади ва бу шартномалар бевосита қўлланиши айтиб ўтилади. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар юридик тизимларининг ташқи дунёдан ажралганлиги ва чекланганлиги бартараф этилади, яъни улар жаҳон ҳамжамиятининг ҳуқуқий тизимига қўшилиб боради, умум эътироф этган принцип ва нормаларга риоя этиб, уларни ўз норматив ҳужжатларида акс эттиради.

9. Ҳуқуқий тартибот (айниқса, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари) бузилган ҳолларда ҳуқуқий таъсир қилиш ва ҳуқуқий ҳимоя механизми амал қилади, унда суд биринчи даражали ўрин тутаети. Мазкур механизм жиноятнинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш, айбдорларни жазолаш, янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига давлатнинг барча фармонлари тўлиқ бажарилиши лозимлигини уқтириш борасидаги вазифаларни комплекс равишда ҳал қилади. Агар ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар қандай бузилиши тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг эътиборидан четда қолмаса ҳамда тартибузарлар ҳар гал ҳақли жазо олсалар, бундай ёндашувнинг ўзи қонунни бузишнинг самарали умумий превентив, яъни олдини олувчи омили бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, бу давлатда қонунийликка риоя этиш шароитига таъсир этади. Ҳуқуқий давлатнинг юрисдикция, ҳуқуқ-тартиботни муҳофазалаш, ҳуқуқни ҳимоялаш ва превентив (олдини олиш) фаолияти ҳуқуқий талабларга қатъий риоя этиши зарур. Шу сабабдан жамият ҳаётининг ҳуқуқий фаоллиги этак давлатга қараганда анча юқори бўлади.

10. Ҳуқуқий давлат учун фуқароларнинг давлат олдида ва давлатнинг фуқаролар олдида ўзаро масъуллиги хосдир. Давлат нафақат ҳар бир одамга туғилишидан бошлаб тегишли бўлган ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларни тан олади, балки уларнинг ҳаётга реал татбиқ этилиши ва тажовузлардан ҳимоя қилинишини ҳам кафолатлайди. Аини пайтда, фуқаролар ўз ҳуқуқларидан давлат, бошқа фуқаролар, ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига зарар етказмаган ҳолда фойдаланишлари ва ўзларига юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, давлатнинг фуқаролар билан алоқаси мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, улар ўртасида муайян ҳуқуқларнинг вужудга келиши ҳамда муайян мажбуриятларнинг бажарилишини тақозо этади.

Юқорида келтирилган омилларнинг биргаликда амал қилиши жамият ва давлатда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, умум эътироф этганлиги ва устун мавқега эга бўлишига олиб келаети. Бу ижобий натижа ҳисобланади, зеро ҳуқуқ — инсоният тараққиётининг буюк неъматиди, ҳуқуқий тартибга солиш, бошқариш ва таъсир

этиш борасида тўпланган ижтимоий тажрибанинг асосий моҳияти, умуминсоний кадриятлар ва адолат, демократия ва тартиб-интизом каби юксак ғояларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги улкан аҳамияти ва вазифасини тушуниб етган давлатни ҳуқуқий давлатга қаторига қўшиш мумкин.

Демак, ҳуқуқий кадриятларнинг устуңлиги, уларнинг ҳам аҳоли, ҳам давлат хизматчилари орасидаги нуфузига эътибор берадиган, ўз фаолияти давомида ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ҳамда қонун талаблари доирасида амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймайдиган давлатни чинакам ҳуқуқий давлат дейиш мумкин.

## **ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ**

Ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти билан узвий боғланган бўлиб, усиз шаклланмайди, амал қилмайди ва ривожланмайди.

**Фуқаролик жамияти** — реал ижтимоий-иқтисодий замин бўлиб, унинг негизида ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисмлари вужудга келади, мустаҳкамланади, ўзининг яшаш қобилиятини намоён қилади ва такомиллашади, шунингдек, уларга зарур шарт-шароит ва замин яратиб берувчи ўзига хос «яшаш муҳити» бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий давлатни барпо этишдаги ютуқлар, мазкур жараённинг кўлами ва суръати, ундаги ижобий ва салбий натижаларнинг ўзаро нисбати ҳар қандай жамиятнинг фуқаролик жамиятига айлангирилишига кўмаклашади. Ўз навбатида, ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши ва ривожланиши жамиятнинг мустаҳкамланиши ва такомиллашувига ёрдам беради. Бинобарин, давлатнинг ҳуқуқий давлатга айланиш жараёни қанчалик кенг ва тўла амалга ошса, фуқаролик жамиятини ушлаб турадиган ва унга хизмат қиладиган ҳуқуқий таянч ва қурилмалар шунчалик ишончли ва салмоқли бўла бошлайди.

Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти орасида ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлиб, уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди. Уларнинг амал қилиш натижалари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирларига бевосита таъсир этади.

Фуқаролик жамиятига хусусий мулкчилик ва бозор муносабатларининг мавжудлиги, рақобат, тезкорлик, маҳорат асосида ҳўжалик ва тижорат ютуқларига эришаётган мулкдорлар аҳамиятининг ошиши хос. Фуқаролик жамияти ижтимоий етукликнинг маълум босқичига етганидан сўнг давлатнинг ҳукмронлигига йўл қўймаслик, у билан муайян тенглик, ўзаро уйғун муносабатлар ва алоқаларни ўрнатиш имкониятига эга бўлади. Фуқаролик жамиятининг ривожланиб бориш жараёнида давлатлар, жамиятлар ва шахслар орасидаги муносабатлар янги сифат даражасига кўтарилади, бирининг бошқаси устидан устуңлигига барҳам берилади. Жамиятда юзага келади зиддият, қарама-қаршилиқлар ва тўқнашувлар зўравонлик, бостириш ва кўзғолонларсиз, қонуний йўл билан ҳал қилинади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти турли-туман, бироқ бир-бирига яқин вазифаларни ҳал этади. Агар ҳуқуқий давлат ўзининг қонун ҳужжатларида шахснинг ҳуқуқларини мустаҳкамласа, фуқаролик жамияти унга юқори ижтимоий ҳолатини кафолатлайди. Мазкур ҳолат (статус) шахс ҳаёти ва фаолиятининг турли томонларига урғу беради ва бир-бирини тўлдиради. Ижтимоий ҳолат моддий,

ташкилий-техник имконияти, шунингдек, ҳар бир жамият учун хос синфий-гуруҳий, миллий-этник, ижтимоий алоқалар ва муносабатларни ифодалайди. Мазкур имконият ва имтиёзларга жамият ўз аъзоларини эга қилади. Жамиятда бундай имконият ва имтиёзлар қанчалик кўп бўлса, улардан фуқаролар шунчалик тўла-роқ фойдаланиши мумкин. Улар ҳуқуқий ҳолат мазмунини ташкил этувчи имкониятларни мустаҳкамлайди. Уларсиз имкониятларни амалга ошириб бўлмайди.

Давлат ва жамият томонидан қўлланадиган масъулиятлар институтларининг ўзаро алоқадорлиги шунга ўхшашдир. Ҳуқуқий тартибни бузувчи шахсларни давлат юридик жавобгарликка тортади, ноҳуқуқий тартибузарликларга эса ижтимоий-ахлоқий таъсир чоралари қўлланади. Бунда жавобгарликнинг мазкур институтлари ўзаро мувофиқликда бўлади ва бир-бирини тўлдиреди.

Фуқаролик жамияти ўз хусусияти, табиати ва асосий сифатлари, хусусан, эркинлик ва адолатлиликка эришиш, демократия ва инсоний муносабатларнинг мустаҳкамланишига йўналганлиги билан ҳуқуқий давлат принципларининг тасдиқланишига ёрдам беради, унга мойил бўлади. Бу нимада ифодаланади? Бунда фақат учта омилни ажратишимиз мумкин:

**биринчидан**, жамоат фикрида ҳуқуқнинг тутган юқори мавқеи, нуфузи, юридик институтлар, принциплар ва нормалари мустаҳкамланади ва тарбияланади;

**иккинчидан**, шундай муҳит юзага келадики, унда ҳуқуқий талабларни назарга илмаслик ва бузиш ғайритабiiй ҳолат сифатида баҳоланади, у умум эътироф этган жамоат тартибига мос келмайди;

**учинчидан**, жамият орқали юридик механизмни тўлдирувчи ҳуқуқни амалга оширишнинг муайян ижтимоий механизмлари ишлаб чиқилади. Уларга инсонларда фуқаролик жамияти шароитида шаклланадиган шахсий сифатлар — ахлоқий бурч, фуқаролик туйғуси, ўзига нисбатан талабчанлик, адолатсизликка мурасизлик, ижтимоий фаоллик кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Демак, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнлари бир-бирига кўмаклашади, бир-бири учун мақбул шароит ва замин яратади. Мазкур икки жараён, умуман олганда, параллел равишда юз беради, бироқ реал турмушда қайсидир даврда бир-бирдан илгарилаб кетади ёки, аксинча, ортда қолади. Бироқ, айтиб ўтилган жараёнларнинг юз бериш «синхронлиги» (уйғунлиги) жамият тараққиётининг бориши давомида яна тикланади.

Таъкидлаш жоизки, нофуқаровий жамиятни фуқаролик жамиятига ва эътиқат давлатни ҳуқуқий давлатга айлантириш — мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва маънавий жараёнлар бўлиб, тараққиётнинг кенг кўламини қамраб олади ва узоқ муддатга чўзилади.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ**

Ўзбекистон давлат мустақиллиги ва тўла давлат суверенитетига эришганидан сўнг адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг қурилишини эътироф этди. Шу билан бирга, аввалги тоталитар ўтмишга хос зўравонлик ва адолатсизликка барҳам бериш, инсоний ҳуқуқий қадриятлар, шахс ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишга нисбатан қатъиятлик изҳор этилди.

Ўтган йиллар ичида давлатчилик асосий институтларининг сиёсий-ҳуқуқий мазмуни ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясига му-

вофиқ, давлат бошқарувининг президентлик республикаси шакли жорий этилди. Президентлик институти давлат тизимида энг муҳим ҳисобланади, у мамлакатдаги ишлар аҳволига, ҳокимият учта тармоғининг фаолияти, ички ва ташқи сиёсатнинг шаклланишига фаол таъсир қилади.

Қонун чиқарувчи институт ўзгарди. Аввалги Олий Кенгаш (у бир қатор ҳужжатларни, жумладан, Мустақиллик декларацияси, Конституция, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун, мулкчилик, фуқаролик тўғрисидаги қонуларни қабул қилган) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўз ўрнини бўшатиб берди. У фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолатланиши ва таъминланиши, демократияни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, хусусий мулкчиликни киритиш ва ишбилармонлик тизимларини қўллаб-қувватлашга доир фаолият билан шуғулланади. Ижро этувчи ҳокимият Президент ва ҳукуматнинг бевосита раҳбарлигида фаолият кўрсатади. Унга иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қонунларнинг бажарилишини таъминлаш, кундалик давлат бошқарувини амалга ошириш каби вазифалар юклатилган.

Ҳокимиятнинг суд тизими ҳам ўзгаришларга учради. Ҳозирги вақтда Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Конституциявий суд амал қилмоқда, ҳуқуқ-тартибот органларининг тизими қайта ташкил этилмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги рамзларини шакллантириш ҳам ниҳоясига етди, Куролли Кучлар фаолият кўрсатмоқда, давлатнинг рамзий белгилари тасдиқланди ва қўлланмоқда. Республика ўзининг миллий валютасига эга бўлди.

Ҳуқуқий давлат — бизнинг келажакимиз, бироқ унга эришиш мураккаб вазифа бўлиб, ривожланишнинг бир қатор босқичларини қамраб олади ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоатчилик ва халқдан жиддий фаолликни талаб этади. Давлат ва жамоат ҳаётининг фаоллигини ўстириш, коррупция ва порахўрликка барҳам бериш, жиноятчилик ва суиистеъмолчиликка қарши курашиш, жамиятнинг юридик ва маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш лозим. Ҳуқуқни янгилаш, уни қўллаш ва муҳофазалаш механизмини такомиллаштириш, фуқароларда қонунга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жамиятга муайян ҳуқуқий муносабатлар ва юридик алоқаларни жорий этиш зарур. Давлатнинг муҳим вазифаларидан бири жамиятда қарор топган юридик нигилизми, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунни менсимаслик кайфиятини бартараф этиш, унинг ўрнига одамларда ижобий ҳуқуқий онгни шакллантириш лозим. Бундай комплекс ёндашув ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш вазифаларини ҳал қилиш имконини беради.

*Ҳуқуқ ижтимоий келишув ва тартибга солишга асосланган умумий тартиб-қоидалар йиғиндиси бўлиб, эркинлик, адолат ва ўзаро тенгликни амалга ошириш воситасидир.*

И. А. Каримов

## **И к к и н ч и б ў л и м**

### **ҲУҚУҚ ҲАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

- **Ҳуқуқ ва унинг белгилари**
- **Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар**
- **Ҳуқуқнинг функциялари**
- **Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқнинг ўрни**
- **Ахлоқ ва ҳуқуқ**
- **Ҳуқуқ нормалари ва уларнинг белгилари**
- **Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши**
- **Ҳуқуқ нормаларининг турлари**
- **Ҳуқуқ тизими. Ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари**
- **Ҳуқуқ манбалари ва уларнинг турлари**
- **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари**
- **Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ манбалари**
- **Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши**
- **Ҳуқуқбузарлик, унинг белгилари ва турлари**
- **Юридик жавобгарлик, унинг асослари ва турлари**

## ХУҚУҚ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

**Хуқуқ** — давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларининг тизими.

«Хуқуқ» ибораси икки маънода қўлланилади. **Объектив хуқуқ** — умуммажбурий хулқ-автор қоидаларининг йиғиндиси. Бу нормалар у ёки бу инсоннинг, субъектнинг иродаси ҳамда хоҳиш-истагидан қатъи назар мавжуд бўлади. **Субъектив хуқуқ** — муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган хуқуқ. Масалан, фуқаро Алиевнинг маълум нарсага, айтайлик, автомобилга нисбатан мулк хуқуқи.

Субъектив хуқуқ юридик жиҳатдан шахс эркинлигини таъминлайди, унга мустақиллик беради ва ташаббус кўрсатишига имкон яратади. Субъектив хуқуқ объектив хуқуққа асосланади, объектив хуқуқ бўлмаса, субъектив хуқуқ ҳам бўлмайди. Субъектив хуқуқ инсондан (ёки ташкилотдан), яъни хуқуқдор шахсдан ажралмаган ҳолда мавжуд бўлади.

Хуқуқ давлат билан чамбарчас боғланган. Давлатсиз хуқуқ бўлиши мумкин эмас, чунки айнан давлат хуқуқни келтириб чиқаради ва хуқуқий нормаларнинг амалга оширилишини кафолатлайди, хуқуқни муҳофаза қилади.

Ўз навбатида, давлат ҳам хуқуқсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, у ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи воситадан маҳрум бўлади.

**Хуқуқнинг асосий белгилари** қуйидагилардир:

- 1) давлат йўли билан ўрнатилиши;
- 2) барча учун мажбурийлиги;
- 3) хуқуқ нормаларининг қонунлар ва бошқа муайян манбаларда ифодаланиши;
- 4) субъектив хуқуқлар орқали ҳаракат қилиш;
- 5) давлат томонидан таъминланганлиги.

Хуқуқ адолатдан ажралмасдир. Рим хуқуқида хуқуқнинг ҳалол яшаш, ўзгаларни хафа қилмаслик, ҳар кимга кераклигини бериш каби қоидалари ёзиб қўйилган эди. Хуқуқ эзгулик ва адолатлилик санъатидир. Хуқуқда адолат мезони ифодаланади.

## ХУҚУҚНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ДОИР НАЗАРИЯЛАР

Давлат каби хуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам турли назариялар мавжуд.

**1. Табиий хуқуқ назарияси** — хуқуқ назарияларининг энг қадимийларидан бири. Унинг вакиллари хуқуқнинг ўзида адолатнинг мутлақ, ўзгармас ибтидосини мужассам этганлигидан келиб чиқадилар. Хуқуқ табиатан мавжуд, уни ҳеч ким ўйлаб топмаган, у худди инсоннинг ўзи каби табиийдир. Ушбу назария тарафдорлари табиий хуқуқни юридик нормаларнинг йиғиндиси кўринишидаги хуқуққа қарши қўядилар. Табиий хуқуқ — давлат интилиши зарур бўлган ўзига хос идеал.

2. **Ҳуқуқнинг тарихий назарияси** вакиллари ҳуқуқ тарихан пайдо бўлган ва ривожланади, деб ҳисоблайдилар. Ерга экилган уруғ каби у халқнинг онгида ўсиб боради ва адолат, қонунлар шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқ табиатдан келиб чиқмайди. У ёки бу халқнинг тарихий ҳаёти ҳуқуқни қандай кўринишга келтирса, у шундай бўлиб қолади.

3. **Ҳуқуқнинг психологик назариясида** ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини шахс ёки шахслар гуруҳининг психологияси билан изоҳланади. Ҳуқуқ психологик йўналишлар, турли кечинмалар, ҳиссиётлар ва инстинктларнинг маҳсули, деб қаралади.

4. **Ҳуқуқнинг синфий (марксистик назарияси)** ҳуқуқнинг синфий моҳиятига урғу беради. Бунда ҳуқуқ ҳукмрон синф иродасининг қонун даражасига кўтарилганлиги сифатида талқин этилади. Бу ирода мазкур синф ҳаётининг моддий шароитларидан келиб чиқиб белгиланади.

## **ҲУҚУҚНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

Ҳуқуқ жамият ҳаётида муайян функцияларни бажаради. Ҳуқуқнинг функцияси деганда, ижтимоий муносабатларга таъсир этиш, уларни тартибга солишнинг асосий йўналишлари тушунилади.

Ҳуқуқнинг асосий функциялари қуйидагилар: тартибга солувчи, қўриқловчи ва тарбиявий.

*Тартибга солиш* функцияси — тегишли ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатларни ва у ёки бу субъект фаол хулқ-атворининг мезонини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.

*Қўриқлаш* функцияси — ҳуқуқий муҳофаза ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, уларни қўллаш ва жавобгарликни ўташ тартибини ўрнатишдан иборат.

*Тарбиявий* функция — турмушда нималарни қилиш мумкин, нималар эса тақиқланади, у ёки бу вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилашдан иборат. Бунда ҳуқуқ ишонтириш методига таянади, зарур бўлганда мажбурлаш методини, ҳатто жазолашни ҳам назарда тутаяди.

## **ИЖТИМОЙ НОРМАЛАР ТИЗИМИДА ҲУҚУҚНИНГ ЎРНИ**

Жамиятда нормаларнинг икки тизими мавжуд: техникавий ва ижтимоий.

**Техникавий нормалар** «инсон — машина» муносабатларини тартибга солади. Агар техникавий нормалар бажарилмаса, Чернобиль атом электр станциясидаги каби фалокат содир бўлиши мумкин.

**Ижтимоий нормалар** — одамлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий хулқ-атвор қоидалари бўлиб, улар «инсон — инсон» муносабатларини тартибга солади. Ижтимоий нормаларнинг турларига қуйидагилар киради: ахлоқ нормалари, жамоат бирлашмалари нормалари, миллий урф-одатлар, халқларнинг одатлари, анъана нормалари, сиёсий ҳаёт нормалари, ҳуқуқ нормалари, диний нормалар.

*Ахлоқ нормалари* — эзгулик ва ёвузлик, шаън, қадр-қиммат, адолат ва ноҳақлик, бурч ва масъулият ҳақидаги ахлоқий тушунчаларга мувофиқ равишда жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари.

*Жамоат бирлашмаларининг нормалари* — жамоат бирлашмаларининг ўз фаолиятини тартибга солиш ва ташкилотларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ўрнатган хулқ-атвор қоидалари.

*Одат нормалари* — кишиларнинг кўп марта такрорланганлиги учун одатга айланган ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хулқ-атвор қоидалари.

*Анъана нормалари* — илғор анъаналарни асраш муносабати билан юзага келган умумлашган ва барқарор хулқ-атвор қоидалари.

*Маросим нормалари* — кишиларнинг маълум расм-русумларни бажаришдаги хулқ-автор қоидалари.

*Диний нормалар* — диндорларнинг худога, мачитга, черковга, бир-бирига муносабатини, диний бирлашмаларни ташкил қилиш ва уларнинг амал қилишини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари.

*Сиёсий нормалар* — алоҳида шахслар ва сиёсий бирлашмаларнинг ҳокимиятга муносабати масалаларини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари.

*Ҳуқуқ нормалари* — давлат томонидан белгиланадиган умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари.

Табиийки, ижтимоий нормаларнинг мазкур рўйхати тўлиқ эмас.

Ҳуқуқ нормаларининг бошқа ижтимоий нормалардан фарқини ҳуқуқ нормалари ва ахлоқ нормаларини таққослаш орқали кўрсатиб берамиз.

## АХЛОҚ ВА ҲУҚУҚ

Ахлоқ — кишининг жамиятдаги хулқини норматив тартибга солувчи усуллардан бири. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари — меҳнат, маиший турмуш, оила, сиёсат, халқаро муносабатлар ва шу кабиларга алоқадор. Ахлоқ — ижтимоий онг шаклларида бири, шу боис бутун ижтимоий онг сингари унинг ҳам тузилиши бир хил эмас. Жамият аксарият қисмининг асрлар давомида шаклланган ахлоқий тушунчалари алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг, боз устига алоҳида индивидларнинг ахлоқига мос тушмаслиги мумкин. Лекин, ҳар ҳолда, жамиятдаги ҳукмрон ахлоқ жамият аъзолари кўпчилигининг хулқ-атворини белгилаб беради. Ахлоқнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, *ахлоқ нормаларига амал қилиш жамоатчилик фикри орқали таъминланади.*

Жамиятдаги ёзилмаган хулқ-атвор қоидаларининг мажмуидан иборат бўлган ахлоқдан фарқли равишда **ҳуқуқ** — маълум юридик шакллар, яъни манбаларда, жумладан қонун, фармон, қарор ва ҳуқуқда намоён бўлувчи **ижтимоий хулқ-атвор қоидаларининг қатъий ифодаланган тизими**. Ҳуқуқ нормалари асосан ёзма шаклда бўлади.

Ахлоқдан фарқли равишда, *ҳуқуқ қоидалари умуммажбурий хусусиятга эга. Уларни бажариш давлатнинг мажбурлаш кучи орқали таъминланади.* Шу каби баъзи фарқларга қарамай, ахлоқ ва ҳуқуқ бир қанча умумий хусусиятларга эга.

Ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам, умуман олганда, бутун жамиятнинг, демакки, аҳоли аксарият қисмининг қарашлари ва тушунчаларини акс эттириши керак. Уларнинг ижтимоий ҳаётнинг айнан бир хил соҳаларини қамраб олишини ҳисобга олганда, улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслиги керак. Агар бундай зиддият пайдо бўлса, у ҳуқуқий нормаларни ўзгартириш орқали, яъни ахлоқ фойдасига ҳал қилиниши зарур.



**Ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги асосий фарқ** қуйидагиларда намоён бўлади:

1) ҳуқуқ нормалари давлат томонидан белгиланган ва рухсат этилган бўлади, ахлоқ нормалари (эзгулик ва ёвузлик, адолат ва ноҳақлик кабилар) эса давлатнинг ёрдамисиз ўз-ўзидан шаклланади;

2) ҳуқуқ нормаларида давлат иродаси, ахлоқ нормаларида эса жамоатчилик фикри ифодаланади;

3) ҳуқуқ нормалари, зарур ҳолларда, давлатнинг мажбурлов кучи орқали, ахлоқ нормалари эса жамоатчилик фикри орқали амалга оширилади;

4) ахлоқ нормалари ижтимоий муносабатларнинг кенгроқ доирасини (дўстлик, ўртоқлик ва ҳатто севгини ҳам) тартибга солади. Ҳуқуқ эса ижтимоий муносабатларнинг торроқ доирасини қамраб олади;

5) ҳуқуқда хулқ-атворни баҳолаш мезони «қонуний-ноқонуний», ахлоқда эса «яхши-ёмон»дан иборат;

6) ҳуқуқ нормалари аниқ кўринишга эга. Ҳатто баъзан бирор тиниш белгисининг қаерда қўйилганлиги ҳам инсон такдирини ҳал қилиши мумкин. Рус тилида машҳур бир ибора бор: «Помиловать, нельзя казнить» («Афв этилсин, қатл этиш мумкин эмас»). Бунда одамнинг ҳаёти сақлаб қолиниши керак. Агар вергул «нельзя» (мумкин эмас) сўзидан кейин қўйилса, у ҳолда ўша одам қатл этилиши керак бўлади: «Помиловать нельзя, казнить» (Бунда буйруқ «афв этиш мумкин эмас, қатл этилсин» маъносига эга бўлади).

Ҳуқуқ ва ахлоқ кўпинча бир йўналишда ҳаракат қилади. Баъзан ҳуқуқ жамиятнинг эскирган ахлоқ нормаларидан ҳалос бўлишига кўмаклашади (масалан, хун олиш). Шу билан бирга, ҳуқуқ ахлоқ («эзгулик» ва «адолат» тушунчалари) асосида шаклланади. Кўпинча, суд «шаън ва қадр-қимматни ҳақоратлаш», «қўполлик» ва бошқа шу каби тушунчаларни тўғри тушуниш мақсадида ахлоқ қоидаларига мурожаат қилади.

## **ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ**

«Норма» сўзи лотинчадан таржима қилинганда «қоида», «намуна» маъносини англатади.

**Ҳуқуқ нормаси** — давлат томонидан белгиланадиган, кафолатланадиган ва муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий хулқ-атвор қондаси.

Ҳуқуқ нормаси умумий хулқ-атвор қондаси сифатида:

1) ҳаётий муносабатлардаги типик, такрорланиб турадиган нарсаларни умумлаштириш зарураги натижасида шаклланади;

2) шахси аниқланмаган ва қўп марта қўллашга мўлжалланган бўлади;

3) ҳамиша қандайдир умумий белгиларга эга бўлган шахслар (ҳарбий хизматчилар, врачлар ва ш.к.)га қаратилган бўлади.

Ҳуқуқ нормаси давлат билан узвий алоқадордир.

Ҳуқуқ нормаси:

● давлатнинг (халқнинг) иродасини акс эттиради;

● давлат томонидан нормагив ҳужжатларда шакллантирилади;

● давлат томонидан муҳофаза қилинади, зарур бўлган ҳолларда давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади;

● жамият ва давлат нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни мустақкамлайди.

*Ҳуқуқ нормасининг асосий вазифаси — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш. Ҳуқуқ нормаси умуммажбурий хусусиятга эга. У ҳуқуқ тизимидаги бирламчи ҳужайрадир.*

Ҳуқуқ алоҳида нормалар, хулқ-атвор қоидаларидан ташкил топган. Улар биргаликда у ёки бу мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этади.

## **ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ**

Ҳуқуқ нормаси, тузилишига кўра, уч таркибий қисм: гипотеза, диспозиция ва санкциядан ташкил топган.

**Гипотеза** — ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда норма амал қила бошлайдиган, бажариладиган шароит баён этилади. Пенсия ҳақидаги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида эркакларга умумий меҳнат стажи 25 йил бўлганидан сўнг 60 ёшдан, аёлларга эса 20 йиллик стаж билан 54 ёшдан бошлаб социал таъминот бўлимлари томонидан пенсия тўланади.

**Диспозиция** — ҳуқуқ нормасининг шундай таркибий қисмики, унда хулқ-атвор қоидаларининг ўзи ифодаланади, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилади. Масалан, Жиноят кодексининг 223-моддасида белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш учун жавобгарлик белгиланган. Бу ҳуқуқ нормасининг диспозицияси — ҳукуматнинг рухсатсиз ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб ёнқи бунинг учун белгиланган чегара пункти орқали ўтмай, давлат чегарасидан ноқонуний ўтишнинг тақиқланганлигидир.

**Диспозиция** — шу хулқ-атвор қоидасининг ўзи. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиши лозим бўлган давлат мажбурлов чораларини белгилайдиган таркибий қисми санкция дейилади.

**Санкция** — ҳуқуқ нормасини бажармаганлик учун давлат органлари қўллайдиган мажбурлов чораси. Санкциянинг турлари ҳайфсан, жарима, озодликдан маҳрум этиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ нормаларининг мазкур таркибий қисмлари барча ҳуқуқ нормаларида ҳам мавжуд эмас. Масалан, конституциявий ҳуқуқ нормаларида одатда ҳеч қандай шартларсиз амал қиладиган ва мажбурлов чоралари назарда тутилмаган қоидалар баён этилади. Фуқаролик ҳуқуқининг кўпчилик қоидаларида санкцияни ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Жиноят ҳуқуқи нормалари диспозиция ва санкциядан ташкил топган. Лекин уларда норманинг матнида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган гипотезалар йўқ.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаси қуйидагиларни белгилаб беради:

- 1) ким, нимани ва қачон қилиши кераклигини (гипотеза);
- 2) ҳуқуқий норманинг маъно-мазмунини (диспозиция);
- 3) ҳуқуқ нормаси бажарилмаслигининг оқибатлари қандайлигини (санкция).

Таъкидлаш керакки, барча ҳуқуқ нормалари ҳам учала таркибий қисмга эга

эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари фақат гипотеза ва диспозицияга эга. Санкциялар эса Конституция нормаларини аниқлаштирувчи қонунлар, кодекслар ва шу кабиларда ифодаланган.

## ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Ҳуқуқий нормаларни улар мазмунидаги қоидаларнинг характерига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: ваколат берувчи, мажбурият юкловчи, тақиқловчи, императив (буйруқ берувчи) ва диспозитив (тўлдирувчи).

**Ваколат берувчи нормалар** — рухсат мазмунидаги нормалар бўлиб, нималарни қилиш мумкинлигини белгилайди.

**Мажбурият юкловчи нормалар** — нималарни қилиш зарурлигини белгиловчи нормалар.

**Тақиқловчи нормалар** — нима қилиш мумкин эмаслигини белгиловчи нормалар.

**Императив (буйруқ берувчи) нормаларда** қоида қатъий талаб шаклида акс эттирилиб, ундан бирон-бир тарзда четга чиқиш мумкин эмас (масалан, солиқ қонунчилиги нормалари).

**Диспозитив (тўлдирувчи) нормалар** муносабат қатнашчиларига масалани мустақил тарзда тартибга солиш ва тегишли хулқ-атвор вариантини танлаш имконини беради. Башарти, бундай имкониятдан фойдаланилмаса, норма муносабат иштирокчиларининг шартлашувини тўлдиради (масалан, иқтисодий фаолият иштирокчиларининг шартномавий алоқаларини тартибга солувчи нормалар). Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қатор моддаларида диспозитив нормалар бўлиб, уларда, одатда: «агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса» деган изоҳ мавжуд.

Бажарилиши шарт бўлган ёки, аксинча, ман этилган хулқ-атвор қоидаларини баён қилишнинг тўлалиги бўйича диспозициялар оддий, тавсифловчи, бланкет ва ҳавола этувчи диспозицияларга бўлинади. **Оддий** диспозицияда қилмиш тавсифлаб берилмайди, балки барчага маълум термин (масалан, «қасддан одам ўлдириш» термини — ЖКнинг 97-моддаси) ёрдамида таърифланади. **Тавсифловчи** диспозиция ҳуқуқбузарлик белгиларининг тўлиқ баёнини ўз ичига олади. Масалан, ўғрилик ўзгалар мулкани яширин равишда талон-тарож қилишдир (ЖКнинг 169-моддаси).

**Бланкет** диспозиция ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормаларида белгиланган махсус қоидаларга ҳавола қилади. Масалан, Жиноят кодексига техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган (ЖКнинг 257-моддаси). Бу қоидаларнинг мазмуни Жиноят кодексига эмас, балки ЖКнинг моддаларини қўллашда мурожаат қилиш зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатларда очиб берилади. **Ҳавола этувчи** диспозиция деганда, ҳуқуқбузарлик белгиларига эга бўлмаган, балки ўша қонуннинг бошқа нормасига ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола этувчи диспозиция тушунилади.

Аниқлик даражаси бўйича санкцияларни мутлақ аниқ, нисбий аниқ ва муқобил санкцияларга ажратиш мумкин.

**Мутлақ аниқ** санкция ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган жазонинг ҳажмини аниқ белгилайди. Масалан, Фуқаролик кодексига кўра, давлат органлари

ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида фуқарога етказилган зарар тўлалигича қопланиши шарт.

**Нисбий аниқ** санкция ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган жазонинг энг кам ва энг кўп чегарасини белгилайди. Жиноят ҳуқуқида бундай санкциялар кўп. Масалан, бошқинчилик жинояти беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖКнинг 164-моддаси).

**Муқобил** санкция судга қонунда кўрсатилган бир неча жазодан бирини тайинлаш имконини беради. Масалан, фирибгарлик, агар у оғир оқибатларга олиб келмаган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади (ЖКнинг 168-моддаси).

Кўпинча ҳуқуқ нормалари муқобил ва нисбий аниқ санкцияларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштиради, яъни бир неча жазо турларини назарда тутди. Бунда уларнинг ҳар бири учун энг кўп ва энг кам чегара белгиланади.

## **ҲУҚУҚ ТИЗИМИ. ҲУҚУҚ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ**

**Ҳуқуқ** — ички яхлитлиги ва ўзаро мувофиқлиги билан ажралиб турадиган муайян тизим. Лекин, бошқа тизимлар каби, ҳуқуқ ҳам ҳуқуқ тармоқларидан иборат кичик тизимларга бўлинади.

Давлатнинг юридик нормалари йиғиндисининг ҳуқуқини ташкил этади. Ҳуқуқий нормалар турли-туман бўлиб, улар ўзаро мустақкам боеланган, мувофиқлашган ва яхлит ҳуқуқ тизимини ташкил этади.

**Ҳуқуқ тизими** турли-туман, лекин ўзаро мустақкам алоқада бўлган юридик нормалар йиғиндисидир.

Ҳуқуқ тизими катта таркибий қисмлар бўлмиш **ҳуқуқ тармоқларига** бўлинади. Давлатдаги ижтимоий муносабатларнинг хилма-хиллиги тармоқларга бўлишнинг асосини ташкил этади. Айнан шу **муносабатлар ҳуқуқий бошқарувнинг предметини** ташкил этади. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир маълум тури (оила, меҳнат муносабатлари ва ҳ.к.) тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Бу нормалар ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра (яъни ижтимоий муносабатларнинг маълум турига кўра) ҳуқуқ тармоқларига бўлинган.

**Ҳуқуқ тармоғи** жамият ҳаётининг маълум соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ўзаро боғлиқ юридик нормалар йиғиндисидир.

Ҳар бир тармоқнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўз хусусиятларига эга. Бу эса ушбу муносабатлардаги ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатини белгилайди. Ҳуқуқий тартибга солиш усули, ҳуқуқ тизимини тармоқларга бўлишнинг қўшимча асосидир.

**Ҳуқуқий тартибга солиш усули** ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишига ёрдамлашадиган йўллари, усуллари, воситаларининг йиғиндисидир. Масалан, **фуқаровий-ҳуқуқий усулда** мулкий муносабатларнинг иштирокчилари мустақил ва бир-бирига қарам эмаслиги, улар ўз хоҳишларига кўра ўз мулкларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилади. Фуқаролик муомаласи иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар томонлар ишлаб чиққан шартлар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эркин равишда белгилаб қўйилган шартнома асосида юзага келади. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ўртасидаги низолар суд томонидан ҳал этилади.

Давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган муносабатлар тартибга солишнинг бир усулини талаб қилади. Бу ерда томонлар бир хил ҳуқуққа эга эмас, улардан бири иккинчисига бўйсунди. Томонлардан бири бошқасига нисбатан ҳукмрон мавқега эга бўлади.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг (ҳуқуқнинг айнан шу тармоғи давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни тартибга солади) асосий усули ҳокимиятни бошқариш усули бўлиб, унда давлат органларидан бири иккинчисига бўйсунди.

**Ҳуқуқий тартибга солиш предмети** — ушбу ҳуқуқ тармоғининг нормалари таъсир ўтказадиган муносабатлар, **ҳуқуқий тартибга солиш усули** эса — ушбу таъсир ўтказиладиган восита.

Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қуйидаги асосий тармоқларини ўз ичига олади:

- 1) конституциявий ҳуқуқ;
- 2) маъмурий ҳуқуқ;
- 3) фуқаролик ҳуқуқи;
- 4) жиноят ҳуқуқи;
- 5) ер ҳуқуқи;
- 6) аграр ҳуқуқ;
- 7) меҳнат ҳуқуқи;
- 8) ижтимоий таъминот ҳуқуқи;
- 9) экологик ҳуқуқ;
- 10) молиявий ҳуқуқ;
- 11) фуқаролик-процессуал ҳуқуқ;
- 12) жиноят-процессуал ҳуқуқ;
- 13) хўжалик-процессуал ҳуқуқ.

Конституциявий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи **асосий ҳуқуқ тармоқлари** деб ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилганларнинг дастлабки ўнтаси моддий ҳуқуқ тармоғи бўлса, кейинги учтаси процессуал ҳуқуқ тармоғидир.

Ҳуқуқ тизимида иккита ҳуқуқий маконни ажратиш мумкин: оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ. **Оммавий ҳуқуқ** давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Бу ҳокимият ва бўйсунтиш муносабатларидир. Оммавий ҳуқуқ доирасига конституциявий, маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал, солиқ ҳуқуқи соҳалари қиради.

**Хусусий ҳуқуқ** ўзаро мажбуриятлар асосида ҳуқуқларга эга бўлувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, бу ерда муносабат иштирокчилари тенгдирлар. Хусусий ҳуқуқ доирасига фуқаролик, меҳнат ва оила ҳуқуқи соҳалари қиради. Ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши Қадимги Рим ҳуқуқи давридан буён мавжуд бўлиб, бунга қарийб икки минг йилча бўлган.

**Конституциявий ҳуқуқ** конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатнинг давлат тузилишини, Президент, Олий Мажлис, ҳукумат, суд тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини мустақкамлаб қўяди.

**Маъмурий ҳуқуқ** давлат бошқаруви, ижроия ҳокимият соҳаси (ҳукумат фаолияти, ижроия ҳокимиятнинг бошқа органлари)да юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

**Фуқаролик ҳуқуқи** мулкӣ ва у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатлар (исмга эга бўлиш ҳуқуқи, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва ҳ.к.)ни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидир.

**Жиноят ҳуқуқи** ёрдамида давлат қандай ижтимоий хавфли қилмишларнинг жинойӣ эканлигини ва уларни содир этганлик учун қандай жазолар тайинланиши мумкинлигини белгилаб берувчи нормаларни ўз ичига олади. Бу нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жамланган.

**Ер ҳуқуқи** ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

**Агарар ҳуқуқ** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи тармоқдир.

**Меҳнат ҳуқуқи** — меҳнат муносабатларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва тўхтатилиши шартларини белгиловчи, иш кунини ва дам олишнинг давомийлигини, меҳнат интизоми, ўсмирлар, аёлларни муҳофаза қилиш кабиларни белгиловчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси.

**Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ** нормалари судларнинг фуқаролик, оилавий, меҳнат, ер билан боғлиқ ва молиявий муносабатлар каби бир қатор муносабатлар соҳасидаги фаолиятини тартибга солади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуққа ишларнинг хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши тартибини бошқарадиган **хўжалик-процессуал ҳуқуқи** яқин туради.

**Жиноят-процессуал ҳуқуқ** судлов, тергов, прокуратура органларининг жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солади.

**Ҳуқуқ институтини ҳуқуқ тармоғи таркибидаги маълум муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар йиғиндисидир.** Ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқ институтларидан ташкил топган. Масалан, конституциявий ҳуқуқ инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, президентлик, ҳукумат каби институтларни ўз ичига олади. Фуқаролик ҳуқуқи эса мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи каби институтларни қамраб олади.

Давлатнинг ички (миллий) ҳуқуқ тизимидан ташқари, **халқаро ҳуқуқ тизими** ҳам мавжуд. Унинг принциплари ва нормалари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ушбу ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Халқаро ҳуқуқ тизими бир неча тармоқлардан ташкил топган бўлиб, мисол тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи ва бошқалар.

Ўз навбатида, халқаро ҳуқуқ тармоқлари институтлардан ташкил топган. Масалан, халқаро денгиз ҳуқуқи ҳудудий ҳавзалар, очиқ денгиз, қуруқлик ерлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

## **ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Хулқ-атвор қондаси ҳуқуқий нормага айланиши учун маълум юридик шакл олиши керак. Бундай ўзгариш давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида юзага келади.

Натижада қонун чиқарувчи органнинг иродаси бажарилиши мажбурий бўлган муайян ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топади.

*Хуқуқ манбаи деганда, уни объектив ифодалаш усуллари тушунилади. Хуқуқ манбаларини қуйидаги уч асосий турга бўлиш қабул қилинган:*

- 1) хуқуқий одат;
- 2) юридик прецедент;
- 3) норматив-хуқуқий ҳужжат.

**Хуқуқий одат** деб доимий такрорланиши натижасида барқарор хулқ-атвор нормасига айланган ва кейинчалик давлат томонидан тасдиқланган хулқ-атвор қоида­сига айтилади.

Одат инсоният жамияти ривожланишининг илк босқичларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий хуқуқ манбаи бўлган. Одат аста-секин норматив ҳужжат билан сиқиб чиқарилган ва алмаштирилган. Шундан кейин у хуқуқнинг юридик манбаи бўлмай қолган.

Ҳозирга вақтда одатнинг аҳамияти катта эмас. У фақат қонун етарли бўлмаган ёки қонуннинг ўзи одатга ҳавола қиладиган ҳоллардагина сақланиб қолмоқда.

**Юридик прецедент** — хуқуқнинг шундай манбаики, бунда муайян иш бўйича чиқарилган суд қарори келгусида шундай ишларни ҳал этишда қоидага айланиши мумкин.

Юридик прецедент иш бўйича суд ёки маъмурий органнинг қарорига муайян норматив (умуммажбурий) куч беришни билдиради. Бундай қарор келгусида шундай ишларни кўриб чиқишда мажбурий бўлади ва шу билан хуқуқий тус олади.

Хуқуқий одат ва юридик прецедент бир қатор хорижий мамлакатларнинг хуқуқ тизимида катта аҳамиятга эга, лекин Ўзбекистон Республикасининг хуқуқ тизимида қўлланилмайди.

Суд прецеденти Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австрияда хуқуқ манбаи ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг ҳаммасида суд ҳисоботлари чоп этилади. Улардан прецедентлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Албатта, бу мамлакатларнинг ҳар бирида суд прецеденти турлича қўлланилади. Прецедентни хуқуқ манбаи сифатида тан олиш, қонун бўлмаган ёки бўлган шароитларда ҳам судга қонун ижодкорлиги вазифасини бажариш имконини беради.

**Норматив хуқуқий ҳужжат** — ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилган юридик ҳужжати бўлиб, умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади. Барча норматив хуқуқий ҳужжатларга қуйидаги белгилар хосдир:

- улар хуқуқий нормаларни белгилаб берадилар, ўзгартирадилар ёки бекор қиладилар;

- уларда белгиланган қоидаларнинг мазмуни баён этилади;

- белгиланган нормаларга умуммажбурий тус беради ёки илгари белгиланган нормаларнинг амалда бўлишини бекор қилади.

Норматив шартнома — хуқуқ манбаининг алоҳида тури бўлиб, ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Норматив шартномаларда бир қанча субъектларнинг иродаси мужассамланади, масалан, халқаро, жамоавий ва бошқа шартномаларнинг субъектлари.

## НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари давлатнинг қайси органлари томонидан қабул қилинганлигига ҳамда уларнинг юридик кучи катта ёки кичиклигига қараб фарқланади. Ушбу белгиларга асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. **Қонун** — умумхалқ овоз бериши (референдуми) орқали ёки мамлакатнинг олий вакиллик органи (парламент) қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Қонунлар орасида Конституция — давлатнинг асосий қонуни — алоҳида мавқега эга бўлиб, олий юридик кучга эгадир. Конституция ва конституциявий қонунларни фақат парламент қабул қилиши мумкин, чунки уларда конституциявий тузум асослари, инсонлар ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда конституцияга ўзгартишлар киритиш тартиб-қоидалари белгилаб қўйилади.

Конституциявий қонунлар алоҳида тартибда қабул қилинади.

2. **Давлат бошлиғининг норматив ҳужжатлари.** Хусусан, бизнинг мамлакатимизда бу **фармон** — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига асосан, Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Ушбу ҳужжат Конституция ва қонунларга ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига зид келмаслиги керак.

3. **Ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишлари** ижро этувчи ҳокимият органининг ўз ваколати доирасида чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидир. Ушбу ҳужжатлар Конституция асосида қабул қилиниб, Ўзбекистон қонунлари ва Президентнинг норматив фармонларини амалга оширишга қаратилган.

4. **Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва йўриқномалари** давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидир. Улар конституция асосида қабул қилиниб, қонунлар, Президентнинг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларини бажаришга қаратилган.

5. **Давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органларининг қарорлари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархияси шуни талаб қиладики, давлат ҳокимиятнинг қуйи вакиллик органлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юқори турувчи органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ келиши керак. Давлат ҳокимияти ижроия органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эса вакиллик органлари ҳамда юқори турувчи ижроия органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ келиши зарур.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари қуйидагилардан иборат:

1) халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

2) қонунлар;

3) қонуности ҳужжатлари.

**Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари** — халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидалари бўлиб, уларни халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари тан олган ва шу боис бажармасликка йўл қўйилмайди. Улар ичида давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, зўрлик ишлатмаслик ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид



қилмаслик, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларининг бузилмаслиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, инсоннинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини ҳурмат қилиш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш кабилар бўлиши мумкин.

**Халқаро шартнома** — халқаро ҳуқуқнинг икки ёки бир неча субъекти қабул қилган битим бўлиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва махсус масалалар бўйича бир неча минг шартнома тузган. 1995 йилда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун» қабул қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро шартномаларнинг қоидалари Ўзбекистон қонунларига нисбатан устунликка эга.

**Ўзбекистон Республикаси қонунларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:**

- 1) Асосий қонун — Конституция;
- 2) конституциявий қонун;
- 3) қонун.
- 4) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари.

Қонулар ва бошқа норматив ҳужжатлар орасида **Ўзбекистон Республикаси-нинг Конституцияси асосий ўрин тутади**. Ушбу ҳужжат давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини белгилайди, конституциявий тузум асосларини, инсонлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Конституция амалдаги қонулар учун юридик асосдир. Конституция қоидалари бошқа норматив ҳужжатларда ривожлантирилади ва аниқлаштирилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибида ўз консти-туциясига эга бўлиб, унинг қоидалари Ўзбекистон Конституциясига зид келиши мумкин эмас.

**Конституциявий қонулар** Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритувчи қонулардир. Ушбу ҳужжат учун Олий Мажлисда оддий қонуларга нисбатан уларни қабул қилишнинг мураккаброқ тартиб-қоидалари белгиланган.

**Қонулар** ўз навбатида, кодекслаштирилган ва жорий қонуларга бўлинади. **Кодекслаштирилган қонуларга** кодекслар киради. **Кодекс** — мантиқий тизимлаш-тириш хусусиятига эга қонун бўлиб, ўзида ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини батафсил тартибга солувчи нормаларни бирлаштиради. Масалан, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва ҳ.к.

**Қорақалпоғистон Республикасининг қонулари** қонун чиқарувчи (вакиллик) орган томонидан қабул қилинади ва бундай қонулар Қорақалпоғистоннинг ҳуду-дида ижро этилиши шарт.

Қонуннинг вақт бўйича амал қилишига эътибор қаратиш лозим.

**Қонулар қуйидаги ҳолларда кучга киради:**

- 1) расман эълон қилинганидан ўн кун ўтгач;
- 2) қонунда ёки уни амалга киритиш тўғрисида махсус ҳужжатда кўрсатилган вақтдан бошлаб.

**Қонулар қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:**

- 1) қонуннинг ўзида кўрсатилган муддат тугаган бўлса;
- 2) ушбу қонун бекор қилиниши натижасида (ижтимоий муносабатларнинг шу соҳасини тартибга солувчи янги қонун қабул қилиниши муносабати билан).

Қонун замонда амал қилади. Бунинг маъноси шуки, қонун орқага қайтиш кучига эга.

Умумий қоидага кўра, қонунлар орқага қайтиш кучига эга эмас. Ўзбекистонда жиноят ёки маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи қонунлар орқага қайтиш кучига эга.

Қонун маконда амал қилади. Гап шундаки, қонунлар мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қилади. Давлат ҳудудига унинг суверенитети остида бўлган ҳудуд киради. Ушбу ҳудудга қуруқлик, ички сувлар ва ҳудудий денгиз ҳавзалари, ушбу ҳудудлар устидаги ҳаво бўшлиғи ва давлат чегараси доирасидаги ер ости бойликлари киради.

Қорақалпоғистон қонунлари унинг ҳудудидагина амал қилади.

Қонун шахсларга нисбатан амал қилади.

Одатда қонунлар ушбу ҳудуддаги барча субъектлар, яъни фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ҳуқуқ нормалари талабларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун мажбурийлиги ҳуқуқнинг умумий принципи ҳисобланади. Лекин истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг талаблари фақат Ўзбекистон фуқароларига тегишлидир. «Референдум тўғрисида»ги қонунга биноан референдумда фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қатнашиши мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги қонунлар ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ, дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи хорижий фуқаролар ҳам бундан мустасно. Элчилар ҳуқуқбузарликлар содир этган ҳолларда, уларга нисбатан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс амал қилмайди.

Қонун ости ҳужжатлари қонунлар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Уларга қуйидагилар киради:

- 1) Президент фармонлари;
- 2) ҳукумат қарорлари;
- 3) бошқа ижроия ҳокимият органларининг ҳужжатлари;
- 4) жойлардаги ижроия органларнинг норматив ҳужжатлари.

Ушбу қонун ости ҳужжатлари тизимида *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари* алоҳида ўрин тутади, чунки уларни давлат бошлиғи чиқаради. Ушбу фармонлар норматив хусусиятга эга бўлиши мумкин. Президент фармонлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид келиши мумкин эмас.

*Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари* хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари бўйича қабул қилинади. Улар одатда умумий хусусиятга ва ҳуқуқ нормаларига эга бўлиб, ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

Айрим ҳолларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳужжатлари ушбу органлар тизимидан ташқарида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бундай ваколатлар Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа ташкилотларда айниқса каттадир.

Ўзбекистонда вазирликлар ҳамда ташкилотларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив ҳужжатларни қайд этиш давлат тизими жорий этилган. Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

## **ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ**

Ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар хусусиятига эга бўлади. Уларнинг вужудга келиши учун *юридик факт* — *ҳодиса* (масалан, инсоннинг туғилиши ёки ўлиши, ёнғин) ёки *ҳаракат* (масалан, ҳуқуқбузарлик) мавжуд бўлиши лозим.

Ҳуқуқий муносабатлар деганда, унинг иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган ва ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабат тушунилади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун учта омил бўлиши зарур:

- 1) ҳуқуқ нормалари;
- 2) субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар;
- 3) юридик факт.

Фақат биргаликдагина улар ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради.

**Ҳуқуқий муносабат** — унинг иштирокчилари ўртасидаги ҳақиқий юридик алоқалар бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида намоён бўлади.

Ҳуқуқий муносабат, тузилишига кўра, *объект, субъект ва мазмун* каби элементлардан иборат.

Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳаракати нимага қаратилган бўлса, шу нарса ушбу *ҳуқуқий муносабатларнинг объекти* ҳисобланади. Масалан, харидор сотиб олаётган молини олиш ҳуқуқига эга, лекин харид учун пул тўлашга мажбур. Сотувчи эса ушбу мол учун ҳақ олиш ҳуқуқига ва харидорга олди-сотди талабларига мос келадиган товарни бериш мажбуриятига эга. Сотилаётган ва сотиб олинмаётган мол-мулк ҳуқуқий муносабатнинг объекти ҳисобланади. Ҳуқуқ ва мажбуриятнинг узвий алоқадорлиги жуда кўп ҳуқуқий муносабатлар учун хосдир.

Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари, яъни ҳуқуқ ва мажбурият эгалари ушбу *ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари* ҳисобланади. Чунончи, қуйидагилар субъектлар бўлиши мумкин:

- 1) ўзаро муносабатга киришган фуқаролар;
- 2) давлат органлари ва муносабатга киришган фуқаролар;
- 3) ташкилотлар ва муносабатга киришган фуқаролар;
- 4) ўзаро муносабатга киришган ташкилотлар;
- 5) давлат органлари ва муносабатга киришган ташкилотлар.

*Ҳуқуқий муносабат субъектлари*, авваламбор, жисмоний ва юридик шахслардир.

*Жисмоний шахслар* — ушбу давлат фуқаролари, бошқа давлат фуқаролари (ажнабийлар) ва фуқаролиги йўқ шахслар (апатридлар).

*Юридик шахслар* — ташкилотлар, муассасалар, давлат органлари, давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

*Ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини* субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш бўйича реал ҳаракатлари ташкил этади. Масалан, олди-

сотди бўйича ҳуқуқий муносабат мазмунини сотувчининг хоридорга нарсани ҳақиқатан бериши ва бунинг учун харидорнинг сотувчига ҳақ тўлаши ташкил этади. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар мазмунига ўзаро даъволар қилиш ва уларни қондириш юзасидан амалга оширилган ҳаракатлар (масалан, буюмнинг сифати, ўлчами ва тўлов муддати бўйича даъволар) ҳам киради.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабатлар субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг юридик шакли бўлиб, унинг ёрдамида давлат қонун талабларига биноан ижтимоий муносабат иштирокчилари хулқ-атворини меъёрлаб беради.

Ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш учун субъектлар қатор юридик ҳусу-сиятларга эга бўлиши лозим. Гап, биринчи навбатда, ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати тўғрисида бормоқда.

**Ҳуқуқ лаёқати** ҳуқуқларга эга бўла олиш ва юридик мажбуриятларни зиммага олиш қобилиятидир.

**Муомала лаёқати** эса ўз ҳаракатлари асосида ҳуқуқларни амалга ошириш ва юридик мажбуриятларни бажариш қобилиятидир.

Юридик шахсларга тегишли бўлган ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати бир вақтда вужудга келади ҳамда ушбу шахслар ўз фаолиятини бошлаган пайтдан бошлаб пайдо бўлади.

Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати инсон туғилганда бошланиб, унинг вафотидан сўнг тўхтайди. Муомала лаёқати эса ёш ва руҳий саломатлик билан боғлиқ. Ўзбекистон қонунларига биноан, тўлиқ муомала лаёқати фуқаро 18 ёшга тўлганидан сўнг бошланади. Лекин ушбу қонданан истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, шахс жиноий жавобгарликка 16 ёшдан, айрим жиноятлар учун 14 ёшдан тортилиши мумкин. Бошқа бир мисол: Оила кодекси айрим ҳолларда 18 ёшга тўлмасдан туриб никоҳдан ўтишга рухсат беради. Бундай фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан бошлаб тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлади.

Ҳар бир инсон ҳуқуқий муносабатларга ўзининг қандайдир сиёсий, моддий, маънавий ва бошқа ижтимоий манфаатлари ва эҳтиёжларини амалда қондириш учун киришади. Ушбу мақсадга субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган юридик ҳаракатлар ёрдамида эришилади. Буларнинг ҳаммаси жисмоний ёки юридик шахс кутган муайян натижаларга олиб келади.

**Юридик фактлар** — ўзига хос ҳаётий ҳолатлар бўлиб, қонун ва ҳуқуқий нормалар уларни юридик оқибатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши билан боғлайди.

Ҳар бир юрист амалий фаолиятининг бош вазифаларидан бири юридик фактларни аниқлаш ёки тасдиқлашдир. Бусиз қонунларни тўғри қўллаш, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, низоларни ҳал этиш, қонунбузарлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Юридик фактларни, инсонларнинг хоҳиш-иродасига кўра, *ҳодисалар* ва *ҳаракатларга* бўлиш мумкин.

**Ҳодисалар** инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. Масалан, табиий офатлар, боланинг туғилиши, унинг муайян ёшга етиши, инсоннинг вафот этиши, муддатнинг ўтиши ва ҳ. к. Айтайлик, инсоннинг вафот этиши мероснинг очилишини вужудга келтиради ҳамда ҳуқуқий лаёқатни тугатади. Мол-мулкнинг нобуд бўлишига олиб келадиган, ёнгин, сув тошқини — мол-мулк суғурта қилинган бўлса — суғурта пулини тўлаш учун асос бўлади.

**Ҳаракатлар** инсоннинг хоҳиш-иродаси асосида вужудга келадиган юридик ҳужжатлардир. Улар ҳуқуқий нормаларга амал қилиш муносабатига кўра, *ҳуқуқий* ва *ҳуқуққа зид* ҳаракатларга бўлинади.

Амалдаги қонунчилик нормалари асосида вужудга келадиган ҳамда шу нормалар билан тартибга солинадиган ҳаракатлар *ҳуқуқий*, *ҳуқуққа мувофиқ* ҳаракатлар деб аталади.

*Ҳуқуққа зид ҳаракатлар* — қонун ёки ҳуқуқий нормага зид бўлган ҳаракатдир. Улар ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат деб ҳам аталади. Баъзи ҳолларда қонун ҳаракатсизликни ҳам ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат сифатида эътироф этади. Масалан, бир кема капитанининг ҳалокатга учраган бошқа кемага ёрдам бермаслиги ёки ёрдамга муҳтож одамни унинг ҳаётига реал хавф туғилган пайтда ёрдамсиз қолдириши каби ҳаракатсизлик ҳоллари ҳуқуқ нормасига зид бўлган қилмишлар ҳисобланади.

## **ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

**Ҳуқуқбузарлик** деганда, жамият учун хавfli бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади. Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин.

**Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари** қуйидагилардан иборат:

- 1) ижтимоий хавfliлик;
- 2) ҳуқуққа зидлик;
- 3) айблилик;
- 4) жазоланиш.

**Ижтимоий хавfliлик** шундан иборатки, бунда ҳуқуқбузарлик жамиятнинг кадриятларига тажовуз қилади, хусусий ва ижтимоий манфаатларни поймол этади. Ҳуқуқбузарликнинг зарарлиги ёки хавfliлиги шундан иборатки, у жамият ҳаётининг маромига салбий таъсир этади.

**Ҳуқуққа зидлик** — ҳуқуқбузарликнинг иккинчи белгиси. Бу ўринда гап қилмиш оқибатида қонуннинг, муайян ҳуқуқий норманинг бузилиши тўғрисида бормоқда. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузар қонунда ёки ҳуқуқ нормасида белгилаб қўйилган тақиқни бузади. Агар бундай тақиқ бўлмаса, ҳуқуқбузарлик ҳам бўлмайди. Қонун кенгайтирилган ҳолда ёки аналогия бўйича талқин этилиши мумкин эмас.

**Айблилик** — ҳуқуқбузарликнинг учинчи белгиси. Ҳуқуқ нормасини юридик жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган шахс бузади ва шахс бу ҳаракатни қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этади.

**Айб** — шахснинг ўзи содир этган ҳуқуққа хилоф ҳаракатига ва унинг зарарли оқибатларига руҳий муносабати. Қарийб ҳар доим инсон олдида ҳуқуққа мос ёки ҳуқуққа зид тарзда ҳаракат қилишни танлаш имкони бўлади. Агар у иккинчи йўлни танласа, ҳуқуққа хилоф қилмишни айбли тарзда содир этган, деб ҳисобланади.

Балоғат ёшига етмаганлар ёки ақли норасо деб топилган шахслар содир этган қилмиш (ҳуқуққа зид бўлса ҳам) ҳуқуқбузарлик бўлмайди. Бахтсиз ҳодиса, тасодиф натижасида, бирон кимсага айбсиз зарар етказиш ҳодисаси ҳам ҳуқуқбузарлик эмас.

Ҳуқуқбузарликнинг тўртинчи белгиси — **жазоланиш**. Бу маълум ҳуқуқбузар-

лик учун уни содир этган шахснинг ваколатли давлат органи томонидан жавобгарликка тортилишини билдиради. Бу жавобгарлик ҳуқуқий норманинг санкциясида ифодаланади.

Баъзи ҳолларда шахс қонунга биноан жавобгарликдан озод этилиши ҳам мумкин. Лекин буни ҳам ваколатли давлат органи амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар қонунчилиқнинг қайси соҳасига тегишлилигига қараб, бир қанча турларга бўлинади. Ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги турларини келтириш мумкин:

- 1) фуқаролик-ҳуқуқий (мажбуриятни бажармаслик, моддий зарар етказиш);
- 2) маъмурий (майда безорилик, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиш ва ҳ.к.);
- 3) интизомий (ишга келмаслик, кеч қолиш);
- 4) жиноий, яъни жиноятлар (одам ўлдириш, ўғрилиқ, милиция ходимига қаршилиқ кўрсатиш ва бошқалар).

Ҳуқуқбузарликнинг турига қараб давлат мажбурлов чоралари ҳам ўзгариб туради. Уларнинг энг оғирлари жиноят содир этилганда қўлланилади.

## **ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК, УНИНГ АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

Юридик жавобгарлик, ижтимоий жавобгарликнинг бошқа шаклларида фарқли равишда, доимо ҳуқуқ нормаларига асосланади ва давлат мажбурлов нормалари билан боғлиқ бўлади.

**Юридик жавобгарлик** — ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ нормаларига асосланган ва ҳуқуқбузарлик фактидан келиб чиқадиган қилмиши учун жавоб бериш ва давлат мажбурлов чоралари шаклидаги нохуш оқибатларига чидаш мажбурияти ҳамда шундай оқибатларга ҳақиқатан дучор бўлишидир.

*Юридик жавобгарлик белгилари* қуйидагилардан иборат:

- 1) давлат мажбурлов чоралари билан узвий алоқадорлик;
- 2) фактик асос — ҳуқуқбузарлик;
- 3) юридик асос — юридик жавобгарликнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги;
- 4) давлат қоралови билан боғлиқлик;
- 5) ҳуқуқбузар ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ салбий оқибатлар;
- 6) ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо қўллаш;
- 7) ҳуқуқий принципларга асосланганлик (қонунийлик, индивидуаллаштириш, табақалашганлик ва бошқалар).

*Юридик жавобгарликнинг асоси* ҳуқуқбузарлик, яъни ҳуқуқ нормаларини бузвчи муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Ҳуқуқбузарликнинг ҳар хил турлари турли хил юридик жавобгарликка олиб келади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги (мажбуриятни бажармаслик) — фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка (зарарни қошлаш, неустойкани тўлатишга), маъмурий ҳуқуқбузарлик (йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик) — маъмурий жавобгарликка (жарима, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга) олиб келади. Жиноий ҳуқуқбузарлик, яъни жиноят эса жиноий жавобгарликка олиб келади (унга нисбатан озодликдан маҳрум этишгача бўлган жазо қўлланиши мумкин).

Юридик жавобгарлик икки асосий шаклда — суд тартибда ва маъмурий тартибда амалга оширилади.

Жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг *суд тартиби* ҳуқуқбузарга нисбатан фақат ваколатли давлат органи номи билан суд томонидан жазо қўлланилишини билдиради. Ушбу суд тартиби фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик учун хос, жиноий жавобгарлик учун эса мажбурийдир.

*Маъмурий тартиб-қоида* шундан иборатки, мажбурлов чораси ваколатли мансабдор шахс (ёнғиндан сақлаш инспектори, ички ишлар органи бошлиғи) ёки орган (судья) томонидан белгиланади. Мажбурлов чорларини давлат номидан қўллайдиган суддан фарқли равишда, ваколатли орган ёки шахс ўз номидан маъмурий тартибдаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Юридик жавобгарликни амалга оширишнинг бу икки асосий шаклидан ташқари, интизомий тартиби ҳам мавжуд.

*Интизомий тартиб* меҳнат, хизмат ва ҳарбий мажбуриятларни бузганлик учун вужудга келади ва бошлиқнинг ўз қўли остида ишлайдиган ходимга нисбатан интизомий чоралар кўришида ифодаланади (ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан, лавозимини пасайтириш ва ҳ.к.)

Юридик жавобгарликнинг икки тури фарқланади:

- 1) жарима ёки жазо;
- 2) ҳуқуқни тикловчи жавобгарлик.

*Жарима жазоси* маъмурий ёки интизомий хато жиноятлар учун қўлланилади. Жавобгарликнинг ушбу турига хос хусусият шундан иборатки, у фақат процессуал шаклда амалга оширилади ҳамда тегишли ваколатларга эга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари билан белгиланади.

Жарима ёки жазо жавобгарлигига жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарлик киради.

*Жиноий жавобгарлик* жиноят содир этилганда юзага келади. Жиноий жавобгарликка давлат мажбурлов чораларининг энг қаттиқ турлари киради. Уни амалга ошириш жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунлари билан тартибга солинган. Аввало муайян кишига нисбатан жиноят факти бўйича жиноят иши қўзғатилади, сўнгра ушбу ишга дахлдор далиллар тўпланади ва текширилади. Жиноят-процессуал қонунлар айбланувчининг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, мансабдор шахслар ва давлат органларининг мазкур иш бўйича ваколатларини белгилаб беради.

Тергов тугагач, жиноят иши суд мажлисида муҳокама қилинади. Ҳеч ким суд ҳукмисиз ва қонунга хилоф равишда жиноят содир этганликда айбланиши ва жиноий жазога тортилиши мумкин эмас.

*Маъмурий жавобгарлик* маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда юзага келади. Аввало маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади. Ундан кейин ишни тегишли ваколати бор орган ёки мансабдор шахс кўриб чиқади, маъмурий ишлар очиқ муҳокама қилинади, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс таклиф этилади.

*Интизомий жавобгарлик* меҳнат, ўқиш, хизмат ва ҳарбий интизом бузилган вақтда юзага келади. Меҳнат интизомини бузган ишчи ва хизматчилар корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти томонидан жавобгарликка тортиладилар, фуқаро

авиацияси, темир йўл транспорти ходимлари ҳамда судьялар ва баъзи бир мансабдор шахсларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги масалалар эса махсус интизомий комиссиялар томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилади.

**Ҳуқуқни тиклаш жавобгарлиги** ноҳақ бузилган ҳуқуқларни тиклаш, бажарилмаган мажбуриятларни мажбурлаб бажартиришдан иборат. Ушбу жавобгарликнинг хусусияти шундан иборатки, ҳуқуқни бузган шахс давлат органларининг аралашувисиз, бузилган ҳуқуқларини ўзи тиклаши мумкин. Унга нисбатан жарима ва бошқа мажбурлов чоралари шаклидаги қўшимча жазо чоралари қўлланиши мумкин.



*Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир.*

И. А. Каримов

## Учинчи бўлим

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

- Конституция ва унинг тарихий ривожланиши
- Конституциянинг асосий функциялари
- Конституциянинг устунлиги ва барқарорлиги
- Конституциявий назорат (судлов)
- Конституция — бевосита амал қилувчи ҳуқуқ
- Конституцияларнинг ҳажми ва тузилиши
- Мустақил Ўзбекистон Конституцияси
- Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ
- Ўзбекистон Конституциясининг асосий мақсади ва принциплари
- Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг конституциявий асослари
- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тавсифи
- Шахс ва давлат муносабатларининг конституциявий асослари
- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий белгилари
- Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари
- Тошкент — Ўзбекистон Республикасининг пойтахти
- Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга ошириш шакллари
- Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи
- Конституция ва миллий истиқлол мафқураси
- Конституция, демократия ва инсон ҳуқуқлари
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши
- Ўзбекистон Жамият тузилишининг конституциявий принциплари
- Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг тизими
- Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти
- Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақоми
- Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органларининг тизими
- Суд ҳокимиятининг конституциявий асослари
- Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими

## КОНСТИТУЦИЯ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

«Конституция» — лотинча сўз бўлиб, унинг том маъноси «тузиш», «тузук», «низом», «тузилиш», «яратиш» демакдир.

«Конституция» атамаси ўзининг узоқ тарихига эга. Масалан, қадимги даврларда «конституция» сўзи сиёсий тузумни билдирган. XVII асрда Францияда бу сўз орқали рента, рента шартномаси ифодаланган, сўнгра қадимги юнонча маъносига қайтилиб, ҳуқуқ билан белгиланадиган давлат тузилишини ифодалайдиган бўлганлар. Буюк француз инқилоби арафасида «конституция» атамаси билан «давлатнинг тузилишини» ифодалай бошлаганлар.

Жаҳон цивилизацияси ўзининг тарихий ривожланиши давомида бугунги кунда амал қилаётган икки гуруҳдаги конституцияларни юзага келтирди. Биринчи гуруҳни бугунги кундагидан кескин фарқ қиладиган шароитларда қабул қилинган конституциялар ташкил этади. Бундай конституцияларнинг энг ёрқин намунаси — 1787 йилги АҚШ Конституцияси, 1831 йилги Бельгия ва 1874 йилги Швейцария конституцияларидир.

Иккинчи гуруҳга XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган «янги авлод» конституциялари киради. «Янги авлод» конституциялари дастлабки конституциялардан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, конституцияни муҳофаза қилиш ва ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш механизмларининг кенгайиши оқибатида конституциявий жиҳатдан тартибга солиш ҳажмининг кенгайиши билан фарқ қилади.

Британия конституцияшунослиги ҳақидаги масала алоҳида масаладир. Аслида Буюк Британияда нафақат ёзилган конституция, балки конституциявий ҳужжатларни ажратишга имкон берадиган қандайдир мезоннинг ўзи ҳам йўқ.

20-йиллар бошида Шарқ мамлакатлари (Туркия, Эрон, Миср, Афғонистон) давлат мустақиллигининг шаклланиш жараёни Европанинг конституциявий шакллари, барча эътироф этган ҳуқуқий қадриятлар (шахс ҳуқуқларининг дахлсизлиги, фуқаролик жамияти ва ш.к.) ҳамда фуқаролик ҳуқуқи нормалари ривожланган мажмуасига анъанавий мусулмон ҳуқуқини уйғунлаштиришга ҳаракат қилган конституциявий қурилиш типини вужудга келтирди.

Осиёда мустақил давлатларнинг қарор топишидаги иккинчи тўлқин (40—50-йиллар) конституциявий қурилишда аралаш, яъни Британия-француз ёндашуви-ни қўллашнинг мисолини берди. Француз (ҳамда италян) типдаги конституциянинг фуқаролик йўналиши Британия мустамаला қонун ижодкорлигига хос бўлган муфассаллаштириш билан уйғунлашган эди. Ҳиндистон Конституцияси бунинг мисолидир. Унда, шунингдек, АҚШ Конституциясида биринчи бор старлича тўла мустақамланган федерализм принципининг таъсири кўзга ташланади. Фарбнинг жуда кучли таъсирига қарамай, кўпчилик Осиё мамлакатларининг конституцияларида мамлакатлардаги миллий хусусиятлар инобатга олинган.

Мустақил давлатлар шаклланишининг учинчи тўлқини аввало Африканинг

Саҳройи Кабиридан жанубдаги давлатларга тўғри келади (60-йиллар). Бу ерда давлатларнинг ўз тажрибаси ё унча ривожланмаган, ё Европа моделлари ҳукмронлиги туфайли унутилган эди.

Баъзи давлатлар (Саудия Арабистони, Уммон, Ливия) ислом учун ёт бўлган юридик ҳужжат сифатида конституциянинг зарурлигини рад этадилар ёки ҳар қандай қилиб бўлса-да, унинг аҳамиятини камайтиришга ҳаракат қиладилар. «Демократик анъаналарга ва халқ турмуш тарзига мос эмаслиги» сабабли 1973 йилда инглиз конституцияшунослари яратган 1968 йилги Свазиленд Конституцияси бекор қилинди.

Ниҳоят, мустақил давлатлар пайдо бўлишининг тўртинчи тўлқини Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги социалистик тузумнинг барҳам топиши ҳамда собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши билан боғлиқ, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг биринчи ярми социалистик тузум тугатилган бутун маконда суронли конституциявий ислохотлар даври бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси замонавий конституциявий қурилишдаги умум эътироф этган ёндашувларни халқнинг тарихий, ҳуқуқий, маънавий тажрибаси ва анъаналари билан узвий уйғунлаштирган.

## КОНСТИТУЦИЯНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Конституциянинг юридик хусусиятлари ва функцияларини таърифлаш алоҳида аҳамият касб этади.

АҚШ Конституцияси ва «иккинчи авлод» конституцияларини сиёсий шиор шаклидаги қоидаларининг нисбатан камлиги ва анчагина юридик мазмуни бирлаштириб туради. Конституцияга барча белгиларга эга бўлган юридик ҳужжат сифатида қараш — ҳозирги конституционализмнинг муҳим жиҳати.

Конституциянинг асосий мазмуни шиор шаклидаги ва баҳоловчи қоидаларнинг кескин камайтирилганлиги билан ҳам ажралиб туради (асосан кириш қисмларида («умумий қоидалар»).

Асосий қонуннинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ бир қанча функцияларини кўрсатиш мумкин. Конституциянинг сиёсий функцияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини тартибга солиш ҳамда сиёсий ҳаётни ва курашни муайян ҳуқуқий доирага солишни мақсад қилиб қўяди. Ташкилий функциянинг маъноси — давлат институтлари тузилишини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий кўрсаткичларини тартибга солишдан иборат. Агар конституциянинг шакллантириш (конструктив) функцияси жамиятда муайян қадриятларни қарор топтириш мақсадида маънавий соҳага таъсир этишга қаратилган бўлса, юридик функцияси конституциянинг амал қилаётган ҳуқуқий тизимнинг асоси сифатидаги ўрнини акс эттиради.

Шу муносабат билан, *конституция юридик функцияларининг ичида энг муҳимлари* қуйидагилардан иборат:

**биринчидан**, конституциявий қоидалар амалдаги ҳуқуқнинг олий моддий мезонидир; ушбу ҳуқуқда мавжуд бўлган ва пайдо бўладиган барча қоидалар конституциявий қоидаларга мос келиши керак;

**иккинчидан**, конституция матнида ҳуқуқнинг асосий принциплари кўрсатилиши;

**учинчидан**, амалдаги ҳуқуқ манбалари тизимининг конституциявий жиҳатдан таърифланиши;

**тўртинчидан**, конституциявий қоидаларнинг ўзи асосан бевосита амал қиладиган қоидалардир, яъни улар судлар ва юрисдикция мақомига эга бўлган органлар томонидан бажарилиши керак. Конституциянинг юридик табиати ва функциялари унинг норматив ҳужжатлар тизимида устун мавқега эгаллигида ёрқин кўринади.

Шундай қилиб, Конституция давлатнинг Асосий қонуни бўлиб, бевосита амал қиладиган юридик қоидаларни мазмунан умумийлаштириб беради ва зарур бўлган декларатив қоидаларни ифодалайди.

## **КОНСТИТУЦИЯНИНГ УСТУНЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИ**

Конституциянинг юридик жиҳатдан устунлиги Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европа назариёти ва амалиёти билан анча кенгайтирилган АҚШ конституциявий ривожланиши тажрибасига бориб тақалади. **Ушбу принцип куйидагиларни билдиради:**

**биринчидан**, конституцияга зид бўлган ҳар қандай фаолият, жумладан қонунчилик фаолияти билан шуғулланишнинг тақиқланиши;

**иккинчидан**, конституциявий нормаларнинг аънавий мезонлар, қонунларни талқин этиш ва қўллаш воситаларига нисбатан асосий эканлиги;

**учинчидан**, қонун ҳужжатларини чиқарувчи барча идораларнинг конституция қоидаларини ривожлантириш йўлида фаолият кўрсатиши шарт эканлиги;

**тўртинчидан**, конституцияни қабул қилишнинг алоҳида хусусияти ва уни қайта кўришнинг мураккаб тартиби мавжудлиги. Бу эса асосий қонунни етарлича барқарор қилади;

**бешинчидан**, конституциянинг алоҳида муҳофаза қилиниши, конституциявий суднинг назорати.

**Конституциянинг барқарорлиги** сиёсий маданият ва маънавиятнинг алоҳида турига боғлиқ. Давлатнинг ва қонуннинг фуқаролар ва жамият ҳаётига аралашуви бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи бошқариш механизмлари ва бошқа қудратли кучлари билан чекланган. Бу АҚШнинг ўзига хос жиҳатидир.

Франция эса ана шу 200 йил давомида бошқа ўзига хос қонуниятлари бўйича яшади. Конституциядаги нисбатан тез-тез бўладиган ўзгартишлар ва туб ўзгаришлар ҳам ана шундан. Бундай вазият фақат Францияда эмас. Масалан, 1950 йилдан бошлаб Ҳиндистон Конституциясида дастлабки матнининг 2/3 қисми ўзгариб кетган.

ГФРнинг Асосий қонунини ҳам анча барқарор деб эътироф этиш мумкин: унга ўзгартишлар киритиш учун Бундестаг ва Бундесратнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овоз бериши кифоя қилади. Шу боис Фарбий Германиянинг Конституцияси бошқа мамлакатларникига қараганда кўпроқ (35 марта) ўзгартирилган, ammo ушбу мамлакатдаги вазият ҳамма томондан қараганда энг барқарордир.

Кўплаб давлатларда конституциянинг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган моддалари белгилаб кўйилган. Бу бошқарув шакли, ислом маданияти мамлакатларида эса — давлат дини ҳақидаги моддаларга тегишли.

Умуман, хорижий мамлакатларнинг тажрибаси анча «қаттиқ» конституциянинг афзаллигидан далолат бермоқда. Барқарорлик, ўз навбатида, жамият олий нормалари ва қадриятларининг ифодаси бўлмиш конституциянинг маънавий обрўини кўтаради. Конституция қоидаларининг муфассаллаштирилиши, унга айна

пайтдагина муҳим бўлган мавҳум қоидаларнинг киритилиши унинг доимий равишда қайта кўрилишига олиб келиши мумкин.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ (СУДЛОВ)

Конституцияшуносликнинг тарихий ривожланиш амалиёти конституция устунлиги принципини амалга ошириш учун ушбу принципни илмий жиҳатдан асослаш ва ҳатто уни эълон қилувчи конституциявий қоидаларнинг ўзини асослаш ҳам етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис аср бошида Европада мавжуд бўлмаган, ҳозир эса жаҳондаги деярли барча амал қилаётган конституцияларда эътироф этилган институт — конституциявий назорат кенг тарқалган. Бу ўринда АҚШ тажрибаси ҳам инобатга олинган. Бу мамлакатда конституциянинг устунлиги нафақат конституциянинг VI моддасида эълон қилинган конституциянинг устунлиги орқали, балки конституциявий суд назорати орқали ҳам таъминланган.

ГФР, Италия, Австрия, Испания ва бошқа мамлакатлардаги ушбу судларнинг вазифасига, конституциявий назоратни амалга оширишдан ташқари, давлат органлари ўртасидаги ваколатларга доир низоларни, федератив давлат тузилиши билан боғлиқ баҳслар ва сайловнинг тўғри ёки нотўғри ўтказилганлиги ҳақидаги баҳсларни ҳал этиш вазифаси ҳам киради. ГФРда федерал конституциявий суд сиёсий партияларнинг конституцияга хилоф эканлиги тўғрисида қарор чиқариш ваколатига эга. Конституциявий одил судловнинг яратилиши фақат билвосита суд ҳокимиятини кучайтиради, у, шубҳасиз, қонун чиқарувчи ҳокимиятни чеклайди.

Жаҳон конституциявий тажрибасини эътиборга олган *Ўзбекистон Конституцияси ҳам катта ваколатларга эга бўлган конституциявий суднинг мавжудлигини назарда тутати.*

Франциянинг 1958 йилги Конституцияси ҳам конституциявий назорат тизimini назарда тутати. У Франция сиёсий тизимида жуда муҳим ўрин тутса-да, аммо ўз имкониятларига кўра Европанинг бошқа мамлакатларидаги конституциявий суд назорати органларига қараганда камроқ имкониятга эга бўлган орган — Конституциявий кенгаш фаолиятида намоён бўлади.

Қонунларни конституциявий назорат қилиш амалиётини кенг қўллайдиган ва уларни бекор қилиш ваколатига эга бўлган конституциявий судлардан фарқли равишда Франциянинг Конституциявий кенгаши парламентда қабул қилинган, аммо президент имзоламаган қонунларни дастлабки назоратдан ўтказди, холос.

Конституциянинг устунлиги қонунларнинг конституциявийлиги суд орқали назорат қилинадиган жойда анча тўла қабул қилинади. Италия, ГФР, Испаниядаги конституциялар тегишли мамлакат қонунчилигидаги у ёки бу ҳужжатнинг мавжудлигини белгилайдиган олий ҳуқуқ, мезон бўлиб хизмат қилади. Ушбу мезоннинг қачон ва ким томонидан қабул қилинганлиги ҳамда унинг конституциявийлиги ҳақида дастлабки қарорларнинг мавжудлиги бу ўринда аҳамиятли эмас. Бунинг устига конституциявий суд назорати йўли билан қонун ҳужжатининг мазмунини ўзгартиришга йўл қўйилади.

Юқоридегиларни умумлаштириб, *конституциявий суд назоратига эга бўлган мамлакатларда конституциявий устунлик — бу айнан конституциянинг устунлигидир*, деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида конституциянинг устунлиги принципини амалга оширишни конституциявий суд орқали назорат қилиш меха-

низми белгилаб берилган. Авваламбор, бу ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, давлат барқарорлиги тажрибасини тўплаш ва шаклланаётган сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ҳисобга олиш талаблари туфайли юзага келди.

Франция, Мексика, Сурия ва Миср Конституциялари конституциявий тизимнинг кафолати сифатида республика президентининг роли ва ваколатларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бундай ёндашув ёш ўзбек давлатининг конституциясида ҳам қўлланилган.

## **КОНСТИТУЦИЯ — БЕВОСИТА АМАЛ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚ**

ГФРнинг Асосий қонунида конституциявий нормалар бевосита ҳуқуқ эканлиги тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган. Бу муҳим қоида амалда бутун дунёда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган асосий ҳуқуқлари мажмуи қисқа ва лўнда берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бунинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилади.

*«Конституциянинг бевосита амал қилиши»* тушунчаси кўп маъноларни аңлатади. Бунда икки жиҳат, яъни қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Биринчисида конституциянинг бевосита амал қилиши шуни билдирадики, ягона маънога эга бўлган конституциявий нормаларни бажариш мақсадида янги норматив ҳужжат чиқарилади. Агар конституция ижтимоий ҳаётни тартибга солишнинг демократик принципларини ўз ичига олган, амалдаги қонунлар эса тўлалигича шунга асосланган бўлса, у ҳолда бу бутун ҳуқуқ тизимига ижобий таъсир кўрсатиши маълум.

Бу ерда конституциянинг Ўзбекистон қонунчилигига хос бўлган ихчам тартибга солувчи табиати яққол намоён бўлади.

Конституция бевосита амал қилишининг иккинчи маъноси ҳуқуқни қўлловчи органлар бўлмиш судлар, турли давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан конституциявий нормаларнинг қўлланишидир. Бунда суд (ёки бошқа орган) ўз ҳаракатларини асослашда бирор оралиқ қонун чиқарилмай туриб бевосита конституциявий нормаларга амал қилади.

*Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши бир неча шаклларда намоён бўлади.*

*Биринчидан*, конституциянинг ўзи, кўпинча, бир қатор олий давлат органларининг ваколатини белгилаб беради. Конституциянинг ушбу нормаларини қўллаш орқали қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органлари ташкил топади ва бевосита фаолият кўрсатади. Кўрсатилган ҳолларда ҳеч қандай оралиқ қарорлар талаб қилинмайди.

*Иккинчидан*, кўп ҳолларда судлар ва муайян масалаларни ҳал қилувчи бошқа давлат органлари бевосита конституция нормаларига мурожаат қиладилар. Судларнинг конституция нормаларига мурожаат қилишлари қуйидаги ҳолларда юз бериши мумкин:

- а) конституция қоидаларини бевосита қўллашда;
- б) судларда оддий қонуларнинг конституциявийлигига шубҳа туғилганида;
- в) судлар барча ҳуқуқий материалларда зарур нормани излаб тополмай, «сўнгги восита» сифатида конституциявий нормаларга мурожаат қилганларида.

Умуман, мустақил суд, биринчи навбатда, конституция моддаларига таяниши зарурлиги қоидага айланиши зарур.

Конституцияга амал қилувчи ёки ўз манфаат ва ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши бўйича мурожаат қилувчи фуқароларнинг конституциявий нормаларни қўллашлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий кафолатлаш жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Бунда қуйидагича савол туғилади: агар муайян масала бўйича тегишли оддий қонунлар (бунинг устига конституция нормаларига зид келмайдиган қонунлар) мавжуд бўлса, фуқаро конституциявий нормаларга мурожаат қилишга ҳақлими?

Бизнинг фикримизча, шундай бўлиши мумкин. Бунда конституция олий юридик кучга эгалигидан келиб чиқилади. Унинг қоидалари ҳуқуқни қўллашнинг барча ҳолатларида, агар тегишли моддалар оддий қонунларда ҳам бўлса, тўғридан-тўғри амал қилади.

Ҳуқуқ тизими, унинг вазифаларининг асосий принциплари айнан конституцияда очиб берилади. Конституциялардаги мақсадлар ва принциплар одамлар томонидан бевосита қабул қилинади ва уларнинг хулқига таъсир кўрсатади. Шу боисдан айтиш мумкинки, конституцияларнинг мақсад ва вазифалари ижтимоий-психологик томондан бевосита амал қилади. Юридик жиҳатига келганда эса, «конституцияларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши» тушунчаси конституциявий нормаларга амалдаги қонунлар томонидан бевосита мурожаат қилиш мумкин бўлган ҳоллар билангина чекланади.

Агар тармоқ қонунлари ҳуқуқнинг умумий принциплари ёки мақсадларига ҳавола қилишларга эга бўлмаса, у ҳолда ушбу мақсадлар ва принципларни ўз ичига олган конституциявий нормаларнинг амал қилишини билвосита амал қилиш деб ҳисоблаш лозим. Чамаси, суд изоҳлашларини ҳам ушбу ҳолга киритиш мумкин.

*Конституциявий назорат органларининг фаолияти конституциялар тўғридан-тўғри амал қилишининг махсус жиҳатидир.*

Конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақидаги қоиданинг мустаҳкамлаб қўйилиши уларнинг қонун ҳужжатларида аниқлаштирилган ёки аниқлаштирилмаганлигидан қатъи назар қўлланишини билдиради. Конституцияга унинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақидаги принципнинг киритилиши, юридик самарадорликни оширади, Асосий қонуннинг янада фаолроқ «ишлаши»ни таъминлайди.

Бир қатор мамлакатларнинг конституциялари кўплаб ҳавола қилувчи нормаларга эга. Бу эса конституцияларнинг ҳуқуқни белгилаш функцияларини камайтиради.

## **КОНСТИТУЦИЯЛАРНИНГ ҲАЖМИ ВА ТУЗИЛИШИ**

*Конституциялар ташқи ва ички тузилишга эга.* Конституцияларнинг ташқи тузилиши унинг муносабатларининг йиғиндиси, бошқа қонунлар, ҳуқуқ манбалари билан алоқаларини, унинг ҳуқуқ тизими ва жамиятни ижтимоий-норматив тартибга солувчилар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини тавсифлаб беради. *Ички* тузилиши конституциянинг таркибий қисмлари бўлмиш ички қисмлари: бўлимлар, боблар, моддалар ўртасидаги ўзаро алоқалар, ўзаро таъсирлар йиғиндисини кўрсатади.

Ҳозирги «иккинчи авлод» конституциялари, қоида тариқасида, аввалги «биринчи авлод» конституцияларига қараганда кенгроқ тузилишга ва катта ҳажмга эга. АҚШнинг 1787 йилги Конституцияси — 7 та модда ва 27 та амал қилаётган ўзгаришларга эга. Италиянинг 1947 йилги Конституцияси — 139, ГФРнинг Асосий қонуни — 146, Франциянинг 1958 йилги Конституцияси — 92, Испаниянинг 1978 йилги Конституцияси — 169 та моддадан иборат.

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, федератив давлатларнинг конституциялари катта ҳажмга эга. Масалан, 1950 йилги Ҳиндистон Конституцияси 400дан ортиқ модда ва иловаларга, 1969 йилги Нигерия Конституцияси 331 та модда ва 7 та иловага эга. Замоनावий конституцияларнинг кўпчилиги ҳам юридик, ҳам сиёсий жиҳатдан ўта муҳим бўлган қоидаларни ўз ичига олган қисқа *муқаддима* билан очилади. 1947 йилги Италия Конституцияси бундан мустасно бўлиб, унда муқаддима йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳам муқаддима киритилган.

Конституциялардаги моддалар, қоида тариқасида, номланган бўлимларга ажратилади. Улар кичкина (Франциянинг ҳажми унча катта бўлмаган Конституциясида 15 та бўлим мавжуд), шунингдек, моддалар сонига кўра, анча катта (ҳажми деярли икки баробар катта бўлган Испаниянинг Конституциясида 10 та бўлим мавжуд) бўлиши ҳам мумкин. Агар Франция Конституцияси учун бўлим ягона (моддалардан ташқари) тузилма бўлса, Испания Конституцияси учун эса асосий ҳисобланади, чунки унда бўлимлар яна бобларга ҳам бўлинади. Аксинча, Италияда Конституциянинг асосий тузилмаси боб ҳисобланиб, бўлим унинг ички таркибий қисми ҳисобланмайди. Италия Конституциясининг 10 та боби икки қисмга бирлаштирилган. АҚШ Конституциясида ҳам бўлимлар бор, бироқ улар моддаларнинг бир қисми ҳисобланади (Конституциянинг жами 7 моддаси 21 бўлимдан иборат). Баъзи конституцияларда моддалар номланган (Португалия, Ангола ва ҳ.к.), лекин кўпинча улар ҳеч қандай номга эга эмас (Покистон, Туркия, Швеция ва ҳ.к.)

*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида моддаларни ўз ичига олган боблар, конституциявий институтларнинг муаммоли блокларини бирлаштирган бўлимлар (ҳуқуқий тартибга солишнинг йирик йўналишлари)дан таркиб топган.*

Моҳиятига кўра, Америка Конституцияси (ўзгаришлари билан бирга) нормаларнинг федерал ҳукумат тўғрисидаги, федерация ва штатларнинг муносабатлари ҳақидаги, шахс ва давлат муносабатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги, Конституцияга ўзгаришлар киритишнинг тартиби тўғрисидаги тўрт гуруҳини ўз ичига олган.

Бундан ташқари, Конституция ва уларга киритилган ўзгаришларда шундай ҳолатлар берилганки, улардан АҚШ давлат ҳуқуқининг принциплари, яъни республикачилик, федерализм, тийиб туриш ва мувозанат, очиқ жамият, ҳуқуқнинг, конституциявий суд назоратининг ҳукмронлиги ўрин олган. Баъзи шартлар билан тан олиш лозимки, ижтимоий ҳуқуқлар мавзуйига мурожаат қилишни ҳисобга олмаганда, конституциявий тартибга солиш предметида кўра замоनावий конституциялар сезиларли даражада фарқ қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлимида конституциявий принциплар акс эттирилган. Бу эса қолган бошқа матнга нисбатан маъно жиҳатидан тартибга солувчи аҳамиятга эга.

Замоनावий конституцияларнинг тузилишидаги барча фарқларга қарамай, улар



анъанага кўра ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши тартибига мос равишда тузилган: қонун чиқарувчи, ижроия (ҳукумат) ва суд ҳокимияти. Лекин барча конституциялар ҳам эмас. Франция Конституцияси ҳокимият турли тармоқларининг бошқача бўлинишига эга: Республика Президенти; Ҳукумат; Парламент; фақат VIII, IX бўлимларгина суд ҳокимиятига бағишланган. Бунда унитар президентлик республикаси мантиғидан келиб чиқилган (АҚШ — федератив президентлик республикаси).

Айнан Президентнинг фақат ижроия ҳокимияти эмас, балки давлатнинг ҳам бошлиғи эканлиги халқ бирлигининг рамзидир. Бу маъно жиҳатидан ҳам, тузилиши жиҳатидан ҳам Ўзбекистон Конституциясида Республиканинг президентлик шакли устунлигини асослаб беради.

Кўплаб конституцияларнинг тузилишида *фуқаро ва давлат (фуқаронинг ҳуқуқлари) муносабатлари ҳақида мустақил блок мавжуд*. ГФРнинг Конституциясида бу «Ҳуқуқ» деб номланган биринчи бўлимдир. Италиянинг Конституциясида эса бу «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» деб номланган биринчи қисмдир. Осиё халқларининг менталитетига Япония Конституциясининг формуласи тўла мос тушади: «Халқнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» («Император» ва «Урушдан воз кечиш» бобларидан кейинги учинчи боб). АҚШнинг Конституциясида бу ҳуқуқий сюжет ҳуқуқлар ҳақидаги биллда (дастлабки ўнта ўзгартишлар шаклида) очиб берилган.

Замонавий конституциялар муқаддима ёки кириш қисмларидан кейин биринчи ўринга, қоида тариқасида, каттагина ҳажмга эга бўлган (масалан, Испания Конституциясининг учдан бир қисми) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммосини қўядилар. Бунда мажбуриятлар алоҳида моддаларга мужассамлаштирилган бўлиб, ҳеч қачон ҳуқуқлардан фойдаланишдан келиб чиқмайди. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг тартибга келтирилиши Италия Конституциясининг тўрт бобида айниқса мукамал берилган. Улар тегишлича фуқаролик, ахлоқий-ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар, деб номланади. Бугунги кунда Испания Конституциясидаги рўйхатлар энг тўлиқ ҳисобланади. Унда, жумладан «учинчи авлод» деб номланган ҳуқуқлар ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, Испания Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибидан, жумладан конституциявий судда ҳимоя қилишни ҳам тартибга солади. Фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқини замонавий доктрина фақат ҳуқуқ ва эркинликлар эмас, балки умуман, замонавий демократиянинг асосий принципларидан бири сифатида кўриб чиқади.

Имом Муҳаммад ал-Бухорий каби ҳуқуқшунослар — фақиҳлардан буён давом этиб келаётган Ўрта Осиё халқларининг анъанавий ҳуқуқий онгида жамоа (халқ) ҳамда унинг аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ягона эканлиги ажратилади. Республика аҳолисининг бир халқ сифатида бирдамлигининг муҳимлиги ҳам ҳуқуқдаги йўналишларни белгилаб беради. Оила ва унинг ҳуқуқий тартибга солиш субъекти сифатидаги барқарор ижобий ўрни амалдаги асосий ҳуқуқ субъектларини тўлдиради.

Хорижий мамлакатларнинг конституциялари, қоида тариқасида, фуқаролик жамиятининг, айниқса, унинг иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларининг ишига қамдан-қам ҳолларда аралашади. Шундай конституциялар борки (Франция, АҚШ, Австрия), уларда ушбу муаммо умуман йўқ.

Маълумки, конституция ижтимоий тузум асосий принципларининг рўйхати-

ни кўрсатиб ўтиши керак. Бу аниқ ва лўнда *юримдик* (мафкуравий эмас) шаклларда бўлиши зарур. Ижтимоий, иқтисодий тузилмаларга оид қоидаларнинг ҳаммасини, айниқса, мураккаб ўтиш даврларида миридан-сиригача белгилаб бериш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай даврларда жамиятга бир томондан ўзини ўзи бошқариш имкониятини бериш, иккинчи томондан, қонун чиқарувчининг тез ўзгараётган шарт-шароитга (умумий принциплар доирасида) мослашишини чеклаб қўймаслик керак.

*Ўзбекистон Конституциясида* бутун давлат ҳокимиятини кўриб чиқиш орқали (алоҳида бобларда) *молия ва солиқ тизимлари, ташқи сиёсат, мудофаа ва хавфсизлик (жумладан, экологик хавфсизлик) конституция билан тартибга солинган.*

*Конституцияларнинг якунловчи ва мустақил сюжети — конституциявий кафолатлар* (Италия), Конституцияни қайта кўриб чиқиш (Франция), ратификация (АҚШ) ва шу турдаги бошқа қоидалардан иборат. Бунда асосийси — конституциянинг барқарорлигини таъминлаш, уни қабул қилиш ёки ўзгартириш механизмлари.

Конституция — конституциявий ҳуқуқнинг ягона манбаи эмас.

Кўпгина Европа давлатларида конституцияга ўзгартишлар киритиш тартибидан қабул қилинадиган конституциявий қонунлар ҳам шундай манба ҳисобланади. Бу қонунлар конституция асосий мавзунини ривожлантириши тарзида (масалан, Италия ва Испания Конституциявий судининг мақоми айнан конституциявий қонунлар билан тартибга солинган) ёки конституциянинг матнидаги бевосита кўрсатма билан қабул қилинади (Францияда — бу Конституциявий кенгаш, Иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар тўғрисидаги таркибий қонунлар ва ҳ.к.) конституциявий ёки таркибий қонунлардан фойдаланиш конституцияларнинг матнига теғмай туриб, унинг ривожланишига ёрдамлашиш имконини беради.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси конституциявий қурилишининг илк намуна-сидир.

АҚШда Конституцияни ривожлантиришнинг бошқача йўли мавжуд. АҚШ конституциявий ҳуқуқини Олий суднинг амалда қонун кучига эга бўлган қарорларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Европадаги бир қатор мамлакатлар конституциявий судларининг қарорлари ҳам конституциявий аҳамиятга эга, чунки улар бевосита ёки билвосита равишда конституцияни изоҳлайдилар ва расмийлаштирадилар ёхуд ҳуқуқий ва сиёсий тузумнинг ўзгаришини рағбатлантирадилар.

Конституциявий битимлар давлат органлари муносабатларида шаклланган сиёсий анъаналарни ифодаловчи ўзига хос конституциявий ҳуқуқ манбаидир. Жумладан, парламент ичидаги, парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар конституциявий битимлар орқали белгилаб берилади.

## **МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ**

Ўзбекистонда истиқлол йиллари давомида мустақил миллий давлатчилик шаклланди. Озод ва суверен давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мақсадлари ва вазифаларини белгиловчи конституция ва бир қатор қонунлар қабул қилинди.

*Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси кўп асрлик ўз ҳуқуқий тарихи ва маданиятининг маҳсули бўлиб, у демократик давлатчиликнинг ички ва*

*ташқи ривожланиш субъекти сифатидаги мустақиллиги ва ўзига хослиги талабларига жавоб беради.*

*Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни мустақил конституциявий ривожланишининг муҳим босқичидир.* Конституциянинг қабул қилиниши, мамлакатда демократик конституциявий тузумнинг, Ўзбекистон фуқаролари ҳаётининг маданий, соғлом ва оқилона асосларининг мустақамланиши, конституцияга, ҳуқуққа ва қонунга ҳурматни, дўстлик ва ижтимоий бирдамликни тарбиялаш, моддий фаровонлик ва маънавий тикланиш янгиланаётган Ўзбекистонда бошланган конституциявий жараённинг таркибий қисмларидир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди.

Буюк аждодларимизнинг улкан маънавий меросига ҳамда кўп минг йиллик тарихи ва маданиятига асосланган маънавий ҳаёт қайта тикланмоқда. Қисқача айтганда, жаҳон ҳуқуқий цивилизациясига алоқадор бўлган барча ҳуқуқий анъаналаримиз юртимизга қайтиб келмоқда. Одамларнинг ҳуқуқий дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Улар демократик ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиёти қадриятлари шаклланишида фаолроқ иштирок этмоқдалар.

Бизнинг «демократия», «эркин тараққиёт» ва «инсон ҳуқуқлари» каби оламшумул тушунчалар талқинига ёндашувимиздаги асосий конституциявий принциплар — давлат мафаатларидан, халқимизнинг ўзига хослигидан, унгагина хос анъаналардан, унинг суверенитети ва мустақиллигига чуқур ҳурматдан келиб чиқади. Бизнинг жамиятимизда демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қадриятлар нафақат қонунда, балки халқнинг ижтимоий онги, унинг маънавиятидаги саховатлилиги, одамохунлиги, меҳмондўстлигида акс этган. Ўзбекистондаги муҳим инсонпарвар қадриятлардан бири, Шарқ маданиятига хос бўлганидек оилани қўллаб-қувватлашдир. Бу фазилатимиз қадимдан бўлган ва ҳамisha бўлади. Инсон ҳуқуқлари ва шах қадр-қимматига бўлган эътиқодимиз миллий маданиятимизни ва ёш давлатчилигимизни янада улуглайди.

Халқимизнинг фидойилиги, ватанпарварлик ҳиссиётлари, бахт ва озодликка интилиши ҳар биримиз учун муқаддас бўлиб қолган давлат рамзларимиз: Ўзбекистон Мадҳияси, Байроғи, Гербида ўзининг мужассам ифодасини топган.

Ўзбекистон Конституциясида республикада қарор топаётган ва халқимизнинг теран анъаналарига мос келувчи виждон эркинлигига самимий ҳурмат ўз тасдиғини топган. Давлатнинг фуқаролар эътиқоди ва туйғуларига аралашмаслигига доир умуминсоний принцип Ўзбекистон давлатининг диний мазмун касб этишига йўл қўймайди. Динни сиёсийлаштириш, давлатлаштириш унинг муқаддас заминларига зид бўлиб, диний эътиқод соҳасига давлат аралашуви хавфини келтириб чиқаради. Маълумки, диний эътиқод эркинлиги барчанинг хусусий ишидир. Зеро, Куръони Карим диний қарашларни мажбуран сингдиришни инкор этади. Диндорлар ва даҳрийларнинг ҳуқуқлари кафолатига келадиган бўлсак, Конституция ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги, фуқароларнинг тарихий, маънавий ҳамда маданий меросимизни авайлаб асраш мажбурияти билан, шунингдек давлат таълим тизимининг илмий хусусияти билан кафолатлайди.

Ўзбекистон Конституцияси халқимиз умумий тафаккурининг маҳсулидир, унинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини акс эттиради. У суверен республикамизнинг истиқболли тараққиёти учун юксак даражада хизмат қилади. Конституция халқ манфаатларига мос равишда жамият ривожланишининг ҳуқуқий асосларини

вужудга келтирди, инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оила учун муносиб ҳаётни, барча фуқаролар учун ишончли келажакни кафолатлайди. Ўзининг янгилашиш ва тараққий этиш йўлини танлаган халқимиз ана шундай Конституцияга эга бўлишга тўла муносибдир.

Бу чуқур ўзгаришларда суверен Ўзбекистоннинг Асосий қонуни бўлмиш Конституция муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистоннинг Конституцияси жаҳон конституциявий харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. У Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция, авваламбор, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устуңлиги принципига амал қилади. Унда бирор сиёсий мафқуранинг чекланиши, синфларнинг қарама-қарши қўйилиши, партияларнинг ҳукмронлиги йўқ. Шунингдек, давлатнинг фуқаролар устидан тазйиқ ўтказувчи ҳукмронлиги ҳам йўқ. Конституция Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсизлиги каби деярли барча принципиал қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Конституцияда кўп миллатли мамлакатимизда умумий мустақкам ахлоқий ва ҳуқуқий ҳудуд яратиш гоёси ўрин олган<sup>1</sup>.

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил изланиш натижаси бўлиб, у ҳақиқатан ҳам мустақиллик ва озодликка умумхалқ интилишини ўзида ифодалаган. Қонун чиқарувчи органимиз конституциявий бинони кура туриб, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган давлатчилигимиз тажрибаларига таянган. Конституциямиз миллий манфаатлар ва интилишларимиздан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарбнинг турли мамлакатлари томонидан тўпланган илғор конституциявий тажрибаларни қабул қилган.

Конституцияда қуйидагиларда жаҳон конституциявий тажрибасига таянилган: **биринчидан**, конституциявий тартибга солиш принциплари — ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ нормаларини эътироф этиш, конституциянинг барқарорлиги;

**иккинчидан**, муқаддима ва бўлимлар, боблар, моддалар бўйича матни ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг жойлашиш мантиги; реал давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган ортиқча меъёрлашга йўл қўймаслик учун мазмуннинг қисқалиги; келгуси қонунларга «ҳавола этувчи» нормаларнинг йўқлиги ҳам ушбу мақсадга бўйсундирилган;

**учинчидан**, мафқуравийлаштиришни, яъни бир мафқуранинг якка ҳукмронлигини инкор этиш;

**тўртинчидан**, фикр, сўз, виждон ва эътиқодлар эркинлиги, ватанпарварлик;

**бешинчидан**, конституциявий кафолатлар — Конституциянинг устуңлиги, конституциявий суднинг яратилиши, Конституцияга ўзгартишлар киритишнинг махсус тартиби;

**олтинчидан**, бевосита халқ ҳокимиятчилигининг шаклларида бири бўлган Президент республикаси, чунки Конституция Президентнинг давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғи сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т. 1. Т., 1996. 125-б.

Илгариги «социалистик» конституциялардан фарқли равишда, мустақил Ўзбекистон Конституциясида европоцентристик конституциявий тартибга солишга уриниш йўқ. Лекин унда Фарб демократик конституцияларига хос бўлган фуқаролик жамияти, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, ҳокимиятларнинг тийиб туриши ва мувозанатини онгли равишда ҳисобга олиш бор. Шу ўринда ислом, *умма* — *шариат* ҳуқуқий анъаналарининг таъсири, давлатни бошқаришда унинг раҳбарини тинчлик, шаън ва фаровонлик учун жавобгар бўлган катта оила бошлиғи сифатида конституциявий тушуниш яққол кўзга ташланиб турибди.

Ўзбекистон Конституцияси — бу мамлакатнинг ривожланишида давлат, жамият, маданий-маънавий эҳтиёжлар ва барқарор конституциявий ривожланишга бўлган жаҳон тажрибаларининг ижодий бирлигидир. У кадриятларнинг қуйидаги устуңлигини ўрнатади: «шахс — жамият — давлат».

Эркин, онгли, мустақил Шахс — фуқаролик жамиятининг асосий таркибий қисми. Фуқаролик жамияти — мустақил уюшган халқ бўлиб, у ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий манбаи ва эгасидир. Суверен, демократик, ҳуқуқий давлат шахс ҳамда жамият ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячисидир. Шу маънода, конституция — фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома.

Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ўз ривожланишининг конституциявий асослари тарзида қайта тикламоқда. Халқимизнинг маънавий имконияти, унга тегишли бўлган катта табиий ва техник ресурслар, мустаҳкамланаётган халқаро алоқалар демократик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини сақлаш учун босқичма-босқич шароитлар яратишга ишонч туғдиради.

Ўзбекистоннинг Конституцияси «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисида»ги конституциявий қонунга киритилган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Бу қонунда халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи эканлиги белгилаб қўйилган. Бу билан Ўзбекистон бутун жаҳон олдида конституция даражасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига содиқлигини мустаҳкамлаб қўйди. Бу мустақил давлатимизнинг энг обрўли халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб киришига имкон берди ҳамда амалда бутун жаҳонда тан олинимиш ва халқаро иқтисодий алоқаларга қўшилишимизга йўл очди.

Ўзбекистоннинг Конституцияси *халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуңлигини* тан олади. Бу қуйидагиларни англатади:

**биринчидан**, Конституцияда ёзилганидек, инсон ҳуқуқларининг тан олинishi;

**иккинчидан**, демократия идеалларига садоқат;

**учинчидан**, фуқаролар ўртасида тинчлик ҳамда миллий ва миллатлараро келишувнинг таъминланиши;

**тўртинчидан**, барча давлатлар суверенитетининг, чегаралар бузилмаслигининг сўзсиз тан олинishi;

**бешинчидан**, куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик;

**олтинчидан**, давлатлараро баҳсларнинг тинч йўл билан ҳал қилиниши;

**еттинчидан**, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Ушбу масалага бундай катта аҳамият берилиши фақат халқаро мажбуриятлардангина келиб чиқмайди. Халқаро ҳуқуқнинг олий нормаларига содиқлик ўз миллий манфаатларимизга ҳам жавоб беради.

Ўзбекистон — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг, 20 дан ортиқ иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг иштирокчиси. Ўзбекистон Республикасини 140 дан ортиқ давлатлар тан олган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний қадриятлар Конституция даражасида устун мавқега эга бўлди. Демократик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари жадал шаклланмоқда. Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда виждон эркинлиги, жамоат бирлашмалари, фуқаролик тўғрисидаги қонунлар, халқимизни маданий тadbиркорликка тайёрлашга йўналтирилган иқтисодий қонунлар қабул қилинди.

Миллий давлат манфаатлари, халқимизнинг ўзига хослиги ва анъаналарига мослик, унинг суверенитетига чуқур ҳурмат — демократия, инсон ҳуқуқлари ва ривожланиш каби оламшумул ҳодисаларга ёндашишимизнинг асосий конституциявий принципларидир. Жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва демократия фақат қонунлар билангина эмас, балки халқимизнинг ўзлигини англаши, унинг эзгулиги, меҳмоннавозлигида кўринадиган ахлоқий тажрибалари билан ҳам мустаҳкамланади. Шарқона маданият белгиси бўлмиш оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамиша Ўзбекистонда энг муҳим инсонпарварлик қадриятларидан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Инсон ҳуқуқларини тўла қабул қилиш ва шахсни ҳурмат қилиш миллий маданиятимизни ва ёш давлатчилигимизни бойитади.

Халқнинг ватанпарварлик туйғулари, унинг озодликка, бахтга интилиши ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас маъно касб этадиган янги давлат рамзларида: Ўзбекистоннинг мадҳияси, байроғи, гербида ўз аксини топган.

Ўзбекистоннинг Конституциясида республикада қарор топган ва халқимизнинг қадимий анъаналарига хос бўлган виждон эркинлигига катта эътибор ва сикқидилдан ҳурмат ифодаланган. Давлатнинг фуқароларнинг шахсий эътиқодлари ва диний қарашларига аралашмаслигидан иборат умуминсоний қадрият давлатга диний тус беришига йўл қўймайди. Диннинг сиёсийлаштирилиши унинг муқаддас асосларига зид келади, давлатнинг ҳар бир инсоннинг шахсий иши бўлган эътиқодининг руҳий моҳиятига аралашиб хавфини билдиради. Бунинг устига, муқаддас Қуръони карим ҳам диний қарашларнинг бундай зўрлаб сингдирилишини рад қилишини ҳисобга олсак, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Диндорларнинг ҳуқуқларига келганда эса, Конституция уларга даний ташкилотларга уюшиш эркинлигини кафолатлайди ва Ўзбекистон фуқароси сифатида Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраш мажбуриятини юклайди.

Ўзбекистоннинг Конституцияси халқимиз умумий онгининг натижасидир, чунки у халқнинг интилишлари, орзулари, умидларини акс эттирган. У суверен республика прогрессив ривожланишининг конституцияси деган юксак номга тўла мос тушади. Конституция халқнинг манфаатларидан келиб чиқиб, жамиятимизнинг ҳуқуқий асосларини яратади, инсон ҳуқуқлари, ҳар бир оиланинг барқарорлиги ва муносиб ҳаёт кечиришини, бутун Ўзбекистон халқининг ишончли келажакини кафолатлайди. Халқ ўзи танлаган янгиланиш, тараққиёт йўлида яшаши ва меҳнат қилиши шарт бўлган шундай конституцияга муносибдир.

*Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Конституцияси жаҳон конституциявий фондига таркибий қисм сифатида киради. У умумжаҳон тарихий конституциявий жараёнининг яхлитлигини, халқлар ва маданиятларнинг ўтмишидаги ўзаро алоқаларини ва*

бунда — мамлакатнинг ривожланишида ўзига хосликлар борлигини ҳамда унинг бутун инсоният умумконституциявий ҳуқуқий маданиятига алоҳида улуш қўшганлигини тасдиқлади.

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНING АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Конституциянинг асосий мақсадлари унинг муқаддимасида белгиланган.

**Муқаддима** — Конституциянинг мақсадлари, принциплари ва бошқа асосий қоидаларини кўрсатувчи кириш қисмидир. Муқаддима — конституциянинг муҳим қисми. Мазмуни ва ҳажмига кўра, ҳозирги конституцияларнинг муқаддималари турлича. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилги Конституциясининг муқаддимаси Ўзбекистон халқи ўзининг тўла ҳуқуқли вакиллари — парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутатлари қиёфасида Конституцияни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар ва принципларни қисқа шаклда тантанали равишда эълон қилади.

Табиийки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш йўлини излайди, янги жамият ва давлат қурилишининг ўз моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўналиши ишлаб чиқилди. Миллий урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда, бозор муносабатларига ўтиш жараёни рўй бермоқда. Мустақил мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсат йўналишлари ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик принциплари белгилаб олинди.

**Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ушбу мақсадларга этишишининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатидир.** У мустақил сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш ва конституциявий тузумнинг ўзаги бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зотан, конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир»<sup>1</sup>.

Муқаддимада Ўзбекистон халқининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий, ҳуқуқий негиз ва принципларга таяниши аниқ кўрсатиб берилган. **Бу негиз ва принциплар:**

**биринчидан,** жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғоялари ва принципларига содиқлик;

**иккинчидан,** ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш;

**учинчидан,** ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш;

**тўртинчидан,** демократия ва ижтимоий адолат идеалларига садоқат;

<sup>1</sup> Каримов И. А. Буюк келажатимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т., 1993. 6-бет.

**бешинчидан**, халқаро ҳуқуқнинг бутун жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш;

**олтинчидан**, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш;

**еттинчидан**, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш;

**саккизинчидан**, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини кафолатлаш.

Конституциянинг муқаддимаси сезиларли мафкуравий тусга эга, лекин бу унинг Конституциянинг узвий таркибий қисми сифатидаги юридик аҳамиятини камайтирмайди. Бу юридик аҳамият шундан иборатки, *Конституциянинг барча нормалари муқаддимада эълон қилинган принципларга мос келиши ва улар асосида изоҳланиши шарт*.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси чинакам демократик конституциядир, у тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган. Ҳақиқатан ҳам, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир»<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш ва демократия каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатчилиқ манфаатларига, халқининг ўзига хослигига, унинг анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Конституцияси энг ривожланган, тараққий этган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган. Конституциямиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига асосланган, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатларидан — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг конституциявий тажрибасидан ижобий фойдаланган.

Асосий қонунимизни баҳолашда халқаро холис экспертлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг сиёсатшунос олимлари ва вакиллари фаол қатнашдилар. Ҳеч ким, ҳаттоки муҳолифларимиз ҳам конституциямизнинг демократик моҳиятини ва афзалликларини инкор эта олмади.

«Бизнинг Қомус, демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди»<sup>2</sup>. Шу маънода у ҳар қандай илғор давлат конституцияси билан бемалол куч синашмоқда. Шунинг учун ҳам Конституциямиз энг илғор

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993. 74-б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т., 1996. — 48—49-б.



гойларни ўзида мужассамлаштирганлиги, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганлигини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мерос, миллий тафаккур, кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий анъаналарига асосланган ва уларнинг бой ижобий тажрибасини ўзида акс эттиради.

Маънавий, ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимизнинг узоқ асрлик турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Ватандошларимизга хос бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, танглик, саховатпешалик каби улғувор хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Қомусимизнинг маънавий, тарихий асослари сифатида жаҳон маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Шарқнинг мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа даҳоларнинг қолдирган маънавий-ахлоқий мероси намоён бўлмоқда. Уларнинг инсонни маънавий комилликка чорловчи диний-ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари Конституциямизга руҳ бағишлаган.

Конституциямиз халқимизга хос бўлган хусусиятлар: меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларга асосланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт принциплари мажмуини ифодаладиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ очиб беради.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

Конституциямизнинг биринчи бўлими суверен Ўзбекистон ҳаётининг муҳим томонларини конституциявий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий принципларини мустаҳкамлайди, давлатнинг, яъни Ўзбекистон Республикасининг моҳиятини белгилаб беради. Бу моҳиятни давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, шунингдек, ташқи сиёсат принциплари ташкил этади.

Биринчи бўлимда мустаҳкамлаб қўйилган асосий принциплар Конституциянинг бошқа қоидалари учун дастлабки норматив асосдир.

Конституциянинг биринчи бўлими қуйидагиларга имкон беради:

**биринчидан**, конституциявий тузумининг асосларини билиб олиш;  
**иккинчидан**, қонунлар ва қонунийликка баҳо беришга имкон берадиган ишончли мезонларга эга бўлиш;

**учинчидан**, давлатчилик асоси сифатидаги ягона совет тизимидан воз кечишдан келиб чиқадиган ҳокимиятнинг янги концепциясини билиб олиш;

**тўртинчидан**, шахс ҳуқуқий мақомининг асосини белгилаш.

**Суверенитет** замонавий конституциявий ва халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан биридир. Суверенитет иккита ўзаро боғлиқ шаклга эга: халқ (миллат) суверенитети ва давлат суверенитети.

**Халқ суверенитети** фақат халқ (миллат)гина давлатнинг асоси ва манбаи

эканлигини билдиради. «Миллий суверенитет» принципи XVIII аср Европа Уйғониш даврининг буюк намояндалари томонидан шакллантирилган эди. Бу принцип Франциянинг 1789 йилги Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясида юридик жиҳатдан мустақкамлаб қўйилган эди. Ҳозирги вақтда халқ суверенитети принципи ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи бутун жаҳон халқаро ва конституциявий ҳуқуқида эътироф этилган.

**Давлат суверенитети** ҳеч кимнинг хоҳишига боғлиқ эмаслигини халқнинг суверен иродасини ифода этувчи давлат ҳокимияти ички ишларда ва халқаро муносабатларда бутунлай мустақил эканлигини билдиради. Давлат суверенитети, биринчидан, мамлакатнинг ҳудудида давлат ҳокимияти устун; иккинчидан, давлат бошқа давлатлар билан қандай муносабатда бўлишини ўзи белгилайди, бошқа давлат эса унинг ички ишларига аралашиб ҳуқуқига эга эмас, деганидир. Давлат суверенитети тоталитар маъмурий буйруқбозлик тизимига мос келмайди.

Конституциянинг биринчи бўлими халқнинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бориш иродаси билан суғорилган.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАВСИФИ**

Конституциянинг 1-моддасида ўзбек давлатининг асосий тушунчаси берилган: «*Ўзбекистон суверен демократик республикадир. Давлатнинг «Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон Республикаси» деган номлари бир хил маънога эга.*»

Бу биринчидан, *Ўзбекистон суверен давлат эканлигини*, иккинчидан, *Ўзбекистон — демократик республика эканлигини* англатади.

«*Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир*»<sup>1</sup>. Ўзбекистоннинг халқимиз орзу қилган чинакам мустақилликни қўлга киритиши, унинг гуллаб яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган давлатлар ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши биз кўзлаётган энг олий мақсаддир.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Айнан шу дамдан бошлаб унинг шаклланиш, мустақкамланиш ва мустақил давлат сифатида қарор топиш даври бошланди.

Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эришди. Республикадаги кўп миллатли аҳолининг хоҳиш-иродаси «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустақкамлаб қўйилди ва умумхалқ референдумида тасдиқланди. Мустақилликка эришиш ўзбек халқининг ҳаётида буюк ҳодисадир. 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни бўлиб, ушбу сана халқимизнинг энг асосий байрами сифатида нишонланади.

Суверенитет — ҳар қандай давлатнинг энг муҳим ажралмас белгиларидан бири. Айнан шу муносабат билан Конституциянинг 1-моддаси янги мустақил ўзбек давлати суверен эканлигини қонунлаштиради.

*Ўзбекистон — демократик давлат.* Бу давлат инсонпарварлик, демократия, ижтимоий адолат ва сиёсий плюрализмга асосланади.

Бугун Ўзбекистонда халқнинг бой тажрибасига, республика аҳолисининг маданий анъаналарига асосланган, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия қарор топмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992. 23-б.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган собиқ яккаҳокимлиқ тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Кўппартиявийлик, гоёлар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, бағрикенглик реал воқеликка айланмоқда. Ўзбекистон Собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб президентлик институтини жорий этди.

*Ўзбекистондаги давлат бошқарувининг шакли — республика.* Республика халқ ҳокимияти демокдир. Республика — энг асосий умуминсоний ҳуқуқий қадриятлардан бири. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари ваколатларини аниқ белгилаб беришни, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайлаб қўйилишини англатади.

Бошқарувнинг республика шакли ХХ асрадагина дунёда устунликка эга бўла бошлади (аср бошида Европада фақат учта республика бор эди). «Республика» тушунчаси «демократия» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Бошқарувнинг республика шакли, қоида тариқасида, мамлакатда демократик сиёсий тузумни кафолатлайдиган демократик ташкилий давлат ҳокимиятини ифода этади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси демократик республиканинг барча атрибутларига эга: халқ ҳокимиятнинг ягона манбаидир, давлат бошлиғи сайланади ва алмашиб туради, ваколатли органлар муҳим ўрин тутаети, фуқаронинг тўла ҳуқуқ ва эркинликларга асосланган ҳуқуқий мақоми мавжуд ва ҳ.к.

Ҳар бир инсоннинг бошқалардан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исми-шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас белгиларидан ҳисобланади. Давлатимизнинг номи «Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон Республикаси» бўлиб, мазкур атамалар айнан бир маънони англатади ва улар муқобил тушунчалар сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон давлатининг номи ва унинг рамзлари (герби, байроғи, миллий валютаси ва шу кабилар) халқаро шартномаларда, давлат идораларининг муҳрларида, хизмат ҳужжатлари ва гувоҳномаларида ифодаланади.

Амалда расмий ҳужжатларда кўпинча «Ўзбекистон Республикаси» номи учрайдети.

## **ШАХС ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

*Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасида шундай дейилган: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».* Ушбу моддада Қомусимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ўз ифодасини топган. Унда жамият ва фуқаролар манфаатининг устунлиги ҳамда давлатнинг улар олдида жавобгарлиги қонун билан мустаҳкамланган ва кафолатланган. Унда давлатнинг ижтимоий аҳамияти белгилаб берилган, унинг мақсади халқ манфаатларига хизмат қилиш эканлиги кўрсатилган.

Истиқлол шарофати билан ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас деб эълон қилинди ва давлат ҳимоясига олинди. Бу ниҳоятда улкан аҳамиятга молик ҳуқуқий ютуқдир. Чунки сўнги 70 йил мобайнида Ўзбекистон собиқ совет маъмурий-буйруқбозлик тизимида қарамлик ва сифиниш ҳолатида эди. Ҳар бир фуқаро давлат маҳкамаси мурватининг кичик, аҳамиятсиз қисмига айланиб қолганди. Энди эса барча

давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдиди масъул-дирлар.

Айнан давлатнинг одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун бўлган жамият устидан хавфли ҳукмронлигига йўл қўймаслик мақсадида, Конституция давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаро олдидаги мажбуриятини белгилаб қўйган.

Давлатнинг фуқаролар олдиди масъуллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи керак. Шунинг учун ҳам давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатларига, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Давлатнинг масъуллиги принципи Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши тарихида биринчи бор мустаҳкамлаб қўйилди. У фуқаролик жамияти учун катта аҳамиятга эга, чунки давлат тўраларнинг ва мансабдор шахсларнинг тажовузларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқда давлат жамият ҳаётини мамлакат миқёсида ташкил этиш масалаларини ҳал этиш, мамлакатнинг ташқи дунё билан муносабатларини белгилаш ваколатига эга бўлган ҳокимият тузилмаси сифатида қаралади.

Дунё мамлакатларининг конституцияларида давлатга таъриф берилмайди, лекин асосий қонун сифатида уларда давлатнинг жамият ҳаётини ташкил этиш тартиби кўрсатилади: халқ (халқ суверенитети, фуқаролик, асосий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг конституциявий институтлари), ҳудуд (унинг яхлитлиги, ягоналиги ва дахлсизлиги), бутун халққа ва бутун ҳудудга тааллуқли бўлган давлат ҳокимияти.

*Давлат — жамият ишларини бошқариш ҳамда шахсни бошқа шахслар, органлар ва ташкилотлар ўзбошимчилигидан ҳимоя қилиш аппарати. У мураккаб тузилишга эга бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:*

**биринчидан**, қонун чиқарувчи вакиллик органи;

**иккинчидан**, давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи — Президент;

**учинчидан**, ҳукумат, вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа бошқарув органлари;

**тўртинчидан**, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суд, прокуратура, милиция;

**бешинчидан**, армия, разведка.

Давлат органлари у ёки бу тарзда ўзаро боғланган ва бир бутунга бирлашган.

Ўзбекистон давлати халқ манфаатларини ўзининг ислоҳотчилик фаолиятида айниқса қаттиқ ҳимоя қилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебошликка йўл қўймаслик, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон давлати томонидан амалга оширилмоқда.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ БЕЛГИЛАРИ**

Республикамиз истиқдолга эришган давлат сифатида ўзининг мустақил сиёсатини юритиши лозим. Бу мустақил сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

**биринчидан**, миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишни белгилаш. Мазкур қоидалар Конституциянинг тўртинчи бўлимида батафсил баён этилган;

**иккинчидан**, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини белгилаш. Конституциянинг бешинчи бўлими тўлалигича мазкур масалага бағишланган;

**учинчидан**, ўз ички ва ташқи сиёсатини юритиш. Конституциянинг 17-моддасида ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Конституциямизнинг 3-моддаси давлат суверенитетини назарда тутди: у ягона ва бўлинмасдир, давлат ҳокимияти томонидан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари орқали Конституцияга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон ўзининг янгиланиш ва тараққиёт, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тикланиш йўлини белгилаб олди. Мазкур йўл мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини белгилаб берди. Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўлининг моҳияти ва хусусиятлари Президентимиз И. А. Каримовнинг асарларида, мақолалари ва нутқларида, мамлакатимиз парламенти қабул қилган қонунларда ўз аксини топган. Бу йўл республикамизнинг хусусияти ва манфаатларига, юзага келган шароит ва имкониятларга тўла мос келади, ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одади ва анъаналаридан, унинг тарихи, миллий-руҳий, демографик, табиий-иқлим, ижтимоий-иқтисодий шароитларидан келиб чиқади.

Ўзбек йўлининг ўзига хос жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов чуқур таҳлил қилди ва шу асосда мамлакатни ривожлантиришнинг куйидаги беш принципини ифодалаб берди:

**биринчидан**, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ҳамда ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи этилиши;

**иккинчидан**, ўтиш даврида давлатнинг асосий ислоҳотчи бўлиши;

**учинчидан**, қонунийлик ва ҳуқуқнинг ҳамма нарсадан устунлигини таъминлаш;

**тўртинчидан**, кучли ижтимоий сиёсатнинг юритилиши;

**бешинчидан**, бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши кераклиги<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг асосини ташкил этувчи ушбу беш принципи бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа давлатларда ҳам эътироф этилмоқда.

*Давлат чегараси* — бу давлат ҳудуди чегараларини (қуруқлик, сув ҳавзаси, ер ва ҳаво кенгликлари) ва, бинобарин, давлат суверенитети амал қилишини белгиловчи чизиқ. Давлат чегараси маълум давлатни бошқа давлатлар ҳудудидан ёки халқаро ҳудудлар, масалан, очиқ денгиздан ажратиб туради.

Ҳар бир давлат ўз чегаралари доирасида жойлашган ҳудудига эга. Давлат ҳудуди таркибига қуруқлик, сув ҳавзалари, ҳаво кенгликлари ва ер остидаги маконлар қиради.

*Давлат ҳудуди* — ер шарининг маълум давлат чегараларига тегишли бўлган қисми. Чегарадош давлатларнинг ҳудудлари бир-биридан давлат чегаралари билан ажратилади.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992; *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993; *Каримов И.А.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., 1994; *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., 1994.

Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари, консулликлари ва бошқа хорижий ваколатхоналари ҳам мамлакатимизнинг давлат ҳудуди ҳисобланади.

*Давлатнинг ҳудудий ҳукмронлиги унинг ўз ҳудудида тўла ва беистисно мустақиллигини англатади.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Мамлакат ҳудудининг яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлиги ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидандир.

Ҳудуднинг яхлитлиги ва дахлсизлиги — давлат хавфсизлигининг асосий элементи, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш эса, давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Шундай қилиб, *давлатнинг алоҳида белгилари: ҳудуд, аҳоли, ҳокимият ва суверенитетдир.*

Конституциянинг 4-моддасида Ўзбекистонда давлат тили *ўзбек тили* эканлиги белгилаб қўйилган. 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг биринчи ва муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу ҳол собиқ совет империяси давридаги «руслаштириш» ва халқни она тилидан маҳрум этиш сиёсатиға қонуний равишда тўсиқ қўйди.

Давлат тилини амалга ошириш ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш мақсадида 1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1989 йилдаги «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритди, уни тўлдирди ва янги таҳририни тасдиқлади.

Қонун ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди. Давлат тили тўғрисидаги қонун тилларнинг маиший ҳаётда, шахслараро муносабатларда, диний ва маданий маросимларда ишлатилишини тартибга солмайди.

Ўзбекистон фуқароларининг давлат тилини, ўз она тили ва хорижий тилларни ўрганишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Асосий қонунда ўзбек тили қонун йўли билан давлат ҳимоясига олинган. Бугун салкам унутилаёзган тилимизни изчил равишда тикламоқдамиз. Бу йўлда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар қилинди. Қонунлар, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, дарсликлар ўзбек тилида ёзилмоқда. Тил — ҳар бир миллатнинг ажралмас белгиси. «Тилға эътибор — элга эътибор» ҳикматининг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Бу борада яна бир муҳим қонуний қадам ташланди. 2005 йилға бориб ўзбек ёзуви лотин алифбосига ўтади. Бу билан бизнинг олдимизда жаҳон маданияти ва ахбороти маконига тўлиқ кириш учун кенг имкониятлар очилади. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбға чиқариш умумхалқ вазифасидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллатлар ва элатлар яшайди. Республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллий маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва тилларига ўзаро ҳурматда бўлиш конституциявий талаблардандир. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мисол сифатида мамлакатимизда ишлаб турган 70 дан ортиқ турли халқларнинг миллий маданий марказларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган барча фуқаролар, она тили

қайси тил эканлигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидирлар. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилида сўзлашишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини камситмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Конституциямизнинг 5-моддасида давлатимиз мустақиллигининг рамзлари бўлган байроқ, герб ва мадҳиянинг ҳуқуқий асоси ифодаланган.

«Давлатимиз рамзлари Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустақамлаш демакдир»<sup>1</sup>.

Давлат рамзлари турли давлатлар халқларини тўлқинлантирадиган ғоялар, тушунчалар, ҳис-туйғулар, интилишларни ифода этади. Шунинг учун энг маънодор график ва товуш рамзларини излаб топишга катта сиёсий-ҳуқуқий аҳамият берилади. Давлат рамзлари замон руҳига мос бўлиб, давр руҳини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари махсус қонунлар билан тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи** 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгашда тасдиқланган. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттиргани ҳолда республиканинг табиий хусусиятларини, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзига хослигини ҳам акс эттиради.

*Байроқдаги ҳаворанг бўёқ* зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек, ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзи. Маълумки, буюк Амир Темур давлатининг байроғи ҳам ҳаворанг бўлган.

*Оқ ранг* эса тинчлик ва поклик тимсолидир. Байроғимиздаги оқ ранг ёш мустақил давлатимиз ошиб ўтиши лозим бўлган довлонлардаги йўлнинг ёрқин ва чароғон бўлиши учун эзгу ниятни билдиради.

*Байроқнинг қизил рангдаги йўллари* ҳар бир тирик жон қон томирида жўшиб турган ҳаётгий кучнинг, барҳаётликнинг рамзи.

*Яшил ранг* эса табиатнинг тимсоли, гуркираб яшнаётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг рамзидир. Байроқдаги ярим ой — ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мос келади. Чунончи, ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмоннинг, тинчликнинг рамзидир. 12 рақами — қадимдан халқларимиз орасида мукамаллик тимсоли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам байроғимизга ўн икки юлдузнинг тасвири туширилган.

Ўзбекистон Республикасининг *Давлат байроғи қуйидаги жойларда ҳар доим кўтариб қўйилади*: Ўзбекистон Республикаси Президенти девони; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; Ўзбекистон Республикаси ҳукумати; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукумати; Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари; Ўзбекистон Республикасининг хориждаги доимий ваколатхоналарининг биноларида; халқ депутатлари кенгашларининг сессиялари ўтказиладиган бино ва иншоотларда у сессия даврида кўтарилиб туради.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993. 81-б.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган байрам кунларида Давлат байроғи вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа давлат ҳамда жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг биноларида, шунингдек, уйларда ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгаш депутатларини сайлаш, референдум ўтказиш пайтида Давлат байроғи овоз бериш ўтказилаётган бино ва иншоотлар тепасига ўрнатилади.

Халқаро дипломатик протокол нормаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг байроғи Ўзбекистон Республикасининг дипломатик савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларининг бинолари ва транспорт воситаларига ўрнатилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий Мажлис Раиси, Ташқи ишлар вазири, Мудофаа ишлари бўйича вазир, Миллий Гвардия қўмондони, Ўзбекистон Республикаси дипломатик, консуллик ваколатхоналарининг бошлиғи расмий шахс сифатида фойдаланаётган денгиз ва дарё транспорт воситалари, хориждаги бошқа ҳаракат воситаларида ҳам кўтарилади.

Хукумат топшириғига биноан, Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамоат органлари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ўтказаетган тантанали тадбирларда, спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини ўтказиш вақтида, миллий терма командалар иштирокидаги халқаро мусобақалар пайтида ва Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакили бўлган халқаро мусобақа голибларини тақдирлаш тантаналари пайтида ҳам кўтарилади.

Ўзбекистоннинг Давлат герби Республика Олий Кенгаши ўнинчи сессиясида 1992 йилнинг 2 июлида тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида тоғлар, дарёлар ва гуллаб яшнаётган водийлар узра чарақлаб турган қуёш тасвирланган бўлиб, улар ўнг томондан буғдой бошоқлари ва чап томондан эса очилган пахта чаноғи бўлган гўза шохларидан иборат лента билан ўраб олинган. Гербининг юқори қисмида республика барқарорлигининг рамзи бўлган саккиз қирралли юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган. Гербимиз марказида қанотларини кенг ёзиб турган Ҳумо қуши тасвирланган. У бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. Республика Давлат байроғини ифода этувчи тасманинг пастки қисмида «Ўзбекистон» деган ёзув мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби рангли тасвирда бўлиб, Ҳумо қуши ва дарёлар — кумуш рангда; қуёш, бошоқлар, очилган пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви — зарҳал рангда; гўза шохлари барглари, тоғлар ва водийлар — яшил рангда; очилган пахта — оқ рангда; тасма — Ўзбекистон Республикаси давлат байроғини акс эттирувчи уч хил рангда; саккиз қирралли юлдуз — зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар эса олтин рангидадир.

*Ўзбекистон Республикаси Гербининг тасвири қуйидаги жойларга ўрнатилади:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; Ўзбекистон Республикаси ҳукумати; халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқарув органлари; Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



Мақамасига бўйсунадиган бошқа органлар; Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳўжалик судлари; Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси; Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг сессиялари, Олий Мажлис кенгашининг йиғилишлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессиялари, судларнинг суд йиғилишлари ўтказилаётган залларида, шунингдек, туғилиш ва ниқоҳларни тантанали равишда қайд этиш биноларида.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикасининг герби тасвирланган ҳужжатларнинг муҳрлари ва бланкаларига эга бўлиши керак бўлган органлар, муассасалар, қорхоналар ва ташкилотларнинг рўйхати санаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг герби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Олий Мажлис ва Вазирлар Мақамасининг расмий нашрларида, пулларда, қимматли қоғозларда, облигацияларда, почта маркаларида, Ўзбекистон Республикасининг пул-буюм лотореяларида, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатик ва чет эл паспортларида, ниқоҳат Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларида ўрнатиладиган чегара устунларида тасвирланган бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси** 1992 йилнинг 10 декабрида Республика Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг шеърини машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов ёзган, мусиқасини эса таниқли санъат арбоби Мутал Бурхонов басталаган.

Мадҳия матнида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, унинг серқуёш ўлка эканлиги, водийларининг олтинга монандлиги, элга бахт, нажот эканлиги, дўстларига йўлдош ва меҳрибонлиги, халқсеварлиги, бағрида илму фан, ижод сингари ўлкамизга шон-шўҳрат келтирадиган қадриятлар тараннум этилади. Бу сўзлар, шунингдек, илм, ижод ва бу ерда юзага келган қадриятлар гимнда кўтаринки руҳда куйланади. Мадҳияда шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган халқларнинг доимо унинг тинчлиги, осойишталиги, мустақиллиги учун курашганликлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар ҳам ўзининг бадиий ифодасини топган.

Мадҳиянинг мусиқасида ҳам элимизга жуда манзур келадиган истиқболдаги фаровон ҳаётнинг нашъу намоси оҳангларига монанд ғоят кўтаринки руҳ, жанговарликка, гайратга, ижодга, истиқлолга даъватдек мағрур жаранглайди.

Ўзбекистон Республикасининг *Давлат мадҳияси қуйидаги ҳолларда ижро этилади:*

— Ўзбекистон Республикасида умумхалқ байрами деб эълон қилинган байрамларнинг очилиши ва ёпилишига бағишланган тантанали йиғилишлар, мажлисларнинг очилиши ва ёпилишида;

— республика телевидениеси кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларининг янги йил кечасидаги кўрсатувлари ва эшиттиришларида Тошкент вақти билан кечаси соат 24<sup>00</sup>да; республика телевидениесининг кўрсатувларида — Ўзбекистон Республикасида байрам кунларидаги кўрсатувларнинг бошланишида; ўзбек радиоэшиттиришларининг республика учун бериладиган эшиттиришларида — ҳар куни республика дастурларининг бошланиши ҳамда тугаши пайтида;

— республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, таниқли сиёсат, давлат арбоблари, саркардалар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат намояндалари

ри шарафига қурилган ҳайкаллар, монументлар, ёдгорликлар ва иншоотларнинг очилишида;

— давлат, органлари, корхоналари, муассасалари ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши пайтида;

— Ўзбекистон Республикасига расмий визит билан ташриф буюрган давлат бошлиқлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиб қўйиш пайтида — тегишли давлатнинг Давлат мадҳияси ижро этилганидан сўнг;

— Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонун талабларига риоя қилган ҳолда, давлат органлари, корхоналар, муассасалар раҳбарлари ва жамоат бирлашмаларининг қарорларига кўра, бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари муқаддас ҳисобланиб, уларни ҳақорат қилишнинг ҳар қандай кўриниши қонун билан жазоланади.* Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 215-моддасида Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясини ҳақорат қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Давлат рамзлари Ўзбекистон Республикасининг давлатчилиги, мустақиллиги ва суверенитетини акс эттиради. Уларга нисбатан ҳурматсизлик, менсимасдан муносабатда бўлиш жамиятда қабул қилинган ахлоқ қоидаларига ҳам, халқаро меъёрларга ҳам тўғри келмайди.

## **ТОШКЕНТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПОЙТАХТИ**

Ҳар бир давлат ўз пойтахтига эга. Шу боис пойтахт шаҳар бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга: унда давлат ҳокимиятининг, давлат бошлиғининг қароргоҳи, давлат бошқаруви ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари жойлашади, мамлакатни ривожлантиришнинг асосий сиёсий ва иқтисодий йўналишлари ишлаб чиқилади, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашади.

**Азим ва навқирон Тошкент — Ўзбекистон Республикасининг пойтахти.**

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон пойтахти сифатидаги алоҳида мақоми шундан иборатки, унинг ҳудудида Ўзбекистон Президентининг қароргоҳи жойлашган, бу ерда Олий Мажлис ва республика ҳукумати, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судлари, ижроия ҳокимиятнинг марказий органлари, яъни республика вазирликлари ва давлат қўмиталари фаолият кўрсатади. Пойтахт хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ваколатхоналари жойлашган маскандир.

Тошкент — қадимий, икки минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган йирик шаҳар. Унда икки миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Замонавий, салобатли бинолари, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, улуғ бобомиз Амир Темур номидаги хиёбон, «Оқсарой», «Туркистон» ва «Халқлар дўстлиги» саройлари, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳайкаллари, масжиду мадрасалар, кўҳна Шарқ услубида қурилган ва безатилган расталар, қад ростлаётган меҳмонхоналар ва бошқа маҳобатли обидалар, ер ости метроси унинг кўрк ва шуқуҳини оширади.

Тошкент — дўстлик ва тинчлик шаҳри. У дунёга кўплаб халқаро шартномалар имзоланган жой эканлиги билан машҳур. Тошкентда кўплаб халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий анжуманлар ўтказилмоқда.

## ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ

Конституция конституциявий тузумнинг асосий шартларидан бири бўлмиш халқ ҳоқимиятчилигини мустақкамлаб беради. «Халқ ҳоқимиятчилиги» атамаси юнонча «демократия» сўзининг айнан таржимасидир. Илк бор юнон шаҳардавлатида пайдо бўлган бу сўз бутун дунёга тарқалди ва сиёсий луғатдан мустақкам ўрин олди. «Демос» сўзи «халқ» деган маънони «кратос» эса «ҳоқимият», бошқача айтганда, «халқ ҳоқимиятчилиги» деган маънони англатади. Жаҳондаги демократик давлатларнинг конституциялари «бутун ҳоқимият халққа тегишли» ёки «бутун ҳоқимият халқ томонидан амалга оширилади», деган ифодани ўзида мужассамлаштирган.

Конституциянинг II бобида «халқ ҳоқимиятчилиги» атамаси «ҳоқимият манбаи» деган атама билан узвий боғланган.

Асосий қонуннинг 7-моддасида **Ўзбекистон Республикасидаги халқ ҳоқимиятчилиги принципи** очиб берилган: *Ўзбекистонда давлат ҳоқимиятининг бирдан-бир манбаи халқ* бўлиб, давлат халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Инсоният тажрибаси демократиянинг икки шаклини ишлаб чиққан: тўғридан-тўғри, яъни бевосита демократияни ҳамда вакиллик демократияси — органлар, авваламбор, вакиллик ва бошқа сайлаб қўйиладиган органлар орқали амалга ошириладиган демократия, яъни сайлов демократиясини. Демократиянинг мазкур шакллари бир-бирига қарши қўймаслик ва бу иккала шаклдан бирининг устунлиги ҳақида сўз юритмаслик лозим.

**Бевосита демократия** — инсоннинг давлат ишларини ҳал қилишда яширин овоз бериш орқали ёки бошқа бирор шаклда бевосита иштирок этиши. **Вакиллик демократияси** деб инсоннинг давлат ишларини ҳал этишда ўзи сайлаган вакиллари, яъни депутатлар орқали иштирок этишига айтилади.

Халқни ҳоқимиятнинг ягона манбаи сифатида тан олиш бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган демократик давлатларга хос хусусиятдир.

Ўзбекистонда **давлат ҳоқимиятини** фақат Конституция асосида, қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идораларгина амалга оширади. Давлат идоралари фақат қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Давлат идораларининг конституция ва қонунга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

Ҳоқимият давлат ҳоқимиятининг кенг тармоқлари орқали амалга оширилади. Масалан, вакиллар органи бўлиши Олий Мажлис қонунлар чиқаради. Ижро этувчи ҳоқимият — ҳукумат, Вазирлар Маҳкамаси — қонуларнинг ижросини таъминлайди. Суд органи одил судлов сифатида қонунлар асосида баҳсли масалаларни ҳал қилади. Бу органларнинг ҳар бири маълум доирадаги ваколатларга эга ва биргаликда ўзаро боғланган ягона давлат тизимини ташкил этади.

Конституцияда белгиланмаган тартибда давлат ҳоқимияти ваколатларини ўзлаштириш, давлат органларининг ишини тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатиш, янги

ва параллел ҳокимият органлари тузиш конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунда белгиланган жавобгарликка олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида қайд этилган қоида жаҳондаги бирор-бир конституцияда учрамайди. Унда конституция даражасида «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг таърифи баён этилган: «*Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади*», Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида истиқомат ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий ва ирқий мансублигидан, эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади.

Конституция Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишни кафолатлайди.

Конституциянинг 2-моддасида мустақамланган Ўзбекистон фуқароларининг миллий жиҳатдан тенглиги принципи барча инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар талабларига тўла жавоб беради. Мазкур принцип мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Демократик талаблар асосида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига қўйилади, *умумхалқ овози бериши — референдумга* чиқарилади. Референдум у ёки бу масала бўйича овоз беришдир. Референдумда қабул қилинган қарор ўз-ўзидан юридик кучга эга ва бирор тасдиққа муҳтож эмас.

Умумхалқ овоз бериши — референдумга иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларга тааллуқли муҳим масалаларнинг қўйилиши кўзда тутилади. Чунончи, 1991 йилнинг 30 декабрида ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб овоз берди. Халқ муҳокамасига қўйилган у ёки бу қонун лойиҳаларини референдумдан фарқлай билиш лозим.

Энг муҳим қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш анъанага айланди. Масалан, Конституция лойиҳаси рўзномаларда эълон қилиниб, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр ҳазинасидаги дурдоналар билан бойитилди, сайқал топди.

Референдум ўтказиш тартиби 2001 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда батафсил баён этилган.

Асосий қонуннинг 10-моддаси Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хослигини ифодаловчи модалардан бўлиб, унда Ўзбекистон халқи номидан фақат икки давлат органи сўз юрита олиши белгилаб қўйилган. Булар, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси — олий вакиллик давлат органи; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи — Республика Президенти.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳам халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Худди шу йўл билан Олий Мажлис ва Президент халқдан ваколат олади.

Шу боис Конституцияда кўрсатилган мазкур икки давлат органидан ташқари жамиятдаги ҳеч бир гуруҳ, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқининг ваколатига эга эмас. Бу модданинг мазмуни халқ суверени-

тетининг аҳамиятини, халқнинг ҳокимиятга эгаллик ҳуқуқининг бегоналашмаслигини кўрсатади. Бу модда бирор кимса томонидан халқ ҳокимиятининг суиистеъмол қилинишига қарши қаратилган.

## **ҲОКИМИЯТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИ**

Конституциямизнинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий конституциявий принципи мустақамлаб қўйилган: *«Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади»*.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципини демократик давлатларнинг тарихий ривожланиши давомида жаҳон ҳамжамияти ишлаб чиққан. Унинг мазмуни шундан иборатки, давлат ҳокимияти функцияларининг мустақил давлат ташкилотлари орасида бўлиниши мавжуд бўлгандагина давлатда демократик сиёсий тузум ўрнатилиши мумкин.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи мавофиқ, давлатнинг қонунлар чиқариш, уларни бажариш ва одил судлов борасидаги фаолияти ҳокимиятнинг уч тармоғи — парламент, ҳукумат ва суд — ўртасида тақсимланиши зарур. Бунда ҳокимиятнинг бирор тармоғи бошқа бирининг фаолияти соҳасига аралашмаслиги зарур. Ўзаро бир-бирини тийиб туриш ҳокимиятнинг барча тармоқларини мутаносиблаштиради, уларнинг муносабатида маълум мувозанат яратади. Ушбу принципнинг амалга оширилиши халқ ҳокимиятининг бирор гуруҳ ёки алоҳида шахс томонидан суиистеъмол қилинишига йўл қўймайди. Ҳокимиятнинг бўлиниши принципини XVIII аср француз мутафаккири Шарл Луи Монтескьё асослаб берган.

**Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи — ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири.** «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир»<sup>1</sup>.

*Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, ижро этувчи ҳокимиятни эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистоннинг ягона суд тизимини ташкил этади.*

**Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи — ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири.**

Конституциянинг бешинчи бўлимида учала ҳокимият идораларининг ўзаро уйғунликдаги фаолият воситалари, шунингдек, мазкур идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қондалар мустақамланган.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари *давлат ҳокимиятининг ягона тизимини* ташкил этади. Худди ана шу асосда демократик ҳуқуқий давлатчилик барпо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимият ўз моҳиятига қўра ягона, чунки Конституциянинг 7-моддасига биноан, унинг ягона манбаи халқдир. Алоҳида олинган бошқа бирор ҳокимият органи бутун давлат ҳокимиятини амалга оширишга даъвогарлик қилиши мумкин эмас. Давлат ҳокимиятининг давлат органлари ўртасида

<sup>1</sup> Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т., 1993. 11-бет.

бўлинишини давлат ҳокимияти функцияларининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида бўлиниши деб тушуниш керак, зеро улар Конституцияда белгилаб берилган ушбу функцияларни амалга оширишдагина мустақилдирлар.

«Ўзбекистон тарихида илк дафъа жорий этилган Республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди.

Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган. Бу ҳокимият жамиятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистон ислохотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланиб қолди»<sup>1</sup>.

## КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Конституциянинг 12-моддаси Ўзбекистондаги сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик принципларини белгилайди: «*Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиди*». Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Конституциянинг ушбу қоидалари шахснинг ривожланиши, партиялар ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти учун кенг имконият яратиш беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти ва сиёсий тизимлари мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиди. Бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий партиялар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги конституциявий йўл билан эътироф этилган.

Собиқ совет империяси даврида ижтимоий ҳаёт расмий давлат идеологияси даражасига кўтарилган ягона мафкура асосида ривожланган эди. Бу марксча-ленинча мафкура бўлиб, унинг ҳукмронлиги натижасида фикрлар, дунёқарашлар, нуқтаи назарлар эркинлиги инкор этилган эди.

Истиқлолнинг илк йилларидаёқ собитқадамлик билан, етмиш йилдан ортиқроқ ҳукм сурган коммунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийлик иллатлари тугатилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди: турли-туман йўналишлардаги жамоат бирлашмалари, партиялар, ассоциациялар, фондлар, уюшмалар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда республикада 2300 дан ортиқ жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари бор<sup>2</sup>. Тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда (Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» партияси, «Фидокорлар» партияси), 22 та уюшма ташкил этилган (Ёзувчилар, Рассомлар уюшмалари ва ҳ.к.), 40 дан ортиқ жамғарма тузилган (Болалар, Ижодкор ёшлар жамғармалари ва ҳ.к.), турли федерациялар тузилган (касаба уюшмалари, спорт бўйича ва ҳ.к.)

Ҳеч бир мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилиши мумкин эмаслиги хусусидаги конституциявий қоида *миллий истиқлол мафкурасини* яратиш вази-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998. 139-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т., 1999. 22-б.

фасини долзарб қилиб қўяди. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғулларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмаслик даркор. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улўф мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши лозим<sup>1</sup>.

## КОНСТИТУЦИЯ, ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасида шундай дейилган: *«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.*

*Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».*

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Чинакам демократиянинг зарурий ва ҳуқуқий таркиби сифатида кўппартиявийлик принципи амалда шаклланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар кўппартиявийлик принципи асосида ўтказилди.

Ўзбекистон — миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳақиқатда таъминлаб берадиган давлатдир.

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари сингари умумбашарий қадриятлар Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиқ манфаатларига тўла мос келади.

Инсоннинг энг муҳим ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлашдан иборат. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шарти. Демократиянинг инсонпарварлиги ана шу билан белгиланади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция, қонунлар ва давлат идоралари томонидан ҳимоя қилинади.

Ҳокимиятни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига таҳдид соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг маънавий ва демократик эркинликларига қарши чиқадиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқаридадир.

Конституциянинг 14-моддасида шундай дейилади: *«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади».* Бу қоида орқали конституция демократик давлат фаолиятининг асосий принципларидан бирини эълон қилган: унга кўра, ин-

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Биздан озода ва обод ватан қолсин. Т., 1994. 190–191-б.

сонга муносиб ҳаётни ва унинг ривожланишини таъминлаш умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон ижтимоий адолат давлатидир. Шу муносабат билан у фуқароларни, айниқса аҳолининг энг ночор қатламлари бўлмиш ногиронларни, кўп болали оилаларни, етим-есирларни ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамият ҳаётини тубдан яхшилашга хизмат қилувчи муҳим йўналишларни бош ислоҳотчи бўлмиш давлатнинг ўзи танлаб, уларни амалга оширишда ўзи етакчилик қилмоқда. Ҳар қандай ижтимоий-адолатли жамият ва давлатнинг ўлчов мезони жамиятнинг энг ночор ижтимоий табақаларига муносабат билан белгиланади.

Давлат ва жамият фуқарони ўз ҳимоясига олмағи лозим. Хотиржам одамгина тинч яшаб унумли меҳнат қила олади. Давлат ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратмағи лозим.

Кучли ижтимоий сиёсат адолатли жамият ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий гаровидир. «Давлатнинг фаол ислоҳотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари, авваламбор, оиладан бошланади. Чунки оила жамиятнинг негизидир. Оила турмуш ва «виждон қонуни» асосида қурилади. У ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга. Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Шу боис ҳам бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Биз ҳаммамиз ана шу оиланинг аҳил фарзандлари бўлишимиз лозим.

Конституциянинг 15-моддасида шундай деб белгилаб қўйилган: «*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларининг устунлиги сўзсиз тан олинади*». Ҳар бир давлатнинг ижтимоий ҳаёти ҳуқуқий асосда ривожланади. *Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциплари қаторига киради*.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қадрланмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон тараққиёт йўлининг энг муҳим принципларидан биридир.

Ҳар бир фуқаро ёши, ижтимоий мавқеи, миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, тенг асосда конституция ва давлат қонунларига бўйсунishi шарт.

Агар жамиятда қонун бажарилмай қоғозда қолиб кетса, бундай жамият асло раванқ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонун амалий бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, унинг ижроси ҳам қатъий бўлмоғи зарур.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири *барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги*, конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги қуйидагиларни билдиради:

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.. 1994. 73-б.



**биринчидан**, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини. Ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бирор фуқаро қонунга бўйсуниб мажбуриятдан озод этилиши мумкин эмас;

**иккинчидан**, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинишини, ушбу муносабатлар барча иштирокчиларининг эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилишини.

Ҳар қандай давлатнинг конституция ва қонунлари унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, хоҳиш-истакларини ифода этмоғи лозим: «Инсон қонунга эмас, балки қонун инсонга хизмат қилиши керак», деган ҳикматли ибора айни демократик давлатдаги қонунларга тааллуқлидир. Маъмурий буйруқбозликка асосланган собиқ советлар тузуми даврида конституция ва қонунлар бир мақсадга — қотиб қолган мафкурага асосланган мустабид тузумни ҳимоя қилишга ва унинг ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилар эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонунларининг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат. Зотан улуг бобомиз Амир Темур айтганидек, «қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Конституция ўзбек ҳуқуқий тизимининг ўзагини ташкил этади. Барча жорий қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга тўла мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоғи зарур.

Конституциямизни махсус тарзда муҳофаза қилиш мақсадида, Ўзбекистон тарихида илк бор Конституциявий суд жорий қилинди. Бу ҳақда Конституциянинг 108 ва 109-моддаларида баён қилинган.

Конституциямиз қабул қилинганидан буён 400 дан ортиқ янги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар миллий ўзбек давлатчилигини барпо этишга, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга қаратилгандир.

«Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниб маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»<sup>1</sup>.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING ТУЗИЛИШИ**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг кенг доирадаги соҳаларини қамраб олади ҳамда моддаларининг қисқалиги ва аниқлиги ҳамда алоҳида тузилиши билан ажралиб туради.

У муқаддима, олтита бўлим ва қуйидаги 26 та бобдан иборат бўлиб (МДХ давлат конституциялари орасида энг кўпи), уларнинг ҳар бири ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаларини тартибга солади:

- 1) давлат суверенитети;

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., 1996. 22-б.

- 2) халқ ҳокимиятчилиги;
- 3) конституция ва қонуннинг устунлиги;
- 4) ташқи сиёсат;
- 5) инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;
- 6) фуқаролик;
- 7) Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- 8) сиёсий ҳуқуқлар;
- 9) иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар;
- 10) инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари;
- 11) фуқаролар бурчлари;
- 12) жамиятнинг иқтисодий негизлари;
- 13) жамоат бирлашмалари;
- 14) оила;
- 15) оммавий ахборот воситалари;
- 16) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши;
- 17) Қорақалпоғистон Республикаси;
- 18) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- 19) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- 20) Вазирлар Маҳкамаси;
- 21) маҳаллий давлат ҳокимияти асослари;
- 22) Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти;
- 23) сайлов тизими;
- 24) прокуратура;
- 25) молия ва кредит;
- 26) муҳофаа ва хавфсизлик;

Ўзбекистон Конституцияси тузилиши жиҳатидан дунёдаги энг мукамал конституциялардан биридир.

## **ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИ ТУЗИЛИШИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

1992 йилдаги Конституциядан келиб чиққан ҳолда ўзбек жамияти ва давлати таянадиган асосий принципларни ажратиш мумкин:

- Ўзбекистон — суверен давлат;
- Ўзбекистон — демократик, дунёвий республика;
- Ўзбекистон унитар давлат бўлиб, унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси киради;
- Ўзбекистон Республикасининг халқи — ҳокимиятнинг ягона манбаи ҳисобланади;
- давлат ҳокимиятининг юқори органлари — парламент ва халқ томонидан сайланадиган президент ҳисобланади.
- Ўзбекистонда кўппартиявийлик тан олинади, диний партиялар, миллатчилик асосидаги партиялар, шунингдек, Ўзбекистондаги мавжуд конституциявий тузумга қарши чиқувчи партияларни вужудга келтириш тақиқланади;
- оила жамиятнинг асосий ҳужайраси сифатида давлат томонидан алоҳида муҳофаза қилинади; оналик ва болалик ҳақида гамхўрлик қилинади; қарияларга ижтимоий ёрдам кўрсатилади;

— инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият деб тан олинади;

— Конституцияда умум эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мустақамланади;

— хусусий мулк бошқа турдаги мулк турлари билан бир қаторда дахлсиз ҳисобланади ва давлат томонидан қўриқланади;

— Ўзбекистоннинг Давлат тили — ўзбек тили.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари тизimini ташкил этиш замирида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши принципи мавжуд.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ**

Давлат қуйидаги уч вазифани амалга оширади: 1) қонунларни қабул қилиш; 2) мазкур қонунларни ижро этиш; 3) одил судловни амалга ошириш, яъни ҳуқуқбузарларни жазолаш, шунингдек, қонунларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва ҳоказо. Мазкур уч функция ҳокимиятлар бўлинишининг табиий асоси бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, жамиятда демократияни реал амалга ошириш учун давлат фаолиятининг мазкур уч йўналишини учта турли орган орасида бўлиш, пировардида ҳокимиятнинг бир орган қўлида ҳаддан ташқари тўпланишини бартараф этади. Ҳокимиятнинг учта алоҳида ва мустақил тармоқлари бир-бирини назорат қила олади ва назорат қилиши шарт. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мустақил равишда ва шу билан бирга ўзаро алоқадорликда ва мувозанатда ўз ваколатларини амалга оширадилар.

Ушбу давлат органларининг ҳар бири муайян ҳокимият ваколатларига эга. Чунончи, турли давлат органларининг ваколатлари ҳам турлича бўлиб, улар амалга оширадиган вазифа ва фаолият доирасига узвий боғлиқдир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғи — Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикасида — Жўқорғи Кенгес, ижро этувчи ҳокимият органи — Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлари ва давлат қўмиталари ҳамда вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳисобланади.

Суд ҳокимиятини эса Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий хўжалик суди, вилоятлар, шаҳар, туман судлари ва ҳарбий судлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг суд органлари амалга оширади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ МАЖЛИСИ**

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. Унда жамиятнинг асосий сиёсий партиялари, барча ижтимоий қатламлари ва ижтимоий-сиёсий кучларининг манфаатлари ифодаланади. Умуман олганда, Парламент Ўзбекистон халқининг манфаатларини ифода-

лайди. «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин» (Конституциянинг 10-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси (2002 йил 27 январда ўтказилган референдум қарорига биноан, у икки палатали қонун чиқарувчи орган сифатида шаклланади, юқори ва куйи палаталардан иборат бўлади) куйидаги алоҳида ваколатларни амалга оширади: Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилади, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади; Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилади ва, ўз навбатида, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритади; мамлакат ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди; республика қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ҳамда ваколатларини белгилайди; бож, валюта ва кредит ишларини, шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш; Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширади; Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик судини сайлайди; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди ва вазифасидан озод этади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этишга доир фармонларини, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлайди; халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилади; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади; туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этади; уларни тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартиришга оид масалаларни ҳал қилади.

Олий Мажлис ва органларининг ййгилишларида Президент, Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг раиси, Конституциявий Суд, Олий Суд, Олий ҳўжалик судининг раислари, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Марказий Банк бошқарувининг раиси қатнашиши мумкин. Олий Мажлис қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар комиссияларини сайлайди. Олий Мажлис, зарур бўлган тақдирда, доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа турдаги комиссиялар тузади (Конституциянинг 86-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентни муддатидан илгари тарқатиб юбориш ҳам мумкинлиги назарда тутилган. Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид соладиган ҳал қилиб бўлмас ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилганидан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади. Фавқулодда ҳолат жорий этилган вақтда Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижро этувчи ҳокимиятининг бошлиғи Президент ҳисобланади. У давлат бошқаруви органлари тизимида алоҳида ўрин тутади. Президент фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этишнинг кафилидир. У мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради; Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, хавфсизлик қўмитасини ташкил этади ва унга бошчилик қилади.

Президент бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади. У ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика Олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади. Бош вазир ва унинг биринчи ўринбосари; ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимларидан озод қилади, кейинчалик мазкур масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Президент вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади ҳамда бу масалаларни тегишли халқ депутатлари кенгашининг тасдиғига қўяди.

Президент давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинган тақдирда фавқуллодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади; Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради; Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади. Президент амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади. Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас (Конституциянинг 93-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон Республикасида муқим яшаган фуқароси сайланиши мумкин. Давлат раҳбарининг ваколат муддати 7 йилдан иборат. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Президент қасамдони қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Ўзбекистон Республикаси таркибида *Қорақалпоғистон Республикаси* алоҳида ўрин тутади. У Ўзбекистоннинг шимолий чўл қисмида жойлашган бўлиб, бутун Ўзбекистон ҳудудининг 40 фоизга яқин ҳудудини эгаллайди. МДҲ давлатларининг конституциявий-ҳуқуқий амалиёти учун мазкур республиканинг ноёблиги шундаки, МДҲ мамлакатларидаги бошқа автономиялар ва алоҳида мақомга эга бўлган тузилмалар орасида Қорақалпоғистон Республикаси мустақил бўла туриб, қуйидаги тартиблар асосида бошқа давлат (Ўзбекистон) таркибига киради:

- суверен давлат сифатида;
- Ўзбекистон таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга.

Демак, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон таркибидаги суверен давлат бўлиб, у:

1) Қорақалпоғистон Республикасининг 1993 йил 9 апрелда тасдиқланган Конституцияси ва қонунарига эга (тузилиши бўйича Қорақалпоғистон Конституцияси Ўзбекистон Конституциясига ўхшаш);

2) ўз ҳудудида Ўзбекистон Конституциясининг устунлигини тан олади;

3) ўз герби, мадҳияси, байроғига эга;

4) ўз давлат ҳокимиятининг органларига эга, булар: парламент — Жўқорғи Кенгес — 5 йил муддатга сайланадиган 75 та депутат; республика раҳбари — ўз ваколат муддатига 2 муддатдан ортиқ бўлмаган вақтга сайланадиган Жўқорғи Кенгес раиси; ҳукумат — Жўқорғи Кенгес томонидан ташкил этиладиган Вазирлар Маҳкамаси; суд тизими; маҳаллий ҳокимият органлари — ҳокимлар ва кенгашлар кабиларга эга;

5) умумхалқ референдуми асосида Ўзбекистон таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга;

6) Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибидан чиқиши ҳақидаги қарор Ўзбекистон Олий Мажлиси (парламенти) томонидан тасдиқланиши керак.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати амалга оширади. У давлат бошқаруви органлари ва улар тузадиган хўжалик бошқаруви органларини бошқаради, уларнинг ўзаро уйғунликда фаолият кўрсатишини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамасининг таркибини Ўзбекистон Республикасининг Президенти тузади ва Олий Мажлис тасдиқлайди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. Вазирлар Маҳкамаси қонулар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини ижро этиш мақсадида амалдаги қонуларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажариши шарт бўлган қарорлар ва фармойишларни чиқаради (Конституциянинг 98-моддаси). Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зим-

масидан соқит қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўз фаолиятида бамаслаҳат иш кўриш, демократизм, қонунийлик, ижтимоий адолат, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳимоялаш каби принципларга риоя этади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1993 йил 6 майда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунни қабул қилган бўлиб, унда мамлакат ҳукуматининг ҳуқуқий ҳолати батафсил баён этилган. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари муддатида бажариши керак бўлган фаолият дастурини парламент муҳокамасига тақдим этади. Мазкур дастурда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда мамлакат бюджетининг муҳим кўрсаткичлари акс этирилган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Президент бошчилигида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимини бошқаради. Мазкур тизимга: 1) вазирликлар; 2) давлат қўмиталари; 3) бошқарув функциясини амалга оширувчи концерн ва уюшмалар; 4) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари киради.

## **СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил равишда амал қилувчи суд ҳокимияти ҳуқуқий давлат белгиларидан биридир. Суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан мустақамланган. Суд ҳокимияти органларининг фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

- одил судловни амалга ошириш;
- қонунийлик;
- судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши;
- бамаслаҳат иш кўриш;
- фуқароларнинг суд олдида тенглиги;
- томонларнинг тортишувчанлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- суд ишларини юриштишнинг ошкоралиги;
- айбсизлик презумпцияси;
- малакали юридик ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи;
- миллий тил принципи;
- суд ҳокимияти ҳужжатларининг барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурийлиги;
- судья лавозимининг депутатлик мандати ва партиёга мансублик билан сиғишмаслиги.

## **СУДЛОВ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ**

Ўзбекистон Республикаси суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тизими қуйидаги асосий бўғинларни ўзида мужассамлаштиради:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;
- Ўзбекистон Республикасининг Олий суди;
- Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди;
- Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Олий ҳўжалик суди;
- вилоят, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судлар;
- Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси;

- адвокатура;
- милиция (Ички ишлар вазирлиги);
- Адлия вазирлиги;
- Божхона қўмитаси.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди** конституциявий назорат органидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мустахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьялардан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсундилар (Конституциянинг 108-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

1) қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларини шарҳлайди;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасига биноан, **Ўзбекистон Республикасининг Олий суди** — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юритиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар ҳамда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларидан иборат суд тизимини бошқаради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди қабул қиладиган ҳужжатлар (қарор, ажрим ва ҳукмлар) қатъий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига бажарилиши шарт.

Олий суд раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов коллегияларининг раислари, Олий суд судьяларидан иборат бўлиб, Олий суд Пленуми, Фуқаролик ишлари бўйича судлов коллегияси, Жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ва Ҳарбий коллегия таркибида фаолият кўрсатади.

Олий суд қуйидаги ишларни кўриб чиқади:



— биринчи инстанция суди сифатида алоҳида оғирликка эга жиноят ишлари; ҳар қандай фуқаролик ишлари;

— кассация тартибидаги ишлар (қонуний кучга кирмаган суд ҳукмлари ва қарорларига келтирилган шикоят ва эътирозлар бўйича);

— назорат тартибида ва янги вужудга келган ҳолатлар бўйича ишлар (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонуний кучга кирган суд ҳукми ва қарорларига нисбатан);

— суд амалиёти тажрибасини ўрганати ва умумлаштиради, суд статистикасини таҳлил қилади ҳамда суд амалиёти билан боғлиқ масалалар бўйича тушунтиришлар беради.

**Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди.** Конституциянинг 111-моддасига мувофиқ, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди ҳўжалик судлари тизими-ни бошқаради. Унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳўжалик суди киради. Ҳўжалик суди бўғинларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонунига мувофиқ батафсил тартибга солинади.

**Прокуратура.** Ягона марказлашган тизимни ташкил қилувчи прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил равишда амалга ошириб, фақат Бош прокурорга бўйсунди. Прокуратура фаолияти қонун устунлиги, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Прокуратура томонидан ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қонунларга риоя этиши назорат қилинади. Прокуратура — давлат манфаатларини судда ифодалаш ва ҳимоя қилишга хизмат этади. У судда жиноятни тергов қилиш билан бирга, давлат айбловчиси сифатида амал қилади, судланаётган шахсга нисбатан Жиноят кодекси моддасини қўллаш ва жазо тайинлаш борсида ўз фикрини билдиради. Прокуратура жиноят қонунини назарда тутилган ҳолларда жиноятларни тергов қилиш билан шуғулланиши мумкин. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 30 август (янги таҳрирдаги) қонуни билан тартибга солинади.

— **Адвокатура.** Ўзбекистон Республикасининг 116-моддасига биноан, айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Адвокатура фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун фаолият кўрсатади.

Адвокатуранинг вазифаси фуқаро ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Адвокатура ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўлса-да, бироқ у давлат муассасаси эмас, балки мутахассислиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ихтиёрий уюшмасидир. Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Адвокату-

ра тўғрисида»ги (1996 йил 27 декабрь), «Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги (1998 йил 25 декабрь) қонунларида мустақамланган.

Қонунга кўра адвокатлар қуйидаги турдаги юридик хизматларни кўрсатадилар:

— юридик масалалар бўйича маслаҳат ва тушунтириш, қонунлар бўйича оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш;

— фуқаролик ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича суд ва давлат органларида вакиллик вазифасини бажариш;

— дастлабки тергов ва судда жиноят ишлари бўйича ҳимоячи, жабрланувчилар, фуқаролик ишлари бўйича даъвогар ва жавобгарларнинг вакиллари сифатида қатнашиш ва ҳоказо.

Адвокатлар бошқа турдаги юридик ёрдам кўрсатишлари ҳам мумкин. Айрим ҳолларда улар аҳолига бепул ёрдам кўрсатадилар.

**Ички ишлар органлари.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари ўзларининг асосий вазифалари сифатида жамоат тартибини сақлаш; фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш; жиноятлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш каби фаолиятни амалга оширадилар.

Милицияга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқбузарликни тўхтатишни талаб қилиш, шахсни гувоҳлантирувчи ҳужжатларни текшириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш, маъмурий қамоққа олишни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Милиция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини фақат қонунда назарда тутилган тартиб ва асослардагина чеклаши мумкин.

## **Т ў р т и н ч и б ў л и м**

### **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ**

- «Маъмурий ҳуқуқ» тушунчаси
- Маъмурий-ҳуқуқий нормалар
- Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари
- Фуқаролар ва ижро этувчи ҳокимият органлари
- Ижро этувчи ҳокимиятнинг хусусиятлари
- Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати
- Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимиятининг марказий органлари
- Маъмурий мажбурлов, унинг хусусиятлари ва турлари
- Маъмурий жавобгарлик ва унинг хусусиятлари
- Жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни фарқловчи юридик мезонлар
- Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси
- Маъмурий жазо ва унинг турлари
- Маъмурий қонунчилик

## «МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ» ТУШУНЧАСИ

Маъмурий ҳуқуқ — конституциявий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқлари билан бир қаторда — ҳуқуқнинг асосий тармоқларига киради.

«Маъмурият» сўзи латин тилида бошқариш маъносини билдиради. Шу боис маъмурий ҳуқуқ кўпинча бошқарув ҳуқуқи ёки бошқаришга оид ҳуқуқ деб таърифланади.

Ҳуқуқ тармоқлари бир-бирларидан, аввало, ҳуқуқий бошқарув предмети ва усули билан фарқ қилади. Маъмурий ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг мустақил тармоғи сифатида ижтимоий муносабатларнинг махсус гуруҳини тартибга солишга хизмат қилади. Ушбу муносабатларнинг асосий хусусияти шундаки, улар давлат бошқаруви соҳасида, яъни Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ташкил этилиши ва амал қилиши муносабати билан юзага келади, ривожланади ва тўхтатилади. Ўз хусусиятига кўра хилма-хил бўлган бундай муносабатлар **маъмурий ҳуқуқнинг предмети**ни ташкил қилади.

Ушбу ижтимоий муносабатлар давлат бошқаруви фаолияти билан бевосита боғланган, шу боис умумлаштирилган ҳолда бошқарув муносабатлари деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқ — ижро этувчи ҳокимиятнинг ташкил қилиниши ва амал қилиши жараёнида, кенгрок маънода, давлат бошқаруви фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда ифодаланган маъмурий ҳуқуқ нормалари ҳуқуқнинг шаклланиши ва ташкил этилиши тартибини, ваколатлари, қайси ташкилотга ҳисобдор эканлиги ва масъулиятини, давлатнинг бошқа органлари билан ўзаро муносабатини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ ўз предмети доирасида, биринчи навбатда, ижро этувчи ҳокимият субъектларининг ташкил этилиши ва фаолиятини уларнинг конституциявий вазифаларига, шунингдек, тартибга солинадиган бошқарув муносабатларининг барча иштирокчилари хулқ-атворида тўла мос келадиган муайян ҳуқуқий режимни яратади. Маъмурий ҳуқуқнинг **регулятив** (тартибга солувчи) функцияси ана шундан иборат.

Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқ яна бир муҳим функцияни, яъни бошқарув муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий режимга риоя этилишини ҳам, тарафларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳам таъминловчи **ҳуқуқни муҳофаза қилиш (юрисдикция)** функциясини бажаради.

Маъмурий-ҳуқуқий бошқарув бу ўринда, биринчи навбатда, *кузатиш, назорат қилиш, контроль (ички назорат)* ёрдамида амалга оширилади. Албатта, ҳуқуқий тартибга хавф туғилган ёки айрим фуқаролар ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолларда ижро этувчи ҳокимият органлари айбдор шахсларга нисбатан тегишли *маъмурий мажбурлов чораларини* қўллайдилар.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг асосий вазифалари жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек, инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига жиноий ҳамда бошқа турдаги ғайриқонуний тажовузларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиб қолишдан иборат.

Маърий ҳуқуқ — ҳуқуқнинг инсон хулқ-атворини тартибга соладиган тармоғи бўлиб, ҳар қандай бошқа тармоқ сингари, муайян тартибга солинган юридик нормалардан иборат. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларида майда безорилик учун жавобгарлик кўрсатилган бўлиб, шу орқали фуқароларнинг қонунга мос хулқ-атворлари белгилаб берилган.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар турли субъектларнинг — нафақат фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг хулқ-атворини, балки бошқарув органларининг ҳам — фаолият тартибини белгилаб беради.

## **МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР**

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни давлат ўрнатади. Улар одамларнинг ҳар бир нормада ифодаланган лозим тарздаги одоб моделига мос келадиган хатти-ҳаракатларини йўналтиришга хизмат қиладиган оддийгина хулқ-атвор қоидалари эмас, балки ҳокимият кўрсатмаларидир.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар бевосита давлат бошқаруви соҳасида фаолият кўрсатувчи ҳамда у ёки бу ҳажмдаги вазифаларни бажарувчи (масалан, вилоят ҳокимлиги) ёхуд ўз ҳаракатлари билан ушбу соҳа манфаатларига дахл қилувчи (масалан, жамоат бирлашмалари, фуқаролар) барча шахслар ва ташкилотлар рия этиши шарт бўлган, яъни ҳуқуқий давлат манфаатларига мос келувчи хатти-ҳаракатнинг у ёки бу вариантини белгилаб беради. Лозим тарздаги хулқ-атвор қайси ҳаракатларни содир этиш мумкин (руҳсат этиладиган хатти-ҳаракатлар), қайсиларидан ўзни тийиш керак (тақиқлар), қайсиларини бажариш зарур (кўрсатмалар) эканлигини кўрсатишни тақозо этади. Инсон хулқ-атворига бошқарув таъсирини кўрсатишнинг моҳияти ана шунда намоён бўлади.

Бунда маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг муҳим хусусиятига эътиборни қаратиш керак. Ушбу нормалар, аввало, ижро этувчи ҳокимият (давлат бошқаруви) субъектларига қаратилган юридик мажбурий хулқ-атвор қоидаларига эга.

Шунга қарамай, уларнинг бошқарув таъсири остида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган бундай муносабатлар иштирокчиларининг бурч ва ҳуқуқлари мослиги, уларнинг ҳокимият иродаси қаратилган шахслар манфаатларини таъминлашга йўналганлиги каби сифатлардан маҳрум бўлмайди. Ҳуқуқий норма таъсирида юзага келган субъектларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради.

## **МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Маъмурий-ҳуқуқий муносабат деганда, маъмурий-ҳуқуқий норма билан тартибга солинган, тарафлар маъмурий-ҳуқуқий нормалар воситасида ўрнатилган ҳамда кафолатланган ўзаро мажбуриятлар ва ҳуқуқлар эгаси бўлиб майдонга чиқадиган бошқарув соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар турли мезонлар бўйича таснифланади. Улар-

га, аввало, ижро этувчи ҳокимият субъектларининг у ёки бу объектга бошқарув ёки тартибга солиш хусусиятига эга бўлган таъсир кўрсатишидан иборат юридик имконияти киради.

*Юридик хусусиятига кўра*, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари вертикал ва горизонтал ҳуқуқий муносабатларга ажратилади.

Вертикал ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий бошқарувнинг ҳамда субъект ва объект ўртасида юзага келадиган давлат бошқарув фаолияти учун хос бўлган субординация алоқаларининг моҳиятини энг кўп даражада акс эттиради. Одатда ҳокимият муносабатлари деб аталадиган муносабатлар айнан шу муносабатлардир.

Горизонтал ҳуқуқий муносабатлар деганда, тарафлар амалда ва юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўладиган муносабатлар тушунилади. Бинобарин, уларда бир тарафнинг бошқа тараф учун бажарилиши мажбурий бўлган юридик ҳокимият кўрсатмалари бўлмайди.

*Иштирокчиларнинг таркибига кўра*, ҳуқуқий муносабатлар аппарат ичкарисидаги ва ташқарисидаги муносабатларга бўлинади. Биринчи ҳолда мавжуд бўлиши шарт бўлган (мажбурий) субъект (маъмурий ҳокимият эгаси, аппарат бўғини) аппаратнинг бошқа бўғинлари (органлар, хизматчилар ва бошқалар) билан муносабатга киришади. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини, органлар ва хизматчиларнинг ваколатларини, уларнинг ўзаро муносабатларини, аппарат ичидаги ишлар шакли ва усулларини белгиловчи маъмурий-ҳуқуқий нормаларга асосланади. Иккинчи ҳолда, мажбурий субъект фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

## **ФУҚАРОЛАР ВА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ**

Ижро этувчи ҳокимият органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқда фуқароларнинг ҳуқуқларини мустақкамловчи ва уларнинг бошқарув органлари билан муносабатларини тартибга солувчи нормалар етарлича катта ўрин эгаллайди. Субъектларини бошқарув органлари (мансабдор шахслар) ва фуқаролар ташкил этадиган муносабатлар ҳуқуқий воқеликдаги энг анъанавий муносабатлардир. Ҳар қандай фуқаро ўз ҳаёти мобайнида маъмурий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар ва уларнинг мансабдор шахслари билан, транспорт ва алоқа органлари билан, солиқ органлари, паспорт идораси, божхона хизмати, ижтимоий ҳимоя ва бошқа идораларнинг ходимлари билан маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Фуқаролар ўртасидаги муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида гуруҳини ташкил қилади. Фуқаролар ўртасидаги кўпгина муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинганлиги учун маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киради. Ушбу муносабатлар кўпроқ жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳаларида юзага келади ҳамда қонунчилик фуқароларга жамоат жойларидаги ўзаро муносабатларини мустақил равишда, бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этган ҳолда тартибга солиш мажбуриятини юклайди.

## **ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ижро этувчи ҳокимиятнинг хусусиятларига қуйидагилар киради:

1) ижро этувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси ягона давлат ҳокимияти-нинг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти билан яқиндан алоқада бўлган нисбатан мустақил тармоғи (тури, кўриниши)дир;

2) ягона давлат ҳокимиятининг кўриниши бўлган ижро этувчи ҳокимият ҳозирги вақтда ижро этувчи органлар деб номланадиган, амалда эса давлат бошқаруви органлари бўлган давлат аппаратининг махсус бўғинлари фаолиятида реал хусусият касб этади;

3) ижро этувчи ҳокимият давлат бошқаруви органлари тизимида намоён бўлади, уларга республика ҳукумати, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий ижро этувчи органлар, давлат муассасалари ва корхоналарининг маъмурияти киради;

4) ижро этувчи ҳокимият замон ва маконда универсал хусусиятга эга, яъни узлуксиз ва инсонлар жамоалари фаолият кўрсатаётган барча жойларда амалга оширилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари мазмуни бўйича ижро этувчи ва кўрсатма берувчи фаолиятни амалга оширади. Қонунга мувофиқ, улар давлат ва ҳокимият ваколатларига, жумладан, ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ва уларни амалга ошириш ваколатларига эга. Умуман олганда, ушбу органлар мустақил равишда қонун ҳужжатлари чиқариш, уларни қўллаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишдан иборат кенг доирадаги ваколатларга эгадирлар.

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг қонун асосида бўлиши хусусиятига эгаллиги уларнинг ҳуқуқий ҳолатидаги энг муҳим жиҳатдир. Улар ўзларининг барча шаклдаги фаолиятида Конституция, қонунларнинг талабларига қатъий риоя этишлари, уларни бажаришлари ва ўз ваколатлари доирасида бошқаларнинг бажаришларини таъминлашга ёрдам беришлари керак;

5) ижро этувчи ҳокимият давлат хизмати орқали амалга оширилади. Давлат хизмати деганда, фуқароларнинг давлат органларидаги давлат бошқарувини амалга оширишга қаратилган профессионал фаолияти тушунилади. Ижро этувчи ҳокимият органлари муайян бўлинмалар (бўлим, бошқармалар)дан ташкил топади. Уларнинг ҳар бири хизматчилар эгаллаб турган лавозимлар йиғиндисидан иборатдир;

6) ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим жиҳати — унинг бевосита қўл остида улкан ресурслар, яъни ҳуқуқий, ахборот, иқтисодий, техникавий, мафкуравий, ташкилий ресурсларнинг мавжудлиги ёки унинг предметли хусусиятидир. Ижро этувчи ҳокимият қўлида давлатнинг амалдаги қудрати жамланган. У улкан ҳудудлар, кўплаб одамлар, ресурсларга таянади, хизматдаги лавозим бўйича кўтаришлар ва рағбатлантиришлар воситаларидан фойдаланади. Бундан ташқари, ижро этувчи ҳокимият органларининг бевосита қўл остида Куролли Кучлар, чунончи, армия, милиция, миллий хавфсизлик хизмати мавжуд.

## **ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲУКУМАТИ**

Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати ижро этувчи ҳокимият ваколатларини амалга оширади, ижро органлари тизимида бошчилик қилади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Унинг ҳуқуқий ҳолати

асослари, таркиби, шаклланиш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (20-боб), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги 1993 йил 6 май қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президентидир. Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ўзбекистон Республикасини ҳукуматининг фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун чоралар кўради.

Ҳукуматни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлар, Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталарининг раислари, бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларининг раҳбарлари таркибида Республика Президенти шакллантиради ва Олий Мажлис тасдиқлайди (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Президент парламентнинг розилиги билан тайинлайди. Ҳукуматнинг бошқа аъзоларини ҳам Президент тайинлайди. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғи бўйича халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг вакили бўлиб қатнашади ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади, Вазирлар Маҳкамаси раисининг топшириғи бўйича ҳукумат фаолиятини ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бошқа функцияларни бажаради (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 15-моддаси).

Ҳукумат аъзолари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллай ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олмайдилар. Ҳукумат аъзолари айни бир вақтда вакиллик органининг депутати бўла олмайдилар.

Ҳукумат фаолияти амалда жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Унинг фаолиятидаги асосий йўналишлар (функциялари) Конституциянинг 98-моддасида белгиланган. Ҳукумат:

— Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил қилади;

— Олий Мажлисга Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни тақдим этади, бюджетнинг бажарилишини таъминлайди;

— Олий Мажлисга қонунларнинг лойиҳаларини киритади ва қонунларнинг бажарилишини таъминлайди;

— қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширади;

— вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа марказий ва маҳаллий ижро этувчи органларнинг ҳамкорлигини таъминлайди;

— вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келувчи қарорлари ва фармойишларини бекор қилади ёки амал қилишини тўтатиб қўяди;

— зиммасига Конституция, қонунлар ва Президент фармонлари билан юклатилган бошқа функцияларни бажаради.

Ҳукумат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ва уларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар,



корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши шарт бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Президент ҳукумат мажлисида раислик қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳукумат Президент ваколатлари муддати доирасида амал қилади ҳамда янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини топширади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ**

Ижро этувчи ҳокимият органлари таркибига ҳукумат билан бир қаторда махсус ваколатли давлат органлари — тармоқ ёки тармоқлараро функцияларни бажарувчи органлар киради. Уларнинг тузилишини Республика Президенти белгилайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият марказий органларининг ташкилий ҳуқуқий шакллари қуйидагилар киради:

- 1) вазирликлар;
- 2) давлат қўмиталари;
- 3) қўмиталар, департаментлар, агентликлар, шунингдек, республика вазирликлари, давлат қўмиталари қошидаги бошқа давлат бошқарув органлари (умумлаштирилган ҳолда улар идоралар деб аталади);

- 4) қўмита, бош бошқарма, комиссия, агентлик ва ҳукумат таркибига кирмайдиган бошқа республика давлат бошқарув органлари.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг барча марказий органлари ҳукуматга қарашлидир. Ҳукумат вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа марказий ва маҳаллий ижро органларининг ҳамкорлигини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келувчи қарорлари ва фармойишларини бекор қилади ёки тўхтатиб қўяди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органларнинг раҳбарларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади, шунингдек, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, ҳукумат таркибига кирмайдиган марказий ижро этувчи органлар раҳбарларининг тақдимномасига мувофиқ, республика идораларининг раҳбарларини ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва марказий ижро этувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини, республика қонунлари билан бир қаторда, Президент ва ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, махсус низомлар ташкил қилади.

Уларнинг ҳар бири тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Ҳукумат, шунингдек, республика идораларининг фаолият соҳаси, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий органлари ўз функциялари ва ваколатларининг табиатига кўра, муайян хусусиятларга эга.

*Вазирлик* — республиканинг марказий ижро этувчи органи бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқ (соҳа)сига раҳбарлик қилади, шунингдек, қонунда белгиланган доирада тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

*Давлат қўмитаси* — республиканинг марказий ижро этувчи органи бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқлари (соҳаларида) ягона давлат сиёсатини

ўтказади ва ушбу мақсадда қонунга кўра тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Вазир ёки давлат қўмитасининг раиси ўз лавозимига кўра ҳукумат таркибига қиради, давлат бошқарувининг тегишли тармоғи (соҳаси)нинг самарали ишлашини таъминлайди, ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқ (соҳа)нинг аҳволи ва ривожланиши, қонунлар ҳамда Президент ва ҳукумат ҳужжатларининг бажарилиши учун жавобгар бўлади.

Вазир ёки давлат қўмитасининг раиси ҳузурида маслаҳат берувчи ва кенгашувчи орган — вазирлик, давлат қўмитасининг ҳайъати ташкил этилади.

Вазирлик ёки давлат қўмитаси чиқарадиган қарор вазирнинг буйруғи билан ҳамда давлат қўмитасининг раиси имзолайдиган қарор билан расмийлаштирилади.

Республиканинг ҳукумат таркибига қирмайдиган марказий ижро этувчи органи ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича тармоқлараро мувофиқлаштиришни, шунингдек, бошқа махсус ижро этиш ва рухсат бериш функцияларини амалга оширади.

*Идора* республика вазирлиги ёки давлат қўмитасининг ваколатлари доирасида мустақил равишда махсус ижро этувчи ҳамда назорат функцияларини амалга оширади, шунингдек, тармоқлараро мувофиқлаштириш вазифасини ёхуд давлат бошқаруви тармоқчаси (соҳаси)га раҳбарлик қилади.

## **МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛОВ, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

Маъмурий мажбурлов маъмурий ҳокимиятни амалга оширишдан иборат махсус ваколатлар берилган ижро этувчи органлар (мансабдор шахслар)нинг одамларни ҳуқуқий кўрсатмаларни бажаришга мажбур қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда эса — уларга маъмурий жазо чорасини кўриш бўйича ташкилий, жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатишини билдиради.

Маъмурий мажбурлов давлат мажбурловининг турларидан бири бўлиб, асосан давлат бошқаруви соҳасида ҳуқуқий тартибни таъминлаш ва муҳофаза этишнинг охириги чораси сифатида қўлланилади, яъни **жазолаш функциясини** бажаради. Бироқ унинг вазифалари шулар билан чекланмайди. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида маъмурий мажбурлов чоралари бошқача вазифаларни ҳам бажаради, яъни нафақат (интизомий ва маъмурий) ҳуқуқбузарликлар учун жазо сифатида, балки уларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиб қолиш учун ҳам қўлланилади. Шундай қилиб, улар жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлайди.

Маъмурий мажбурловга **суддан ташқаридаги тартиб** хос, яъни мажбурлов (ишни тўхтатиб қўйиш, гайриқонуний тарзда олинган нарсаларни олиб қўйиш, жарима солиш ва бошқа) чоралар тегишли ижро этувчи органлар (мансабдор шахслар) — ички ишлар органлари, назорат-текширув органлари, маъмурий комиссиялар ва бошқалар), яъни ушбу чораларни ўз фаолиятида судга мурожаат этмай туриб бевосита қўллайдиган органларнинг ваколатларига киритилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий мажбурлов чораларининг айримларини судлар (судьялар) қўллайдилар. Чунончи, бу маъмурий ҳуқуқбузарлик, масалан, майда безорилик учун энг қаттиқ маъмурий жазоларни қўллаш ҳолларига тааллуқли. Маъмурий чоралар нафақат алоҳида шахсларга, балки ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Маъмурий мажбурлов — ижро этувчи орган (мансабдор шахс)нинг қонунга асосланган ва ундан келиб чиқадиган ҳамда жамоат тартибини сақлашга, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятидир.

Маъмурий мажбурлов чоралари хилма-хилдир. Уларни, мақсадига кўра, тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) маъмурий олдини олиш чоралари;
- 2) маъмурий чеклаш чоралари;
- 3) маъмурий тиклаш чоралари;
- 4) маъмурий жавобгарлик чоралари.

Маъмурий олдини олиш чоралари мажбурлов тусига эга бўлиб, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар бўлганда юз бериш эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Кўпинча улардан фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига нисбатан туғилиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланилади.

Маъмурий олдини олиш чоралари ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олади. Бундай чоралар хилма-хил бўлиб, улар орасида энг кўп тарқалганлари куйидагилардир:

- контроль ва назорат текширувлари;
- ашёларни кўздан кечириш ва шахсни кўриқдан ўтказиш (божхона, ички ишлар ходимлари амалга оширадилар);
- инсоннинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш;
- маъмурий назорат;
- карантин жорий қилиш (эпидемия ва эпизоотиялар чоғида);
- жамоат хавфсизлигига таҳдид туғилганда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тўхтатиш;
- шахсларнинг тиббий ҳолатини ва умумий овқатланиш корхоналарининг санитария ҳолатини гувоҳлантириш;
- мулк реквизицияси (реквизиция — маълум муддатга мажбурий олиб қўйиш);
- давлат чегарасининг муайян қисмини ёпиб қўйиш ва ҳ.к.

Бу ва бошқа чораларни қўллаш қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган.

**Маъмурий чеклаш чоралари** ғайриқонуний ҳаракатни мажбурий тартибда тўхтатиш ва уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Улар ҳам хилма-хил бўлиб турли ижро этувчи органлар (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади.

Уларга куйидагилар киради:

- қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатиш талаби (масалан, ички ишлар органлари ходимлари, фуқаролар ва мансабдор шахслардан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишни тўхтатишни талаб қилишга ҳақлидирлар);
- ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш;
- қурол ишлатиш (масалан, ҳайдовчи одамларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун ҳақиқий хавф туғдираётган бўлса, транспорт воситасини тўхтатиш учун);
- атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар билан оғриган шахсларни мажбурий даволаш;
- техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

— корхона ва ташкилотлар барча учун мажбурий у ёки бу қондаларни бузган тақдирда уларнинг фаолиятини тўхтатиш ёхуд тугатиш ва ҳоказо.

**Маъмурий-тикловчи чоралар** ашёларнинг аввалги ҳолатини тиклаш, етказилган зарарни қоплаш мақсадида қўлланилади. Шу боис ушбу чораларнинг тури ва миқдори ҳуқуқбузар етказган зарар хусусиятига ва миқдорига боғлиқ. Уларга қуйидагилар киради:

- рухсат сўрамай қурилган бинолар ва иншоотларни бузиб ташлаш;
- берухсат эгаллаб олинган турар жойдан кўчириб юбориш;
- ташкилотлардан қонунга хилоф тарзда эгалланган нарсаларни олиб қўйиш;
- вояга етмаган фарзанди етказган зарарни унинг ота-онасидан ундириш ва ҳоказо.

**Маъмурий жавобгарлик чоралари** ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга маъмурий жазо қўллашида ифодаланади.

## **МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Маъмурий жавобгарлик** — жавобгарликнинг барча белгилари хос бўлган юридик жавобгарликнинг махсус тури.

Айни пайтда қонунда жавобгарликнинг айнан шу турига хос бўлган аломатлари белгиланган ва улардан ижро этувчи ҳокимият органлари етарлича кўп фойдаланадилар.

*Маъмурий жавобгарлик — ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг махсус ваколатли органлари ва мансабдор шахслари айбдорга белгилайдиган маъмурий жазолар тизими.*

Маъмурий жавобгарликни қўллаш учун асос вазифасини маъмурий ҳуқуқбузарлик бажаради. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик** деб жамоат ёки давлат тартибига, давлатнинг ёки шахснинг мулкига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъвоуз қиладиган ҳамда содир этилгани учун қонунда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган гайриқонуний, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган) ҳаракат ёки ҳаракатсизликка айтилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар, худди жиноятлар каби, жамият учун хавфлидир, улардан фақат ушбу хавф даражаси билангина фарқ қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтга келиб 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарлик субъектлари бўлиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Мансабдор шахслар, яъни ҳокимият қарорлари чиқаришга ваколати бўлган раҳбарлар ҳам хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилади. Бунда мансабдор шахслар нафақат ўзларининг, балки қўл остидаги уларга бўйсунувчи ва тегишли қондаларни бузган ходимларнинг ҳам ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарликлари уларга нисбатан улар хизмат бўйича бевосита бўйсунмайдиган органларнинг маъмурий-ҳуқуқий чора қўллашини аниқлатади. Масалан, ёнгин назорати органлари ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузганлиги учун корхона раҳбарига маъмурий жарима солади.

## **ЖИНОЯТЛАР ВА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ФАРҚЛОВЧИ ЮРИДИК МЕЗОНЛАР**

Ушбу масаланинг амалий аҳамияти шундаки, ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик улар ўз табиатига кўра амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка олиб келмаган тақдирда қўлланилади.

Маъмурий жавобгарликнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

1) маъмурий жавобгарликни қонун ҳам, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги нормалар ҳам белгилайди. Ундан фарқли равишда, жиноий жавобгарлик фақат қонунлар билан белгиланади;

2) маъмурий жавобгарлик учун — маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноий жавобгарлик учун эса — жиноят содир этилиши асос бўлиб хизмат қилади;

3) маъмурий жавобгарликка 16 ёшга тўлган ақли расо шахс тортилиши мумкин, жиноий жавобгарликка эса 14—16 ёшдан, айрим жиноятлар учун 13 ёшдан ҳам жазога тортиш мумкин. Маъмурий жавобгарлик субъектлари фуқаролар, мансабдор шахслар, вояга етмаганлар ва бошқалар бўлиши мумкин;

4) маъмурий ҳуқуқбузарлик учун — маъмурий жазо, жиноят учун эса жиноий жазо қўлланилади;

5) маъмурий жазони ижро этувчи ҳокимиятнинг кенг доирадаги ваколатли органлари ва мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда судлар (судьялар) қўллайдилар, жиноий жазони эса фақат суд қўллайди;

6) маъмурий жазони органлар ва мансабдор шахслар ўзларига бўйсунмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўллайдилар;

7) маъмурий жазони қўллаш судланганликни ва ишдан бўшатишни келтириб чиқармайди. Ушбу жазо қўлланилган шахс белгиланган муддат давомида маъмурий жазога тортилган деб ҳисобланади;

8) маъмурий жавобгарлик чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлари юритишни тартибга солувчи қонунларга мувофиқ қўлланилади. Жиноят ишлари жиноят-процессуал қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади.

### **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУШУНЧАСИ**

Маъмурий жавобгарликни қўллаш учун асос бўлиб маъмурий ҳуқуқбузарлик хизмат қилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи, ғайриқонуний, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар жиноятлардан ушбу хавф даражаси билангина фарқ қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

1) жамиятга қарши хусусияти;

2) ғайриқонунийлиги;

3) айблилиги;

4) қилмишнинг жазога лойиқлиги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мус-

таҳқамланган ва мавжудлиги маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган белгилар (элементлар) мажмуи ташкил қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг белгилари (элементлари) қуйидагилардан иборат:

- 1) объект;
- 2) объектив томон;
- 3) субъект;
- 4) субъектив томон.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *объектини* қонун нормалари билан тартибга солинган ва маъмурий жавобгарлик чоралари билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

*Объектив томон* маъмурий ҳуқуқ билан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *субъектлари* сифатида жисмоний шахслар ҳамда мансабдор шахслар тан олинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда умумий шаклда маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтида 16 ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган шахслар тортилиши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *субъектив томони* субъектнинг ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка ва унинг оқибатларига руҳий муносабатидан иборат. У қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлгандагина уни содир этган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бундай юридик мезонлар жиноят ва маъмурий қонунларда белгиланган. Масалан, қонунда қандай ҳолларда давлат мулкани майда талон-тарож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик, қандай ҳолларда эса жиноят бўлиши кўрсатилган. Муайян жиноятларнинг субъекти деб 14 ёшга тўлган шахслар тан олинади, маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари эса фақат 16 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин; транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг жабрланувчининг енгил шикастланишига олиб келган йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиши — маъмурий ҳуқуқбузарлик деб, жабрланувчининг ўлимига ёки оғир шикастланишига олиб келган айни ўша ҳаракатлар эса — жиноят деб ҳисобланади.

## МАЪМУРИЙ ЖАЗО ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Маъмурий жазо маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни қонунга риоя этиш ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш;
- унинг янги ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш;
- бошқа шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасида маъмурий жазонинг қуйидаги турлари белгилаб қўйилган:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита предмети бўлган нарсани пул эвазига олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита предмети бўлган нарсани мусодара қилиш;

4) шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоқ.

Маъмурий жазо фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгила- ниши мумкин.

*Жарима* — маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсга белгилана- диган ва давлат фойдасига олинадиган пул ундириш (МЖК 25-моддаси). У деярли барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун назарда тутилган ва кенг тарқал- ган жазо чорасидир. Фуқароларга белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан, мансабдор шахсларга эса — 10 бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш — маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чеги- риб ташланган ҳолда топширишдан иборат (МЖК 26-моддаси).

*Мусодара қилиш* — маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисоблан- ган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат (МЖК 27-моддаси).

*Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш* — муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси бўлиб, туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан (уч йилгача бўлган муддатга) қўлланилади. Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас (8-модда).

*Маъмурий қамоқ* камдан-кам ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг айрим турлари учун 3 суткадан 15 суткагача бўлган муддатга қўлланилади. Ушбу жазони туман (шаҳар) суди (судьяси) қўллайди. Маъмурий қамоқ ҳомиладор аёлларга, 3 ёшгача бўлган болалари бор аёлларга, 14 ёшгача бўлган болаларини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронла- рига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий жазо ҳақидаги иш бўйича чиқарилган қарор юзасидан юқори ту- рувчи орган (юқори турувчи мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Маъмурий жазо — ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаёт- ган ҳуқуқбузарликлар учун эса — ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб 2 ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин (МЖК 36-модда).

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб 1 йил мобайнида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади (МЖК 37-модда).

Маъмурий жазони қўллаш ҳуқуқига бунинг учун ваколатли бўлган бир қатор органлар ва мансабдор шахслар эга. Уларнинг тўлиқ рўйхати маъмурий жавобгар- лик тўғрисидаги кодексда берилган. Уларга туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари; хўжалик судининг судьялари; маъмурий комиссиялар;

туман (шаҳар) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар; ички ишлар органлари ва бошқа давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари), солиқ, божхона, давлат санитария назорати органлари киради.

Қонунда назарда тутилган айрим махсус ҳолларда, масалан, майда безорилик, оз миқдорда талон-тарож қилиш ва бошқалар учун маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи туман (шаҳар) судлари (судьялари)га берилган.

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади (МЖК 183-модда). Майда безориликка доир ишлар одатда суд тартибида, вояга етмаганларга нисбатан эса — маҳаллий ижроия органлари қошидаги вояга етмаганлар (16 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар) ишлари билан шуғулланувчи комиссияларда кўриб чиқилади.

Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш, ушбу талон-тарож қилинган нарса қиймати белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, оз миқдорда талон-тарож қилиш ҳисобланади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини сунистеъмом қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-тарож қилиш энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖК 61-модда).

## МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Маъмурий қонунчиликни ўрганиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси эканлигини ёдда тутиш зарур. Ҳозирги вақтда ушбу кодекс деярли ҳар йили унга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар туфайли анча ўзгарди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг умумий қоидаларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қиладиган қонунлар асосида жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни юмшатувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга, яъни улар ушбу ҳужжатлар чиққунча содир этилган ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилайдиган ва уни кучайтирадиган ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга эмас.

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси нимани англатишини аниқ билиш муҳим. «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи, ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Мазкур кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик ушбу ҳуқуқбузарликлар ўз табиатига кўра, амалдаги қонунларга мувофиқ жинойи жавобгарликка сабаб бўлмаган тақдирда юзага келади.



Агар маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг қонунга хилоф эканлигини билган, унинг зарарли оқибатларига илгаридан қўзи етган ва уларни онгли равишда истаган, ушбу оқибатларнинг юзага келиши эҳтимоллигини билган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида зарарли оқибатлар юз бериши мумкинлигига илгаридан қўзи етган, аммо енгилтаклик билан уларнинг олдини оламан, деб умид қилган ёхуд бундай оқибатлар бўлиши мумкинлигига қўзи етиши керак бўлгани ҳолда илгаридан қўзи етмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, деб ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар тортилади.

Таълим олувчилар айниқса вояга етмаганларнинг жавобгарлигини ўрганишлари керак.

Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини, табиатни, аҳолининг соғлигини ва бажарилишини таъминлаш ўзларининг хизмат бурчларига кирадиган бошқа қоидаларни амалга ошириш соҳасида белгиланган нормаларга риоя этмаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилганда юзага келади.

Қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган вақтда муомалага лаёқатсиз ҳолатда бўлган, яъни ўз ҳаракатлари учун жавоб бера олмайдиган ёки сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолиятининг вақтинчалик ишдан чиқиши, ақлий ожизлик ёхуд бошқа касаллик оқибатида ўз ҳаракатларини идора қила олмайдиган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Маъмурий жазо чораларининг моҳиятини ўрганиш ва уларнинг турларини билиш зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара этиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 5) маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий жазога тортиш хусусиятлари, жазога тортишнинг умумий қоидалари, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгилаштирувчи ҳолатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар, жазо муддатларини ҳисоблаш, жазога тортиш муддатлари, шахс муайян давр ўтганидан сўнг маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш кабиларни тушуниб олиш муҳим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг турли хил маъмурий ҳуқуқбузарликлар тавсифи берилган махсус қисмининг мазмуни билан батафсил танишган маъқул. Уларга қуйидагилар киради:

- 1) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 2) аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

- 3) мулкка тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 4) табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 5) саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 6) қишлоқ хўжалигидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар, ветеринария, санитария қондаларини бузиш;
- 7) транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 8) фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 9) савдо, тadbиркорлик ва молия соҳалардаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 10) одил судловга тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 11) жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 12) бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органларни билиш лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни куйидаги органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқадилар:

- 1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судлари;
- 2) шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;
- 3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари;
- 4) ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари), давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари).

## **Бешинчи бўлим**

### **ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ**

- «Фуқаролик ҳуқуқи» тушунчаси
- Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари
- Мулк ҳуқуқи
- «Фуқаровий-ҳуқуқий мажбурият» тушунчаси
- «Ишончнома» ва уни бериш тартиби
- Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий тавсифи
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунлари

## «ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ» ТУШУНЧАСИ

✓ **Фуқаролик ҳуқуқи** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, юридик шахслари иштирокидаги мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳамда товар-пул муносабатларини тартибга солиб турувчи нормалар йиғиндисидан иборат алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўлиб, уларнинг юридик тенглиги, мулкӣ мустақиллиги ҳамда ирода эркинлигига таянади.

Фуқаролик ҳуқуқи мулкчилик муносабатларини, иқтисодий фаолият иштирокчиларининг шартномавий алоқаларини (олди-сотди, пудрат, суғурта ва ҳ.к.), шунингдек, етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ интеллектуал мулк, меросга оид муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай соҳаси каби, фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим нормалари Ўзбекистоннинг Конституциясида ўз ифодасини топган. Чунончи, ҳар бир давлатда иқтисодий муносабатлар негизини моддий неъматларга эгаллик ҳуқуқи ташкил этади.

Ўзбекистон Конституциясида тадбиркорлик ҳамда қонун томонидан тақиқланмаган бошқа турдаги иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, давлат ҳокимияти органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туйфайли етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланишини талаб этиш ҳуқуқи каби қоидалар мустақамланган.

Фуқаролик ҳуқуқи бир қанча ҳуқуқий институтлар (мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, шахсий номулкӣ ҳуқуқлар, ижод фаолияти натижаларига бўлган ҳуқуқ, мерос ҳуқуқи)дан иборат тизимни акс эттиради.

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар унинг предмети ташкил этади.

Фуқаролик ҳуқуқининг методи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг тенглиги, ушбу ҳуқуқ соҳасидаги нормаларнинг кўпчилиги диспозитив эканлиги (иштирокчилар учун суҳқ-атвор турини танлашнинг мумкинлиги) низоларни судда, ҳўжалик судида ҳал этиш орқали тавсифланади.

✓ Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари, уларнинг аҳамияти (юридик кучи)га қараб, куйидаги турларга бўлинади:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар;

2) қонун ости ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, вазирлик ва ташкилотларнинг буйруқ ва йўриқномалари;

3) иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар.

Шундай бўлса-да, «фуқаролик ҳуқуқи манбалари» тушунчаси «фуқаролик қонунлари» тушунчасидан кенгроқдир, зеро фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатлар нафақат қонунлар, балки қонун ости ҳужжатлари (масалан, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, идоравий ҳужжатлар ва бошқалар) билан ҳам тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солувчи қоидалар сирасига иш муомаласи анъаналари киради. Улар ишбилармонлик фаолиятининг бирор-бир соҳасида таркиб топган ҳамда кенг қўлланиладиган бўлиб, бироқ қонунда назарда тутилмаган. Улар мазкур муносабатлар иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун-қоидалар ҳамда шартномага зид бўлмаслиги керак.

Фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён – **ФК**) ҳисобланади.

Амалдаги Фуқаролик кодекси иккита (умумий ва махсус) қисмдан иборат.

**ФКнинг биринчи (умумий) қисмида** фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳамда бошқа турдаги муносабатлар доирасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган асосий қоидалар ўз аксини топган. Уларда фуқаролик қонунларининг асосий тушунча ва принциплари: фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялаш усуллари; фуқаролик ҳуқуқи объектлари; фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати; мулкчилик ҳуқуқи ҳамда бошқа мулкий ҳуқуқларнинг юзага келиш асослари ҳамда уларни амалга ошириш тартиблари; шартнома асосидаги ҳамда бошқа турдаги мажбуриятларнинг асосий қоидалари белгиланган.

**Кодексининг иккинчи (махсус) қисми** муайян турдаги шартномалар ҳамда шартномадан ташқари мажбуриятлар: олди-сотди, ижара, пудрат, юк ташиш, қарз ва кредит, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, муаллифлик, ихтирочилик ҳамда бошқа алоҳида ҳуқуқлар, ворислик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатлар, шунингдек, алоҳида қонунлар билан ҳам тартибга солинади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар.

## **ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**Фуқаролар — фуқаролик ҳуқуқи муносабатларининг субъектлари.** Фуқаролик ҳуқуқи мулкий ҳамда унга чамбарчас боғлиқ бўлган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади. Мазкур муносабатларнинг иштирокчилари (субъектлари)дан бири фуқаро (жисмоний шахс) ҳисобланади.

Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларда иштирок этишининг энг дастлабки шарт уларнинг ҳуқуқий лаёқати, яъни фуқаролик ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларига эга бўлиш қобилияти ҳисобланади.

Ҳуқуқий лаёқат инсон туғилиши биланоқ вужудга келади, бироқ баъзи ҳолларда қонун ҳали тутилмаган инсон ҳуқуқларини ҳам ҳимоялайди. Масалан, **ФК**га биноан, жабрланувчининг ўлими муносабати билан зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига жабрланувчининг ўлимидан сўнг туғилган фарзанди эга бўлиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий лаёқати шахснинг ўлими билан тугатилади. Шу билан бирга, шахсдан узоқ муддат давомида хабар олинмаган ҳамда унинг тириклиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар бўлмаган ҳолларда мазкур турдаги ноаниқликлар-

ни бартараф қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган шартлар асосида шахс бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилиниши мумкин. Шахсни вафот этган деб эълон қилиш унинг ҳуқуқий лаёқати тугатилишига олиб келади.

Фуқаро ўз номидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаради. Ўзганинг номидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик қонунлариغا биноан, фуқаро эгалик қилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи фуқаролик ҳуқуқий лаёқатини ташкил этади. "

Фуқаролар яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Балоғат ёшига етмаган, 14 ёшга тўлмаган шахсларнинг турар жойи ота-оналари ёки қонуний вакиллари-нинг яшаш жойлари ҳисобланади.

Фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эгалик қилиш, уни мерос сифатида олиш ёки мерос қилиб қолдириш; ишбилармонлик ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиш; мажбуриятларда иштирок этиш; юридик шахсларни вужудга келтириш; фан, адабиёт ва санъат асарлари, тадқиқотлар муаллифлари ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш; мулкий ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишга ҳақлидирлар.

ФҚда фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати мазмунини ташкил қилувчи ҳуқуқларининг рўйхати келтирилган бўлиб, у ҳали ниҳоясига етказилмаган. Шу билан бирга, фуқароларнинг фуқаролик муомаласи иштирокчиларига зарар етказган ҳолда ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишларига йўл қўйилмайди.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқий лаёқатини чеклашга йўл қўйилмайди. Шахс фуқаролик ҳуқуқий лаёқатидан тўлалигича маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳуқуқий лаёқатдан ташқари муомала лаёқатига ҳам эгадирлар. Муомала лаёқати деганда, фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқи, ўзига фуқаролик мажбуриятларини олиш ҳамда уларни бажариш қобилияти тушунилади. Муомала лаёқати ана шуниси билан ҳуқуқий лаёқатдан ажралиб туради. Чунончи унга кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига бошқа шахслар, масалан ота-оналари орқали эга бўладилар.

Бундан ташқари, фуқаролик муомала лаёқати нафақат қонуний хатти-ҳаракатлар қилиш қобилиятини, балки улар учун жавобгарликка тортилиш шарти (деликт қобилияти)ни ҳам вужудга келтиради. Шу боис муомала лаёқати шахснинг ёши ҳамда руҳий ҳолатига боғлиқ бўлади.

Умумий қоидага кўра, фуқаролик муомала лаёқати тўлалигича 18 ёшдан бошлаб юзга келади. Шунингдек, 18 ёшгача турмуш қурган шахслар ҳам тўлиқ равишда муомалага лаёқатли деб ҳисобланади. Бу баъзи ҳолларда турмуш қуриш ёшининг пасайтирилишидан келиб чиқади.

ФҚга вояга етмаганларнинг эмансипацияси<sup>1</sup>, яъни уларни тўлалигича муомалага лаёқатли деб ҳисоблаш тўғрисидаги норма ҳам киритилган. Бу қуйидаги шартлар бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин:

1) шахснинг 16 ёшга тўлганлиги;

2) иккала ота-она ёки қонуний вакилларнинг розилиги бўлган тақдирда, башарти вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси ёки ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса.

<sup>1</sup> Эмансипация (лат. Emancipatio) — ҳуқуқларда тенглашиш.

Мазкур қарорни васийлик ва ҳомийлик органи, ота-она ва қонуний вакиллар норози бўлган тақдирда суд қабул қилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда вояга етмаганлар қисман муоамалага лаёқатли деб топилади. Улар ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳар қандай эмас, балки баъзи ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар, яъни уларнинг муомала лаёқати тўлиқ эмас.

Вояга етмаган шахслар етказган зарар учун уларнинг ота-оналари ёки ҳомийлари ёхуд уларни назорат қилувчи ўқув, тарбия ёки даволаш муассасалар жавобгар бўладилар.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар деликт қобилятига эга бўладилар, яъни улар мустақил равишда ҳамда ота-оналарининг розилиги билан тузган барча битимлар ҳамда етказилган зарар бўйича мустақил мулкый жавобгарликка тортиладилар. Вояга етмаган шахслар ойлик маош ёки бошқа турдаги мустақил даромадга эга бўлмаган тақдирда ота-оналар ҳамда қонуний вакиллар орқали тўлиқ ёки қисман жавобгар бўладилар.

Қонунда назарда тутилган муайян шартларнинг бўлганлиги боис, тўлиқ ҳамда қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахслар муомала лаёқати юзасидан чекланишлари мумкин. Фуқаронинг муомалага лаёқатли ёки лаёқатсизлиги ҳақидаги тегишли қарорни фақат суд, ўшанда ҳам унинг оила аъзолари, васийлик ҳамда ҳомийлик органлари, прокурор ҳамда руҳий касалликлар шифохонасининг аризаси асосида чиқариши мумкин. Муомалага лаёқатсиз шахсга васий ва ҳомий тайинланади. Шахс соғайган ҳолларда суд уни муомалага лаёқатли деб топади ҳамда тайинланган васийлик ёки ҳомийликни бекор қилади.

Бундан ташқари, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар тоифаси ҳам мавжуд. Бундай шахслар руҳий ҳолати натижасида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаб етмайдилар. Уларни суд муомалага лаёқатсиз деб топади.

**Фуқароларнинг тadbиркорлик фаолиятидаги иштироки.** Тadbиркорлик фаолияти фуқаролар ҳамда бирлашмаларнинг даромад олишга йўналтирилган ташаббускор мустақил фаолияти ҳисобланади.

Фуқаро шахсий тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тadbиркорлик фаолияти бўйича тақдим этилган ҳужжатлар улардаги маълумотлар таркибининг қонун талабларига номувофиқлиги сабабли рўйхатдан ўтказилмаслиги мумкин. Мазкур ҳолат бўйича хўжалик судига шикоят билан мурожаат этишга йўл кўйилади. Шунинг назарда тутиш керакки, алоҳида турдаги фаолият билан шахсий тadbиркорлар махсус рухсатнома — лицензия асосида шуғулланишлари мумкин.

Тadbиркорлик фаолияти тadbиркорлардан фуқаролик ҳуқуқига оид турли битимларни мустақил равишда тузишни назарда тутганлиги ҳамда тadbиркорнинг ўзи ва учинчи шахслардан (яъни бошқалардан) таваккалчиликни талаб этганлиги боис, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс, шубҳасиз, фуқаролик муоамала лаёқатига эга бўлиши шарт.

**Юридик шахслар.** Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларнинг иштирокчилари қаторига нафақат алоҳида фуқаролар (жисмоний шахслар), балки юридик шахслар, яъни ташкилот ва муассасалар ҳам киради.

Юридик шахслар турлича бўлади. Улар Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида санаб ўтилган. Қонун юридик шахсларни қуйидагича таърифлайди: «Ўз мул-

кида, хўжалик юртишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади». Юридик шахслар мустақил баланс ва сметага эга бўлиши керак. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, улар рўйхатга олинган (ташкил этилган) вақтдан бошланади ҳамда у тугатилган вақтда ниҳоясига етади. Аксинча, фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати эса, у туғилган вақтдан бошланади ва унинг вафоти билан тугатилади, муомала лаёқати эса, тўлалигича шахс вояга етгандан бошланади ҳамда унинг вафоти тугайли тугатилади.

Юридик шахс (шунингдек, жисмоний шахс ҳам) қонунда белгиланган муайян турдаги фаолият билан фақат лицензия асосида шугулланиши мумкин.

Юридик шахснинг муомала лаёқати унинг ўз бошқарув органлари (директор, бошлиқ, раис, президент, кенгаш, бошқарув, умумий мажлис) орқали фуқаролик мажбуриятларини олиши билан белгиланади. Мазкур органларнинг ҳаракатлари юридик шахснинг ҳаракатлари сифатида тан олинади, зеро улар фуқаролик муомаласида тўлалигича юридик шахс манфаатларини ифодалайди.

Юридик шахс таркибида алоҳида ваколатхона ва филиаллар ташкил этилиши мумкин, бироқ улар мустақил юридик шахс ҳисобланмайди. Уларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Ваколатхона ва филиаллар уларни ташкил этган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида акс эттирилиши керак.

Юридик шахснинг манзили давлат рўйхатига олинган жой ҳисобланади. Давлат рўйхати кўрсаткичлари, шунингдек, фирманинг номи ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни давлат рўйхатига олиш нафақат унда ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг юзага келиши, балки унинг фаолияти устидан молиявий (солиққа оид) назоратни таъминлаш учун ҳам зарурдир.

Юридик шахсни ташкил этиш бўйича қонунда белгиланган тартиб бузилганда ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга номувофиқлиги сабабли, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга номувофиқлиги сабабли уни рўйхатдан ўтказмасликка йўл қўйилмайди.

Юридик шахс фаолиятини тугатиш уни қайта ташкил этиш (корхоналарни ажратиш ҳамда улар асосида бир неча юридик шахсни ташкил этиш, бир неча юридик шахснинг қўшилиши) ёхуд узил-кесил тугатиш орқали амалга оширилади. Қонунда юридик шахсларни тугатишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Юридик шахсларни ўзгартириш ва тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий тарзда (суд қарорига кўра) амалга оширилади.

ФҚда юридик шахсларнинг иккита катта гуруҳи ажратилади:

1) тижоратчи ташкилот — фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ташкилотлар, масалан, хўжалик ширкатлари ва жамоалари, ишлаб чиқариш кооперативлари, акционерлик жамиятлари, унитар корхоналар ва бошқалар;

2) тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахслар — фойда олишни мақсад қилиб олган ташкилотлар, масалан, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фонд-



лар ва мулкдор молиявий таъминлаб турадиган муассаса шаклидаги, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шакллардаги корхоналар ва ташкилотлар.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларга мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

## МУЛК ҲУҚУҚИ

Мулк ҳуқуқи айрим шахслар ёки жамоага тегишли моддий бойликларни, шунингдек, мулкчиликка оид иқтисодий муносабатларни қўриқлаш ва тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндисиدير. Мулк ҳуқуқи мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш каби субъектив ҳуқуқлардан иборат.

Фуқаролик кодексига биноан, мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади (мазкур субъектларнинг мулк ҳуқуқига хусусий мулкчиликнинг иқтисодий тоифаси киради).

Мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни фарқлаш (ажратиш) мақсадга мувофиқдир. Бошқа ашёвий ҳуқуқларга, масалан, мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки мулкка нисбатан оператив бошқариш ҳуқуқи тааллуқли.

Давлат ва муниципал мулкка давлат ва маҳаллий органларнинг мол-мулки (шаҳар, вилоят ва ҳ.к.), корхона ва ташкилотларнинг мулки киради. Мазкур ташкилотлар уларга бириктирилган мулкка кўра мулк ҳуқуқига эга бўлмайди, аксинча, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг мазмуни мулк ҳуқуқига яқиндир.

Мулкдор қонунга риоя қилган ҳамда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра ўз мулкини бошқариш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ваколатларни амалга ошириши мумкин.

Барча субъектлар мулкка бўлган ҳуқуқининг мазмуни одатда бир хилдир. Чеклашлар фақат қонун билан белгиланади. Чунончи, қонунда фақат давлат мулки ва муниципал мулкка кирадиган мол-мулк турлари белгиланади.

Шуни назарда тутиш керакки, мулкдор нафақат ҳуқуқларга, балки мажбуриятларга ҳам эга. Чунончи, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) ўзига тегишли мол-мулкни сақлаш (мол-мулкни сақлаш мажбурияти);
- 2) солиқларни тўлаш;
- 3) мол-мулкнинг бехосдан нобуд бўлиши ёки зиён етказилиши бўйича бутун масъулиятни бўйнига олиш (зарарли оқибатлар).

Мулк ҳуқуқи бузилган ҳолларда фуқаролик қонуни барча субъектлар учун бир хил Ҳимояланиш чораларини назарда тутаети. Ҳимояланиш чоралари турли-туман бўлиб, мулкдорнинг қайси турдаги ҳуқуқий ваколатлари (мол-мулкка эга бўлиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ҳуқуқлари) бузилганлигидан келиб чиқаети. Масалан, башарти буюм қонунга хилоф равишда кимгадир ўтиб қолган бўлса, у қонуний тарзда буюмни бошқа шахсдан талаб қилиб олиши мумкин (виндикацион даъво); башарти нобуд бўлган ёки зиён етказилган бўлса, айбдор шахсга

<sup>1</sup> Виндикация (лот. Vindikatio) — Ҳимоя, муҳофаза.

унинг нархини ёки уни таъмирлаш харажатларини қоплаш мажбурияти юклатилади.

Мулқдор унинг ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ ҳар қандай камчиликларни, агар улар эгалик ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса (негатор даъво), бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

## **ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАЖБУРИЯТ ТУШУНЧАСИ**

Мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти муайян шахсларни мулкий мақсадни кўзлайдиган ва шу сабабдан шахсни бошқа шахснинг фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга ёки маълум ҳаракатдан ўзини тийишга мажбур этишдан иборат (масалан, мол-мулкни бериш, пул тўлаш, ишни бажариш ва ҳ.к.). Бунда бошқа шахс қарздордан ўз мажбуриятини бажаришни талаб этиш ҳуқуқига эга, деган хулоса чиқади.

Мажбурият иштирокчилари (томонлар): қарздор — бошқа шахс фойдасига муайян ҳаракатлар (масалан, пул тўлаш, ишни бажариш кабилар)ни амалга оширишга мажбур бўлган тараф; кредитор — юқорида келтирилган хатти-ҳаракатларни бажаришни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган тараф.

Мажбуриятда тарафларнинг ҳар бири айна вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиши мумкин (масалан, фуқаронинг буюртмасига кўра уй-жой қуриш), бироқ шундай мажбуриятлар борки, бунда бир тараф доим кредитор, иккинчиси эса қарздор бўлиб, уларнинг ўринлари ҳеч қачон алмашмайди (масалан, бирор-бир шахс бошқасига қарзга пул берган ҳолларда).

Мажбуриятнинг предметини мажбурият эгаси бўлган шахс (қарздор)нинг қарзни тўлаш билан боғлиқ муайян ҳаракатлари ташкил қилади. Мажбуриятлар турли асосларда юзага келади:

1) иштирокчилар орасида тузилган шартномалар (ижара шартномаси, пудрат шартномаси) — энг кўп учрайдиган асос;

2) амалдаги қонунда назарда тутилган ҳамда назарда тутилмаган, бироқ унинг мазмуни ҳамда умумий қоидаларига зид бўлмаган бир тарафлама келишувлар орқали;

3) маъмурий ҳужжат — давлат бошқаруви органларининг индивидуал (норматив) ҳужжати (масалан, фуқарога давлат ёки муниципал уй-жой бериш ҳақида маҳаллий маъмурият қарорини ордер билан расмийлаштириш) орқали;

4) интеллектуал ижоднинг турли объектларини, масалан, санъат асарлари ва ишлаб чиқариш намуналарини яратиш ёки улардан фойдаланиш вақтида;

5) инсонлар хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган юридик хатти-ҳаракат натижасида (ҳазина, топилма ва ҳ.к.) ёки фавқулодда ҳодиса (ёнғин, табиий офат ва ҳ.к.).

Мажбуриятлар қуйидаги асослар бўйича ҳам вужудга келиши мумкин: шартномалар (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, ташиш, пудрат ва бошқалар), бир тарафлама битимлар (мукофотни ошқора ваъда қилиш), маъмурий ҳужжатлар (бинони ижарага бериш учун ордер бериш), зарар етказиш, асоссиз бойлик орт-

<sup>1</sup> Негатор даъво — мулкдорнинг мулкий ҳуқуқини унинг ашга эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузилишлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган даъво. Ушбу даъво мулкдорнинг ўз мол-мулкдан фойдаланишига ҳалақат берувчи тўсиқларни бартараф қилиш мақсадига хизмат қилади.

тириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа ҳаракатлари, ҳодисалар (табиий офатлар).

**Фуқаролик ҳуқуқига оид шартнома.** Икки ёки undan ортиқ шахс (фуқаролар ёки юридик шахслар)нинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, яъни мол-мулкни қайтариб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича келишув шартнома деб ҳисобланади.

«Шартнома» тушунчаси билан бирга, «битим» тушунчаси ҳам қўлланади. Фуқаро ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган хатти-ҳаракатлари битим дейилади. Битимлар икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартнома), шунингдек, бир тарафлама бўлиши мумкин (масалан, васият). Шундай қилиб, «битим» «шартнома»га қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, шартнома битимнинг бир туридир.

Тарафлар қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳамда назарда тутилмаган ҳолатларга кўра шартнома тузишлари мумкин. Бироқ бунда асосий шартга риоя қилиниши керак: шартнома фуқаролик қонунларининг асосий қоидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Шартнома тарафлар ўртасида тўлиқ ва аниқ муносабатларни тайинлаш, ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олишга имкон берувчи муҳим юридик воситадир. Шартнома фуқаролар иштирокидаги муносабатларда, айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасида кенг қўлланади.

Шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Шартнома тузиш қонунда ёки ихтиёрий қабул қилинган мажбуриятда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Томонлар тузган шартноманинг таркибида қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилган турли шартномаларнинг унсурлари бўлиши мумкин (аралаш шартнома).

Шартномалар оғзаки ёки ёзма шаклда тузилиб, қуйидаги турларга бўлинади: консенсуал ва реал, ҳақ бараварига ва текинга, асосий ва дастлабки.

Шартнома, унинг барча муҳим шартлари бўйича тарафлар ўртасида ўзаро келишувга эришилган пайтдагина тўлиқ тузилган деб тан олинади. Шартнома предмети ҳақидаги шартлар қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки бу турдаги шартномалар учун зарурий деб белгиланган ҳоллардагина муҳим деб тан олинади. Шартнома тарафлари даъвоси билан келишувга келинган шартлар шулар жумласидандир. Масалан, олди-сотди шартномаси учун муҳим шартлардан бири — нарх, ижара шартномаси учун эса — муддат ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид шартноманинг асосий қоидалари қуйидагилар ҳисобланади. Умумий қоидалар билан бирга, фуқаролик қонунлари алоҳида турдаги шартномаларга тааллуқли нормаларни ўз ичига олади. Бунда олди-сотди, ижара, юк ташиш, пудрат каби шартномаларни алоҳида айтиб ўтиш зарур.

## **ИШОНЧНОМА ВА УНИ БЕРИШ ТАРТИБИ**

Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида вакиллик институтини қўллаш бир қатор сабабларга боғлиқ. Баъзи ҳолларда шахс (фуқаро ёки юридик шахс) қонунда белгиланган чеклашлар (масалан, вояга етмаганлиги) тугайли у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Бошқа ҳолларда у ёки бу хатти-ҳаракатларни содир этиш имкониятининг

бўлмаслигини ифодаловчи фактик ҳолатларга боғлиқ бўлади. Масалан, шахснинг касаллиги, узоқ муддатли хизмат сафарига бўлганлиги ва ҳоказо.

Барча кўрсатиб ўтилган ҳолларда вакиллар мазкур шахслар манфаатини кўзлаб ҳуқуқий аҳамиятга эга хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига қонун (масалан, ота-оналар, ҳомийлар, корхона раҳбарлари ва ҳоказо), маъмурий ҳужжат (лавозимга тайинлаш) ёхуд шартнома ёки ишончнома туфайли эга бўладилар.

Шундай қилиб, ишончнома ёзма ваколатномадан иборат бўлиб, уни бир шахс бошқа шахсга учинчи шахс олдида вакиллик қилиш учун беради, унда вакилнинг алоҳида ваколатлари белгилаб қўйилади.

Ишончнома бир тарафлама келишув бўлиб, уни амалга ошириш учун тарафлардан бирининг хоҳиш-иродаси бўлиши етарлидир. Вакил ваколатларининг мазмуни ҳамда ҳажмига кўра, ишончнома уч турга бўлинади: умумий (маълум давр мобайнида турли ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилади), махсус (маълум вақт ичида бир турдаги битимларни амалга ошириш учун берилди) ҳамда бирламчи, яъни битта ва аниқ белгиланган ҳаракатни амалга ошириш учун берилди.

Умумий қоидага асосан, тузилган ишончнома оддий ёзма шаклда бўлиши назарда тутилади. Шу билан бирга, нотариал шаклни талаб этадиган битим тузиш учун ишончнома (масалан, кўчмас мулкни сотиш бўйича битимлар)ни албатта нотариус тасдиқлаши шарт. Бу қоида бошқа шахсга мулкни ишониб топшириш учун бериладиган ишончномаларга ҳам тегишли бўлиб, улар ҳам ФКга биноан нотариал тартибда тасдиқланиши керак.

ФКга биноан, алоҳида шаклда расмийлаштирилган шартномалар нотариал тасдиқланган шартномага тенглаштирилиши назарда тутилади. Масалан, ҳарбий хизматчиларнинг ишончномаларини — ҳарбий қисм командири, озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган маҳкумларнинг ишончномасини — мазкур муассасанинг бошлиғи тасдиқлаши керак.

Ишончномани уни берган шахс имзолайди. Башарти, уни юридик шахс берадиган бўлса, мазкур ташкилот раҳбари ёки таъсис ҳужжатлари бўйича бундай ваколат берилган шахс шартномани имзолайди ҳамда унга мазкур ташкилотнинг муҳри босилади.

Давлат ва муниципал мулкка асосланган, шунингдек, пул ҳамда бошқа мулккий қимматликларни олиш ва беришга мўлжалланган ишончномаларни мазкур ташкилотнинг бош ҳисобчиси имзолаши керак.

Ишончнома учун энг муҳим шарт унинг амал қилиш муддати ҳисобланади. У уч йилдан ошмаслиги керак. Мазкур норма императив бўлиб, мазкур ишончномани берган шахс уни ўзгартирмаслиги керак. Башарти ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у ўз кучини бир йил давомида сақлаб қолади.

Тузилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ноқонуний ҳисобланади.

Чел элда ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ва нотариал шаклда расмийлаштирилган ишончнома, амал қилиш муддати кўрсатилмаган тақдирда ҳам, то бекор қилингунига қадар амал қилади. Ишончнома берган шахс хоҳлаган вақтда уни бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса, хоҳлаган вақтда ундан воз кечиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ФКда ишончномадан воз кечиш ҳолларида вакил ҳамда учинчи шахс учун маълум кафолатлар мавжуд. Мазкур кафолатлар шундан иборатки, ишончномани қайтариб олаётган шахс бу ҳақда манфаатдор вакил ҳамда учинчи шахсларга хабар бериши керак. Вакилга ишончномани дарҳол қайтариш мажбурияти юкланади.

## **ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

Башарти фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилса, яъни мажбуриятлар бажармаганлиги боис, мол-мулкка ва киши соғлиғига зиён етказилса, қонунбузарга нисбатан фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилган чоралар кўрилиши мумкин.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик — фуқаролик ҳуқуқларини бузган шахсларга мажбурий таъсир этиш чораси бўлиб, у жабрланувчига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш билан боғлиқ мажбуриятдан иборат бўлади.

Мазкур мажбуриятнинг икки тури мавжуд:

1) фуқаролик ҳуқуқиға оид у ёки бу шартномани бажармаслик ёки ундаги шартларга риоя етмаслик сабабли юзага келади (масалан, тўловни кечиктириш ёки товарларга ҳақ тўламаслик каби шартномавий мажбурият);

2) фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки ёхуд давлат мол-мулкига зарар етказиш (масалан, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида зарар етказиш каби шартномадан ташқари мажбурият сабабли юзага келадиганлар.

Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун фуқаролик ҳуқуқиға оид жавобгарлик қуйидагилардан иборат:

а) зиённи қоплаш: биринчидан, кредиторнинг бузилган ҳуқуқи, бузилган ёки йўқотилган мулкни (бу ҳам, ўз навбатида, реал зиённи ташкил этади) тиклаш бўйича харажатлар; иккинчидан, башарти ҳуқуқлари бузилмаган бўлсада, кредитор олиши мумкин бўлган даромадни ололмаганлик (қўлдан кетган фойда).

б) неустойка (айбона, жарима, пеня) — шартномада аниқ кўрсатилган пул миқдоридан иборат бўлиб, уни қарздор шартномани бажармаганлик ёки охирига-ча бажармаганлик учун кредиторга тўлаши керак. Мазкур қарз қатъий пул суммасида ёки фоизларда ифодаланиши мумкин.

Шартномадан ташқари мажбуриятда, масалан, кишининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зиён етказилганда, фуқаролик ҳуқуқиға оид жавобгарлик етказилган зарарни қоплаш тарзида амалга оширилади. Бундан ташқари, жабрланувчининг соғлиғига зарар етказилиши боис юзага келган қўшимча харажатлар (даволаниш, қаров, бақувват овқатланиш ва бошқалар) ҳам қопланади. Бироқ мазкур харажатларнинг зарурлиги қонунга мувофиқ равишда исботланиши шарт.

Жисмоний ва маънавий жабр кўрган фуқаро, мулкӣ зарарни қоплаш билан бирга, маънавий зарарнинг ҳам қопланишини талаб қилиш ҳуқуқиға эга бўлиб, бунинг суд пул шаклида белгилайди.

Фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятни тавсифлаш билан бир қаторда уни қўллашнинг қуйидаги тартибини айтиб ўтиш керак. Чунончи, ҳуқуқи бузилган шахс суд, хўжалик судига зарарнинг қопланиши, неустойкани тўлаш талаби билан мурожаат этиши мумкин. Умумий даъво муддати уч йилга тенг бўлиб, шахс мажбуриятларининг бузилганлигини билган ёки билиши керак бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи қонун Фуқаролик кодекси бўлиб, унинг биринчи қисми 1995 йил 29 декабрда, иккинчи қисми 1996 йил 29 августда қабул қилинган. Фуқаролик кодексининг иккала қисми 1997 йил 1 мартда кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси мулкӣ ва у билан боғлиқ номулкӣ муносабатларни тартибга солиди. Мазкур муносабатлар томонларнинг тенглиги, хоҳиш-ироданинг дахлсизлиги ва иштирокчиларнинг мулкӣ мустақиллигига асосланган.

Фуқаролик кодекси қуйидаги муносабатларни тартибга солиди:

биринчидан, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашга оид;

иккинчидан, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини амалга ошириш тартиби бўйича;

учинчидан, интеллектуал фаолият натижаларига ҳуқуқ белгилаш бўйича;

тўртинчидан, шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятларни тартибга солиш бўйича;

бешинчидан, мулкӣ ва улар билан боғлиқ бошқа шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солиш бўйича ва ҳоказо.

Фуқаролик ҳуқуқи маъмурий ва давлат иштирокидаги — бошқа муносабатлар, шунингдек, солиққа оид ва бошқа молиявий муносабатларни тартибга солмайди.

Фуқаролик муносабатларнинг иштирокчилари — фуқаролар, юридик шахслар ва давлат.

Фуқаролик ҳуқуқининг принциплари қуйидагилардан иборат:

1) тартибга солинаётган муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро тенглиги;

2) мулкнинг дахлсизлиги;

3) шартнома тузиш эркинлиги;

4) ҳар кимнинг хусусий ишларига аралашувнинг йўл қўйилмаслиги;

5) бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини таъминлаш;

6) бузилган ҳуқуқларни суд орқали ҳимоялаш.

Фуқаролик муносабатлари қуйидаги юридик фактлар натижасида юзага келади:

— шартнома ва бошқа давлат органлари келишув ҳужжатларининг тузилиши;

— суд қарорларининг қабул қилиниши;

— мулкка эғалик қилиш;

— интеллектуал фаолият ва санъат асарларининг яратилиши (фан, адабиёт, санъат асарлари ва бошқалар);

— бошқа шахсга зарар етказилиши;

— асосиз бойиш;

— инсон ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳодисанинг рўй бериши (масалан, табиий офатлар, бола туғилиши, ўлим ва бошқалар).

Фуқаро ўзининг бузилган ва даъволи ҳуқуқларини судга мурожаат этиш орқали ҳал қилиши, бузилган фуқаролик ҳуқуқларини бир қатор усул ва воситалар ёрдамида ҳимоялаши мумкин.

Мулкӣ муносабатларда иштирок этиш учун фуқаро қуйидаги ҳислатларга эга бўлиши керак, яъни унда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати бўлиши зарур.

Фуқаролик ҳуқуқи субъектларига юридик шахслар ҳам тегишли бўлганлиги сабабли, уларнинг хусусиятлари, турлари, ҳуқуқий мавқеи билан танишиш лозим. Фуқаролик ҳуқуқи объектларига ашёлар, пул, қимматбаҳо қоғозлар, мулкӣ ҳуқуқлар, иш ва хизматлар, тадқиқотлар, ишлаб чиқариш лойиҳалари, фан, адабиёт, санъат асарлари ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек, шахсий номулкӣ ҳамда бошқа моддий ва номоддий неъматлар киради.

## **О л т и н ч и б ў л и м**

### **МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ**

- **Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси**
- **Меҳнат ҳуқуқининг манбалари**
- **Иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш**
- **Меҳнат шартномаси (контракт)**
- **Иш вақти ва дам олиш вақти**
- **Меҳнат ҳуқуқида жавобгарлик**
- **Давлат ижтимоий сугуртаси**
- **Меҳнатни муҳофаза қилиш**
- **Меҳнат низолари**

## МЕХНАТ ҲУКУҚИ ТУШУНЧАСИ

Меҳнат ҳуқуқи меҳнат шартномаси асосида вужудга келадиган ҳамда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, меҳнатдан фойдаланиш соҳаси билан чамбарчас боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга соладиган кенг қамровли ва мураккаб ҳуқуқ соҳасидир.

Меҳнат муносабатлари деб ходим ўз меҳнат қобилиятига кўра бажарадиган, иш берувчи эса унинг меҳнатидан фойдаланиб, унга ҳақ тўлайдиган ҳамда меҳнатнинг хавфсиз шароитларини таъминлайдиган муносабатларга айтилади.

Меҳнат муносабатларининг иштирокчилари (субъектлари) ўз меҳнат ҳуқуқларини амалга оширувчи ходимлар ва уларни ишга қабул қилувчи иш берувчилар (мулкчиликнинг барча ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги юридик шахслар)дир.

Ҳар қандай меҳнат инсондан шахсий иродавий фаолиятни талаб қилади ва инсон томонидан шахсан амалга оширилади, шу сабабдан ҳар қандай меҳнатга лаёқатли шахс бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий лаёқатга ва муомала лаёқатига эга бўлиши мумкин.

Шу туфайли меҳнат ҳуқуқида фақат битта тушунча бўлиши мумкин, яъни меҳнат муносабатларининг субъектлари бўлиб 16 ёшга тўлган фуқаролар ҳисобланади, 15 ёшдан ёки 14 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан болаларнинг соғлиғи ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини издан чиқармайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат кодексига кўра, меҳнат муносабатларида шахсни камситиш тақиқланади.

Ҳар қандай ҳўжалик фаолиятини юритувчи, уларга меҳнати учун ҳақ тўловчи ва меҳнатини муҳофаза қилувчи ташкилот (юридик шахс) иш берувчи ҳисобланади. Мазкур ташкилотнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий лаёқати, давлат уни расмий рўйхатга олган вақтдан бошланади (шу вақтдан бошлаб у иш берувчи сифатида ҳуқуқий лаёқатга эга бўлади).

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар меҳнат ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятлар мажмуидан иборат бўлиб, мураккаб ва узоқ давом этиш хусусиятига эга.

Ходимлар ва иш берувчилар ўзларининг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларини, яъни ҳуқуқ ва бурчларини меҳнат шартномаси амал қилган вақтгача бажарадилар. Бунда меҳнат шартномаси (контракт) асосида юзага келадиган меҳнат муносабатларини фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли бўлган пудрат шартномасидан, эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларидан фарқлаш керак. Мазкур фарқлаш катта амалий аҳамиятига эга, чунки шифокор, ўқитувчи ва бошқа мутахассисликка эга фуқаро (жисмоний шахс)нинг юқорида айтиб ўтилган фуқаролик



ҳуқуқига оид шартномаларни бажариши уларнинг меҳнат стажига қўшилмайди ва меҳнат дафтарчасига ёзилмайди. Шунингдек, мазкур фуқарога меҳнат шартномаси (контракт) тузиш ҳамда меҳнат муносабатларига киришган ходимга йиллик таътил, меҳнат шароитлари ва имтиёзлар яратиб бериш шарт эмас. Ва ниҳоят, унга жамоа шартномасининг қоидалари тегишли бўлмайди ҳамда у меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат этишга ҳам ҳақли эмас.

Меҳнат ҳуқуқи катта аҳамиятга эга. Чунки у ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларини, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари, ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш ва меҳнат интизомини бузганлик учун қўлланиладиган интизомий жазо чораларини, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, яқка тартибдаги ва жамоага оид меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибини, меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлигини, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қоидаларини белгилайди. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимияти бошқа вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ҳамда меҳнатга оид бошқа норматив ҳужжатлардан иборат.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва меҳнат (иш кучи) бозорининг шаклланиши жараёнида локал норматив ҳужжат ҳисобланган (жамоа шартномалари каби) ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа келишувларининг ҳам аҳамияти ортиб бормоқда.

Меҳнат кодекси, жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнат муносабатларини шартнома асосида тартибга солувчи ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам беришга, ходимларга ҳақ тўлаш, уларнинг кафолатли компенсация тўловлари, бошқа имтиёз, ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларига оид нормаларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжат ҳисобланади.

Фаолияти муайян ташкилот доираси билан чекланган жамоа шартномасидан фарqli ўлароқ, жамоа келишувлари кенг доирадаги шахсларни қамраб олади, чунки жамоа келишувларини тузишда муайян касб гуруҳлари каби Ўзбекистондаги марказлашган тармоқ ва ҳудуд манфаатлари ҳам ҳисобга олинади.

## **МЕХНАТ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ**

Меҳнат ҳуқуқининг манбаларини меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи хилма-хил шаклдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва ҳоказо) ташкил этади.

Меҳнат ҳуқуқининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (у меҳнат ҳуқуқининг бош

манбаи бўлиб, унда, жумладан 37-моддада меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг энг асосий принциплари белгиланган);

— Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 1 апрелдан эътиборан кучга кирган Меҳнат кодекси;

— Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида қабул қилинган ва меҳнат ҳуқуқига алоқадор бўлган қонунлар;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг меҳнат муносабатларининг энг муҳим жиҳатларини тартибга соладиган умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган фармонлари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнат ҳуқуқининг муҳим масалалари бўйича Конституция, қонунлар, Президент фармонларининг ижросини таъминлашга қаратилган қарор ва фармойишлари;

— Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган меҳнатга оид қарорлари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни бошқариш соҳасида меҳнат ҳуқуқининг сифат жиҳатдан янги манбалари вужудга келди, буларга жамоа шартномалари, жамоа келишувлари, бошқа маҳаллий (локал) норматив ҳужжатлар кирди.

## **ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ**

Қонун фуқаронинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига биноан, давлат қуйидагиларни кафолатлайди:

— иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

— ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

— мақбул келадиган ишни танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

— ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

— янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб, малакасини оширишни;

— бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

— ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида иш жойларининг тугатилиши муносабати билан ходимларга ишга жойлашгунга қадар бериладиган имтиёз ва компенсациялар ҳамда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши назарда тутилган.

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, ҳар ким ўз қобилиятига кўра меҳнат қилиши учун иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда у ёки бу фаолият турини эркин танлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Меҳнат шартномаси, Меҳнат кодексига асосан, ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан жамоа шартномалари ва келишувлари билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Меҳнат шартномаси (контракт)нинг тарафларини бир томондан ходим, иккинчи томондан эса иш берувчи ташкил этади.

Уларнинг хусусиятлари кўп жиҳатдан хўжалик фаолияти соҳасига ҳамда бир қатор бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади. Иш берувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахс мақомига эга бўлган барча ташкилотлар ва 18 ёшга тўлган айрим шахслардир.

Қонунда меҳнат шартномасининг ёзма шаклда тузилиши белгиланган. Меҳнат шартномасини ёзма равишда тузиш заруратини ишга қабул қилиш тартибидан фарқлаш лозим.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Меҳнат кодексига биноан, ишга қабул қилиш тегишлича расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Меҳнат шартномасининг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи шартлар ташкил қилади. Бу шартлар тарафларнинг бевосита келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномасининг шартлари икки хил бўлади: бўлмаслиги меҳнат шартномасининг тузилмаган деб ҳисобланишига олиб келадиган мажбурий (зарурий) шартлар (иш жойи, меҳнат вазифаси, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва ҳоказолар)

ҳамда бўлиши мажбурий бўлмаган факультатив (қўшимча) шартлар (бу ҳақда тарафлар ўзаро келишадилар) – бунга синов муддати, тижорат сирларини ошкор этмаслик, ижтимоий таъминот бўйича имтиёзлар ва бошқалар киради.

Факультатив (қўшимча) шартлар меҳнат шартномаси (контракт)га киритилган бўлса, тарафларнинг уларни бажариши мажбурий ҳисобланади (агар шартнома шартларини тарафлардан бири бузса, у муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин).

Меҳнат кодексига кўра, меҳнат шартномаси қуйидаги муддатларга тузилади:

- 1) номуайян муддатга;
- 2) беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;
- 3) муайян ишни бажариш муддатига.

Ишга қабул қилишда тарафларнинг келишувига кўра ходимнинг топширила-

ётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш мақсадида дастлабки синов муддати белгиланади. Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Дастлабки синов муддати тугагунига қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳаққидир.

Агар дастлабки синов муддати тугаб, ходим ишни давом эттираётган бўлса, у синовдан ўтган ҳисобланади.

Ходимнинг меҳнат фаолиятини тасдиқловчи асосий ҳужжат меҳнат дафтарчасидир.

Амалдаги Меҳнат кодексига биноан, иш берувчи корхона беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини юритиши шарт (ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно). Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди. Бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга), унга бошқа мутахассислик, ма-лака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказишга ишлаб чиқариш зарурати ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан йўл қўйилади.

Ходимнинг ташаббуси билан бошқа ишга ўтказиш ҳам Меҳнат кодексига назарда тутилган бўлиб, агар бу ходимнинг соғлиғи ёмонлашганлиги билан боғлиқ бўлса, унинг илтимосига кўра енгилроқ иш берилиши лозим.

Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши деганда, ходимни корхона, муассаса ва ташкилотдаги меҳнат вазифаларидан меҳнат қонунларида назарда тутилган асослар ва сабабларга кўра озод қилиш тушунилади.

Меҳнат кодексининг 97-моддасига асосан, меҳнат шартномаси қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- 1) тарафларнинг келишувига кўра (ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниш мумкин);
- 2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- 3) муддатнинг тугаши билан;
- 4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
- 5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;
- 6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўлмаганлиги) ёхуд сайла-нишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Меҳнат кодексига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш учун яна бир асос бўлиши мумкин. Чунончи, дастлабки синов натижаси қониқарсиз бўлса (ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати белгиланган ҳолларда), иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ходимларнинг корхонадаги ва-киллик органларининг розилигини олмасдан ва ишдан бўшатиш нафақасини тўла-масдан туриб ҳам бекор қилишга ҳақли бўлади.

## **ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Локал норматив ҳужжатлар ва яқка тартибдаги меҳнат шартномалари иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Иш вақтининг энг кўп муддати марказлаштирилган тартибда белгиланади ва сутка давомидаги ҳафталик, календарь ҳисобидаги вақтнинг муддатлари ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан локал норматив ҳужжатларда баён этилади.

Муддатларга асосланган ҳолда иш вақти уч турга бўлинади: нормал муддат, қисқартирилган муддат ва тўлиқсиз иш муддати.

Иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:

— ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, 14 дан 16 ёшгача бўлган шахсларга эса ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади).

— I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади).

— ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар;

— алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар.

— уч ёшга тўлмаган болалари бор ҳамда бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади).

## **ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ**

Ижтимоий суғурта иш берувчи ва суғурта қилинган ходимларнинг ижтимоий суғурта маблағларига бадал тўлашларидан ташкил топади.

Бу бадал ҳисобидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва пенсия тўланадиган, суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам даволаш ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақалар ҳамда ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига бугунги кунда 60 ёшга тўлган ва умумий иш стажи 25 йил бўлган эркеклар ҳамда 55 ёшга тўлган ва умумий иш стажи 20 йил бўлган аёллар эгадирлар. Ҳар бир қўшимча иш йили учун 1% миқдорда пенсия қўшилади. Пенсия суғурта қилинган ходимларнинг айрим тоифаларига пенсия ёши кам бўлганда, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, меҳнат стажи кам бўлганда ҳам тайинланади.

Ходим (ҳомиладор аёл, 14 ёшга тўлмаган боласи, 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёл ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахс)нинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқ-

сиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир. Тўлиқсиз иш вақти тайинланган ходимга ишлаган вақти ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Дам олиш вақти ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир.

Дам олиш вақти қуйидаги турларга бўлинади:

1) ходимга иш куни давомида дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффус (унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувда белгилаб қўйилади; бу танаффус иш вақтига киритилмайди);

2) иш тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақти (унинг муддати 12 соатдан кам бўлиши мумкин эмас);

3) дам олиш кунлари (беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса бир дам олиш куни берилади; умумий дам олиш куни — якшанба);

4) байрам (ишланмайдиган) кунлар. Ўзбекистон Республикасида қуйидаги кунлар байрам кунларидир:

— 1 январь — Янги йил байрами;

— 8 март — Халқаро Хотин-қизлар куни;

— 21 март — Наврўз байрами;

— 9 май — Хотирлаш ва қадрият куни;

— 1 сентябрь — Мустақиллик куни;

— 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни;

— 8 декабрь — Конституция куни;

— Рамазон ҳайит (Ийд-ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи куни;

— Қурбон ҳайит (Ийд-ал-Адҳа) диний байрамнинг биринчи куни.

5) таътилар. Барча ходимларга дам олиш ва иш қобилятини тиклаш учун иш жойи ва ўрғача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Муддати олти кунлик иш ҳафтаси ҳисобидан ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларга ҳамда ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календарь кундан иборат йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

6) йиллик қўшимча таътилар:

— меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишларда банд бўлган ходимларга;

— оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга;

— меҳнат тўғрисидаги қонулар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган ва бошқа ҳолларда берилади.

Ходимга оилавий шароитига кўра ва бошқа узрли сабабларга кўра унинг аризасига биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин.

## **МЕҲНАТ ҲУҚУКИДА ЖАВОБГАРЛИК**

Юридик жавобгарликнинг бошқа турлари билан бир қаторда меҳнат ҳуқуқига интизомий ва моддий жавобгарлик ҳосдир.

Интизомий жавобгарлик — меҳнатга оид қонунлар доирасида меҳнат интизомини бузганларга нисбатан қўлланиладиган жазонинг ҳуқуқий шаклларида бири.

Меҳнат ҳуқуқида умумий ва махсус интизомий жазолар алоҳида ўрин эгаллайди.

Интизомий жазолар меҳнат ҳақидаги қонунларда қатъий белгиланган бўлиб, узайтирилиши ёки ўзгартирилишига йўл қўйилмайди, уларни кенгайтириб талқин этии мумкин эмас.

Меҳнат кодексига биноан, интизомий жазоларнинг қуйидаги турлари мавжуд: ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30% дан ортиқ бўлмаган миқдордаги жарима (ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин), меҳнат шартномасини бекор қилиш (МК 2-боб, 3 ва 4-бандлар, 100-модда).

Махсус интизомий жазо баъзи ходимлар (прокуратура ходимлари, судьялар, давлат ҳокимияти вакиллик ва бошқарув органларидаги лавозимга сайланадиган, тасдиқланадиган ёки тайинланадиган раҳбар ходимлар ва ҳ.к.)нинг ўзига хос меҳнат шароитидан келиб чиқади. Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қилади.

Интизомий жазо қўлланганда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг хусусияти, у содир этилган ҳолнинг оғирлиги, ходимнинг аввалги иши ва феъл-атвори ҳисобга олинади. Меҳнат интизомининг ҳар бир бузилишида фақат битта интизомий жазо чораси кўрилиши мумкин. Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат аён бўлган вақтдан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирмай қўлланилиши лозим. Ҳуқуқбузардан ёзма равишда тушунтириш хати олиш, ходимни буйруқ (фармойиш) билан таништириш ва имзосини олиш, якка меҳнат низоларини ҳал қилиш бўйича тегишли органларга мурожаат этиш интизомий жазонинг асосиз қўлланилишидан ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг тури, уни содир этиш ҳолларининг оғирлиги, ходимнинг аввалги феъл-атвори, меҳнатга муносабати, шунингдек, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракат оғирлигига мувофиқлигини ҳисобга олиши шарт.

Башарти интизомий жазо қўлланган ходимга бир йиллик муддат ичида қайта интизомий жазо қўлланмаган бўлса, у интизомий жазога тортилмаган ҳисобланади.

Интизомий жазога тортилган ходим бир йиллик муддат ичида такроран ножўя хатти-ҳаракат содир этмаган ва ўзини ҳалол ходим сифатида кўрсатган бўлса, интизомий жазо, мазкур интизомий жазони қўллаган орган ёки мансабдор шахснинг ташаббуси, бевосита раҳбари ёки меҳнат жамоасининг расмий илтимосига кўра олиб ташланиши мумкин.

Интизомий жазо амалда бўлган муддат давомида ходим рағбатлантирилмайди.

Меҳнат ҳуқуқи бўйича, моддий жавобгарлик шартноманинг айбдор тараф (ҳодим ёки иш берувчи)нинг гайриқонуний ҳолда ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида бошқа тарафга етказган зарарини қоплаш мажбуриятидан иборат. Тегишлича, моддий жавобгарлик ходимларнинг иш берувчи олдида-

ги жавобгарлиги ва иш берувчининг ходимлар олдидаги жавобгарлигига бўлинади.

Ходим фақат қуйидаги ҳоллардагина моддий жавобгарликка тортилиши мумкин: у қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат содир этганда, бевосита зарар етказганда, ходимнинг айби аниқланганда, шунингдек, унинг қилмиши ва келиб чиққан бевосита ҳақиқий зарар ўртасида узвий боғланиш бўлганда. Бевосита ҳақиқий зарар деганда, мол-мулкни йўқ қилиш, унинг сифатини ёмонлаштириш ёки қийматини пасайтириш, уни қайта тиклашга харажатлар қилиш заруратининг юзага келиши, сотиб олиш ёки ортиқча тўловлар тўлаш тушунилади.

Агар зарар енгиб бўлмас куч, нормал ишлаб чиқариш (хўжалик таваккалчилиги, охириги зарурат) натижасида юзага келган бўлса, ходим жавобгарликка тортилмайди.

Иш берувчи ходимга нормал ишлаши ва ишониб топширилган мулкнинг бутунлигини тўла таъминлаши учун шароит яратиб бериши керак.

Меҳнат қонунларида қопланаётган зарарнинг ҳажмидан келиб чиқиб моддий жавобгарликнинг чекланган ва тўлиқ моддий жавобгарлик турлари ажратилади.

Бунда тўлиқ моддий жавобгарлик етказилган зарар ҳажмидаги мажбуриятни ўташ ҳисобланади, лекин бу зарар ўртача ойлик иш ҳақи ёки лавозим бўйича тўланадиган уч ойлик иш ҳақидан ошмаслиги керак. Ходимлар ўз хизмат мажбуриятларини бажаришлари пайтида корхона, муассаса, ташкилотга етказган зарарлари учун моддий жавобгар бўладилар. Бу жавобгарлик бевосита ҳақиқий зарар ҳажмида бўлади, лекин у ўртача ойлик иш ҳақидан ошмаслиги ва қонуларда белгиланган ҳоллардагина юзага келиши мумкин.

Лавозим бўйича иш ҳақининг уч баробаридан кўп бўлмаган моддий жавобгарлик фақат мансабдор шахсларга нисбатангина юзага келади.

Ходимни ноқонуний равишда ишдан бўшатган ёки бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахсга, суд ходимнинг мажбурий прогул вақти учун ёки кам ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлган вақти учун етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбурият ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни бузган ҳолда амалга оширилса ёки иш берувчи ходимни ўз ишига тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажаришни чўзган бўлса ҳам юкланади. Масалан, иш берувчининг ташаббуси билан ҳомиладор аёлнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш қонунни яққол бузиш ҳисобланади.

Тўла моддий жавобгарликда ходим, зарар ҳажми ва олаётган иш ҳақидан қатъи назар, иш берувчига етказилган зарарнинг бутун суммасини тўлайди.

Бундай моддий жавобгарлик ходимга фақат қонунда бевосита кўрсатилган ҳоллардагина юкланади (масалан, махсус ёзма шартнома асосида унга топширилган; бир марталик ҳужжат бўйича олинган қимматликлар етишмаганлиги учун; ходим маст ҳолда зарар етказганда; ходимнинг жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда; ходим тижорат сирларини ошкор этганда ва бошқа баъзи ҳолларда).

Меҳнат кодексига мувофиқ, ўғрилик, мулк ва бошқа қимматликларнинг етишмаганлиги ёки йўқотилиши натижасида корхона, муассаса, ташкилотга зарар етказилганда, шунингдек, зарарнинг ҳақиқий ҳажми мулкнинг таннаридан ошиб кетган ҳолларда моддий жавобгарлик чегараси қонун билан белгиланади. Маса-



лан, қимматбаҳо тошларни ва валюта қимматликларини сотиб олиш, сотиш, алмаштириш, ташиш, етказиб бериш, жўнатиш ва сақлаш бўйича корхоналарнинг ушбу қимматликларнинг ўғирланиши ва етишмаганлигида айбдор ходимлари, жиноий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар, моддий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат ҳуқуқида ходимлардан зарарни ундиришнинг қуйидаги тартиби назарда тутилади: ихтиёрий, иш берувчининг буйруғига биноан ва суд тартибида. Ходим ихтиёрий равишда зарарни қоплашдан бош тортган тақдирда, у зарарни иш берувчининг фармойишига биноан, иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан, агар ходимдан ушлаб қолинадиган зарар суммаси унинг ўртача иш ҳақидан ошиб кетмаса, тўлайди (чекланган моддий жавобгарликда ҳам, тўла моддий жавобгарликда ҳам). Иш берувчи, ходимнинг рози ёки рози эмаслигидан қатъи назар, буйруқ (фармойиш) бериши мумкин. Лекин бу буйруқ зарар аниқланганидан кейин бир ойдан кечиктирилмай чиқарилиши ва бу ҳақда ходимга эълон қилинган кундан бошлаб камида етти кундан кейин ижро этилиши мумкин.

Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

Иш берувчининг судга мурожаат қилиши учун зарар аниқланган кундан бошлаб бир йиллик муддат белгиланган. Зарарни ундириш ходимнинг зарарни келтириб чиқарган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Иш берувчи зарарни ушбу шикаст натижасида касбий яроқлилигини йўқотганлиги даражасидан келиб чиқиб жабрланувчига иш ҳақи (ёки унинг тегишли қисми) ҳажмида тўлаш; кўшимча харажатларни компенсация қилиш; белгиланган ҳолларда бир йўла бериладиган нафақа тўлаш; маънавий зарарни тўлаш шаклида қоплайди. Зарарни тўлаш тўғрисидаги аризани ходим иш берувчига беради. Иш берувчи эса аризани кўриб чиқиши ва ходимнинг аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида тегишли қарор қабул қилиши шарт. Ходим иш берувчининг қароридан норози бўлган ёки белгиланган вақтда жавоб олинмаган тақдирда низо ариза берувчининг хоҳишига кўра унинг яшаш жойида ёки зарар етказилган жойда туманлараро фуқаролик судларида кўриб чиқилади. Бундай ҳолларга даъво муддати татбиқ этилмайди.

## **МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнат фаолияти жараёнида ходимлар ҳаёти ва соғлигининг хавфсизлигини таъминлаш тизимидан иборатдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституциянинг тегишли моддалари, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, Меҳнат кодекси ва бошқа норматив ҳужжатлардан иборат. Халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун ягона бўлган, меҳнат муҳофазасига оид махсус нормалар, шунингдек, тармоқлараро нормаларни ҳукумат, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги тасдиқлайди.

Тармоқлараро қоидалар ва нормаларни Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги, тегишли вазирликлар, давлат назорат идоралари ва бошқа ваколатли идоралар тасдиқлайди.

Меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш жароҳатланиши ва касбий касалликларга йўл қўймаслик учун ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиб берилиши керак.

Бу мажбуриятлар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмуриятига юкланган. Меҳнат кодексига мувофиқ, иш берувчи барча ишчи ўринларини техник жиҳозлар билан таъминлаши ва уларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ягона (тармоқ, тармоқлараро, санитария ва бошқа) қоидаларга мос келадиган меҳнат шароитларини яратиб бериши шарт.

Ходимлар меҳнат фаолияти давомида меҳнатни муҳофаза қилишнинг тегишли шартлари билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш берувчининг ходимларни техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш мажбурияти бу ҳуқуққа тегишлидир.

Бундан ташқари, қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ходимлар учун кафолатлар белгиланган. Бу кафолатлар ходимларни ишлаб чиқариш ёки бошқа омилларнинг зарарли таъсиридан яқка тартибда, шунингдек, жамоа бўлиб муҳофаза қилиш масалаларига тегишли бўлиб, улар Меҳнат кодексига мустақкамланган. Масалан, ифлосланиш билан боғлиқ ишларда ходимларга белгиланган нормадаги совун берилади. Терига зарарли таъсир кўрсатувчи моддалар билан боғлиқ ишларда белгиланган нормада ювувчи ва зарарсизлантирувчи моддалар берилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларда аёллар ва болаларни онасиз тарбиялаётган шахслар, ёшлар ва меҳнатга лаёқати кам бўлган шахслар учун алоҳида кафолатлар белгиланган. Ушбу тоифадаги ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча тадбирлар уларнинг бошқа ходимлар билан ҳақиқий тенг мавқеини таъминлашга хизмат қилади.

Меҳнат кодексига биноан, меҳнат тўғрисидаги қонунларни, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидаларни ҳамда жамоа шартномалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги битимларни бузишда ёки касба уюшмаларининг фаолиятига тўсқинлик қилишда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун жавобгар мансабдор шахслар тоифасига қоидалар ва нормаларга риоя қилинишига масъул бўлган хусусий мулкдорлар, корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда таркибий тузилмаларнинг раҳбарлари кирадилар.

Алоҳида саноат тармоқлари ва баъзи объектларда ишларни олиб боришнинг хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши устидан давлат назорати билан бир қаторда махсус низомларга кўра ихтисослашган ваколатли идоралар (Давлат техника назорати қўмитаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати қўмитаси ва бошқалар) юритадилар.

Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишини жамоатчилик томондан касба уюшмалари тасдиқлаган қоидалар асосида

меҳнат инспекциялари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли (ишонч билдирилган) шахслар назорат этадилар .

Прокуратура идораси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилади, ушбу қонунбузарликларни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларни бузганлик юзасидан ишларни кўриб чиқишда судьяларга ушбу қонунбузарликларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўришга алоҳида эътибор беришлари тавсия қилинган.

## **МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ**

Меҳнат низолари деганда, меҳнат шартларини белгилаш ёки ўзгартириш, меҳнат қонунчилигини қўллаш борасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилади. Меҳнат низолари якка ва жамоага доир қисмларга бўлинади. Якка меҳнат низолари иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларининг қўлланиши юзасидан келиб чиқади (жумладан, иш ҳақини, мукофотларни нотўғри ҳисоблаш; таъғилнинг давомийлигини нотўғри белгилаш ва ҳоказо). Бундай низоларни ҳал этиш учун меҳнат жамоаси меҳнат низолари бўйича комиссия тузади. Бундай комиссия кўплаб меҳнат низоларининг ҳал этилишида биринчи инстанция ҳисобланади.

Меҳнат низолари комиссияларини иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари тенглик асосида тузадилар. Комиссиянинг қарори далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак. Иш берувчи ушбу қарорни бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган 10 кунлик муддат ўтганидан кейин 3 кун ичида бажариши керак.

Башарти меҳнат низолари комиссияси 10 кунлик муддат ичида меҳнат низо-сини кўриб чиқмаса ёки ҳал этмаса, манфаатдор ходим ушбу низоли кўришни туман (шаҳар) судига ўтказишни талаб этишга ҳақли бўлади.

Иш берувчи меҳнат низолини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Башарти у меҳнат низолини комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек, унга ходим етказган зарарни қоплаш ҳақидаги низоли бўйича ҳам суд амалиёти фуқаролик қонунлари асосида меҳнат шартномаси қонуний асосиз ёки белгиланган тартиб бузилган ҳолда бекор қилинганда ёхуд ходим гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганда нафақат моддий, балки маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш мумкин эканлигини тан олади.

Жамоаларга доир меҳнат низолари — бу иш берувчи (иш берувчилар бирлашмаси) ва ходимлар жамоалари (ходимларнинг вакиллик органлари) ўртасида меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ва мавжуд шартларини ўзгартириш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш, ўзгартириш ва бажариш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 281-моддасининг 1-қисми).

Конун бўйича иш берувчиларнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва манфаатлари жамоага доир меҳнат низоларининг предметини ташкил этмайди ва шундай низолар белгиланган суд тартибида кўриб чиқилади. Жамоаларга доир низоларнинг тарафлари ўз ваколатларини вакиллари орқали амалга оширадilar. Судлар иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинган жамоа шартномалари, келишувлари ва бошқа локал ҳужжатларни қўллаш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низоларини тарафлардан бирининг аризаси асосида кўриб чиқадилар.

## **Еттинчи бўлим**

### **ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ**

- **Оила, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамияти**
- **Никоҳ. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари. Никоҳнинг тугатилиши**
- **Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари**
- **Ота-оналар ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**
- **Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатлар**
- **Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги**

## ОИЛА, УНИНГ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ХАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Оила жамият ва давлат билан ўзаро боғлиқ бўлади ва улар билан бир замонда ривожланади. У қатор демографик, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа муҳим функцияларни бажаради. Шунинг учун жамият ва давлат оиланинг фаровон бўлишидан манфаатдор бўлади.

Оила юридик тушунча сифатида — шунчаки одамларнинг ўзаро эр-хотин ёки қариндошлик ришталари билан мустаҳкамланган гуруҳи эмас, балки қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар гуруҳидир. Бинобарин, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оила ҳуқуқи нормалари билан белгиланган бўлиб, улар оилавий-ҳуқуқий муносабатлар деб аталади.

Оилавий муносабатларни тартибга солувчи асосий қонуний ҳужжатлар қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси ва оилавий муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг янги Оила кодекси 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган.

Оила ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам оила қонунчилигининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва, албатта, мажбуриятлари таркибига қуйидагилар киради:

- эр-хотиннинг (шахсий ва мулкӣ) ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- ота-онанинг (шахсий ва мулкӣ) ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- никоҳ тузишга тенг ҳуқуқлар;
- вояга етмаган болаларнинг (шахсий ва мулкӣ) ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ота-оналар ва болалар, эр-хотин ва собиқ эр-хотин, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари;
- никоҳнинг тугатилиш асослари (ОК 37-м.);
- эр-хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари;
- никоҳ шартномасини тузишда эр-хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- фарзандликка олиш тартиби;
- боланинг ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ота-онанинг болани тарбиялаш ҳамда унга таълим беришга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари ва тартиби (Ок 79, 80-м.);
- васийлик ва ҳомийликка мурожаат этиш ҳуқуқи.

Юқорида санаб ўтилган оила ҳуқуқлари, манфаатлари ва мажбуриятлари шулар билан чекланмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш институти оилавий ҳуқуқий муносабатларда алоҳида ўрин тутади.

Шундай қилиб, оилавий ҳуқуқий муносабатлар деганда, фуқаролар ўртасида бўладиган ва оилавий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Ҳар қандай бошқа муносабатларда бўлганидек, оилавий ҳуқуқий муносабатларда қуйидаги уч элемент мавжуд:

— субъект;

— субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб эр-хотин, ота-она, болалар, васийлар ва ҳомийлар, бошқа қариндош уруғлар ҳамда оила қонунчилиги соҳасида у ёки бу муносабатларни ҳал этишда иштирок этувчи юридик шахслар, фуқаролар уюшмаси, муассасалар, органлар, ижтимоий бирлашмалар ҳисобланади.

Оила аъзоларига ёки оиланинг собиқ аъзоларига тегишли, қонун билан ҳимоя қилинадиган ахлоқий ва моддий қадриятлар юзасидан оила ҳуқуқи субъектлари қабул қиладиган ҳаракат ва қарорлар оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари бўлиши мумкин.

Бир-бирларига нисбатан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш жараёнида оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларига эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг йиғиндиси ҳуқуқий субъектлардир.

## **НИКОҲ. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ. НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ**

Никоҳ — эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқли, эркин ва ихтиёрий иттифоқи бўлиб, у фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида тузилади ва оила тузиш мақсадига хизмат қилади

Никоҳ тузиш — шунчаки расмиятчилик эмас. Давлатнинг никоҳни қайд этиши юридик фактдир. Айнан рўйхатга олинган (қайд этилган) никоҳ юридик никоҳ деб ҳисобланади ва фақат угина эр-хотинлик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини юзага келтиради, рўйхатсиз (қайдсиз) никоҳ ҳақиқий эмас. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Эркак ва аёлнинг ҳақиқатда бирга яшаши («фуқаролик никоҳи» дейилади) натижасида улар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келмайди, улар бир-бирларининг олдида юридик ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлмайдилар (масалан, бирга яшовчи (аёл) ўзи билан бирга яшовчи (эркак)дан таъминот олишга ҳақли бўлмайди).

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой муддат ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш орқали бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга руҳсат берилиши мумкин. Никоҳ ёши республикамизда эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Тегишли туман, шаҳар ҳокимлиги никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин. Шу билан боғлиқ қуйидаги ҳолатга эътиборни қаратиш лозим, яъни эр-хотинлар 18 ва 17 ёшдан эмас, балки никоҳ тузилган вақтдан бошлаб тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга ҳисобланади.

Никоҳ тузиш натижасида вужудга келган муомала лаёқати 18 ёшга тўлгунча никоҳ тузилган тақдирда ҳам тўлиқ ҳажмда тасдиқланади.

Никоҳ тузишни хоҳловчиларнинг ёши қонунда чекланмайди. Баъзида вояга етмаганларнинг хоҳиши бўлса ҳам, никоҳни тузиб бўлмайди. Қуйидаги ҳолларда никоҳ тузилмайди:

1) лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида (фақат ФХДЁ органларида рўйхатга олинган никоҳ назарда тутилади. Ҳақиқатда бирга яшаш эътиборга олинмайди. Никоҳ тузишга суд қарори билан ажратилган ва ҳақиқий эмас деб топилган никоҳлар тўсиқ бўлолмайди);

2) лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида спиртли ичимликлар ёки наркотик моддалар истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолатларда фуқаронинг муомала лаёқати чекланиши никоҳ тузишга монелик қилиш учун асос бўла олмайди);

3) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ўтказилади.

Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин. Башарти никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитетига таъсир қилган вирус (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, ушбу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақли бўлади. Юқоридаги касалликларга чалинган ҳолатлар никоҳ тузишга монелик қилади.

Бундан ташқари, эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган сохта никоҳлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилди (ОК 49-м).

Никоҳни фақат суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шу никоҳда ёки уни ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб 300 кун ичида туғилган болалар ҳуқуқига таъсир қилмайди. Бундай болалар ҳақиқий никоҳда туғилган болалардек ҳуқуққа эга бўладилар.

Турли ҳаётий сабабларга кўра баъзи никоҳлар бузилади, эр-хотинлик муносабатлари тўхтайти (суд томонидан эълон қилинган эр-хотиндан бирининг ўлими туфайли никоҳнинг тугатилиши).

Эр-хотин ҳаётлигида никоҳ фақат ажратиш йўли билан бузилиши мумкин. Ажратишни суд ёки ФХДЁ органлари расмий тартибда амалга оширади. Хотиннинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр-хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзгатилиши мумкин эмас.

Эр-хотинлар ФХДЁ органларидан никоҳ тугатилиши ҳақида гувоҳнома олмагунларича янги никоҳ тузишга ҳақлари бўлмайди.



## ЭР ВА ХОТИННИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига биноан, эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ва шартномавий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шундай дейилган: «Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, ...агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади» (23-модда).

Оила кодексига шартноманинг бу тури батафсил тартибга солинган. Унда «никоҳ шартномаси» тушунчаси, уни тузиш шартлари ва тартиби, мазмуни ва рўйхатга олиш механизми, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш, уни тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш кабилар белгиланган.

Қонунга биноан, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ҳамда эр-хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишув никоҳ шартномаси деб ҳисобланади. Эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари никоҳ шартномасининг предмети бўла олмайди. Масалан, шартномада бир-бирини севиш мажбуриятини мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Никоҳ шартномаси никоҳ ФҲДЁ органларида рўйхатга олинганидан кейин, шунингдек, никоҳ даврида ҳам фақат эр ва хотин ўртасида тузилиши мумкин (никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради). Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Эр-хотин никоҳ шартномасига кўра, биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартириши мумкин. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди). Никоҳ тугатилиши пайтидан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди (никоҳ шартномасида никоҳ тугатилгандан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно). Қонунга биноан, суд никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Бундан ташқари, қонун никоҳ шартномасида эр-хотиннинг биргаликда яшаш ҳуқуқлари, ўзаро таъминот каби ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланишига йўл қўяди.

Эр-хотинлар ўзаро бошқа хил шартномалар тузишга ҳам ҳақлидирлар (масалан, ҳадя этиш, олди-сотди).

Ўзаро моддий таъминот эр-хотинлар бир-бирларини моддий таъминлашга мажбур эканликларини англатади. Агар бундай ёрдам беришдан бош тортилса ёки шартномавий келишув бўлмаса, хотин (эр) алимент олиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Бундай талаб билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига ҳомиладор хотин ёки меҳнатга лаёқатсиз ва муҳтож эр (хотин) эга бўлади.

Муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)нинг хотин (эр)идан таъминот олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган ҳолларда никоҳ тугатилганидан кейин ҳам тугатилмайди. Эр (хотин)ни таъминлаш учун ундириладиган алиментнинг миқдори ҳар доим пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳолларида, агар эр ва хотин

ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади. Суд вояга етмаган болалар манфаатларини ва (ёки) эр-хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлар тенглиги принципидан чекинишга ҳақлидир. Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан аниқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво мuddати қўлланилади. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг шахсий мулкига қуйидагилар киритилади:

- эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки;
- ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки;
- якка тартибда фойдаланиладиган буюмлар (кийим-кечак, пойафзал, косметика ва ҳ.к.), қимматбаҳо буюмлар ва зеб-зийнатлардан ташқари;
- эр-хотин ўртасида тузилган шартнома асосида никоҳ давомида олинган ва эр-хотинга тегишли бўлган мулк.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр-хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр-хотиннинг биргаликда орттирган мулкни бўлиш ҳақидаги даъволар никоҳни тугатиш тўғрисидаги даъволар билан бир вақтда ёки никоҳ ФХДЁ органларида тугатилганидан кейин тақдим этилиши мумкин.

## **ОТА-ОНАЛАР ҲАМДА БОЛАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Ота-она ва болаларнинг ўзаро муносабатлари оилада алоҳида ўрин тутadi. Булар шахсий (номулкий) ва мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлардир.

Шахсий ҳуқуқлар борасида бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эгадир.

Болага исм — ота-онанинг келишувига биноан, ота исми — отасининг исмига кўра берилadi.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, оталик ихтиёрий равишда суд томонидан белгиланади (боланинг ота-онаси биргаликда ёки фақат отасининг ўзи ФХДЁ органларига ариза билан мурожаат қилса). Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган бола ота-онаси қонуний никоҳда бўлган болаларники каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Қонун оталик (оналик)ни даъво қилишга ҳам йўл қўяди, лекин бу фақат суд тартибида бўлиши мумкин.

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, бола ота-онасининг биргаликдаги ёки отасининг шахсий аризасига кўра, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Бола 18 ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахсдир. У нафақат шахсий, балки мулкӣ ҳуқуққа ҳам эга, унга ҳадя этилган ёки мерос қилиб берилган, буюмларга эгалик қилиш ҳуқуқига, ўз ота-онасидан таъминот олиш ҳуқуқига эгадир, аммо бола ота-онасининг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас ва, ўз навбатида, ота-она ҳам боланинг мулкига эгалик қилишга ҳақли эмас.

Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Ота-она вояга етмаган фарзандларининг қонуний вакили ҳисобланади, чунки улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳимоя қила олмайдилар.

Ота-она нафақат тенг ҳуқуқлидир, балки болаларни моддий жиҳатдан таъминлаш, жисмонан, руҳан ва ахлоқан соғлом қилиб тарбиялаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида бир хил мажбуриятга ҳам эгадирлар. Ота-онанинг ҳуқуқи боланинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Афсуски, баъзида ота-оналар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортадилар, ота-она ҳуқуқини суистеъмол қиладилар, болалар билан шафқатсиз муносабатда бўладилар, уларни таҳқирлайдилар, сурункали ичкиликбоз ёки гиёҳванд бўладилар. Бундай ҳолларда ота-оналар суд қарорига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиладилар.

Ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилишга доир ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек, боланинг фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-онани ўз боласини таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Қонун ота-оналик ҳуқуқини тиклашга ҳам йўл қўяди, лекин бу фақат суд тартибида амалга оширилади.

Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин. Ота-она ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум қилади, лекин ота-онани болани моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-она ҳамда болалар мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни шундан иборатки, ота-она вояга етмаган ҳамда вояга етган-у, лекин меҳнатга лаёқатсиз ва муҳтож болаларни таъминлашга мажбурдирлар. Ота-она вояга етмаган ўз болаларини таъминлаш тўғрисида келишув тузишга ҳақлидирлар. Алимент тўлаш ҳақидаги келишув алимент тўлашга мажбур шахс билан алимент олувчи шахс ўртасида ёзма шаклда ва нотариал тартибда тасдиқланиб тузилади.

Бунда алимент тўлаш тартиби ва шакли томонлар ўртасида келишилган ҳолда

белгиланади. Бироқ алиментнинг миқдори алимент суд тартибида ундирилганда болалар олиши мумкин бўлган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Мехнатга лаёқатли вояга етган болалар, ўз навбатида, меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож ота-оналарини таъминлашга мажбурдирлар. Агар вояга етган болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, ота-она судга ўз таъминотлари учун болалардан алимент ундириб бериш учун муурожаат қилишга ҳақлидирлар. Алиментларни суд қатъий пул суммасида белгилайди. Қонун алиментларнинг индексация қилинишини назарда тутади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат алоҳида ҳимояга олади. Қонунда бундай болаларни тегишли муассасаларга тарбиялаш учун жойлаштириш тартиби махсус белгилаб қўйилган бўлиб, уларга оилага тарбиялаш учун бериш (фарзандликка олиш) ҳомийликка олиш ёки меҳрибонлик уйларига бериш кабилар қиради.

Фарзандликка олиш — юридик ҳаракат. Чунки ота-она билан фарзанд ўртасида қандай ҳуқуқий муносабатлар бўлса, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинаётганлар ўртасида ҳам шундай муносабатлар ўрнатилади. Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда йўл қўйилади.

Қонун фарзандликка олинаётган боланинг саломатлиги ҳолатига қараб фарзандликка олиш имкониятини чеклашни назарда тутмайди.

Агар ота-она фарзандликка олувчилар, боланинг касаллиги ҳақида огоҳлантирилган бўлса, лекин, шунга қарамай, улар айнан шу болани фарзандликка оламин деб туриб олсалар, бундай ҳолда фарзандликка олишга рухсат берилади.

Фарзандликка олишда бола ва фарзандликка олувчи (фарзандликка олувчининг қариндошлари) ўртасидаги муносабатлар ҳомийликка ўхшаб маълум муддатга эмас, балки бир умрга ўрнатилади. Фарзандликка олиш фақат суд тартибида бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилуши мумкин.

Фарзандликка олиш — ўта жиддий ва ихтиёрий ҳуқуқий ҳаракат. У фақат фарзандликка олувчининг илтимосига биноан, ёзма ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Аризага тавсифнома, қисқа таржимаи ҳол, соғлиги ҳақида маълумотнома ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари талаб қилган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Фарзандликка олишдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар туман (шаҳар) ҳокими фарзандликка олиш ҳақида қарор чиқарган кундан пайдо бўлади.

Болани бир вақтнинг ўзиде икки шахс фарзандликка олиши мумкин. Бундан ташқари, бир шахс ва эр-хотин ҳам фарзандликка олиши мумкин.

Қонунда ўзаро никоҳда бўлмаган икки шахснинг болани фарзандликка олиши тақиқланмайди.

Қуйидагилар фарзандликка олувчи бўлолмайдилар:

— вояга етмаган фуқаролар;

— ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

— қонун билан белгиланган тартибда (суд қарори билан) муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

— асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;  
— Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

— қасддан содир этган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олиш учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган бола ота-онасининг розилиги керак.

Васийлар ҳомийлигида бўлган ва ота-онаси йўқ болаларни фарзандликка олиш учун васийнинг розилиги ёзма шаклда ифодаланган бўлиши, давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотдаги болаларнинг фарзандликка олиш учун шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

Агар бола 10 ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун боланинг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олиш учун боланинг розилигини васийлик ва ҳомийлик органи аниқлайди.

Фарзандликка олувчилар фарзандликка олинаётган боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак.

Фарзандликка олувчи боланинг фамилияси, отасининг исми ва исмини ўзгартириш учун, агар у 10 ёшга тўлган бўлса, боланинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш, албатта, фарзандликка олиш қарори чиққан жойдаги ФХДЁ органларидан рўйхатга ўтказилиши шарт.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-она томонидан қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқларини йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

Фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва таълим бериш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Васийлик 14 ёшгача бўлган болаларга белгиланади. Ҳомийлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга нисбатан белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик органлари жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

Васий ва ҳомий тайинланишидан манфаатдор шахслар судга мурожаат қилишлари мумкин.

Қуйидаги шахслар васий ва ҳомий этиб тайинланишлари мумкин эмас:

— вояга етмаган фуқаролар;

— вояга етган, аммо қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

— ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ушбу ҳуқуқлари чекланганлар;

— қасддан содир этган жиноятлари учун илгари жазога ҳукм қилинганлар.

Фуқаролар уларнинг розилиги билангина васий ва ҳомий этиб тайинланиши мумкин.

Васийга (ҳомийга) боланинг таъминоти учун ҳар ойда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати белгилаган миқдорда пул тўлаб турилади.

Васий ва ҳомийлар ўз қарамоғидаги вояга етмаган шахслар билан бирга яшаш шарт. Агар тарбиясига ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан 16 ёшга тўлган ҳомийликдаги боланинг алоҳида яшашига йўл қўйилади.

Васийлик ва ҳомийлик, фарзандликка олишдан фарқли равишда, қуйидаги муддатларга тайинланади:

- васийлик ва ҳомийликдаги шахс вояга етгунча;
- васийлик ва ҳомийликдаги шахс никоҳга киргунча;
- суднинг фуқаронинг муомалага лаёқатини чеклаш ҳақидаги ҳал қилувчи қарори бекор қилингунча;
- вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилингунча;
- вояга етмаган шахслар ота-онаси тарбиясига қайтарилганда.

Васий ва ҳомийларнинг васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш ва сақлаш бўйича ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани тарбиялаш учун уни тутинган оилага бериш ҳам назарда тутилади. Бу васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасидаги ўзаро тузилган келишув асосида амалга оширилади. Вояга етмаган бола тутинган оилага келишувда белгиланган муддатга тарбиялаш учун берилади.

Тутинган ота-она тарбиялашга олинган болага нисбатан васий (ҳомий) каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Тутинган ота-онани васийлик ва ҳомийлик органлари танлайди. Оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати белгилаган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб турилади. Бундан ташқари, қонунда тутинган ота-она меҳнат ҳақининг миқдори белгиланади ҳамда бундай оилага муайян имтиёзлар берилади. Узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкий мавқеининг ўзгариши) мавжуд бўлса, болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

## **ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР**

Ўзбекистон фуқароларининг чет эл фуқаролари билан никоҳлари Ўзбекистонда умумий асосларда тузилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси билан фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш келишувига имзо чеккан мамлакатларнинг фуқаролари никоҳ тузишга ҳуқуқий лаёқати борлигини тасдиқловчи ҳужжатни (албатта, бу ҳужжатни ўша чет эл давлатининг тегишли органи берган бўлиши керак) тақдим этишлари керак.

Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшовчилар ўртасидаги никоҳ Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида тузилади.

Ўзбекистон фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тугатилади. Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида тугатилган никоҳ никоҳни тугатиш ҳақидаги қарорни қабул қилувчи органларнинг ваколати тегишли чет давлатнинг қонунчилигига риоя этилган ҳолда расмийлаштирилган бўлсагина ҳақиқий деб тан олинади.

Эр-хотиннинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она ва боланинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вояга етмаган болалар ва оиланинг бошқа аъзоларининг алимент мажбуриятлари, улар биргаликда яшаётган давлат ҳудудида амалда бўлган қонунларда белгиланади.

Бола туғилишига кўра қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг қонунлари оталикни белгилайди. Фарзандликка олиш ҳамда фарзандликка олишни бекор қилиш фарзандликка олинаётган бола фуқароси бўлган давлатнинг қонунларига биноан амалга оширилади.

Хорижий давлат оила ҳуқуқининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими асосларига зид келувчи ҳолларда қўлланилмайди. Бу ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИ**

Оила қонунчилигининг асосий вазифаси оила, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилишдир.

Оила ҳуқуқининг нормалари оилани мустаҳкамлашга, ўзаро муҳаббат туйғуларига асосланган оилавий муносабатларни қуриш, ишонч ва ўзаро ҳурмат, ҳамдардлик, ҳамкорлик ва оила олдида унинг ҳар бир аъзосининг масъуллигини оширишига йўналтирилган.

Оила қонунчилиги бирон бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймайди ҳамда оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Оилавий муносабатларни тартибга солиш қуйидаги принципларга асосланади:

- 1) давлатнинг фақат ФХДЁ органларида тузилган никоҳни тан олиши;
- 2) эркак ва аёл никоҳ иттифоқининг ихтиёрийлиги;
- 3) эр ва хотиннинг оилада тенг ҳуқуқлиги;
- 4) оилавий муаммоларнинг ўзаро розилик асосида ҳал этилиши;
- 5) болаларни оилада тарбиялашнинг устунлиги;
- 6) болаларнинг камол топиши ва фаровонлиги ҳақида ота-она ва давлатнинг гамхўрлик қилиши;
- 7) оиланинг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- 8) никоҳ тузаётганда ва оилавий муносабатларда ижтимоий, ирқий, миллий, тил ва диний мансублик белгиларига қараб фуқаролар ҳуқуқларининг ҳар қандай шаклдаги чекланишини ман этиш;
- 9) фуқароларнинг оиладаги ҳуқуқини фақат қонунда назарда тутилган ва нормадан чиқиб кетмаган ҳолда ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ва бошқа фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари, ахлоқи, соғлигини ҳимоя қилиш мақсадидагина чеклаш.

Оила қонунчилиги қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

- никоҳ тузиш тартиби ва шарти;
- никоҳни тугатиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш;
- оила аъзолари ўртасидаги мулкӣй ва шахсий номулкӣй муносабатларни (эр-хотин, ота-она ва болалар, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар ўртасида);
- қариндош-уруғ ва бошқа шахслар ўртасида;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилада тарбиялаш тартиби ва шакллариини белгилаш.

Ўзбекистон Конституциясининг 63, 64, 65 ва 66-моддалари оилавий муносабатларни тартибга солиш хусусиятларини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йили 30 апрелда қабул қилинган Оила кодекси ҳуқуқнинг бу соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланади.

Никоҳ — аёл ва эркакнинг эркин, тенг ҳуқуқли иттифоқи. Бунда улар никоҳ ёшига етган бўлиши ва бошқа никоҳда бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, никоҳ қонун белгиланган шарт ва тартибга риоя қилган ҳолда ва, албатта, оила тузиш мақсадида тузилган бўлиши керак.

Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги шартларини ҳамда никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилганлигини тан олишнинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлаш муҳимдир. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг асосий шартларидан бири унинг сохталиги, яъни никоҳ оила қуриш мақсадисиз рўйхатдан ўтказилганлигидир).

Никоҳ тугатилишининг қуйидаги сабаблари мавжуд: эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суднинг улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши; эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек, суд муомалага лаёқатсиз деб топган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ.

Никоҳни тугатишнинг икки тартиби белгиланган: суд орқали ва ФХДЁ органлари орқали.

Оилавий муносабатларда эр ва хотин тенгдирлар. Улар касб, яшаш жойини танлашда эркин ҳуқуққа эгадирлар, болаларни туғиш, тарбиялаш, таълим бериш ва оиланинг бошқа муаммоларини ҳал этадилар. Эр-хотиннинг никоҳ даврида орттирган мулки уларнинг умумий мулки ҳисобланади. Умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш ўзаро розилик асосида амалга оширилади.

Сўнгги йилларда никоҳланувчи шахсларнинг никоҳ шартномаларини тузишга боғлиқ масалалар умумий қизиқиш уйғотмоқда.



**С а к к и з и н ч и б ў л и м**  
**ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ**  
**АСОСЛАРИ**

- **Экология ҳуқуқи, унинг предмети ва объектлари**
- **«Экологик тизим» тушунчаси**
- **«Экологик жавобгарлик» тушунчаси**
- **Атроф муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

## ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУКИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

*Экология ҳуқуқи — Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг яхлит тармоғи ҳамда ҳозирги ва келажак авлод манфаатлари йўлида жамият, табиат ва инсоннинг ўзаро таъсири соҳасидаги ижтимоий (экологик) муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи фан.*

«Экология» сўзи (грекча «oikos» — уй, турар жой ҳамда «logos» — таълимот) инсон яшайдиган уй, жой тўғрисидаги таълимотни билдиради. «Экология» сўзини биринчи бўлиб немис олими Эрнест Геккель 1866 йилда илмий муомалага киритган ва ушбу термин узоқ вақт тор доирада, яъни биология фанида қўлланиб келган, XX асрнинг иккинчи ярмидагина бошқа мамлакатларда ҳам оммалашган. Умумий экология таркибида унинг энг муҳим қисми бўлмиш жамиятнинг уни ўраб турган табиий муҳит билан ўзаро таъсири ҳақидаги таълимот — ижтимоий экология ажралиб чиққан.

Ижтимоий экологиянинг таркибий қисмини жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмуи бўлган ҳуқуқий экология ташкил этади.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экологик ҳуқуқ манбалари сифатида тан олинади. Экология ҳуқуқи манбаларига қонунлар, фармонлар, қарорлар ва фармоийшлар, вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлари киради.

«Атроф табиий муҳит» тушунчаси «табиат» ва «инсонни ўраб турган муҳит» тушунчаларидан ташкил топган. Амалдаги (миллий ва халқаро) қонунларда «табиий муҳит» моддий дунё тадрижий ривожланишининг оқибати ва табиий экологик тизимлардан ташкил топган объектив воқелик сифатида тушунилади. Тор маънода бу — инсон яшайдиган, кам тегилган ва инсоннинг хўжалик фаолияти билан амалда ўзгармаган табиий яшаш муҳити. Инсонни ўраб турган муҳит деганда, табиий муҳитнинг инсон фаолияти жараёнида ўзгартирилган қисми тушунилади.

### «ЭКОЛОГИК ТИЗИМ» ТУШУНЧАСИ

Ижтимоий муносабатларни экологик-ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари ҳар бирига айрим умумий белгилар хос бўлган махсус экологик тизимларнинг мавжудлиги билан боғлиқ.

Экосистеманинг таркибий қисмларини *табиий равишда келиб чиққан объектлар* ташкил этади.

Ҳар қандай экосистемага *ёпиқлик*, яъни мустақил, ўзга таъсир ёрдамсиз

амал қилиш хос (масалан, яйловларда, баҳор ва ёзда ўтлар ўз-ўзидан ўсиб чиқади, ҳайдаладиган ерларни эса инсон аралашуви, яъни экиш, ер ҳайдаш, парваршиллаш, бегона ўтларга қарши кураш бўлмаса, бегона ўт босиб кетади).

*Барча экосистемалар бир-бири билан боғлиқ.* Ушбу ўзаро алоқадорликни унутиш салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, бегона ўтларга қарши кимёвий воситалар билан кураш — тупроқдаги ва бошқа фаунанинг ҳалокатига, ўрмондаги дарaxтларни кесиб ташлаш — дарё ва қўллар сатҳининг камайишига олиб келади.

Ҳар бир экосистема *биомахсулдорлиги билан ажралиб туради*: тупроқ — маҳсулдорлиги билан; фауна — мавжудотларнинг кўпайиши билан; дарaxтлар — мевалари, уруғлари билан ва ҳ.к.

Экологияга оид қонунлар табиий муҳит, яъни экосистемаларнинг ўзаро боғлиқ тизими эканлигини ва шу боис яхлит ва муайян тартибга солинган бўлиши кераклигини инобатга олиши зарур. Ҳозирча бунга эришилгани йўқ ва экологик ҳуқуқ нормалари кўплаб ҳуқуқ манбаларида, жумладан қонунчиликнинг бошқа тармоқларига қирадиган манбаларда жойлашган.

Шундай қилиб, *табиий объект* — атроф табиий муҳитнинг амалдаги қонунлар билан муҳофаза этиладиган, табиий келиб чиқиш аломатларига эга бўлган, экологик, иқтисодий, маданий ва соғломлаштириш функцияларини бажаришга ҳамда инсонни ўраб турган муҳитнинг сифатини таъминлашга қодир бўлган таркибий қисми.

## **«ЭКОЛОГИК ЖАВОБГАРЛИК» ТУШУНЧАСИ**

Экология соҳасидаги жавобгарлик давлат, жамият ва инсоннинг жамият олдидаги, ҳозир яшаётган ва келгуси авлод олдидаги, муайян инсон ва табиатдан фойдаланувчи шахс олдидаги жавобгарлигидир. Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик эса — умумҳуқуқий жавобгарликнинг турларидан бири. У содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун ҳуқуқнинг бузилган нормасида белгиланган санкцияга мувофиқ нохуш оқибатларга дучор бўлиш мажбуриятини билдиради.

*Экологик жавобгарлик табиий муҳитга зарар етказишининг олдини олиш ва зарар етказилган тақдирда уни қоплаш борасидаги муносабатларни ифодаловчи нормалардан иборат иқтисодий-ҳуқуқий комплексдир.*

Экологик жавобгарлик учта функцияни бажаради: 1) рағбатлантириш, 2) қоплаш, 3) превентив (олдинч олиш).

*Рағбатлантириш функцияси* экологик муҳофаза қилишга мажбур этувчи иқтисодий ва ҳуқуқий рағбатлар мавжудлигида намоён бўлади; *қоплаш функцияси* табиий муҳитга етказилган йўқотишларни натура ёки пул шаклида қоплашга қаратилган; *превентив функцияси* эса жазо чораларини қўллаш ва зарарни ундириш орқали экологик муносабат иштирокчиларининг хулқ-атворига мажбуран таъсир кўрсатади.

Экологик жавобгарлик иқтисодий ва ҳуқуқий шаклда намоён бўлади.

*Иқтисодий шакл* ҳуқуққа мос фаолиятга асосланади ва атроф-муҳитни ифлослантирувчи шахсни чиқитларни камайтиришга иқтисодий усуллар, аввало,

моддий манфаатдорлик билан қизиқтириш орқали тартибга солинади. У жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг «ифлослантирувчи тўлайди» деган умумий принципидан келиб чиқади.

*Ҳуқуқий жавобгарлик* ҳуқуққа хилоф қилмишлар натижасида юзага келади ҳамда маъмурий-ҳуқуқий усуллар билан тартибга солинади. Умуман олганда, ушбу шакллар экологик ҳуқуқий жавобгарлик институтини ташкил этади ва мустақкам-лайди.

Экологик-иқтисодий жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича келиб чиқадиган ҳуқуқий жавобгарликдан фарқли равишда, зарар етказиш ҳолати бўйича юзага келади.

*Экологик ҳуқуқбузарлик* Ўзбекистонда ўрнатилган экологик-ҳуқуқий тартибга тажовуз қилувчи ҳамда табиий муҳитга зарар етказувчи ёки шундай зарар етказишнинг реал хавфини яратувчи, айбли, ғайриқонуний қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир. Унинг таркибига ҳуқуқбузарликнинг субъект(лар)и, субъектив томони, объекти, объектив томони, оқибатлари ҳамда қонун бузилиши билан юз берган натижа ўртасидаги сабабий алоқадорлик киради.

*Экологик жиноят* Ўзбекистонда ўрнатилган экологик-ҳуқуқий тартибга, жамиятнинг экологик хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳамда атроф табиий муҳитга ва инсон саломатлигига зарар етказувчи айбли ижтимоий хавфли қилмишдир. «Экологик жиноят» тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи асосий жиҳатлар экологик-ҳуқуқий тартиб ҳамда атроф табиий муҳит ва инсон саломатлигига ҳамда уни генофондига етказиладиган экологик зарардир.

*Экологик-ҳуқуқий тартиб* — табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг экологик талабларини амалга ошириш бўйича экологик ҳуқуқбузарликлар тизими. Бошқача айтганда, бу экологик-ҳуқуқий нормалар амал қилишининг натижасидир.

Экологик-ҳуқуқий тартибнинг таркибий қисмини *экологик хавфсизлик* ташкил этади. Экологик хавфсизлик инсоннинг ҳаёти учун муҳим бўлган экологик манфаатлари, аввало, унинг тоза, соғлом яшаши учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқидан келиб чиқувчи ҳимояланганлик ҳолатидир.

**Экологик жиноятларда экологик-ҳуқуқий тартиб, экологик хавфсизлик жиний тажовуз предметига киради.** Экологик жиноятларнинг объекти табиатдаги моддий неъматлар, яъни қонун билан муҳофаза қилинадиган табиий объектлари ва, умуман, атроф табиий муҳитдир. Бундай муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг рўйхати «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган. Буларга ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси, атмосферанинг озон қатлами, табиий ландшафтлар, табиий қўриқхоналар ва бошқалар киради.

Экологик жиноятлар туфайли етказиладиган зарар иқтисодий ва экологик шаклларда намоён бўлиши мумкин.

*Иқтисодий зарар* табиатдан фойдаланувчиларга, уларнинг мулки ва даромадларига етказилади.

*Экологик зарар* атроф табиий муҳит, унинг айрим табиий объектлари, умуман

ман, табиий экологик тизимнинг ифлосланиши, нооқилона фойдаланилиши, камайиши ва бузилишида намоён бўлади.

Экологик жиноятдан жинойий жавобгарликка олиб келмайдиган *маъмурий ҳуқуқбузарликни* фарқлаш лозим. Экологик ҳуқуқбузарликда жиноят таркибига хос аломатлар бўлмайди. Экологик ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонунда қуйидаги таъсир чоралари назарда тутилган: огоҳлантириш, жарима, ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроллари ва воситаларини олиб қўйиш, ғайриқонуний тарзда топилган маҳсулотни мусодара этиш, фуқарони муайян фаолият билан шугулланишдан иборат махсус ҳуқуқидан маҳрум этиш.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарликнинг кенг тарқалган турларидан бири – жарима. Жаримадан кўзланган мақсад – тарбиялаш, огоҳлантиришдир. У етказилган зарарни қоплаш чораси эмас, шу боис жарима миқдори етказилган зарардан ортиқ бўлиши ёки, аксинча, ундан кам бўлиши ёхуд ҳеч қандай зарар бўлмаган тақдирда ҳам тайинланиши мумкин. Жарима тўлаш айбдорни етказган зарарини қоплаш мажбуриятдан халос этмайди.

## **АТРОФ МУҲИТНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

Ернинг табиати ягона, унинг қонунлари эса умумийдир. Табиат давлат ва маъмурий чегараларни билмайди. Оламшумул иқтисодий вазифаларни бажариш учун бутун дунё жамоатчилигининг кучини бирлаштиришдан иборат объектив заруратни англаш бутун сайёрамиз миқёсида экологик инқироз хавфи кучайиб борган сари аста-секин юзага келди.

Атроф муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилиш – давлатлараро ҳамкорликнинг функцияларидан бири. Мавжуд халқаро экологик қонунчилик асосида янги ҳуқуқий тузилма – халқаро экология ҳуқуқи шаклланди. Бу умум эътироф этган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида халқаро экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни сақлаб қолиш ҳамда инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги давлатлараро ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг мажмуидир.

*Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро ҳуқуқий принциплари халқаро жамоатчилик абзолари бўлган давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида ишлаб чиқилган. Улар БМТ Бош Ассамблеясининг алоҳида қарорларида, Атроф муҳит бўйича БМТ Стокгольм конференциясининг, Европада Хавфсизлик бўйича кенгашнинг Якуний ҳужжатларида (Хельсинки, 1975 й.), Бутун жаҳон табиат хартиясининг қарорларида, БМТ Атроф муҳит ва тараққиёт бўйича халқаро конференциясининг қарорларида (Рио-де-Жанейро, 1992 й.) ва бошқа ҳужжатларда баён этилган. Ушбу принциплар умумлаштирилган ҳолда қуйидагича ифодаланади:*

- 1) инсон экологик ҳуқуқларининг устунлиги;
- 2) давлатнинг ўз ҳудудидagi табиий ресурсларга нисбатан суверенитети;
- 3) бир давлат экологик фаровонлигига бошқасининг экологик зарари ҳисобидан эришишга йўл қўйиб бўлмаслик;

- 4) барча даражаларда экологик назоратни амалга ошириш;
- 5) халқаро экологик ахборот билан эркин алмашиш;
- 6) давлатларнинг фавқулодда ҳолатларда бир-бирларига ёрдам бериши;
- 7) экологик-ҳуқуқий низоларни тинч йўллар билан ҳал этиш.

*Давлатлар атроф табиий муҳитни ифлослантиришдан кўрилган зарарни қоплаш ҳамда экологик зарарнинг салбий оқибатлари учун халқаро жавобгарлик чораларини ишлаб чиқиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш мажбуриятини оладилар.*

## **Т ў қ қ и з и н ч и б ў л и м**

### **ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ**

- «Жиноят ҳуқуқи» тушунчаси
- «Жиноят» тушунчаси
- Жиноятнинг таркиби
- Қасддан жиноят содир этиш босқичлари
- Жиноятда иштирокчилик
- Бир қанча жиноят содир этиш
- Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар
- Жиноят ҳуқуқида жазо

## «ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ» ТУШУНЧАСИ

*Жиноят ҳуқуқи* — қилмишнинг ижтимоий хавfli ва жиноят эканлигини аниқловчи, уни содир этганлик учун жазо тури ва миқдорини белгиловчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат мустақил ҳуқуқ тармоғи.

*Жиноят ҳуқуқининг вазифалари* шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини жинойий тажовузлардан муҳофаза қилишдан; жиноятларнинг олдини олишдан; фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Жиноят ҳуқуқининг ягона *манбаи*ни Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда амалга киритилган Жиноят кодекси ташкил қилади.

*Жиноят кодекси* Ўзбекистон Республикасининг барча жиноят қонунлари мажмуидан иборат бўлиб, унда ички умумийлиги ва ўзаро алоқадорлиги билан ажралиб турадиган, жиноят ҳуқуқининг принциплари ва умумий қоидаларини белгилаб берадиган ҳамда қайси ижтимоий хавfli қилмиш жиноят деб ҳисобланиши, ушбу жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга қайси жазо тури ва бошқа жинойий-ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

## «ЖИНОЯТ» ТУШУНЧАСИ

*Жиноят* — содир этилиши жиноят кодексига жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Жиноят қонунида жиноятларнинг тўртта белгиси ажратилган:

- 1) ижтимоий хавф;
- 2) ғайриқонунийлик;
- 3) айблилик;
- 4) жазога лойиқлилик.

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига кўра тўрт тоифага бўлинади:

- 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар;
- 2) унча оғир бўлмаган жиноятлар;
- 3) оғир жиноятлар;
- 4) ўта оғир жиноятлар.

Жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган шахс жинойий жавобгарликка тортилади. 13 ёшдан бошлаб айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун, шунингдек, 14 ёшдан бошлаб ЖК 17-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган айрим жиноятлар учун жинойий жавобгарликка тортиш белгиланган бўлиб, булар умумий қоидадан истисно ҳисобланади. Уларга қуйидагилар



киради: қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг 1-қисми); кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси); қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-моддаси); қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-моддаси); кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси) ва баъзи бир бошқа жиноятлар қиради.

Айрим ҳолларда ЖК Умумий қисми моддаларининг тузилишига кўра жиноий жавобгарлик анча каттароқ ёшда бошланиши ҳам мумкин, масалан, ҳарбий жиноят учун жиноий жавобгарлик 18 ёшдан бошланади.

Жиноий жавобгарлик жиноят содир этган шахс билан давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилади. Жиноий-ҳуқуқий муносабатлар жиноят содир этилган пайтдан бошлаб юзага келади.

## **ЖИНОЯТНИНГ ТАРКИБИ**

*Жиноятнинг таркиби* — жиноят қонуни билан белгиланган ҳамда муайян ижтимоий-хавфли қилмишни жиноят сифатида ифодалайдиган объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси. «Жиноят таркиби» тушунчасини жиноят ҳуқуқида жиноят таркибининг элементлари деб номланадиган тўрт гуруҳ аломатлар йиғиндиси ташкил қилади. Булар жиноят объекти, жиноятнинг объектив томони, жиноят субъекти ва жиноятнинг субъектив томонидир.

*Жиноят объекти* жиноят қонуни билан кўриқланадиган ва жиноят содир этиш натижасида зарар етказиладиган ёки етказиш хавфи остига қўйиладиган ижтимоий муносабатлардир.

*Жиноятнинг объектив томонига* қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг хусусиятлари ва жиноят содир этиш натижасида келиб чиққан оқибат ва қилмиш билан жиноий оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек, жиноят содир этилган жой, вақт, уни содир этиш усули, воситалари ва бошқалар қиради.

*Жиноят субъекти* фақат қонунда белгиланган ёшга етган, ақли расо, яъни ўз ҳаракатлари учун жавоб бера оладиган ва уларни бошқара оладиган жисмоний шахс (инсон) бўлиши мумкин.

*Жиноятнинг субъектив томони* шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва жиноий оқибатга руҳий муносабати ақли, иродаси ва мотивларининг узвий бирлигидан иборатдир. Субъектив томон белгиларига айб, мотив, мақсад ва ҳиссий ҳолат қиради.

## **ҚАСДДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг амалга ошиш даражаси ва хусусияти билан бир-биридан тубдан фарқ қиладиган, айбдор қасдини амалга оширишини акс эттирадиган босқичлар ёки жиноий фаолиятнинг ривожланиш даврлари *қасддан жиноят содир этиш босқичлари* деб аталади.

Қасддан жиноят содир этиш босқичларининг турлари:

1) жиноятга тайёргарлик кўриш (ЖК 25-модда 1-қисм);

- 2) жиноят содир этишга суиқасд қилиш (ЖК 25-моддасининг 2-қисми);
- 3) тамомланган жиноят (ЖК Махсус қисмининг моддалари).

## **ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК**

ЖКнинг 27-моддасига биноан, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади. Иштирокчилик жинойий қилмишнинг алоҳида шакли сифатида мавжуд бўлиши шарт бўлган объектив ва субъектив аломатлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Объектив томондан, иштирокчилик 1) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бўлиши ҳамда 2) биргаликда иштирок этиш билан ажралиб туради. Субъектив томондан, иштирокчиликка 1) айбнинг қасдли шакли мавжудлиги ва 2) ўзаро хабардорлик хос.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасида жиноят иштирокчиларининг тўрт тури кўрсатилган: бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи. Ҳар бирининг жиноятда иштирок этиш даражаси ва хусусиятидан иборат объектив мезонларни ажратиш учун асос қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддасида иштирокчиликнинг тўрт шакли ажратилган: 1) оддий иштирокчилик; 2) мураккаб иштирокчилик; 3) уюшган гуруҳ; 4) жинойий уюшма.

## **БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ**

«*Бир қанча жиноят содир этиш*» битта шахснинг, содир этган қилмишлари учун илгари жинойий жавобгарликка ёки жазога тортилган ёхуд тортилмаганлигидан қатъи назар, бир қанча жиноятлар содир этишидан иборат ижтимоий ҳодисани ифодаловчи умумлаштирувчи жинойий-ҳуқуқий тушунчадир.

Бир қанча жиноят содир этиш жинойий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида уни ифодаловчи бир қатор юридик аломатларга эга. Уларга қуйидагилар киради: 1) бир шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиши; 2) турли вақтларда жиноятлар содир этиш; 3) содир этилган қилмишларнинг ҳар бири жинойий-ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши.

Жиноят қонунида бир қанча жиноят содир этишнинг учта шакли ажратилган:

- 1) такроран жиноят содир этиш (ЖК 32-моддаси);
- 2) жиноятлар мажмуи (ЖК 33-моддаси);
- 3) рецидив жиноят (ЖК 34-моддаси).

## **ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР**

Жиноят қонунида ташқаридан қараганда жиноятга ўхшаш, аммо содир этилганлиги учун жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган қилмишлар ҳам белгиланган. Қилмишнинг жинойийлигини истисно қиладиган ҳолатларга қуйидагилар киради:

- 1) кам аҳамиятли қилмиш;
- 2) зарурий мудофаа;
- 3) охирги зарурат;

4) ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш;

5) буйруқни ёки бошқа вазифани ижро этиш;

6) касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик.

Ушбу ҳолатларни қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб таърифлаш уларнинг жамият учун хавfli эмаслиги, қонунга хилоф ёки айбли эмаслигига асосланади.

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖАЗО

*Жазо* – суд ҳукми билан тайинланадиган давлат мажбурлов чораси. Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан қўлланилади ҳамда маҳкумни Жиноят кодексига назарда тутилган тартибда ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этиш ёки уларни чеклашда намoён бўлади.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Жазодан жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсади қўзланмайди.

*Жиноий жазолар тизими* судлар учун аниқ қилиб белгилаб қўйилган ва нисбий оғирлигини инобатга олган ҳолда муайян тартибда қўйиб чиқилган ҳамда жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазо турларининг рўйхатидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жазонинг қуйидаги асосий турлари белгиланган:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамoқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) ўлим жазоси.

Маҳкумларга, асосий жазолардан ташқари, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш қўшимча жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш нафақат асосий жазо сифатида, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Суд жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга одил жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик хусусияти ва даражасини, қилмишнинг мотивларини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олади.

Жазо Жиноят кодексининг Умумий қисмида кўрсатилган жиноятларнинг турлари ва уларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо чораси ҳақидаги моддаларнинг тегишли санкциялари доирасида тайинланади.

Жиноят кодексининг Махсус қисми 8 бўлимдан иборат бўлиб, қуйидагиларни назарда тутди:

- 1) шахсга қарши жиноятлар;
- 2) тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар;
- 3) иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар;
- 4) экология соҳасидаги жиноятлар;
- 5) ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар;
- 6) жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар;
- 7) ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

Жиноят кодекси унинг — атамаларнинг ҳуқуқий маъноси номли 8-бўлим билан яқунланади.

## **Ў н и н ч и б ў л и м**

### **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ**

- **Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши**
- **«Халқаро ҳуқуқ» тушунчаси**
- **Халқаро ҳуқуқ объектлари**
- **Халқаро ҳуқуқ функциялари**
- **Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ**
- **Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ**
- **Халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратиш**
- **Халқаро ҳуқуқ тизими**
- **Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва дипломатияси**
- **Халқаро ҳуқуқ ва Конституция**

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида қадимий илк жамоалар ва қабилалар бир-биридан алоҳида ажралган ҳолда эмас, балки қабилаларнинг ёзилмаган қонунлари билан бирлашган бўлган. Биринчи одат қоидалари давлатчиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ пайдо бўлган.

Агар халқаро ҳуқуқ давлатлараро ҳуқуқ сифатида тушунилса, у ҳолда, давлатчилик пайдо бўлиб, ривожланиши билан вужудга келганини эътироф этиш лозим.

Халқаро ҳуқуқ — тарихий ижтимоий-ҳуқуқий фаолият ривожланишининг натижаси. Халқаро ҳуқуқ инсонлар (гуруҳлар, табақалар)нинг ўз миллий манфаатларини англаш воситаси сифатида пайдо бўлиши, айниқса, халқаро муносабатларнинг доимий ўзгариб туришига алоқадорлиги билан миллий давлатлар ва халқларнинг тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда. Кишилиқ тарихи давомида халқаро ҳуқуқ нафақат халқаро муносабатларнинг тараққиёти билан бирга ривожланиб келган, балки уларга маълум даражада таъсир ҳам кўрсатган.

Халқаро ҳуқуқнинг келиб чиқиши табиий ва объектив жараёндир. Халқаро ҳуқуқ пайдо бўлишининг умумий шарт-шароити — давлатларнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки инсоният ҳаётининг шароити, унинг тарихий тараққиёти, инсоннинг атрофдаги дунё билан ўзаро муносабати, ижтимоий меҳнат тақсимоти, давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир.

Халқаро ҳуқуқ — бизни ўраб турган дунёнинг муҳим бир ажралмас қисми. У инсонга, халқларга, давлатларга доимий равишда таъсир кўрсатиб келади.

Халқаро ҳуқуқ — муҳим ҳуқуқий категория бўлиб, халқаро муносабатлардан, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа хусусиятларидан ўсиб чиққан.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши бевосита давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Давлатлар тараққиётининг объектив шарт-шароити улар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиши заруриятини келтириб чиқаради. Бунинг натижасида ҳуқуқнинг мустақил тизими сифатида халқаро ҳуқуқ пайдо бўлган ва ривожланган.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги турли хил муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

### «ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ» ТУШУНЧАСИ

«Халқаро ҳуқуқ» тушунчасини таърифлаш халқаро ҳуқуқ фанининг энг муҳим вазифаларидан бири. Агар давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизимида хос бўлган ҳодисаларни ўрганса, халқаро ҳуқуқ фани давлатлараро ёки, кенгроқ маънода, халқаро муносабатларга хос бўлган ҳодиса ва жараёнларнинг ҳуқуқий хусусиятларини тадқиқ этади.

Халқаро ҳуқуқий нормаларда миллий давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккаб жараёнлар ўз аксини топади. Уларнинг асосида шаклланаётган, халқлар-

нинг субъектив хоҳиш-иродасига эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг объектив омилларига мос келадиган ҳуқуқий онг халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топади.

Ҳозирги халқаро муносабатларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар ичида халқаро ҳуқуқнинг устунлиги тўғрисидаги қоида ХХІ асрдаги цивилизация ва ҳуқуқий онг даражасига кўпроқ мос келади.

Замонавий халқаро ҳуқуқ Иккинчи жаҳон уруши тугаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави қабул қилинганидан сўнг юзага келган ва ривожланган. Шу боис «ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи» тушунчаси халқаро муносабатларнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари ривожланишининг янги босқичини хронологик доирада акс эттиради. Фикримизча, халқаро ҳуқуқни қуйидагича таърифлаш мумкин: халқаро ҳуқуқ — тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизими.

Халқаро ҳуқуқ айнан юридик қоидалардан ташкил топган. Таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатлар ўртасидаги муносабатлар нафақат халқаро-ҳуқуқий нормалар билан, балки сиёсий, ахлоқий нормалар ҳамда амалиёт ва бошқа қоидалар билан ҳам тартибга солинади.

## **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ОБЪЕКТЛАРИ**

Халқаро ҳуқуқ объектига ҳар қандай эмас, балки муайян халқаро муносабатлар киради.

Халқаро муносабатлар — давлатлар ва давлат тизимлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа турдаги алоқалар ва муносабатлар мажмуи. У, шунингдек, дунё миқёсидаги асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар, ҳаракатлар ўртасидаги фаол ҳамкорликдан иборат.

Халқаро муносабатлар ўзининг мазмунига кўра бирон-бир давлатнинг ваколати ва юрисдикцияси доирасидан чиқиб, давлатларнинг биргаликдаги ёки бутун жаҳон ҳамжамияти ваколатлари ва юрисдикцияларининг объекти ҳисобланади.

Халқаро муносабатларда давлатлараро муносабатлар асосий ўрин тутлади. Шу билан бирга, нодавлат хусусиятга эга бўлган халқаро муносабатлар, яъни турли давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасидаги («чет эл элементи» ёки «халқаро элемент» кабилар), шунингдек, халқаро ноҳуқумат ташкилотлар ва халқаро хўжалик бирлашмалари иштирокидаги халқаро муносабатлар ҳам мавжуд.

Халқаро ҳуқуқ объектига, энг аввало, суверен давлатлар ўртасидаги муносабатлар киради. Давлатлараро муносабатлар, авваламбор, ҳокимиятлараро муносабатлардир. Давлатлар ўртасидаги мавжуд муносабатлар тегишли халқаро битимлар билан тартибга солингандagina халқаро-ҳуқуқий шаклга эга бўлади. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар БМТ Уставида мустақамлаб кўйилган ва барча эътироф этган халқаро ҳуқуқ принциплари асосида ўрнатилади.

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқий тармоқ сифатида куйидаги муносабатларни ўз ичига олади:

биринчидан, давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни (уларнинг ичида бутун халқаро ҳамжамиятни қамраб оладиган муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади);

иккинчидан, давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ давлатлар ва ҳуқуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни;

учинчидан, ҳуқуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни;

тўртинчидан, давлатлар ва нисбий мустақил халқаро мақога эга бўлган давлат кўринишидаги тузилмалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади (масалан, Ватикан рим-католик черковининг маркази сифатида алоҳида халқаро-ҳуқуқий статусга эга).

Демак, халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти шундай воқеликдирки, унга кўра субъектлар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида ўзаро ҳуқуқий муносабатларга киришадилар.

Қуйидагилар халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида намоён бўлади:

биринчидан, ҳудуд ва халқаро ер кенглиги;

иккинчидан, хатти-ҳаракатлар;

учинчидан, хатти-ҳаракатлардан тийилиш.

Ҳудуд халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида жуда кўп ҳужжатларда намоён бўлади (масалан, тинчлик шартномаларида).

Хатти-ҳаракатлар давлатлар ўртасидаги турли ҳуқуқий муносабатлар объекти бўлиши мумкин (масалан, ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар, иттифоқ шартномаларида).

Муайян хатти-ҳаракатлардан тийилиш ҳам халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти ҳисобланади (масалан, нейтралитет тўғрисидаги, уруш одатлари ва қонунлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда).

## **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ФУНКЦИЯЛАРИ**

Халқаро ҳуқуқнинг функцияларини кўриб чиқмай туриб, унинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас.

Халқаро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1) *мувофиқлаштириш функцияси*, давлатлар халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида халқаро ҳамкорликнинг турли соҳаларида умумий қабул қилинган ҳуқ-атвор стандартларини белгилайди;

2) *тартибга солиш функцияси*, давлатларнинг қатъий қоидаларни белгилашида намоён бўлади. Буларсиз давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатлари ва биргаликда мавжудлигини тасаввур қилишнинг имкони йўқ;

3) *таъминлаш функцияси*, бунда халқаро ҳуқуқ шундай нормаларни ўзида мустаҳкамлайдики, бу давлатларни кўп йиллик алоқалари жараёнида белгиланган маълум ҳуқ-атвор қоидаларига риоя қилишга ундайди;

4) *муҳофаза қилиш функцияси*, давлатлар миллий манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, халқаро муносабатларда давлатлардан юқори турувчи мажбурлаш механизми мавжуд эмас. Зарур ҳолларда давлатларнинг ўзлари жамoa тарзида халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини ва халқаро-ҳуқуқий тартиботни таъминлайдилар.

## **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ**

Реал воқеликда бир-бирига боғлиқ, лекин мустақил икки ҳуқуқий тизим мавжуд: бир томондан, давлатнинг ички ҳуқуқи (алоҳида миллий давлат ҳуқуқий нормаларининг мажмуи) ва, иккинчи томондан, ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос объекти ва субъектига эга бўлган халқаро ҳуқуқ. Агар давлатнинг ички ҳуқуқида ҳуқуқий тартибга солиш объекти бир давлат доирасидаги ижтимоий муносабатлардан иборат бўлса, халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объектига давлатлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар киради.

Ҳуқуқ бир-бирига боғлиқ, мустақил икки ҳуқуқий тизим (давлат ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ) билан ташкил қилинади деб тушунилиши халқаро ҳуқуқ фанида



ҳам, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ҳам тан олинган, эътироф этилган. Ушбу муаммо хусусида ҳуқуқшунослик фанида турли хил назариялар олға сурилган.

Баъзи олимлар халқаро ҳуқуқни ягона ҳуқуқий тизим деб ҳисоблайдилар. Улар давлатларнинг ички муносабатларини ҳам халқаро ҳуқуқ тартибга солади, деб маълум бир босқичда давлатларни ички ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланишини ҳам инкор қилмайдилар, лекин келажақда халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши билан у йўқ бўлиб кетади, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир муаллифлар халқаро ҳуқуқ фақат давлатларнинг миллий ҳуқуқида назарда тутилган доирадагина мавжуд бўлади, яъни у муайян давлатнинг ташқи ҳуқуқи бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Давлатнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги шундаки, халқаро ҳуқуқ давлатларнинг конституциявий тузуми ҳамда давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатларда давлат иродасини ифодалашга ваколатли давлат ҳокимияти органлари тизими, шунингдек, ҳар қандай давлатнинг ички иши ҳисобланадиган ва одатда халқаро ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш доирасига кирмайдиган ишларнинг мавжудлиги билан ҳам ҳисоблашишга мажбурдир.

Давлатнинг ички ҳуқуқи давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамловчи, маълум ҳолларда ушбу давлатнинг миллий ҳуқуқида акс эттирилиши лозим бўлган халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг мавжудлиги билан ҳисоблашади.

Халқаро ҳуқуқ ва давлатнинг ички ҳуқуқи бир-биридан алоҳида мавжуд бўлмайди. Халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишга миллий ҳуқуқий тизимлар таъсир кўрсатади, у давлатнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясида ўз ифодасини топади.

Халқаро ҳуқуқ, ўз навбатида, миллий қонунчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ўз субъектлари учун, яъни, энг аввало, давлатлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради. Давлатнинг расмий органлари, унинг юридик ва жисмоний шахслари эса бевосита халқаро ҳуқуқ нормаларига бўйсунмайдилар, чунки унинг субъекти бўлиб ҳисобланмайдилар. Халқаро мажбуриятларнинг ички давлат ҳуқуқи даражасида реал амалга оширилишини таъминлаш учун халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунларда мустаҳкамлаш, яъни трансформация қилиш чоралари кўрилади.

Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида шундай қоида мустаҳкамлаб қўйилганки, унга кўра давлатларнинг ички қонуни билан халқаро шартномалари ўртасида зиддият мавжуд бўлса, халқаро шартномалар устунликка эга бўлади. Бундай қоида халқаро ҳуқуқнинг давлатлар ички ҳуқуқи қоидаларидан устунлиги деб аталади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 7-моддасида шундай дейилган: «Агар халқаро шартномалар ва битимларда фуқаролик қонунчилигидагидан бошқача қоида назарда тутилган бўлса, халқаро шартномалар ва битимлардаги қоидалар қўлланилади»<sup>1</sup>.

## **ХАЛҚАРО ОММАВИЙ ҲУҚУҚ ВА ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

Халқаро муносабатлар давлатлараро муносабатлар билан чекланиб қолмайди. Турли давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасида, халқаро ноҳукумат ташкилотлари ўртасида доимий равишда алоқалар бўлиб туради. Бундай алоқалар тегишли давлатнинг миллий ҳуқуқ нормалари ёки халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасида яқин ўзаро алоқадор-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., 1996, 7-бет.

лик мавжуд. Ҳар иккиси ҳам кенг маънода халқаро муносабатларни тартибга солади. Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро тусдаги фуқаролик-ҳуқуқий нормалар мажмуи сифатида халқаро оммавий ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципларига зид бўлмаслиги керак.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасидаги узвий алоқадорликни ҳеч ким инкор қилмайди. Айни пайтда халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг нисбати борасида халқаро ҳуқуққа оид адабиётда яқдиллик йўқ. Баъзи олимлар халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқнинг бир тури деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ ҳуқуқшунослар эса халқаро хусусий ҳуқуққа фуқаролик ҳуқуқининг бир тармоғи сифатида қарайдилар. Учинчи бирлари эса халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқ билан айнан бир хил деб ҳисоблайдилар. Тўртинчилари халқаро хусусий ҳуқуқ маълум бир маънода фуқаролик ҳуқуқининг тармоқларидан бири ҳисобланса-да, асосан халқаро оммавий ҳуқуқ билан жуда яқин алоқадордир, деб таъкидлайдилар.

Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқ билан айнан бир хил эмас ва унинг соҳаларидан бири ҳисобланмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ тартибга соладиган ўзининг мустақил предметига эга.

## **ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИ ЯРАТИШ**

Халқаро оммавий ҳуқуқ давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик нормаларнинг мустақил тизимидир.

Халқаро ҳуқуқ тизими нормаларини яратишнинг ўзига хос томони шундаки, бу жараёнда субъектларнинг ўзлари ихтиёрий равишда, хоҳиш-иродасини билдириш орқали иштирок этадилар. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ уйғунлаштирувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи хусусиятга эга.

Халқаро ҳуқуқий тизим субъектларининг ўзидан бошқа қандайдир бир тизимга нисбатан «ташқаридан» бўлган субъектлар нормалар яратиш жараёнида иштирок этмайди. Шу боис халқаро ҳуқуқий тизимнинг ҳукмронлик ва бўйсунуш хусусияти инкор қилинади. Ҳеч ким халқаро ҳуқуқ субъектларининг ихтиёрига қарши улар учун хулқ-атвор қоидаларини, яъни нормаларни ўрнатиши мумкин эмас. Бинобарин, халқаро ҳуқуққа нисбатан «қонунчилик», «халқаро қонунчилик» тушунчаларини қўллаш маълум маънода нотўғри.

## **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТИЗИМИ**

Халқаро ҳуқуқ тизими қуйидаги ўзаро боғлиқ элементларнинг объектив бир бутунлигидир:

1) халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари, нормалари (шартномавий ва одат-ҳуқуқий);

2) халқаро ташкилотларнинг қарорлари, тавсиявий резолюциялари, халқаро суд органларининг қарорлари;

3) халқаро ҳуқуқ институтлари (халқаро тан олиш институти, шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислик институти, халқаро жавобгарлик институти ва бошқалар).

Тизимнинг қайд этиб ўтилган барча элементлари турли бирикмаларда халқаро ҳуқуқ тармоқлари (дипломатик ҳуқуқ, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи ва бошқалар)ни ташкил қилади. Ушбу ҳар бир тармоқ ўзи мустақил тизим сифатида намоён бўлади. Бундай тизимлар халқаро ҳуқуқнинг яхлит ягона тизими доирасида шу тизимнинг бир қисми ҳисобланиши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ДИПЛОМАТИЯСИ

«Ташқи сиёсат» тушунчаси давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий йўналишини, давлатнинг бошқа давлатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари соҳасидаги фаолиятининг мақсадлари ва воситалари мажмуини камраб олади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари Конституциянинг 17-моддасида қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принципларига, «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонунига, «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринасига, бошқа қонунларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг принциплари ва мақсадларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади», дейилади 1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида.

Дипломатия ташқи сиёсатнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Айнан ташқи сиёсат дипломатиянинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Дипломатия амалий тадбирлар, шунингдек, ташқи сиёсатни амалга оширишда фойдаланиладиган шакл, восита ва усуллар мажмуини ифодалайди. Дипломатия билан бир қаторда, давлатнинг иқтисодий, маданий ва бошқа муҳим алоқалари ҳам унинг ташқи сиёсий воситалари ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш учун халқаро замин яратиш, тинчликни ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини юритишда қуйидаги асосий омиллардан келиб чиқади:

биринчидан, ўз миллий манфаатлари устунлигини инкор этмасдан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

иккинчидан, инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятларга устунлик бериб, Ўзбекистон халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинчлик йўли билан ҳал қилишни ёқлайди; Ўзбекистон ядро қуролидан холи ҳудуд ҳисобланади, агрессив ҳарбий блоклар, иттифоқларга қўшилимайди, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик тўғрисидаги, низоли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик ҳақидаги халқаро ҳужжатларни эътироф этади ва уларга қатъий риоя қилади;

учинчидан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мустақиллик ва суверенитетни чеклаш мумкин бўлган имкониятларни бартараф қиладиган принциплар, давлатлараро муносабатларни мафқурадан холи қилиш принциплари асосида қурилади;

тўртинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиқ мафқуравий қарашлардан холилик принципларини амалга ошириш, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқалар ўрнатишга интилади;

бешинчидан, Ўзбекистон давлатининг ички ҳуқуқи олдидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини тан олади, халқаро-ҳуқуқий стандартларга риоя қилади;

олтинчидан, Ўзбекистон ўзаро ишонч принципи бўйича икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришни ёқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан муносабатлари давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик принципларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принцип ва нормаларига риоя қилиш асосида қурилади. Ушбу принципларнинг Конституцияда мустақамланиши халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари Ўзбекистон ҳудудида давлатнинг ички қонуни сифатида амалда бўлишини тасдиқлайди. Уларнинг конституциявий принцип даражасига кўтарилиши нафақат ҳар томонлама қўлланилишини ҳамда давлатнинг ички қонунчилигини уларга мослаш талабини, балки уларга барча давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар оғишмай риоя қилишини ҳам билдиради.

## **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА КОНСТИТУЦИЯ**

Давлатларнинг ташқи сиёсати ҳар доим у ёки бу даражада конституция билан тартибга солиб келинган. XVIII асрнинг охирилари — XX асрнинг бошларида қабул қилинган конституцияларда олий ҳокимиятнинг анъанавий ваколатлари рўйхатида «уруш эълон қилиш» тўғрисидаги қонда қайд этилиши билан бирга «уруш ҳуқуқи» суверенитетнинг зарурий белгиси сифатида кўрилган. Бироқ, ўша пайтда ҳам сиёсий восита сифатида урушдан тийилиш тўғрисидаги «тинчлик моддалари» бўлган. Бу, энг аввало, Франциянинг конституциявий ҳужжатларига тааллуқли. 1791 йилги Франция Конституциясида босқинчилик урушларидан тийилиш тўғрисидаги қондалар мустақамланган, 1931 йилдаги Испания Конституцияси «урушдан тийилишни миллий сиёсий восита» деб эълон қилган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди. Тинчлик моддалари Италия, Япония, ГФР ва бошқа бир неча давлатларнинг конституцияларида мустақамлаб қўйилди. 1947 йилги Япония Конституциясининг 9-моддасида урушдан сўзсиз воз кечиш эълон қилиниб, мамлакатда қуролли кучларни ташкил қилиш тақиқланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган конституциялар учун давлатларнинг ташқи сиёсатини тартибга солиш доирасини кенгайтириш хосдир. Бунга қуйидагилар киради:

биринчидан, ташқи сиёсатнинг айрим принципларини расмий равишда эълон қилиш, халқаро муносабат масалаларини тартибга солиш;

иккинчидан, уруш эълон қилиш ва тинчлик ўрнатиш;

учинчидан, халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқларининг муносабати;

тўртинчидан, халқаро шартномалар тузиш, ратификация қилиш, денонсация қилиш бўйича давлат органларининг ваколатларини белгилаш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари — фуқаролик, инсон ҳуқуқлари ва эркиндиклари, экстрадиция (шахсни давлатга қайтариш), бошпана олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни белгиловчи қондаларни белгилаш;

олтинчидан, давлатлараро иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий интеграцияни тартибга солиш.

## **И К К И Н Ч И Қ И С М**

### **ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ЧИЗМАЛАРДА**


- «Давлат асослари» бўлимига чизмалар
- «Ҳуқуқ асослари» бўлимига чизмалар
- «Конституциявий ҳуқуқ асослари» бўлимига чизмалар
- «Маъмурий ҳуқуқ асослари» бўлимига чизмалар
- «Фуқаролик ҳуқуқи асослари» бўлимига чизмалар
- «Меҳнат ҳуқуқи асослари» бўлимига чизмалар
- «Оила ҳуқуқи асослари» бўлимига чизмалар
- «Экология ҳуқуқи асослари» бўлимига чизмалар
- «Жиноят ҳуқуқи асослари» бўлимига чизмалар
- «Халқаро ҳуқуқ асослари» бўлимига чизмалар

# «ДАВЛАТ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар

## 1. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТ



## 2. ДАВЛАТНИНГ БЕЛГИЛАРИ



### 3. ДАВЛАТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Давлатнинг функциялари унинг моҳияти ва жамиятдаги вазифаларини ифода этувчи фаолиятининг асосий йўналишларидир


#### Ички функциялари:

- қонунийлик асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини, жамият манфаатларини таъминлаш;
- мулкчиликнинг турли шакллариини тенг ҳимоялаш;
- монополизмни истисно қилувчи бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш;
- фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш.


#### Ташқи функциялари:

- тинчлик ва барқарорлик учун кураш функцияси;
- мамлакатни ташқаридан бўладиган ҳужумдан мудофаа қилиш функцияси;
- жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик;
- жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан сиёсий ҳамдўстлик;
- жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан маданий ҳамкорлик;
- дунё мамлакатлари билан атроф муҳит, инсониятнинг тинчлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликнинг турли шакллари.


### 4. ДАВЛАТ



## 5. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ




## 6. БОШҚАРУВ ШАКЛЛАРИ: МОНАРХИЯ







## 7. БОШҚАРУВ ШАКЛЛАРИ: РЕСПУБЛИКА



## 8. ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛЛАРИ




## 9. СИЁСІЙ РЕЖИМ



## 10. ДЕМОКРАТИЯ ВА УНИНГ МЕЗОНЛАРИ

*Умумий маънода демократия деганда, ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳоқимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия — халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашларини ҳам, ўзбошимчилик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шаклини ҳам билдиради*




*Демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, руҳиятининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия ғояларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан «тушириш» мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган демократик турмуш тарзининг таркибий қисми бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар ўтган.*

**И. А. Каримов**


## 11. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ

«Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти  
— давлатнинг учта асосий таянчидир»<sup>1</sup>.

И. А. Каримов




## 12. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ




<sup>1</sup> Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Т., 1996. 97-б.


### 13. «ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ» ТУШУНЧАСИ



### 14. ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АҲАМИЯТИ



## 15. ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСЛАРИ




## 16. ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БЕЛГИЛАРИ




# «ХУҚУҚ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар



## 1. ХУҚУҚ ВА ДАВЛАТ




## 2. ХУҚУҚНИНГ БЕЛГИЛАРИ




### 3. АҲЛОҚ ВА ҲУҚУҚ




### 4. ҲУҚУҚНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ



## 5. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ




## 6. ҲУҚУҚИЙ НОРМАНИНГ БЕЛГИЛАРИ







## 7. ҲУҚУҚ НОРМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ




## 8. ХУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ




## 9. ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИНГ ТАСНИФИ





## 10. ҲУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИ



## 11. ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ



## 12. ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ



### 13. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ




### 14. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ



## 15. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ




## 16. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ МАКОНДА ВА ШАХСЛАР ДОИРАСИ БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ




## 17. ҚОНУНЛАРНИ СИСТЕМАЛАШТИРИШ




## 18. ҲУҚУҚ ТАРМОҚЛАРИ



## 19. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР



## 20. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ






## 21. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ




## 22. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ



## 23. ЮРИДИК ФАКТЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ



## 24. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ



## 25. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ



## 26. ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ




## 27. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК




## 28. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУРЛАРИ




## 29. ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК




### 30. ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ



### 31. ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КЎРСАТКИЧЛАРИ




## 32. ҲУҚУҚИЙ ОНГ



# «КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар

## 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ




## 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ



### 3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ: БЕЛГИЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ




### 4. КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИ







5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ



## 6. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИНГ АСОСЛАРИ




## 7. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ




## 8. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ



## 9. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ




## 10. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ




## 11. ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ



## 12. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ИНСТИТУТИ



### 13. ШАХС ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ




### 14. ИНСОН ВА ФУҚАРО ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА МУСТАҲКАМЛАНГАН АСОСЛАРИ




## 15. ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

### Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими





## 16. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧЛАРИ



## 17. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Жамоат бирлашмалари — фуқароларнинг ихтиёрий тартибда юзага келиб, манфаатлар умумийлиги асосида бирлашадиган эркин уюшмалари




## 18. СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ



## 19. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ




## 20. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БЕЛГИЛАРИ




## 21. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси — мамлакат парламенти — давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган олий вакиллик органи

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси беш йил муддатга сайланади




## 22. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ




## 23. ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ




## 24. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САЙЛАНИШ ШАРТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ






## 25. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ



## 26. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛАШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ



## 27. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАОЛИЯТИ СОҲАЛАРИ




## 28. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ





## 29. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ (ҲУКУМАТ) — ИЖРО ҲОКИМИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАН



### 30. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ




### 31. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАРИ



## 32. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ТИЗИМИ




### 33. ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ



# «МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар


## 1. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ




## 2. МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ




## 3. ФУҚАРОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ



#### 4. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ




#### 5. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ — МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ




#### 6. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

*Фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади. Ушбу йиғин раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.*



## 7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ



*Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.*

*Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.*


*Президентнинг ваколатлари Ўзбекистон билан муҳофаза этилади.*

*Президентнинг 93, 94, 95-моддаларида ўз ифодасини топган.*


## 8. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ




## 9. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ



## 10. ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ТАСНИФИ




## 11. ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ






## 12. ДАВЛАТ ХИЗМАТИ



## 13. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ




## 14. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ




*Ички меҳнат тартиби қоидаларида ва интизом уставларида рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.*

## 15. ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ




## 16. ДАВЛАТ АКТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ




## 17. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР



## 18. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК




## 19. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ




## 20. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК




## 21. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ




## 22. АЙРИМ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК




**23. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТИ БЎЛГАН ОРГАНЛАР (МАНСАБДОР ШАХСЛАР)**




**24. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР ХУСУСИДА ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ**



## 25. ДАВЛАТ НАЗОРАТИ




## 26. СУД ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ



## 27. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ТАШҚИ НАЗОРАТ УСУЛЛАРИ




## 28. ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА МУРОЖААТЛАРИ






## «ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар


### 1. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН МУНОСАБАТЛАР



### 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ



### 3. ФУҚАРОЛАР (ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР) — ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИ



## Чекланган муомала лаёқати

Суд спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни суиистеъмола қилувчи фуқаролар устидан васийлик сифатида белгилайди

Фақат майда майший шартномалар тузишга лаёқатлилик сақланади

Мулкый жавобгарлик васийликни тайинлаган шахслар зиммасида бўлади

Ҳар қандай даромадни олиш (ойлик маош, нафақа ва ҳоказо) ҳамда олинган маблағни фақат васий розилиги билан сарфлаш мумкин

Эмансипация нима?

Бу — 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсни муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилиш

16 ёшга етган вояга етмаган шахс қуйидаги ҳолларда муомалага лаёқатли деб топилиши мумкин

агар у 18 ёшгача оила қурган бўлса

мажбуриятлар бўйича жавобгарлик тўлалигича вояга етмаган шахсга юкланса

башарти у меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ёхуд қонуний вакиллар розилиги асосида тadbиркорлик билан шуғулланаётган бўлса

Турар жой нима?

Бу — фуқаро доимий ёки асосан яшайдиган жой

Қонуний турар жой

14 ёшга тўлмаган ёки васийлар қўлида бўлган шахс учун қонун билан белгиланган турар жой

Бедарак йўқолиш нима?

Бу — фуқаро доимий турар жойида узоқ муддат давомида йўқ бўлганлигининг суд томонидан тан олиниши


Фуқарони ўлган деб топиш

Фуқаронинг қаердалигини билиш имкони бўлмаган ҳолда 5 йил (айрим ҳолларда 6 ой) давомида узоқ муддатта йўқ бўлиши



Шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ёхуд меросхўрларга ўтади


Шахсни вафот этган деб эълон қилиш унинг ўлимига тенглаштирилади, лекин айнан бир хил эмас, чунки шахснинг ҳуқуқий лаёқати тугатилмайди, бу нарса фақат ҳақиқатда ўлими муносабати билан юз беради

#### 4. ЮРИДИК ШАХСЛАР – ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИ









## 5. МУЛК ХУҚУҚИ ВА БОШҚА МУЛКИЙ ХУҚУҚЛАР





## 6. Мажбурият ҳуқуқининг асослари










# «МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар

## 1. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ




## Mezhat munosabatlari va mezhat shartnomasi (kontrakt)






## 2. ИШ ВАҚТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ




### 3. ДАМ ОЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ



### 4. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ ШАКЛЛАРИ ВА МУКОФОТ ТУРЛАРИ






# «ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар


## 1. ОИЛА ҲУҚУҚИНИНГ ТИЗИМИ



## 2. ОИЛА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН МУНОСАБАТЛАР




### 3. ОИЛА ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ





### 4. ОИЛА ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ




## 5. ОИЛА ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ




## 6. ОИЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИМОЯЛАШ



## 7. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ




**Изоҳ:** Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.




**Изоҳ:** Никоҳ уни тузишга монелик қиладиган ҳолатларда тузилиши мумкин эмас. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг никоҳни қайд этишдан бош тортиши юзасидан судга шикоят қилиш мумкин.

## 8. НИКОҲНИ ТУЗИШГА МОНЕЛИК ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР






## 9. НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ




## 10. ФҲДЁ ОРГАНЛАРИДА НИКОҲДАН АЖРАТИШ



**И з о ҳ:** Никоҳдан ажратиш ва никоҳдан ажралиш ҳақидаги далолатномани ФҲДЁ органлари никоҳдан ажратиш ҳақида ариза берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида беради.

## 11. НИКОҲДАН СУД ТАРТИБИДА АЖРАТИШ



**И з о ҳ:** Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш китобида никоҳдан ажралиш ҳақида давлат рўйхатига олинган ёки суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб тугатилган ҳисобланади. Суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб 10 кун давомида ФҲДЁ органларига суд қароридан кўчирма юбориши шарт. Эр-хотин никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома олинган кунга қадар янги никоҳ тузиш ҳуқуқига эга эмаслар.

## 12. НИКОҲНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ

Никоҳ куйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади

Эркак ва аёлнинг ўзаро ихтиёрий розилиги бўлмаган тақдирда	Никоҳ ёшига етмаган шахслар ўртасида	Агар лоақал битта тараф рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлса
Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида	Туғишган ва ўтай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида	Фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида
Эр-хотиндан лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса	Никоҳга кираётган шахслардан бири таносил касаллиги ёки ОИТС инфекцияси борлигини бошқасидан яширган бўлса	Сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири онла қуриш мақсадини кўзламай никоҳ тузган бўлса


**И з о ҳ:** Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Никоҳ у тузилган кундан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилади. Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши тўғрисидаги қарор чиққан кундан бошлаб 10 кун ичида суд ФХДЁ органларига суд қароридан кўчирма юбориши шарт.

## 13. НИКОҲНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛИШINI ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР


Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Вояга етмаган эр-хотин ва уларнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилар, ҳомийлар)
Никоҳ тузилиши сабабли ҳуқуқлари бузилган эр-хотинлардан бири
Никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатларнинг мавжудлигини билмаган эр-хотиннинг бири
Муомалага лаёқатсиз деб топилган эр-хотиннинг васийси
Рўйхатга олинган ва бекор қилинмаган никоҳ бўйича эр-хотинлардан бири
Никоҳ тузилиши сабабли ҳуқуқлари бузилган бошқа шахслар
Васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор, агарда никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузилган бўлса ёки эр-хотин розилигисиз алдов ёки мажбурлаб тузилган бўлса


#### 14. НИКОҲНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ОҚИБАТЛАРИ



#### 15. ЭР-ХОТИНЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ




## 16. НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ




**И з о ҳ:** Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

## 17. НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИНГ МАЗМУНИ




**И з о ҳ:** Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиш муддати тугайди. Эр-хотин мулкчининг қонуний тартиби уларнинг биргаликдаги мулкчининг тартиби ҳисобланади. Фермер ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулкӣ бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ФК нормаларида белгиланади.

## 18. БОЛАНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ



**И з о ҳ:** Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муайян қонуний тартибда тасдиқланган болаларнинг насл-насабига асосланади.

## 19. ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ



**И з о ҳ:** 18 ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахс бола деб тан олинади. Боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ота-оналар (ёки уларнинг ўринини босувчилар), васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор ва суд ҳимоя қилади. 10 ёшга тўлган боланинг фикрини инобатга олиш шарт. Унинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

## 20. ОТА-ОНАЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар
- Ота-оналик ҳуқуқлари болалар 18 ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек, вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда болалар тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди
- Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир
- Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга
- Боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз болалари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга
- Ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтаралишини талаб қилишга ҳақли
- Ота-она болаларининг асосий умумий таълим олишини таъминлаши шарт
- Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилди
- Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак
- Боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга

## 21. ОТА-ОНАЛИК ХУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ

Ота-она қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса
- алимент тўлашдан бўйин товласа
- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан олишдан бош тортса
- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса
- болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса
- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлса
- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир этган бўлса

**И з о ҳ:** Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш суд тартибида прокурор ёки васийлик ва ҳомийлик органининг иштироки билан амалга оширилади.

## 22. ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ОҚИБАТЛАРИ

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар қуйидагилардан маҳрум бўладилар:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан;
- боладан таъминот олиш ҳуқуқидан;
- болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан;

**И з о ҳ:** Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан яшаш-яшамаслик масаласини суд уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилади.

Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида 6 ой муддат ўтгач йўл қўйилади.

Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атвори, турмуш тарзи ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган тақдирда суд ота-оналик ҳуқуқини тиклаши мумкин.

## 23. ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ

Қуйидаги ҳолларда суд ота-оналик ҳуқуқини чеклайди

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга (руҳиятининг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқ.) кўра бола учун хавфли бўлса

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онанинг хулқ-атвори туфайли бола учун хавф туғдирса

**И з о ҳ:** Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъвони боланинг яқин қариндошлари, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, прокурор билдириши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўрилади.


Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд ота-онадан (уларнинг биридан) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш бўйича ишларнинг оқибатлари ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилишнинг оқибатларига тенгдир.


Ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги масала суд тартибда ҳал этилади.



## 24. ОТА-ОНАНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРИНИ БОҚИШ МАЖБУРИЯТИ




## 25. АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ



**И з о ҳ:** Алиментлар ихтиёрий равишда ёки суд тартибда ундирилади.

## 26. БОЛАЛАРНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ



**И з о ҳ:** Болани фарзандликка олиш ФХДЁ органларида давлат рўйхатига олиниши лозим.

## 27. ФАРЗАНДЛИККА ОЛУВЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

### Фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар

- суд тартибида муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилган шахслар
- суд тартибида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар
- васийлик ёки ҳомийлик мажбуриятларидан четлаштирилган шахслар
- собиқ фарзандликка олувчилар
- саломатлиги туфайли ота-оналик ҳуқуқини бажара олмайдиган шахслар
- ўзаро қонуний никоҳдан ўтмаган шахслар
- фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёши ўртасидаги фарқ 16 ёшдан кам бўлганлар

**Изоҳ:** Болани фарзандликка олишда ота-онанинг розилиги бўлиши шарт.  
10 ёшга тўлган болани фарзандликка олишда унинг розилиги бўлиши шарт.  
Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

## 28. БОЛАЛАРГА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ТАЙИНЛАШ

### Болаларга васийлик ва ҳомийлик тайинлаш тартиби ва мақсади


ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга

болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун

болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун

**Изоҳ:** Васийлик 14 ёшга тўлмаган болаларга, шахсларга нисбатан белгиланади.  
Ҳомийлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга белгиланади.  
Васий ва ҳомийлар фақат вояга етган, муомала лаёқатига эга шахслар бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар васий (ҳомий) этиб тайинланмайди.


## 29. ТУТИНГАН ОИЛА




**И з о ҳ:** Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин. Вояга етмаган бола келишувда назарда тутилган муддатга тутинган оиллага тарбияга берилди.

# «ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар

## 1. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ



## 2. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР



ЮНЕСКО — Бирлашган Миллатларнинг таълим, илм-фан ва маданият бўйича ташкилоти.  
ТМХУ (МСОП) — Табиат ва табиий ресурсларни муҳофазалаш бўйича халқаро уюшма.  
БСТ (ВОЗ) — Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.  
АЭХА (МАГАТЭ) — Атом энергияси бўйича халқаро агентлик.  
БМҚОТ (ФАО) — Бирлашган Миллатларнинг қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат ташкилоти.  
ХДТ (ИМО) — Халқаро денгиз ташкилоти.  
ХМТ (ВМО) — Халқаро метеорологик ташкилот.

# «ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар


## 1. ЖИНОЯТНИНГ БЕЛГИЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси ЖК 14-м.)



## 2. ЖИНОЯТ ТУРЛАРИ


(Ўзбекистон Республикаси ЖК 15-м.)




## 3. ЖИНОЯТ ТАРКИБИ




#### 4. ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ



#### 5. ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ



#### 6. ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИНИНГ БЕЛГИЛАРИ






## 7. ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИ



## 8. ҚАСДДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-м.)



## 9. ЖИНОЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси ЖК 28-м.)




## 10. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ШАКЛИ




## 11. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР

(Ўзбекистон Республикаси ЖК 35-м.)




## 12. ЖАЗО БЕЛГИЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси ЖК 42-м. 1-қ.)




## 13. ЖАЗОНИНГ МАҚСАДИ

(Ўзбекистон Республикаси ЖК 42-м. 2-қ.)



## 14. ЖАЗО ТУРЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси ЖК 43-м.)



# «ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» бўлимига чизмалар


## 1. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ — АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ




## 2. ДАВЛАТ ИЧКИ ҲУҚУҚИ БИЛАН ҚИЁСЛАНГАНДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фарқлаш мезонлари	Халқаро ҳуқуқ	Миллий ҳуқуқ
Тартибга солиш предмети	Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатлар	Давлат ички ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги муносабатлар
Манбалари	Халқаро шартнома; халқаро урф-одат; халқаро конференциялар ва ташкилотларнинг ҳужжатлари	Норматив ҳужжат; норматив шартнома; урф-одат.
Субъектлари	Давлатлар; мустақиллик учун курашаётган миллатлар; халқаро ташкилотлар; давлатга хос тузилмалар; баъзан юридик ва жисмоний шахслар	Жисмоний ва юридик шахслар; давлат; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар
Халқаро муносабатларда қатнашиш	Ҳуқуқ субъектлари халқаро муносабатларда мустақил равишда қатнашадилар, халқаро ҳуқуқ нормаларини яратадилар; ижро этадилар, жорий этилишини таъминлайдилар.	Ҳуқуқ субъектлари давлатнинг юрисдикциясида бўлади
Нормаларни яратиш усули	Субъектлар келишуви	Бир томонлама давлат фаолияти
Нормаларга риоя қилинишини таъминловчи орган	Субъектларнинг ўзлари	Давлат органлари

### 3. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР




#### 4. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ







## 5. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ



## 6. ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ




## 7. ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ МАЗМУНИ




## 8. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ




## ХАЛҚАРО НОРМАЛАР ТИЗИМИ



## 9. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ НИСБАТИ




## 10. ХАЛҚАРО ОММАВИЙ ҲУҚУҚ ВА ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ




## 11. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИ


Халқаро ҳуқуқ соҳалари — сифат жиҳатидан ўзига хослиги билан фарқ қилувчи кўп ёки кам даражада мустақил муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий нормалар ва институтлар йиғиндиси



## 12. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАҲОН СИЁСАТИ



### 13. ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ




## 14. ҲОЗИРГИ ЗАМОН УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ






## 15. ТАШҚИ СИЁСАТ



## 16. ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ



## **У ч и н ч и   қ и с м**

### **ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ: САВОЛЛАР, ЖАВОБЛАР, ТЕСТЛАР, АДАБИЁТ**

- «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича савол ва жавоблар
- «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича такрорлаш учун саволлар
- «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича тестлар
- «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича тавсия қилинадиган адабиёт

**Б и р и н ч и б ў л и м**  
**«ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» КУРСИ БЎЙИЧА САВОЛ ВА**  
**ЖАВОБЛАР**

**1-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари ким тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

**2-САВОЛ:** Олий Мажлис қабул қилган норматив ҳужжатларнинг қўлланиши учун мажбурий шарт нимадан иборат?

**ЖАВОБ:** Қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши.

**3-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади?

**ЖАВОБ:** Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ.

**4-САВОЛ:** Қайси давлат органи Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бўлинмаларни ташкил қилиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси.

**5-САВОЛ:** Қайси орган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаб қўйиш ёки улардан маҳрум қилишга ҳақли?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг судлари.

**6-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида қандай бошқарув шакли ўрнатилган?

**ЖАВОБ:** Президентлик республикаси.

**7-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий асосини нима ташкил этади?

**ЖАВОБ:** Турли шакллардаги мулкчилик.

**8-САВОЛ:** Жойларда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятга ким бошчилик қилади?

**ЖАВОБ:** Ҳокимлар.

**9-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида банк тизимини қайси орган бошқаради?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки.

**10-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бир вақтнинг ўзида нечта вакиллик органига депутат бўлиши мумкин?

**ЖАВОБ:** Кўпи билан иккита вакиллик органига.

**11-САВОЛ:** Қайси орган Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилади?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар.

**12-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти қандай ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради?

**ЖАВОБ:** Фармонлар, қарорлар, фармойишлар.

**13-САВОЛ:** Конституциявий суд қандай функцияларни бажаради?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

**14-САВОЛ:** Қайси орган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқларни жорий қилиш ҳуқуқига эга?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси.

**15-САВОЛ:** Президент қайси вақтдан бошлаб ўз фаолиятини амалга оширишга киришган ҳисобланади?

**ЖАВОБ:** Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қабул қилган вақтдан бошлаб.

**16-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ким сайланиши мумкин?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида 10 йил муқим яшаган фуқароси.

**17-САВОЛ:** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари қандай тайинланади?

**ЖАВОБ:** Вилоят ҳокимлари, Тошкент шаҳри ҳокимини Президент фармон орқали тайинлайди ва лавозимидан озод қилади ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгаши бу фармонни тасдиқлайди. Туман ва шаҳар ҳокимларини эса тегишли вилоят ҳокими ўз қарори билан тайинлайди ва лавозимидан озод қилади ҳамда ушбу қарор тегишли халқ депутатлари кенгашида тасдиқланади.

**18-САВОЛ:** Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари нимадан иборат?

**ЖАВОБ:** Яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, фикрлаш, сўз, эътиқод ва виждон эркинлиги ҳуқуқи.

**19-САВОЛ:** Кимлар Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўрорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори.

**20-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қандай ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади?

**ЖАВОБ:** Конституция, конституциявий қонунлар, қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар.

**21-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг бошқарув органлари ҳамда ҳокимлар қабул қилган ҳужжатларни ким тўхтатиши ва бекор қилиши мумкин?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

**22-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси қандай асосий конституциявий принципларга эга?

**ЖАВОБ:** Давлат суверенитети, халқ ҳоқимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташқи сиёсат принциплари.

**23-САВОЛ:** Ўзбекистонда суверенитетнинг қандай турлари жорий этилган?

**ЖАВОБ:** Давлат суверенитети, халқ суверенитети, миллий суверенитет.

**24-САВОЛ:** Ўзбекистонда сайлов тизимига нималар киради?

**ЖАВОБ:** Сайлов тўғрисидаги қонунлар, Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари.

**25-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчлари нималардан иборат?

**ЖАВОБ:** Конституция ва қонунга риоя қилиш, ўтмишнинг тарихий, маънавий меросини асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлаш, Ватанни ҳимоя қилиш.

**26-САВОЛ:** Ўзбекистондаги жамоат бирлашмалари қайси идора орқали рўйхатдан ўтади?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари орқали.

**27-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида қандай мулк шакллари мавжуд?

**ЖАВОБ:** Фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки, жамоа (ширкат) мулки, давлат мулки, аралаш мулк, қўшма корхоналар мулки.

**28-САВОЛ:** Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш қандай амалга оширилади?

**ЖАВОБ:** Суд қарори орқали.

**29-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти жойлардаги қайси вакиллик ва ижроия ҳоқимиятлар бошлиқларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади?

**ЖАВОБ:** Вилоят ҳоқимлари ҳамда Тошкент шаҳри ҳоқимини.

**30-САВОЛ:** Қайси орган Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориши мумкин?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президенти.

**31-САВОЛ:** Прокуратура органларининг бурчларига нималар киради?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш.

**32-САВОЛ:** Ўзбекистонда фуқаролик масалалари юзасидан ишларни қайси органлар амалга оширади?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ташқи ишлар вазирлиги органлари, Ички ишлар вазирлиги органлари.

**33-САВОЛ:** Ўзбекистон халқини кимлар ташкил этади?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари.

**34-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида умумий ваколатга эга бўлган қайси ижро этувчи органлар мавжуд?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, ҳоқимликлар.

**35-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ўз фаолияти-ни бошлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун нечта судья сайланиши керак?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг тўрт нафар судьяси.

**36-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида қайси орган давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси.

**37-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти нималардан ташкил топган?

**ЖАВОБ:** Республика Конституциявий суди, Республика Олий суди, Республика Олий ҳўжалик суди.

**38-САВОЛ:** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимига қайси органлар кирди?

**ЖАВОБ:** Суд, прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати органлари, солиқ ва божхона қўмиталари органлари.

**39-САВОЛ:** Ҳокимларнинг тайинланишини қайси орган тасдиқлайди?

**ЖАВОБ:** Халқ депутатлари кенгаши.

**40-САВОЛ:** Қорақалпоғистон Республикаси туман, шаҳар судьяларини ким тасдиқлайди?

**ЖАВОБ:** Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси.

**41-САВОЛ:** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ким бошқаради?

**ЖАВОБ:** Оқсоқол.

**42-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?

**ЖАВОБ:** Битим ва шартномалар билан.

**43-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ким рўйхатдан ўтказиши?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси.

**44-САВОЛ:** Халқ суверенитети деганда нима тушунилади?

**ЖАВОБ:** Халқ ҳокимиятчилигининг тўла амалга ошиши.

**45-САВОЛ:** Референдум нима?

**ЖАВОБ:** Энг муҳим масалалар бўйича бутун халқнинг овоз бериши.

**46-САВОЛ:** Қайси орган референдум тайинлаш ҳуқуқига эга?

**ЖАВОБ:** Республика Олий Мажлиси.

**47-САВОЛ:** «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ниманинг рамзидир?

**ЖАВОБ:** Давлат суверенитетининг.

**48-САВОЛ:** Қонун ташаббускорлиги нима?

**ЖАВОБ:** Қонун лойиҳасини парламент муҳокамасига киритиш.

**49-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ким белгилайди?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси.

- 50-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқи кимларга берилган?  
**ЖАВОБ:** Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча шахсларга.
- 51-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида қайси орган шахсни бирон жиноятни содир этишда айбдор деб ҳисоблаши мумкин?  
**ЖАВОБ:** Суд.
- 52-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида кимлар сайлов ҳуқуқига эга?  
**ЖАВОБ:** Суднинг қарори билан муомала лаёқатига эга эмас деб топилган ва озодликдан маҳрум бўлиб, қamoқ муддатини ўтаётганлардан ташқари барча 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари.
- 53-САВОЛ:** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли ҳудудларда қандай ҳокимиятни бошқарадилар?  
**ЖАВОБ:** Вакиллик ҳокимияти ва ижро этувчи ҳокимиятни.
- 54-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қандай тартибда ташкил этилади?  
**ЖАВОБ:** Республика Президентининг таклифи асосида Олий Мажлис сайлайди.
- 55-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти қандай сайланади?  
**ЖАВОБ:** Фуқароларнинг умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериши орқали.
- 56-САВОЛ:** Вилоят, туман ва шаҳар (судлари) судьялари қайси тартибда лавозимга эга бўладилар?  
**ЖАВОБ:** Республика Президенти тайинлаганда.
- 57-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида қайси орган халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш ҳуқуқига эга?  
**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси.
- 58-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш, мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи инсон ва фуқароларнинг қайси соҳадаги ҳуқуқлари жумласига киради?  
**ЖАВОБ:** Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар жумласига.
- 59-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш масаласини ким ҳал қилади?  
**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти.
- 60-САВОЛ:** Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий ҳолати қандай?  
**ЖАВОБ:** Қорақалпоғистон — суверен республика.
- 61-САВОЛ:** «Демократия» сўзи нимани билдиради?  
**ЖАВОБ:** Халқ ҳокимиятини.
- 62-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қарорларни ким имзолайди?  
**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси.
- 63-САВОЛ:** Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати қандай номланади?  
**ЖАВОБ:** Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши.



**64-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари қандай ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради?

**ЖАВОБ:** Буйруқлар, фармойишлар.

**65-САВОЛ:** Жамоат бирлашмасини тарқатиб юборишга нима асос бўла олади?

**ЖАВОБ:** Суд қарори.

**66-САВОЛ:** Ўзбекистонда фуқароликка қабул қилиш масаласи юзасидан қандай ҳуқуқий ҳужжат чиқарилади?

**ЖАВОБ:** Республика Президентининг фармони.

**67-САВОЛ:** 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқи битимлари қай тарзда амалга оширилади?

**ЖАВОБ:** 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузилар. Бунда вояга етмаган шахс тузган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

**68-САВОЛ:** 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахсни қандай ҳолатларга кўра тўла муомалага лаёқатли деб ҳисоблаш мумкин?

**ЖАВОБ:** Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса.

**69-САВОЛ:** Қандай ҳолларда вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик белгиланади?

**ЖАВОБ:** Уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган тақдирда, шунингдек, бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-онасининг ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-онаси уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда.

**70-САВОЛ:** Фуқаровий никоҳ ҳуқуқига неча ёшда эга бўлинади?

**ЖАВОБ:** Эрак жинсидаги шахслар 18 ёшдан ва аёл жинсига мансуб шахслар 17 ёшдан. Алоҳида ҳолларда бу ёш маҳаллий ҳокимият органлари қарори билан бир ёшга камайтирилиши мумкин.

**71-САВОЛ:** Вояга етмаганлар неча ёшдан бошлаб ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва ҳомийларининг розилигисиз нафақалари ва бошқа даромадларини ўзлари тасарруф этиш бўйича ҳуқуқий лаёқатга эга бўладилар?

**ЖАВОБ:** 18 ёшдан бошлаб.

**72-САВОЛ:** Вояга етмаганлар неча ёшдан бошлаб кредит муассасаларига омонат қўйиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўладилар?

**ЖАВОБ:** 14 ёшдан бошлаб.

**73-САВОЛ:** Қайси орган 14 ёшдаги вояга етмаганларни ўз маошлари, нафақалари, бошқа даромадларини тасарруф қилишдан маҳрум этиш ва чеклаш ҳуқуқига эга?

**ЖАВОБ:** Етарли асослар мавжуд бўлганда, ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосига мувофиқ суд органлари.

**74-САВОЛ:** Васийлик ва ҳомийликнинг вазифалари нимадан иборат?

**ЖАВОБ:** Васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни тарбиялаш мақсадида белгиланади.

**75-САВОЛ:** Фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат неча ёшдан бошлаб вужудга келади?

**ЖАВОБ:** Инсон туғилиши биланоқ.

**76-САВОЛ:** Вояга етмаган шахс неча ёшдан бошлаб меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

**ЖАВОБ:** 14 ёшдан бошлаб.

**77-САВОЛ:** Ҳуқуқнинг қандай шакллари бор?

**ЖАВОБ:** Одат, суд прецеденти, норматив ҳужжат ва халқаро шартнома.

**78-САВОЛ:** Ҳуқуқий одат нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий одат — хулқ-атвор қондаси бўлиб, хулқ-атворнинг узоқ вақт қўлланилиши оқибатида шаклланади.

**79-САВОЛ:** Юридик прецедент нима?

**ЖАВОБ:** Юридик прецедент — суд ёхуд маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори бўлиб, илгари худди шунга ўхшаш масалани ҳал қилиш ва қарор қабул қилишдан иборатдир.

**80-САВОЛ:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжат нима?

**ЖАВОБ:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжат — ваколатли давлат органи чиқарган ёзма ҳужжат бўлиб, турмуш қоидаларини белгиловчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳуқуқ нормаларидан иборат.

**81-САВОЛ:** Норматив шартнома нима?

**ЖАВОБ:** Норматив шартнома — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг алоҳида тури бўлиб, бошқа норматив ҳужжатлар учун асос ҳисобланади.

**82-САВОЛ:** Ҳуқуқий норма нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий норма — давлат белгиллаган ёки маъқуллаган ва ҳамма учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қондаси.

**83-САВОЛ:** Ҳуқуқий норма қандай элементлардан ташкил топган?

**ЖАВОБ:** Гипотеза, диспозиция ва санкциядан.

**84-САВОЛ:** Ҳуқуқ нормалари мазмунига кўра қандай турларга бўлинади?

**ЖАВОБ:** Ваколат берувчи (фуқароларнинг маълум доирада ҳаракат қилиши-ни ифодаловчи), ман этувчи (маълум ҳаракатларни содир этишни ман қилувчи) ҳуқуқ нормаларига.

**85-САВОЛ:** Ижтимоий норма нима, унинг қандай турлари мавжуд?

**ЖАВОБ:** Ижтимоий норма — жамиятда фуқароларнинг ахлоқ қоидалари на-тижасида вужудга келган онгли фаолият маҳсули. Ижтимоий нормалар ҳуқуқ нор-малари, ахлоқ нормалари, жамоат бирлашмаларининг нормалари, урф-одат нор-маларидан иборат.

**86-САВОЛ:** Ҳуқуқий нормаларнинг қандай турлари мавжуд?

**ЖАВОБ:** Конституциявий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, меҳ-нат-ҳуқуқий ва ҳ.к.

**87-САВОЛ:** Ҳуқуқ тизими нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқ тизими — жамиятда мавжуд ҳуқуқ нормалари ва институтларнинг бир бутун вужуд сифатида амал қилиши бўлиб, қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: ҳуқуқий норма, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳалари.

**88-САВОЛ:** Ҳуқуқий онг нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий онг — ҳуқуққа оид туйғулар, кайфиятлар, тасаввурлар, ҳуқуқий ғоя, назария ва концепциялар йиғиндиси бўлиб, одамларнинг амалдаги ҳуқуққа бўлган муносабатларида ифодаланади.

**89-САВОЛ:** Ҳуқуқий маданият нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий маданият ҳуқуқ ҳақидаги билимларга эга бўлиш ва уларга асосланиб ҳаракат қилишдир.

**90-САВОЛ:** Ҳуқуқий таълим нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий таълим — жамият аъзоларининг юриш-туриш маданиятига ва онгига ҳуқуқий тартиб орқали ҳуқуқий билимлар билан таъсир этиш жараёни.

**91-САВОЛ:** Ҳуқуқий нормани татбиқ этиш нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий нормани татбиқ этиш ҳуқуқий нормаларни қўллаш, улар орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқий норма талабларини бажариш ва уларга риоя қилишдир.

**92-САВОЛ:** Ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш шакллари нималарда ифодаланади?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш тўрт шаклда намоён бўлади: ҳуқуққа риоя қилиш (ман этилган ҳаракатларни содир этмаслик); ҳуқуқни ижро этиш (фуқароларга юкланган бурчларни бажариш); ҳуқуқдан фойдаланиш (ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари); ҳуқуқни татбиқ этиш (ваколатли давлат органларига берилган ҳуқуқларда ифодаланади).

**93-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ ижодкорлиги турлари нималардан иборат?

**ЖАВОБ:**

- давлат ташкилотларининг ҳуқуқ ижодкорлиги;
- жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги;
- айнан халқ томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқ ижодкорлиги;
- ваколат берилган ҳуқуқ ижодкорлиги.

**94-САВОЛ:** Ҳуқуқий тартибга солиш предмети нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий тартибга солиш предмети — ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар.

**95-САВОЛ:** Оммавий ва хусусий ҳуқуқ нима?

**ЖАВОБ:** Оммавий ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви фаолиятининг тартибини мустаҳкамлайди. Хусусий ҳуқуқ — юридик шахсларнинг фаолиятини қўриқловчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

**96-САВОЛ:** Ҳуқуқий муносабатлар нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар иштирокчиларининг субъектлари ва юридик мажбуриятларидан иборат.

**97-САВОЛ:** Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларини айтиб беринг.

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари яқка субъектлар, яъни фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ҳамда жамоа субъектлари, яъни нодавлат ташкилотлари (хусусий фирмалар, жамоат ташкилотлари, тижорат банклари), давлат ташкилотлари ва давлатдан иборат бўлади.

**98-САВОЛ:** Ҳуқуққа зид ҳаракат нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуққа зид ҳаракат — ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ талабларини бузиш, ҳуқуқий жавобгарлик оқибатида келиб чиқадиган қонунбузарлик.

**99-САВОЛ:** Юридик фактлар нима?

**ЖАВОБ:** Юридик фактлар содир бўлиши ёки тугалланиши ҳуқуқий нормалар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлардир.

**100-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг I сессиясида (1995 йил 23 февралда) давлатга қандай таъриф берган?

**ЖАВОБ:** «Давлат демократия шароитида ижтимоий қарама-қаршиликларни зўравонлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишиш йўли билан ҳал этиш воситасига айланмоқда».

**101-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг I сессиясида (1995 йил 23 февралда) «ҳуқуқ» тушунчасига қандай таъриф берган?

**ЖАВОБ:** «Ҳуқуқ — ижтимоий келишув ва тартибга солишга асосланган умумий тартиб-қоидалар йиғиндиси бўлиб, эркинлик, адолат ва ўзаро тенгликни амалга ошириш воситасидир».

**102-САВОЛ:** Бошқарув шакли бўйича давлатнинг қандай турлари мавжуд?

**ЖАВОБ:** Бошқарув шакли бўйича давлатлар монархиялар ва республикаларга бўлинади. *Монархиянинг белгилари:* 1) ҳокимият авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтади; 2) муддати чекланмаган бўлади; 3) аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинмайди. *Республиканинг белгилари:* 1) ҳокимият сайланади; 2) муддати аниқ белгиланган бўлади; 3) овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинади.

**103-САВОЛ:** Давлатнинг тузилишига кўра қандай шакллари мавжуд?

**ЖАВОБ:** Давлат тузилишининг икки шакли мавжуд: федерация ва унитар давлат.

**104-САВОЛ:** Федератив давлат қандай белгиларга эга?

**ЖАВОБ:** Федератив давлат таркибига кирувчи субъектлар (штатлар, вилоятлар, маъмурий бирлик) ўз конституциясига, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига, фуқаролиги ва пул бирлигига эга бўлади.

**105-САВОЛ:** Унитар давлат нима?

**ЖАВОБ:** Унитар давлат — ўз конституцияси ва ҳукуматига эга бўлмаган давлат ҳудудий бирлигидан иборат.

**106-САВОЛ:** Давлат тузуми нима ва қандай давлат тузумларини биласиз?

**ЖАВОБ:** Давлат тузуми — мамлакатда давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг усул ва воситалари йиғиндиси. Демократик, тоталитар ва авторитар тузумлар мавжуд.

**107-САВОЛ:** Давлат ҳокимияти нима?

**ЖАВОБ:** Ҳокимият — жамиятнинг моддий шарт-шароитларидан келиб чиқадиган ҳамда муайян ташкилий тузилмаларнинг жамият ёки унинг бир қисми хоҳиш-иродасини ўзига бўйсундириш қобилияти.

**108-САВОЛ:** Давлат аппарати нима ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат?

**ЖАВОБ:** Давлат аппарати — давлат вазифалари ва функцияларини амалга оширувчи ўзаро алоқадор давлат органларининг мажмуидан иборат тизим.

Давлат органлари қуйидаги таркибий қисмларга эга: давлат ҳокимияти органлари, ижро этиш органлари, суд муассасалари тизими ва прокуратура органлари.

**109-САВОЛ:** Давлат органи нима?

**ЖАВОБ:** Давлат органи — давлатнинг муайян функцияларини амалга оширишда иштирок этувчи ва ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат аппаратининг бўғини.

**110-САВОЛ:** Давлат аппаратининг ташкил топиши ва фаолиятининг асосий принциплари нималардан иборат?

**ЖАВОБ:**

- 1) инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлиги принципи;
- 2) демократизм принципи;
- 3) қонунийлик принципи;
- 4) ошкоралик принципи;
- 5) касбий маҳорат принципи;
- 6) ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи.

**111-САВОЛ:** Давлат аппарати фаолиятининг мазмуни нима?

**ЖАВОБ:** Давлат аппарати фаолиятининг мазмуни деганда, ушбу аппарат амалга оширадиган тадбирлар тушунилади.

**112-САВОЛ:** Давлат аппарати ўз фаолиятини қандай шаклларда амалга оширади?

**ЖАВОБ:** Давлат аппарати фаолиятининг ҳуқуқий шакллари ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни ижро этиш ва ҳуқуқни ҳимоя қилишдан иборат.

**113-САВОЛ:** Жамиятнинг сиёсий тизимида давлат қандай ўрин тутади?

**ЖАВОБ:** Жамиятнинг сиёсий тизимида давлат етакчи ўринни эгаллайди, зеро фақат у халқ номидан иш кўради, жамиятни бошқариш учун мўлжалланган оммавий ҳокимиятга, яъни махсус аппаратга эга бўлади.

**114-САВОЛ:** Давлат функциялари нима?

**ЖАВОБ:** Давлат функциялари — давлатнинг моҳияти ва мақсадларини очиб берувчи ички ва ташқи сиёсатдаги фаолиятининг асосий йўналишлари.

**115-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг ички функциялари нималардан иборат?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг ички функциялари қуйидагилар:

- 1) иқтисодий функция;
- 2) маданий-тарбиявий функция;
- 3) ижтимоий функция;
- 4) атроф муҳитни муҳофаза қилиш функцияси;
- 6) ҳуқуқ-тартиботни сақлаш функцияси.

**116-САВОЛ:** Ўзбекистон Республикасининг ташқи функциялари нималардан иборат?

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг ташқи функцияларига қуйидагилар киради:

- 1) халқаро иқтисодиётга интеграциялашув;
- 2) ташқи иқтисодий ҳамкорлик ва чет эл сармояларини қўллаб-қувватлаш;
- 3) мамлакат мудофааси;
- 4) халқаро ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш;
- 5) ҳозирги замон оламшумул муаммоларини ҳал қилишда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш.

**117-САВОЛ:** Ҳуқуқий давлат нима?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий давлат — халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш шакли, фуқароларнинг ҳуқуқ асосида фаолият олиб борувчи сиёсий ташкилоти, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш ва таъминлаб бериш воситаси.

**119-САВОЛ:** Ҳуқуқий давлат принциплари нималардан иборат?

**ЖАВОБ:** Ҳуқуқий давлат принципларига қуйидагилар киради:

- 1) ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонуннинг устуңлиги;
- 2) давлат органларининг қонун билан чамбарчас боғлиқлиги;
- 3) шахс эркинлигининг дахлсизлиги ва қонуний ҳимояланиши;
- 4) шахс ва давлатнинг ўзаро жавобгарлиги;
- 5) қонунларни амалга оширишда самарали назорат шаклларининг мавжудлиги;
- 6) ҳокимиятларнинг бўлинишида мувофиқлик ва мувозанатнинг мавжудлиги;
- 7) конституциявий қонунларнинг устуңлиги ва уларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши;
- 8) давлат ҳокимияти органлари тизимининг ҳуқуқий ташкил топиши;
- 9) фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг умумийлиги;
- 10) ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
- 11) ички қонунларнинг халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқлиги.

**120-САВОЛ:** Вояга етмаган шахс неча ёшдан шахсний шартнома тузиши мумкин?

**ЖАВОБ:** 14 ёшдан.

## Иккинчи бўлим

### «ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» КУРСИ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН САВОЛЛАР

1. Жамият нима?
2. Фуқаролик жамияти нима?
3. Ибтидоий жамоа тузуми қандай бўлган ва у қандай ўзгарган?
4. Жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай?
5. Давлатнинг пайдо бўлиш шарт-шароитлари қандай?
6. Давлатнинг келиб чиқишига оид қандай назариялар бор?
7. Давлат нима?
8. Давлатнинг қандай белгилари мавжуд?
9. Қандай белгилар давлатни фуқаролик жамиятининг бошқа ташкилотларидан ажратиб туради?
10. Давлатнинг функцияси деганда нима тушунилади?
11. Давлат қандай асосий ички ва ташқи функцияларни амалга оширади?
12. Давлат шакли қандай элементлардан ташкил топади?
13. Давлат бошқарувининг қандай шакллари бўлади?
14. Давлат шакллари хилма-хиллигининг асосий белгилари қайсилар?
15. Монархия ва республика бошқарув шаклларининг асосий белгиларига нималар киради?
16. Аралаш бошқарув шаклларининг хусусиятлари нималардан иборат?
17. Давлат қурилиши шакллари санаб беринг?
18. Унитар давлат федератив давлатдан нимаси билан фарқ қилади?
19. Конфедерациянинг ўзига хос жиҳати нимада?
20. Сиёсий режим нима ва унинг асосий кўринишлари қандай?
21. Демократия нима?
22. Тоталитаризмнинг белгилари қандай?
23. Сиёсий режимларнинг турли-туманлигини қандай омиллар белгилайди?
24. Давлат шаклларининг барча элементлари ўртасидаги мувофиқлик нимада ифодаланади?
25. Давлат механизми нима, унинг қайси асосий белгилари бор?
26. Давлат органи нима, унинг қайси белгилари мавжуд?
27. Давлат органлари қандай таснифланади?
28. Ҳуқуқий давлат нима?
29. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари нималардан иборат?
30. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий йўналишларини айтиб беринг?

31. Ҳуқуққа эҳтиёж нима сабабдан пайдо бўлди?
32. Ибтидоий жамиятда ижтимоий бошқарув тизими нималардан иборат бўлган?
33. Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар хилма-хиллигининг сабаби нимада?
34. Ҳуқуқ нима?
35. Ҳуқуқнинг асосий белгилари нималардан иборат?
36. Объектив ва субъектив ҳуқуқ нима?
37. Давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати қандай?
38. Ҳуқуқнинг моҳияти нимада?
39. Ҳозирги вақтда ҳуқуқнинг моҳияти қандай тушунилади?
40. Ҳуқуқ нормалари нима?
41. Ҳуқуқ нормаси қандай тузилишга эга?
42. Гипотеза нима?
43. Диспозиция нима?
44. Санкция нима?
45. Ҳуқуқ нормаларининг қандай турларини биласиз?
46. Ҳуқуқ ва ахлоқ қандай муносабатда?
47. Ижтимоий нормаларнинг қандай турлари мавжуд?
48. Ҳуқуқ ижодкорлиги нима?
49. Ҳуқуқ манбалари нима, уларнинг турлари қандай?
50. Ҳуқуқ манбаининг қайси тури тарихан биринчи бўлган ва у нима учун ҳозирда ўз аҳамиятини асосан йўқотган?
51. Юридик прецедентнинг амал қилиш қоидаси нимадан иборат?
52. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат нима?
53. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик прецедент ва ҳуқуқий одатдан афзаллиги нимада?
54. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучи бўйича қандай турларга бўлинади?
55. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замонда, маконда ва шахслар доирасида қандай амал қилади?
56. Қонун нима? Унинг қандай белгилари мавжуд?
57. Қонунларнинг қандай турларини биласиз?
58. Қонун ости ҳужжатлари нима ва уларнинг қандай турларини биласиз?
59. Ҳуқуқ тизими нима ва унинг белгилари қандай?
60. Ҳуқуқ тизимининг мазмуни нимадан иборат?
61. Ҳуқуқ тизимининг тармоқларга бўлиниш асосларини айтиб беринг?
62. Ҳуқуқ тармоғи нима?
63. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг предмети ва методлари нималардан иборат?
64. Ҳуқуқ тармоқларини хусусиятига кўра қандай таснифлаш мумкин?
65. Ҳуқуқ институти нима?
66. Қонунларни системалаштириш нима?
67. Ҳуқуқни талқин этиш нима?
68. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати нима, унинг қандай белгилари ва турлари мавжуд?
69. Ҳуқуқий муносабатлар нима? Уларнинг қандай турлари мавжуд?
70. Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари кимлар?



71. Ҳуқуқ субъекти нима?
72. Ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиш учун ҳуқуқ субъектлари қандай юридик белгиларга эга бўлишлари керак?
73. Ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати нима?
74. Ҳуқуқ субъектларининг қандай турлари мавжуд?
75. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият қандай таърифланади, намоён бўлиш шакллари қандай?
76. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият ҳуқуқий муносабатнинг таркибий қисми сифатида қандай аҳамиятга эга?
77. Юридик факт нима, унинг ҳуқуқий муносабатлар учун аҳамияти нимада?
78. Ҳуқуқий муносабат объекти нима?
79. Ҳуқуқий муносабатларнинг қандай турлари бор?
80. Юридик фактлар қандай таснифланади?
81. Ҳуқуқ нормасини амалга ошириш нима? Унинг қандай шакллари бор?
82. Ҳуқуқни қўллаш босқичлари қандай?
83. Ҳуқуқ нормасини талқин этишнинг қандай турлари бор?
84. Ҳуқуқ нормаларини талқин этишнинг қандай усуллари мавжуд?
85. Ҳуқуқни қўллашга доир қандай ҳужжатлар бор?
86. Ҳуқуқ ўхшашлиги (аналогияси) ва қонун ўхшашлиги (аналогияси) нима?
87. Ҳуқуқ самарадорлиги нима?
88. Қонунийлик нима ва у қандай таърифланади?
89. Қонунийлик талаблари қандай?
90. Қонунийлик принциплари қандай?
91. Ҳуқуқ-тартибот нима?
92. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот қандай кафолатлар билан таъминланади?
93. Ҳуқуқбузарлик нима?
94. Ҳуқуққа мос хатти-ҳаракат нима?
95. Ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби нима?
96. Ҳуқуқбузарликнинг қандай турлари бор?
97. Юридик жавобгарлик нима?
98. Юридик жавобгарликнинг қандай асослари бор?
99. Ҳуқуқий онг нима?
100. Ҳуқуқий онг қандай таркибий қисмлардан иборат?
101. Ҳуқуқий мафкурада фаннинг ўрни нимадан иборат?
102. Ҳуқуқий онгнинг асосий функцияларига нималар киради?
103. Қайси норматив ҳужжатлар фуқаролик муносабатларини тартибга солади?
104. Қандай ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини тартибга солади?
105. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари кимлар?
106. Фуқаролик ҳуқуқи нормаларида қандай принциплар белгиланган?
107. Қандай сабабларга кўра фуқаролик муносабатлари вужудга келади?
108. Фуқаро қарда ўзининг бузилган ва даъволи мулккий ҳуқуқларини ҳимоялаши мумкин?
109. Қандай қилиб ўз фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялаш мумкин?
110. Фуқаролик қонунлари билан тартибга солинадиган мулккий муносабатларнинг иштирокчилари кимлар?
111. Фуқаролар (жисмоний шахслар) қандай таърифланади?

112. Ҳуқуқий лаёқат деганда нимани тушунаси?
113. Муомала лаёқати нимадан иборат?
114. Вояга етмаганлар эмансипациясининг хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
115. Ҳомийлик ва васийликнинг моҳияти нималардан иборат?
116. Юридик шахс қандай таърифланади?
117. Юридик шахсларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
118. Фуқаролик ҳуқуқининг объектларига нималар киради?
119. Битим нима?
120. Битим тузиш учун қандай шартлар бажарилиши зарур?
121. Меҳнат ҳуқуқи қандай ҳуқуқий соҳа?
122. Меҳнат ҳуқуқининг манбаларига нималар киради?
123. Меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш тартиби қандай?
124. Меҳнат муносабатларида маъмурият ҳуқуқлари нималардан иборат?
125. Меҳнат муносабатларида ёлланма ишчи қандай ҳуқуқларга эга?
126. Қандай ҳолларда маъмурият ходимни ишдан бўшата олади?
127. Ходимни ўз хоҳишига биноан ишдан бўшатиш тартиби қандай?
128. Меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби қандай?
129. Меҳнат шартномаси (контракт)нинг мазмуни нимадан иборат?
130. Ташкилотларга моддий зарар етказиш билан боғлиқ қандай ҳолларда ходимнинг моддий жавобгарлиги юзага келади?
131. Ходимга моддий зарар етказиш билан боғлиқ қандай ҳолларда ташкилотнинг моддий жавобгарлиги юзага келади?
132. Маъмурият ходимга меҳнат жойида қандай шарт-шароитларни яратиб бериши зарур?
133. Маъмуриятнинг ходим меҳнатини муҳофазалаш борасидаги мажбуриятлари нималардан иборат?
134. Ташкилотда касаба уюшмаларининг аҳамияти нималардан иборат?
135. Меҳнат қилаётган ёшлар қандай ҳуқуқларга эга?
136. Оила қонунчилигининг умумий таърифи қандай?
137. Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принциплари қайсилар?
138. Қандай муносабатлар оила қонунчилиги билан тартибга солинади?
139. Никоҳ нима?
140. Никоҳ тузишнинг тартиби қандай?
141. Никоҳ қачон ҳақиқий эмас деб топилади?
142. Инсофли эр(хотин)нинг никоҳи ҳақиқий эмас деб топилганда қандай ҳуқуқларга эга бўлади?
143. Кимлар никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиши мумкин?
144. Сохта никоҳ нима?
145. Никоҳни тугатишнинг қандай сабаблари мавжуд?
146. Никоҳдан ажратиш тартиби қандай?
147. ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш қандай амалга оширилади?
148. Суд тартибида никоҳдан ажратиш қандай бўлади?
149. Эр-хотиннинг қандай шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?
150. Эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига нималар киради?
151. Никоҳ шартномаси нима?

152. Ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
153. Болалар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?
154. Жиноят қонунчилиги принциплари нималардан иборат?
155. Жиноят нима?
156. Жиноят таркиби нима?
157. Жиноят таркибининг қандай элементлари бор?
158. Қандай жиноятлар учун 14 ёшдан бошлаб жиноий жавобгарлик белгиланади?
159. Ақли расолик нима?
160. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар қандай?
161. Зарурий мудофаа нима?
162. Жиноят учун жазо беришнинг моҳияти нимада?
163. Жазолашдан қандай мақсад кўзланади?
164. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жазонинг қандай турлари белгиланган?
165. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга нималар киради?
166. Енгиллаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати махфий ҳисобланадими?
167. Жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар нималардан иборат?
168. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш қачон юзага келади?
169. Вояга етмаганларга нисбатан қандай жазо турлари қўлланилади?
170. Жиноятларнинг қандай турлари мавжуд?
171. Ҳаётга қарши жиноят нима?
172. Иқтисодий соҳадаги жиноятларнинг алоҳида хусусиятлари нималардан иборат?
173. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
174. Давлат ва ҳуқуқ қандай сабабларга кўра келиб чиққан?
175. Давлатнинг уруғчилик тизимидаги ижтимоий ҳокимиятдан фарқи нимада?
176. Давлатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни (вазифаси) нималардан иборат?
177. Давлат шакллари ва уларнинг асосий элементларига нималар киради?
178. Монархия шаклидаги давлат бошқарувининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
179. Республика шаклидаги давлат бошқарувининг турлари ва хусусиятларига нималар киради?
180. Президентлик ва парламент республикаларининг фарқи нимада?
181. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувининг шакллари қандай?
182. Унитар давлатга қандай белгилар хос?
183. Федератив (иттифоқ) давлатнинг асосий белгилари ва моҳияти нимада?
184. Конфедератив давлат қандай тузилишга эга?
185. Ҳозирги Ўзбекистон давлатининг асосий хусусиятлари нималарда ифодланади?
186. Демократик ва аксилдемократик (тоталитар) давлатларнинг фарқи нимада?
187. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари ва муҳим хоссаларига нималар киради?
188. «Қонуннинг устунлиги» тушунчаси нимани билдиради?

189. Қайси омилар Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат шаклланаётганидан далолат беради?
190. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг тузилиши ва ваколатлари қандай?
191. Ўзбекистон Республикасининг парламенти — Олий Мажлис қандай тузилишга эга?
192. «Ҳокимиятлар бўлиниши» тушунчаси нимани англатади?
193. Давлат ҳокимиятининг асосий тармоқлари (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари)нинг ваколатлар қандай чегараланган?
194. Ҳуқуқ нима ва унинг ноҳуқуқий ижтимоий нормалардан фарқи нимада?
195. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?
196. Қонуннинг олий юридик кучи нимани билдиради?
197. Ҳуқуқнинг асосий тармоқлари қандай таърифланади?
198. Фуқаролик, жиноят, маъмурий, меҳнат, оила ҳуқуқлари қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солади?
199. Юридик ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар орасидаги ўзаро алоқа нимадан иборат?
200. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда юридик фактларнинг аҳамияти қандай?
201. Ҳуқуқбузарлик нима?
202. Қандай ҳулқ-атвор қонун нуқтаи назаридан ноҳуқуқий ҳисобланади? Айб нима?
203. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарликларнинг қандай турлари мавжуд?
204. Вояга етмаганларни ишга қабул қилишда меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг хусусиятлари нималарда кўринади?
205. Вояга етмаганлар неча ёшдан бошлаб ҳар қандай ҳуқуқбузарликни содир этганликлари учун жинойий жавобгарликка тортиладилар?
206. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мулк ҳақида қандай қоидалар бор?
207. Ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатининг фарқи нимада?
208. Шартнома нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
209. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг қандай турларини биласиз?
210. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасида қандай мажбуриятлар бор?
211. «Қонунийлик» ва «ҳуқуқий тартибот» тушунчалари нималарни билдиради?
212. Демократик давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг аҳамияти нимада ифодаланади?
213. Инсон ва фуқаролар қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга?
214. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақида нима дейилган?
215. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг «мутлақлиги» ва «ажралмаслиги» нималарни англатади?
216. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқларига доир қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз ифодасини топган?
217. Фуқаролик нима? Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш тартиби қандай?

218. Қайси ҳуқуқий ваколат мулк ҳуқуқида энг муҳим ҳисобланади ва нима сабабдан?
219. Фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқий муносабатлардан ташқари яна нималарни тартибга солади?
220. Фуқаролик шартномасида давлат томонлардан бири бўлиши мумкинми?
221. Шартномаларнинг қандай шакллари биласиз? Шартноманинг оғзаки шакли нима?
222. Ҳуқуқнинг иқтисодийга таъсирига хос қандай усулларни биласиз?
223. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар нима? Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ким?
224. Амалдаги Фуқаролик кодексида қандай янги қоида мустақкамланган?
225. Ўзбекистон Республикасида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар қандай принципларга асосланади?
226. Фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат нима? Фуқаровий муомала лаёқатига қандай таъриф бериш мумкин?
227. Тирик одамни бедарак йўқолган ёки ҳатто ўлган деб тан олиш мумкинми? Бунинг оқибатлари қандай?
228. Юридик шахс нима? Унинг хусусиятлари ва белгилари нималарда намоён бўлади? Юридик шахсларнинг қандай турлари мавжуд?
229. Таъсисчилар (иштирокчилар)нинг у ёки бу юридик шахс фаолиятида шахсан иштирок этишлари зарурми? Юридик шахсларни тугатиш хусусиятлари нималардан иборат?
230. Ўзбекистон Республикасида нима учун иш вақтининг турли нормалари белгиланган?
231. Ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори ва сифати қандай ҳисобга олинади?
232. Иш вақтининг қандай меъёрлари мавжуд?
233. Қонунда вояга етмаган ишчи ва хизматчилар учун дам олиш ва иш ҳақи борасида қандай имтиёзлар белгиланган?
234. Ходимни жазолаш ёки рағбатлантириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, қандай қилиб?
235. Меҳнат шартномаси (контракт) нима? Қандай муносабатлар ушбу шартнома билан тартибга солинади? 18 ёшдан кичик бўлган шахслар билан меҳнат шартномаси (контракт) тузиладими?
236. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нима? У қачон ва нима мақсадда қабул қилинган?
237. Меҳнат шартномаси (контракт) тузиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?
238. Меҳнат муносабатлари нима ва улар бошқа ўхшаш муносабатлардан қайси белгилари билан фарқланади?
239. Ходим корхона раҳбарининг оғзаки ёки телефон бўйича берилган кўрсатмаси билан ишга киришган бўлса, меҳнат шартномаси (контракт)ни тузилган деб ҳисоблаш мумкинми?
240. Оила ҳуқуқида «никоҳ» тушунчаси нимани билдиради?
241. Никоҳ тузишнинг шартлари қандай?
242. Қандай ҳолларда никоҳ ҳақиқий эмас деб тан олинади?
243. Эр-хотинлар қандай шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

244. Қандай мулк эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли шахсий мулки ҳисобланади?
245. Қайси мулк эр-хотиннинг биргаликдаги мулки ҳисобланади?
246. Ота-оналарнинг қайси ҳуқуқлари шахсий ҳуқуқлар тоифасига киради?
247. Қандай асосларга кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш мумкин?
248. Қандай ҳолларда болани фарзандликка олиш мумкин?
249. Фарзандликка олувчиларга қандай талаблар қўйилади?
250. Қандай ҳолларда фарзандликка олиш тақиқланади?
251. Фарзандликка олишни бекор қилиш учун нима асос бўлади?
252. Ҳомийлик ва васийлик нима?
253. Ҳомийлик билан васийлик ўртасидаги асосий тафовут нимада?
254. Ҳомийлик ёки васийликка олинган болалар қандай ҳуқуқларга эга?
255. Экологик ҳуқуқ нима?
256. Экологик ҳуқуқ манбаларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
257. Табиий объект нима ва унинг функциялари нималардан иборат?
258. Атроф табиий муҳитнинг атроф муҳитдан фарқи нимада?
259. Экологик-ҳуқуқий жавобгарликнинг хусусиятлари нимадан иборат?
260. Экологик жиноятларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган бошқа жиноятлардан ажратувчи асосий мезоннинг моҳияти нимада?
261. Экологик ҳуқуқбузарликнинг экологик жиноятдан фарқи нимада?
262. Маъмурий экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораси сифатида жариманинг хусусиятлари нималардан иборат?
263. Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий халқаро-ҳуқуқий принцип-ларига нималар киради?
264. Қонунийликни муҳофаза қилувчи давлат органларини нималар ташкил этади?
265. Қонунийлик учун қурашда қандай талабларга риоя этиш зарур?
266. Юридик жавобгарликнинг бошқа турдаги жавобгарликлардан фарқ қилувчи белгилари нималардан иборат? Юридик жавобгарликнинг турлари бир-биридан нимаси билан фарқ қилади? Қандай шароитларда юридик жавобгарлик чоралари-ни қўллашни адолатли деб ҳисоблаш мумкин? Юридик жавобгарлик неча ёшдан бошланади?
267. Қандай аломатлар мавжуд бўлганда ноҳўя ҳаракат ҳуқуқбузарлик деб тан олинади? Ҳаракатсизлик учун юридик жавобгарликка тортиш мумкинми? Нима учун ҳуқуқбузарликлар бир қанча турларга бўлинади? Бу нимага боғлиқ? Ҳуқуқбу-зарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини қандай тушунасиз? У адолатлими?
268. Маъмурий ҳуқуқбузарлик нима? Унинг қандай белгилари бор? Бундай ҳуқуқбузарликлар учун қандай жазо чоралари назарда тутилган?
269. Ҳуқуқий давлат қандай чоралари билан фарқланади? Қонунийлик ва ҳуқуқий давлат ўзаро қандай муносабатда?
270. Процессуал нормалар нима? Уларнинг қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот-ни таъминлашдаги аҳамияти қандай?
271. Юридик жавобгарлик нима, унинг мақсадлари нималардан иборат?
272. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқнинг асосий манбалари нималардан иборат?
273. Ҳуқуқ ва қонун ўртасидаги тафовут нимада?

274. Ижтимоий норма нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
275. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро муносабати нималарда намоён бўлади?
276. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятига қандай хусусиятлар хос?
277. «Ҳуқуқий муносабат» тушунчасининг маъноси нимадан иборат?
278. Ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиш, ўзгариш, тўхташ асослари нималардан иборат?
279. Ҳуқуқий жавобгарликнинг хусусиятлари нималардан иборат?
280. Ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий турлари қандай?
281. Конституция нима, унинг ҳуқуқий моҳияти нимадан иборат?
282. Конституция қандай шаклларда намоён бўлиши мумкин?
283. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясига хос хусусиятлар нималардан иборат?
284. Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосий принциплари нималардан иборат?
285. Халқ ҳокимиятчилиги принципининг моҳияти нимада?
286. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий давлат сифатидаги хусусиятлари нималардан иборат?
287. Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети нимани билдиради?
288. Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамияти аъзоси сифатидаги мавқеи қандай?
289. Мафкуравий ва сиёсий хилма-хиллик принциплари нимани билдиради?
290. Дунёвий давлат нима?
291. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг конституциявий асослари қандай?
292. Шахснинг ҳуқуқий ҳолати (ҳақ-ҳуқуқлари, статуси) нима?
293. Шахснинг ҳуқуқий ҳолати қайси принципларга асосланади?
294. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари нималардан иборат?
295. Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига нималар қиради?
296. Қайси ҳуқуқ ва эркинликларни сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар дейиш мумкин?
297. Инсон ва фуқаронинг иқтисодий ҳуқуқлари нималардан иборат?
298. Маданият соҳасида инсон ва фуқаронинг қандай ҳуқуқлари мавжуд?
299. Қонунларда инсон ва фуқаронинг қандай бурчлари белгиланган?
300. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий кафолатларига нималар қиради?
301. Қайси ҳуқуқ ва эркинликларни умумий ҳуқуқ ва эркинликларга кири-тиш мумкин?
302. Фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик кафолатлари нима?
303. Фуқароликни олиш асосларига нималар қиради?
304. Фуқаролик қандай ҳолларда тугатилади?
305. Икки фуқароликка эга бўлган шахснинг қандай ҳуқуқ ва бурчлари мавжуд?
306. Ўзбекистон Республикасида президентлик институтини ўрнатиш жараёни қандай кечган?

307. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий статуси қандай?
308. Президент давлат органлари тизимида қандай ўрин тутди?
309. Президентни сайлаш тартиби нималардан иборат?
310. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини тўхтатиш асослари ва тартиби қандай?
311. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ қандай ваколатларга эга?
312. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсат, муҳофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ваколатлари қандай?
313. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шахс ҳақ-ҳуқуқлари (ҳуқуқий ҳолати) масалаларидаги ваколатларига нималар киради?
314. Олий Мажлиснинг конституциявий ҳолати қандай?
315. Олий Мажлиснинг вакиллик фаолияти нималарда намоён бўлади?
316. Олий Мажлис давлат ҳокимияти органлари билан қандай ҳамкорлик қилади?
317. Олий Мажлис қандай тузилишга эга?
318. Олий Мажлис кўмиталарининг таркиби, шаклланиш тартиби ва ички тузилиши қандай?
319. Парламент депутатларининг ҳуқуқий ҳолати нималардан иборат?
320. Қандай ҳолларда Олий Мажлис муддатидан олдин тарқатиб юборилиши мумкин?
321. Олий Мажлиснинг ваколатлари нималардан иборат?
322. Қонунчилик жараёни нима?
323. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий мақоми қандай?
324. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига нималар киради?
325. Ижро этувчи ҳокимият органи нима?
326. Суд ҳокимиятини амалга оширишнинг конституциявий принциплари нималардан иборат?
327. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳуқуқий ҳолати қандай?
328. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди қандай статусга эга?
329. Ўзбекистон Республикасининг Олий Хўжалик суди қандай статусга эга?
330. Прокуратуранинг фаолияти қандай ташкил этилган?
331. Адвокатуранинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
332. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда нима тушунилади?
333. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи нима?
334. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг ҳуқуқий асосий функциялари ва принциплари қандай?
335. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
336. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қандай ваколатларга эга?
337. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қафолатлари деганда нималар тушунилади?
338. Фуқаролик ҳуқуқи нима?



339. Фуқаролик ҳуқуқининг манбаларига нималар киради?
340. Фуқаролик ҳуқуқининг асосини қандай принциплар ташкил қилади?
341. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг қандай турлари мавжуд?
342. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти нима?
343. Жисмоний шахснинг ҳуқуқий лаёқати ва муомала лаёқати нима, фуқаронинг исми ва турар жойи унинг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларида қандай ўрин тутаети?
344. Вояга етмаганлар муомала лаёқатининг ҳажми қандай?
345. Фуқаронинг тардбиркорлик фаолияти нима?
346. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш тартиби қандай?
347. Нима учун фуқаролик ҳуқуқида фуқарони ўлган деб тан олиш институти мавжуд?
348. Юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати ва муомала лаёқати нималарни ўз ичига олади?
349. Юридик шахсни ташкил этиш тартиби қандай?
350. Қандай ҳолларда юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатади?
351. Юридик шахснинг лаёқатсизлиги нимани билдиради?
352. Тўлиқ ширкат нима?
353. Ишонч асосидаги ширкат (коммандит ширкат) нима?
354. Масъулияти чекланган жамият нима?
355. Қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўзига хос томонлари нимада?
356. Акционерлик жамияти нима?
357. Ишлаб чиқариш кооперативи нима?
358. Унитар корхонанинг хусусиятлари нималардан иборат?
359. Нотижорат ташкилот қандай хусусиятларга эга?
360. Фуқаролик ҳуқуқида «ашё» тушунчаси нимани билдиради?
361. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун қандай асослар бўлиши керак?
362. Битимнинг қандай шакллари мавжуд?
363. Вакиллик деганда нима тушунилади?
364. Ишонч хати нима?
365. «Мулк ҳуқуқи» тушунчаси нималарни ўз ичига олади?
366. Мулк ҳуқуқининг қандай турлари мавжуд?
367. Умумий мулк нима?
368. Мажбурият нима?
369. Фуқаровий-ҳуқуқий шартнома нима?
370. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик нима?
371. Интеллектуал мулк нима?
372. Муаллифлик ҳуқуқи нима?
373. Кашифиётчилик ва патент ҳуқуқи нима?
374. Ворислик ҳуқуқи нима?
375. Васиятнома нима?
376. Оила ҳуқуқи нима?
377. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари қандай?
378. Никоҳни бекор қилиш қандай амалга оширилади?
379. Эр-хотиннинг номулкий ва ҳуқуқий мажбуриятлари нималардан иборат?
380. Оила аъзоларининг мулкый муносабатлари нима?
381. Эр-хотин мулклари қандай бўлинади?

382. Никоҳ шартномаси қандай ўзгартирилади ва бекор қилинади?
383. Ота-оналар ўзларининг ота-оталик ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкинми?
384. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш қайтариб бўлмас ҳаракатми?
385. Оила аъзоларининг алиментли муносабатлари нима?
386. Эр-хотин ёки собиқ эр-хотин ўртасида алиментли мажбуриятлар бўлади-ми?
387. Меҳнат ҳуқуқи нима?
388. Меҳнат шартномаси нима ва унинг қандай функциялари бор?
389. Меҳнат шартномаси қандай тартибда тузилади?
390. Меҳнат шартномасининг томонлари кимлар?
391. Фуқароларни ишга қабул қилишда уларга қандай кафолатлар берилади?
392. Ишга қабул қилишнинг умумий тартиби қандай ва у қандай расмийлаштирилади?
393. Бошқа ишга ўтказиш қандай амалга оширилади?
394. Меҳнат шартномасини тўхтатиш асослари қандай?
395. Меҳнат шартномаси ходимнинг талаби билан бекор қилиниши учун қандай шартлар бажарилиши зарур?
396. Қандай шароитларда ходим маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилиши мумкин?
397. Ишдан бўшаганда бериладиган пул нима?
398. Ишдан бўшашни расмийлаштириш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби қандай?
399. Иш вақти нима?
400. Иш вақтининг қандай турлари мавжуд?
401. Иш вақтининг тартиби нима?
402. Меъёрлаштирилмаган иш куни қандай хусусиятларга эга?
403. Хизмат вақтидан ташқари бажариладиган иш қонун билан қандай тартибга солинади?
404. Дам олиш вақти нима?
405. Ҳар ҳафта бериладиган дам олишнинг хусусиятлари нималардан иборат?
406. Қонун бўйича қандай байрам кунлари белгиланган?
407. Меҳнат таъгилининг хусусиятлари нималардан иборат?
408. Иш ҳақи нима?
409. Иш ҳақининг шакллари ва тизими қандай?
410. Иш ҳақи қандай тартибда тўланади?
411. Кафолатли тўловлар ва қўшимча тўловлар нима?
412. Компенсация тўловлари нима?
413. Меҳнат интизоми нима ва у қайси усуллар билан таъминланади?
414. Маъмуриятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
415. Ходимларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари нима?
416. Меҳнат ҳуқуқида интизомий ва моддий жавобгарлик нима?
417. Моддий жавобгарлик қандай турларга эга?
418. Меҳнатни муҳофаза қилиш нима?
419. Вояга етмаганлар меҳнатини муҳофаза қилиш шартлари қандай?
420. Меҳнат низолари деганда нималар тушунилади?
421. Меҳнат низолари қандай тартибда кўриб чиқилади?

422. Маъмурий ҳуқуқ нима ва унинг қандай хусусиятлари мавжуд?
423. Маъмурий мажбурловнинг моҳияти нимадан иборат?
424. Маъмурий мажбурловнинг қандай турлари мавжуд?
425. Маъмурий жавобгарлик ва унинг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
426. Маъмурий жавобгарликнинг белгилари ва мақсади нималардан иборат?
427. Қонунда маъмурий жазонинг қандай турлари белгиланган?
428. Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизимида қандай вазифани бажаради?
429. Жиноят қонуни нима?
430. Жиноят нима ва унинг қандай белгиларини ажратиш мумкин?
431. Жиноятлар қандай таснифланади?
432. Жиноий жавобгарлик нима?
433. Жазо нима?
434. Жазолар тизими деганда нима тушунилади?
435. Жазоларнинг асосий турлари нималардан иборат?

## Учинчи бўлим

### «ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» КУРСИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

Инглиз тилидан «test» сўзи одатда «текширув», «синов» деб таржима қилинади. Тестлар ўқув жараёнида кенг қўлланиладиган бир қатор Фарб давлатларидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикасида фақат мустақиллик йилларида жорий ва якуний аттестация шакли сифатида қарор топа бошлади.

Тестлар билимларни текширишнинг энг самарали воситаларидан бири бўлиб, ўқувчилар ва талабаларнинг билимда эришган даражаларини ҳолисона баҳолашга, «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича билим олганликлари, уларнинг муайян уқув ва кўникмаларга эга бўлганликлари ҳақида ишончли маълумотлар олишга, шунингдек, ўқитувчининг ушбу билимларни юридик таълимнинг мазкур босқичида қўйилган вазифаларга қиёслашга ҳамда янги ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш жараёнига ўз вақтида тузатиш киритишига имкон беради.

Сўнги пайтларда тест шаклидаги назоратдан фойдаланишнинг кенг ривожланиши унинг ҳуқуқий билимларни текширишга қаратилган энг самарали восита эканлигидан далолат бермоқда. Маҳорат билан тузилган тест олинган билимларни ҳолисона баҳолаш муаммосини ҳал этишга ва, шу билан бирга, таълим жараёни иштирокчилари ўртасида низоли ҳолатлар юзага келишини бартараф этишга имкон беради.

Ушбу дарсликда ҳавола этилган тест топшириқларининг кўпчилигида ўқувчилар ва талабаларга бир нечта имкониятдаги вариантдан битта тўғри жавобни танлаб олиш тавсия этилади. Бироқ битта тўғри жавобли топшириқлардан ташқари тестларда бошқача турдаги топшириқлар ҳам мавжуд. Чунончи: кўп вариантларни танлаш имкони бўлган, яъни тавсия этиладиган жавоб вариантлари орасида бир нечта тўғри жавоби бўлган топшириқлар, шунингдек, ҳуқуқий тушунчалар ва уларнинг таърифларини қиёслашга оид топшириқлар (тест қилинувчига иккита рўйхат таклиф этилиб, улар ўртасида мутаносибликни тиклаш талаб этилади) ҳамда тўғри хронологик кетма-кетликни аниқлашга доир топшириқ кабилар бор. Ниҳоят, топшириқлар ичида энг мураккаби — берилган қатор ҳуқуқий тушунчалар ва ҳодисалар ўртасидаги тафовутни аниқлашга доир вазифалардир.

Тест тузувчи мутахассислар тестларни турли хил саволлар ва хилма-хил жавоблар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юбормасликни талаб қилганликлари боис, ҳар бир вариантда уч-беш турдаги топшириқ ҳавола этилган. Амалиётнинг кўрсатишича, бундай ҳолларда тест топширувчи синовга яхши мослашади ҳамда унинг натижалари ҳолисона бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мактаб ўқувчилари ва талабаларни тест синовидан ўтказиш назоратнинг жорий ёки якуний шакли сифатида амалга оширилиши мумкин. Тестлардан фойдаланиш ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришнинг тўлиқлиги, мустаҳкамлиги ва анланганлигини текширишга қўмаклашади.

## ДАВЛАТ АСОСЛАРИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

**1-тест.** Давлат синфий зиддиятлар мурасисизлигининг маҳсули ва кўринишидир, деб ҳисоблайдиган назария қандай назария?

- а) теологик назария;
- б) шартнома назарияси;
- в) марксча назария;
- г) зўрлик назарияси.

**2-тест.** Қандай белгилар давлатни ижтимоий ҳокимиятдан фарқлайди?

- а) оммавий ҳокимиятнинг мавжудлиги, давлат фуқароларининг ҳудудий бўлиниши, оммавий ҳокимиятни сақлаб туриш учун аҳолидан солиқ ва йиғимлар тўплаш;
- б) давлат жамиятнинг расмий вакили эканлиги;
- в) қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш учун мажбурлов аппарати-нинг мавжудлиги;
- г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қиладиган ваколатли давлат органларининг мавжудлиги.

**3-тест.** «Давлат функциялари» ва «давлат вазифалари» тушунчаларига берилган таърифни танланг.

- а) давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари;
- б) жамиятни давлат томонидан бошқаришнинг моҳияти ва ижтимоий вазифасини ифода этувчи давлат фаолиятининг асосий йўналишлари;
- в) давлат фаолиятининг турлари;
- г) жамият учун ҳал этилиши манфаатли бўлган ва давлатнинг ваколати доирасига кирадиган объектив қийинчиликлар.

**4-тест.** Давлатнинг тегишли ривожланиш босқичидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш учун қандай омиллар ҳал қилувчи ҳисобланади?

- а) давлатнинг моҳияти ва ижтимоий вазифалари;
- б) маъмурий-ҳудудий тузилиши;
- в) сиёсий (давлат) режими;
- г) давлат тузилишининг шакллари.

**5-тест.** Давлатнинг тартибга солиш функцияларидан бирини айтинг.

- а) атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- б) барча мулк шаклларини ҳимоя қилиш;
- в) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоялаш;
- г) иқтисодий функция.

**6-тест.** Давлат функцияси нима?

- а) давлат органларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга доир фаолияти;
- б) давлат фаолиятининг асосий йўналишларини ифодаловчи вазифаларни амалга ошириш ва муайян мақсадга эришиш;
- в) давлатнинг ўз фуқаролари ҳуқуқларини кафолатли амалга оширишга доир фаолияти;
- г) давлат органларининг қонун устунлигини таъминлашга доир фаолияти.



**15-тест. Унитар давлат белгиларини айтинг.**

- а) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятининг икки тизими;
- б) асосий ташқи сиёсий фаолиятни федерация органлари амалга оширади;
- в) битта конституция, давлат ҳокимияти ва қонун чиқарувчи органларнинг бир тизими; ягона молия ва солиқ тизими, ягона қуролли кучлар;
- г) ягона қуролли кучлар, ягона молия, солиқ ва пул тизимлари.

**16-тест. Унитар давлатни кўрсатинг.**

- а) Америка Қўшма Штатлари;
- б) Мексика;
- в) Ҳиндистон;
- г) Япония.

**17-тест. Конфедерация нима?**

- а) суверенитетга эга бўлган, ички ва ташқи ишларда мустақил субъект ҳисобланган муайян мақсад учун бирлашган, давлатлар иттифоқи;
- б) олий ҳокимият органлари орқали шакллантириладиган давлат;
- в) муайян суверенитетга эга бўлган, сиёсий тузилмаларга асосланган давлат ёки миллий давлат тузилишининг шакли;
- г) бошлиғи бу амални мерос қилиб олган давлат.

**18-тест. Тоталитар режимнинг асосий белгиларидан бирини ажратиб кўрсатинг.**

- а) барча давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий хусусияти;
- б) ижтимоий ҳаётнинг кенг кўламда ҳарбийлашганлиги;
- в) шахснинг ўзбошимчаликлар ва қонунсизликлардан яхши ҳимояланмаганлиги;
- г) аҳолининг давлат ҳокимияти табиатига бевосита таъсир этиши учун самарали механизмнинг мавжудлиги.

**19-тест. Ҳокимиятнинг бўлиниши нима?**

- а) одил судлов ва прокуратура органлари функцияларининг ажратиб қўйилганлиги;
- б) маъмурий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари функцияларининг ажратиб қўйилганлиги;
- в) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органлари ваколатларининг ажратиб қўйилганлиги;
- г) олий ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг ажратиб қўйилганлиги.

**20-тест. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг асосчилари кимлар?**

- а) Г. Спенсер, Е. Дюринг, Ш. Монтескьё;
- б) А. Н. Радищев, Ж. Локк, К. Каутский;
- в) Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо, Ш. Монтескьё;
- г) А. Гумплович, Фильмер, Ж. Ж. Руссо.

**21-тест. Ш.Л.Монтескьё баён этган ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига қандай ҳокимият тармоқлари мувофиқ келишини кўрсатинг.**

- а) қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият;
- б) қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти;
- в) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ва сайлов ҳокимияти;
- г) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, сайлов ва назорат ҳокимияти.

**22-тест.** Давлат ҳокимияти механизми (аппарати) деганда нима тушунилади?

- а) давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг мажмуи;
- б) давлат ҳокимиятини амалга оширишда муҳим ўрин тутадиган давлат муассасаларининг мажмуи;
- в) ҳокимият учун кураш олиб борадиган сиёсий партиялар мажмуи;
- г) халқ иродаси ва манфаатларини ифодалайдиган жамоат бирлашмаларининг мажмуи.

**23-тест.** Кўрсатилган тузилмалардан қайси бири давлат аппаратига кирмайди?

- а) сиёсий партиялар;
- б) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органлари;
- в) ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари;
- г) давлатнинг назорат ва тафтиш органлари.

**24-тест.** Давлат органи нима?

- а) муассаса;
- б) давлат аппаратининг бўғини;
- в) давлат механизми;
- г) сиёсий ташкилот.

**25-тест.** Ўзбекистонда қайси орган давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи ҳисобланиди?

- а) Президент;
- б) Олий суд;
- в) Олий Мажлис;
- г) Вазирлар Маҳкамаси.

**26-тест.** Ўзбекистон Республикасида қайси орган қонуларни қабул қилади?

- а) Президент девони;
- б) Вазирлар Маҳкамаси;
- в) Олий Мажлис;
- г) Конституциявий суд.

**27-тест.** Ўзбекистонда қайси давлат органи олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга ҳақли?

- а) Вазирлар Маҳкамаси;
- б) Олий Мажлис;
- в) Олий суд;
- г) Президент.

**28-тест.** Ижро этувчи ҳокимият органлари нима?

- а) олий ва маҳаллий ҳокимият органлари;
- б) давлат сиёсати ва қонунлар ижросини таъминлашга хизмат қиладиган органлар;
- в) одил судловни амалга оширувчи давлат муассасалари;
- г) қонунлар қабул қилувчи давлат органлари.

**29-тест.** Ўзбекистонда қайси органлар ижро этувчи органлар тизимига киради?

- а) Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар ва Олий Мажлис Кенгаши;
- б) Президент, судлар;
- в) Вазирлар Маҳкамаси, Президент, ҳокимликлар;
- г) Олий Мажлис, Конституциявий суд.

**30-тест.** Ўзбекистонда ким фармонлар чиқариш ваколатига эга?

- а) Олий Мажлис Кенгаши;
- б) Республика Президенти;
- в) Бош вазир;
- г) Конституциявий суд.

**31-тест.** Қайси орган одил судловни амалга оширади?

- а) нотариат;
- б) прокуратура;
- в) суд;
- г) адвокатура.



**32-тест. Барча ижтимоий нормаларга хос белги нима?**

- а) кишилар онгли иродавий фаолиятининг натижаси;
- б) мажбурий хулқ-атвор қоидаси;
- в) ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита;
- г) расмий шаклда ифодаланиш.

**33-тест. Қайси жавобда «ҳуқуқ»нинг тўғри таърифи берилган?**

- а) давлат томонидан белгиланган ёки маъқулланган ва унинг мажбурлов кучи билан таъминланган, барча учун мажбурий хулқ-атвор нормалари тизими;
- б) юридик нормалар билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими, одамларнинг ҳақиқий (реал) хулқ-атвори;
- в) ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган ва мазмуни жамият ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиладиган иродаси;
- г) одамларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларига психологик муносабати.

**34-тест. Давлат мажбурлов таъсири ижтимоий нормаларнинг қайси турига хос?**

- а) ахлоқ нормаларига;
- б) ҳуқуқий нормаларга;
- в) одат нормаларига;
- г) анъана нормаларига.

**35-тест. Ҳуқуқ манбаини Ўзбекистонда нима ташкил этади?**

- а) ҳуқуқий одат;
- б) норматив-ҳуқуқий ҳужжат;
- в) жамиятнинг иқтисодий асоси;
- г) юридик прецедент.

**36-тест. Олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатинг.**

- а) президент фармонлари;
- б) қонунлар;
- в) ҳукумат қарорлари;
- г) жамоат ташкилотларининг ички ҳужжатлари.

**37-тест. Юридик норманинг давлат жазоси меъёрини белгилаб берадиган таркибий қисмини кўрсатинг.**

- а) гипотеза;
- б) диспозиция;
- в) презумпция;
- г) санкция.

**38-тест. Ҳуқуқий нормаларнинг қайси турлари ҳуқуқ субъектлари хулқ-атвор қоидаларининг табиатини белгилаб беради?**

- а) диспозитив нормалар;
- б) тақиқловчи нормалар;
- в) мажбурловчи нормалар;
- г) императив нормалар.

**39-тест. Ҳуқуқ тизимини тармоқларга бўлишнинг икки асосини кўрсатинг.**

- а) ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усули;
- б) юридик нормаларни ҳуқуқий институтларга бирлаштириш ва таснифлаш;
- в) ҳуқуқий нормаларнинг узвий бирлиги ва барқарорлиги;
- г) ҳуқуқий тартибга солиш принциплари ва шакллари.

**40-тест. Ҳуқуқни амалга оширишнинг махсус шаклини кўрсатинг.**

- а) риюя этиш;
- б) бажариш;
- в) қўллаш;
- г) фойдаланиш.

**41-тест. Субъектларнинг ҳуқуқий нормалар талаблари асосидаги муносабатларини нима келтириб чиқаради?**

- а) ҳуқуқий муомала лаёқати;
- б) ҳуқуқий муносабат мақсади;
- в) ҳуқуқий муносабат объекти;
- г) юридик фактлар.

**42-тест. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданият даражасига кўра қандай турларга бўлинади?**

- а) индивидуал ва расмий;
- б) ижтимоий, индивидуал ва касбий;
- в) гуруҳий, норматив ва нисбий;
- г) касбий ва норасмий.

**43-тест. Ҳуқуқий нормалар тизими нимани муҳофаза этади?**

- а) ҳуқуқ соҳаларини;
- б) ҳуқуқий онгни;
- в) ахлоқий муносабатларни;
- г) ҳуқуқий тартиботни.

**44-тест. Қуйидаги элементларнинг қайси бири ҳуқуқбузарнинг шахсини англайди?**

- а) субъект;
- б) субъектив томон;
- в) объектив томон;
- г) объект.

**45-тест. Юридик жавобгарликнинг мазмуни қайси жавобда кўрсатилган?**

- а) ҳуқуқбузарнинг маҳрумликларга чидашга мажбурлиги;
- б) давлат мажбурловининг тури;
- в) жазонинг муқаррарлиги;
- г) фақат содир этилган ҳуқуқбузарликни баҳолаш.

**46-тест. Ҳуқуқ тизимининг бошланғич элементи қайси?**

- а) ҳуқуқ тармоғи;
- б) ҳуқуқ нормаси;
- в) ҳуқуқий муносабат;
- г) ҳуқуқ институти.

**47-тест. Ҳуқуқ нормаси нима?**

а) диний манбаларда берилган илоҳий тасаввурлардан келиб чиқувчи қоидалар;

б) одамларнинг эзгулик ва ёвузлик, адолат, инсоннинг жамият олдидаги бурчи ҳақидаги тасаввурларига мувофиқ равишда жамият ҳаётида шаклланган қоидалар;

в) давлат томонидан белгиланган ва муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий қоидалар;

г) кўп марта такрорлаш натижасида шаклланган ва одат тусига кирган ҳуқуқ-атвор қоидалари.

**48-тест. Ҳуқуқий норма диспозицияси нима?**

а) ҳуқуқ нормасининг амал қилиш шарт-шароитларини кўрсатувчи таркибий қисми;

б) ҳуқуқ нормасининг мазмунини очиб берувчи таркибий қисми;

в) ҳуқуқ нормасининг давлат мажбурлов чораларини кўрсатувчи таркибий қисми;

г) ҳуқуқ нормасининг субъектлар бурчларини ифодаловчи таркибий қисми.

**49-тест. Қайси белги ахлоқ нормасига ва ҳуқуқ нормасига хос?**

а) келиб чиқиши (давлат ва жамиятда);

- б) ифодаланиш шакли;
- в) бузилишдан муҳофаза қилиниши;
- г) батафсил баён этилиш даражаси.

**50-тест. Ҳуқуқ тармоғи нима?**

а) ҳуқуқнинг бир тоифадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида қисми;

б) ҳуқуқнинг тартибга солинадиган муносабатлар билан белгиладиган ички тузилиши;

в) ҳуқуқ тармоғи доирасида ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар гуруҳи;

г) предмети ижтимоий қарашлар бўлган ҳуқуқий нормалар мажмуи.

**51-тест. Ҳуқуқий онгининг таркибий тузилиши қандай?**

а) ҳуқуқий психология ва ҳуқуқий мафкура;

б) ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий мафкура;

в) ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий сиёсат;

г) ҳуқуқий ахлоқ ва ҳуқуқий муносабат.

## **КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР**

**1-тест. Қайси тарихий даврда «Конституция» тушунчаси ҳозирги маънога эга бўлди ва давлатнинг асосий қонунини ифодалаш мақсадида ишлатила бошлади?**

а) Қадимги дунё даврида;

в) Янги даврда;

б) Ўрта асрлар даврида;

г) Иккинчи жаҳон урушидан кейин.

**2-тест. Берилган ҳуқуқ манбаларидан қайси бири конституциявий ҳуқуқ тармоғининг манбаи бўлмаса ҳам, конституциявий ҳуқуқ фанининг манбаи ҳисобланади?**

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳужжатлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари;

в) Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

г) ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари, фикрлари, нуқтаи назарлари.

**3-тест. Ҳуқуқнинг қайси субъекти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қайта кўриб чиқиш ва унга тузатишлар киритиш ташаббуси билан чиқа олмайди?**

а) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

б) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;

в) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;

г) Олий Мажлисининг алоҳида депутатлари.

**4-тест. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тузатишлар парламент аъзоларининг қанча миқдордаги овози билан маъқулланиши керак?**

а) аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан;

б) аъзолар умумий сонининг 2/3 қисми билан;

в) аъзолар умумий сонининг 3/4 қисми билан;

г) бир овоздан.

**5-тест. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини расмий талқин этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органини кўрсатинг.**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди.

**6-тест. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилги Конституциясининг I боби нимага бағишланган?**

- а) инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига;
- б) Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилишига;
- в) конституциявий тузумнинг асосий принципларига;
- г) Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг конституциявий асосларига.

**7-тест. Берилган конституциявий тузум принципларидан қуйидагиларга асос бўлганларини танланг:**

- а) Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига;
- б) Ўзбекистонда давлат ва шахснинг ўзаро муносабатига;
- в) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига;
- 1) мафкуравий плюрализм принципи;
- 2) ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи;
- 3) халқ ҳокимиятчилиги принципи;
- 4) инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият деб тан олиш принципи;
- 5) мулк шаклларининг турли-туманлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принципи;
- б) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишнинг давлат бурчи эканлиги принципи;
- 7) сиёсий плюрализм принципи;
- 8) давлат суверенитети принципи.

**8-тест. Ўзбекистон Республикасида референдумни қайси орган тайинлайди?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- г) Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси.

**9-тест. Қуйидаги ҳуқуқлардан қайси бири инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари гуруҳига киради?**

- а) ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи;
- б) шахсий ва жамоа мурожаатлари (петициялари)ни давлат ҳокимияти ташкилотларига юбориш ҳуқуқи;
- в) ўз мулкига эркин эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи;
- г) эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи.

**10-тест. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)ни ким лавозимига тайинлайди ва озод этади?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;

г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди.

**11-тест. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини 18 ёшдан сўнг тасдиқловчи асосий ҳужжат нима?**

- а) туғилганлик тўғрисида гувоҳнома;
- б) паспорт;
- в) ҳайдовчилик гувоҳномаси;
- г) ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома.

**12-тест. Қандай ҳолларда ёш болага Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериш ҳақидаги илтимос рад этилиши мумкин?**

- а) ота-она бола туғилган пайтда Ўзбекистон фуқароси бўлганида;
- б) ота-она бола туғилган пайтда Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаб турган, бироқ апаатрид бўлганида;
- в) боланинг ота-онасидан биттаси у туғилган пайтда Ўзбекистоннинг фуқароси бўлганида;
- г) юқоридаги ҳолларнинг ҳеч бирида.

**13-тест. Қандай шахслар фуқароликни рўйхатдан ўтиш тартибида олиши мумкин?**

- а) «Фуқаролик тўғрисида»ги қонун қабул қилинган вақт (1992 йил 21 июль)-да Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган собиқ Иттифоқ фуқаролари;
- б) туғилганидан бери Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва бевосита Ўзбекистон Республикасида қариндошлари бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- в) эри, хотини ёки яқин қариндоши Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахслар;
- г) юқорида санаб ўтилган тоифадаги шахсларнинг ҳаммаси.

**14-тест. Қуйидаги ҳоллардан қайси бирида фуқароликдан чиқишга йўл қўйилмайди?**

- а) фуқаро Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига рўйхатдан ўтиш тартибида қабул қилинган бўлса;
- б) боланинг ота-онасидан фақат биттаси бошқа мамлакат фуқаролигига эга бўлганда;
- в) фуқаро 16 ёшга тўлмаган бўлса;
- г) фуқаронинг қарамоғида муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс бўлганда.

**15-тест. Қуйида келтирилган фикрлардан қайси бири тўғри?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг ҳеч бир фуқароси фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин эмас;
- б) Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзининг фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин;
- в) Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси мавжуд давлат тузими ағдаришга қаратилган жиноят содир этган тақдирда фуқароликдан маҳрум этилиши мумкин.
- г) Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси фақат суд ҳукми бўйича фуқароликдан маҳрум этилиши мумкин.

**16-тест. Ўзбекистонда президентлик институти қачон жорий этилган?**

- а) 1990 йил март ойида;
- б) 1992 йил декабрь ойида;
- в) 1991 йил сентябрь ойида;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**17-тест. Ўзбекистон Республикаси Президентининг статусига оид қайси жавоб тўғри?**

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раҳбари;
- б) ижро этувчи идора раҳбари;
- в) қонун чиқарувчи ҳокимият раҳбари;
- г) давлат ва ижро этувчи ҳокимият раҳбари.

**18-тест. Қайси орган Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайловини тайинлайди?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**19-тест. Неча ёшда Ўзбекистон Республикасининг президентлигига номзод бўлиш мумкин?**

- а) 30 ёшда;
- б) 35 ёшда;
- в) 40 ёшда;
- г) 45 ёшда.

**20-тест. Нотўғри фикрни кўрсатинг.**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

- а) Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқига эга;
- б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раисини тайинлайди;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик судининг судьялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номзодларини лавозимларга тайинлаш учун тақдим этади;
- г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

**21-тест. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳам чиқариши мумкин?**

- а) фармон;
- б) қонун;
- в) қарор;
- г) фармойиш.

**22-тест. 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати қанча?**

- а) 5 йил;
- б) 4 йил;
- в) 6 йил;
- г) ваколатларнинг аниқ муддати йўқ.

**2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аъзоларининг сони қанча?**

- а) 150 аъзо;
- б) 175 аъзо;
- в) 220 аъзо;
- г) 250 аъзо.

**23-тест. Мазкур ваколатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатига кирадиганларини кўрсатинг.**

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ишонч билдириш ҳақидаги масалани ҳал этади;

- 2) Ўзбекистон Республикаси чегараларининг ўзгаришини тасдиқлайди;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раисини лавозимга тайинлайди ва ундан озод этади;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайловини тайинлайди;
- 5) Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилни лавозимига тайинлайди ва ундан озод этади;
- 6) амнистия эълон қилади;
- 7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий ҳолат ва фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди.

**24-тест. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг асосий таркибий бўлинмаларига нималар киради?**

- |                  |                     |
|------------------|---------------------|
| а) кўмиталар;    | в) фракциялар;      |
| б) инспекциялар; | г) тўғри жавоб йўқ. |

**25-тест. Қуйидаги шахслардан қайси бири ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан Олий Мажлис Кенгашига киради?**

- а) Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари;
- б) депутатлик фракциялари ва блокларининг раҳбарлари;
- в) Олий Мажлис кўмиталарининг раислари;
- г) юқорида санаб ўтилган шахсларнинг барчаси ҳал қилувчи овозга эга.

**26-тест. Қуйида санаб ўтилган органлардан қайси бири қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга эмас?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори;
- г) Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазири.

**27-тест. Қонун чиқариш жараёни асосий босқичларининг кетма-кетлиги тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг:**

- а) қонун лойиҳасини Олий Мажлисте кўриб чиқиш ва қабул қилиш;
- б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунни имзолаши ва эълон қилиши;

- в) қонунчилик ташаббуси;
- г) қонун лойиҳасининг дастлабки кўриб чиқилиши;
- д) Олий Мажлис кўмитасида қонуннинг кўриб чиқилиши ва маъқулланиши.

- |               |               |
|---------------|---------------|
| а) 3-4-1-5-2; | в) 4-3-1-5-2; |
| б) 3-5-1-4-2; | г) 4-3-5-2-1. |

**28-тест. Парламент аъзосини моддий жиҳатдан таъминлаш нима деб аталади?**

- |                |                 |
|----------------|-----------------|
| А) индемнитет; | в) инвестирура; |
| б) иммунитет;  | г) инагурация.  |

**29-тест. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг раҳбари қандай номланади?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири;
- б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси;
- в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси;
- г) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг раиси.

**30-тест. Вазирларни ким лавозимга тайинлайди ва ундан озод этади?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири;

- б) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**31-тест.** Қуйидаги органлардан қайси бири ижро этувчи ҳокимият органлари тизимига қирмайди?

- а) Адлия вазирлиги;
- б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати;
- г) Ўзбекистон Республикасининг Хавфсизлик Кенгаши.

**32-тест.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий ташкилий ҳуқуқий шакли нимадан иборат?

- а) кенгаш;
- б) мажлис;
- в) сессия;
- г) тинглаш.

**33-тест.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини ким тарқатиб юбориши мумкин?

- а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси;
- б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши;
- в) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;
- г) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

**34-тест.** Ўзбекистон Республикасида одил судловни ким амалга оширади?

- а) фақат судлар;
- б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- в) Адлия вазирлигининг судлари;
- г) прокуратура.

**35-тест.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари неча кишидан иборат?

- а) 9;
- б) 10;
- в) 15;
- г) 17.

**36-тест.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари қанча муддатга сайланадилар?

- а) 5 йил;
- б) 10 йил;
- в) 4 йил;
- г) бир умрга.

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

**1-тест.** Қайси ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади?

- а) жиноятларни содир этиш билан боғлиқ муносабатлар;
- б) давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар;
- в) мулкый ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар;
- г) давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар.

**2-тест.** Давлат бошқаруви органларининг шаклланиш тартибини кўрсатинг.

- а) фармойиш берувчи;
- б) хабар берувчи;



- в) норматив-махфий;
- г) рухсат этувчи.

**3-тест.** Фуқароларнинг қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган шикоятни давлат органига келиб тушганидан кейин қанча муддатда кўриб чиқилиши керак?

- а) 7 кундан кечиктирмай;
- б) 15 кундан кечиктирмай;
- в) 3 ҳафтадан кечиктирмай;
- г) 1 ойдан кечиктирмай.

**4-тест.** Давлат бошқаруви ҳужжатини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиниши учун асос бўлиши мумкин?

- а) ҳужжатда кўрсатилган қонданинг бажарилиши;
- б) унинг қонунларга зидлиги ёки мос келмаслиги;
- в) прокурор протести;
- г) юқорида келтирилган асослардан ихтиёрий биттаси.

**5-тест.** Қуйидаги чоралардан қайси бири давлат эҳтиёжлари туфайли қўлланиладиган маъмурий мажбурлов чораларига киради?

- а) карантин жорий этилиши;
- б) чегара ҳудудларининг ёпилиши;
- в) қуролни рўйхатга олиш;
- г) реквизиция.

**6-тест.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини қайд этувчи расмий ҳужжат нима деб номланади?

- а) қарор;
- б) баённома;
- в) шикоят;
- г) ариза.

**7-тест.** Жисмоний шахс неча ёшдан бошлаб маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин?

- а) 14 ёшдан;
- б) 16 ёшдан;
- в) 18 ёшдан;
- г) 21 ёшдан.

**8-тест.** Қуйидаги маъмурий жазо чораларидан қайси бири ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси сифатида қўлланилиши мумкин?

- а) мулкни мусодара қилиш;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- в) жарима;
- г) лавозимни эгаллашни чеклаш.

**9-тест.** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни юртишнинг факультатив босқичи нима?

- а) ишни қўзғатиш;
- б) ишни кўриб чиқиш;
- в) қарор юзасидан шикоят бериш ва уни қайта кўриб чиқиш;
- г) қарорни бажариш.

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

**1-тест.** Қуйидаги ижтимоий муносабатлардан қайсилари фуқаролик қонувлари билан тартибга солинади?

- а) никоҳ-оила муносабатлари;
- б) давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар;
- в) мулкый ва улар билан боғлиқ шахсий номулкый муносабатлар;
- г) давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар.

**2-тест.** Фуқаролик ҳуқуқига хос усулни кўрсатинг.

- а) ҳокимиятга бўйсундириш;
- б) томонларнинг юридик тенглиги;
- в) таъқиб этиш;
- г) молиявий назорат.

**3-тест.** Қуйида санаб ўтилганлар ичидан фуқаролик ҳуқуқининг принципини белгиланг.

- а) битим тузиш эркинлиги;
- б) томонларнинг юридик тенглиги;
- в) ҳамма жавоблар тўғри;
- г) мулкнинг дахлсизлиги.

**4-тест.** Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига кирмайдиган бўлимни кўрсатинг.

- а) «Умумий қоидалар»;
- б) «Мажбуриятлар ҳуқуқининг умумий қисми»;
- в) «Мажбуриятларнинг алоҳида турлари»;
- г) «Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар».

**5-тест.** Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қисмига кирадиган тармоқлар ва институтларни кўрсатинг.

- а) вакиллик;
- б) мерос ҳуқуқи;
- в) ижодий фаолият натижаларидан фойдаланиш;
- г) интеллектуал мулкчилик.

**6-тест.** Фуқаролик ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилиш:

- а) ягона мумкин бўлган усул;
- б) истисно тариқасидагина йўл қўйиладиган усул;
- в) юридик шахснинг ҳуқуқлари бузилган тақдирдагина йўл қўйиладиган усул;
- г) умуман йўл қўйилмайдиган усул.

**7-тест.** Ҳуқуқ эгасига мажбуриятли шахсларнинг номаълум сони қарама-қарши турадиган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар нима деб аталади?

- а) мутлақ муносабатлар;
- б) нисбий муносабатлар;
- в) умумий;
- г) биргаликдаги.

**8-тест.** Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқ аналогияси қандай ҳолларда қўлланилади?

- а) ушбу ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий норма бўлма-

ганда;

б) ушбу ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ишбилармонлик муомаласи одати бўлмаганда;

в) ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун бўлмаганда;

г) юқоридагиларнинг ҳаммаси бўлмаганда.

**9-тест. Фуқаролик қонун ҳужжатлари:**

а) қайтиш кучига эга эмас;

б) қайтиш кучига эга;

в) агар бу уларнинг матнида бевосита кўрсатилган бўлсагина қайтиш кучига эга;

г) тўғри жавоб йўқ.

**10-тест. Фуқаролик қонун ҳужжатларига биноан фуқаролар неча ёшдан тўла муомала лаёқатига эга бўладилар?**

а) туғилганидан бошлаб;

б) 14 ёшдан бошлаб;

в) 18 ёшдан бошлаб;

г) 21 ёшдан бошлаб.

**11-тест. Қонунда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаганларга қандай ҳаракатлар рухсат этилмайди?**

а) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига пул қўйиш ва уни тасарруф этиш;

б) майда турмуш битимларини тузиш;

в) бепул фойда олишга қаратилган ва нотариал тартибда тасдиқлашни ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни талаб этмайдиган битимларни тузиш;

г) қонуний вакилнинг розилиги билан бошқа биров муайян мақсадда ёки истаганча тасарруф этиш учун берган маблағни сарфлаш.

**12-тест. Васийлик кимларга белгиланади?**

а) 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ва ота-онасининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган вояга етмаганларга;

б) руҳий касаллиги туфайли суд муомала лаёқатига эга эмас деб топган фуқароларга;

в) суд муомала лаёқатини чеклаган фуқароларга;

г) юқоридаги барча тоифа шахсларга.

**13-тест. Саломатлиги бўйича муомала лаёқатига эга вояга етган шахсга унинг ҳуқуқларини амалга ошириш, уларни ҳимоя қилиш ва мажбуриятларини бажаришда мунтазам равишда ёрдам кўрсатиш нима деб аталади?**

а) вакиллик;

б) васийлик;

в) патронаж;

г) мажбурият.

**14-тест. Кимлар васий ва ҳомий бўла олмайди?**

а) ижтимоий ҳимоя муассасалари;

б) даволаш муассасалари;

в) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган муомала лаёқатига эга фуқаролар;

г) вояга етган муомала лаёқатига эга фуқаролар.

**15-тест. Васийлар ва ҳомийлар қандай ҳуқуқларга эга?**

- а) ўз ҳомийлигида бўлган шахслар билан уларнинг фойдасига хизмат қиладиган битимлар тузиш;
- б) ўз ҳомийлигида бўлган шахснинг мулкани бировга беришга розилик билдириш;
- в) ўз ҳомийлигида бўлган шахснинг тегишли ҳуқуқлари йўқотилишига олиб келадиган битимларни тузиш;
- г) ўз ҳомийлигида бўлган шахснинг мулкани ижарага бериш.

**16-тест. Фуқаронинг турар жойи қаер ҳисобланади?**

- а) ўз мулкига эга бўлган жойи;
- б) рўйхатдан ўтган жойи;
- в) доимий равишда ёки кўп вақт яшайдиган жойи;
- г) ота-онаси истиқомат қиладиган жой.

**17-тест. Фуқаро қайси муддат давомида номаълум сабабларга кўра вафот этган деб эълон қилиниши мумкин?**

- а) 1 йил;
- б) 3 йил;
- в) 5 йил;
- г) 10 йил.

**18-тест. Қайси ҳолларда шахсни вафот этган деб эълон қилиш учун Фуқаролик кодексига назарда тутилган муддатнинг ўтиши талаб этилмайди?**

- а) фуқаронинг вафот этганлиги судлов тартибида аниқланиши талаб этилганда;
- б) фуқаро ҳаётига ўлим хавфини солувчи ёки муайян бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган деб ҳисоблаш учун асослар берадиган ҳолларда бедарак йўқолганда;
- в) фуқаро ҳарбий ҳаракатлар туфайли бедарак йўқолганда;
- г) санаб ўтилган барча ҳолларда.

**19-тест. Қуйида келтирилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларидан қайси бири фуқаролик ҳодисаси ҳисобланади?**

- а) никоҳ тузиш;
- б) никоҳни бекор қилиш;
- в) исмни ўзгартириш;
- г) вафот этиш.

**20-тест. 16 ёшга тўлган ва меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган вояга етмаган шахсни тўла муомала лаёқатига эга деб эълон қилиш тартиби нима деб аталади?**

- а) рўйхатдан ўтказиш;
- б) эмансипация;
- в) инициация;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**21-тест. Қуйидаги ҳоллардан қайси бири фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш учун асос бўла олмайди?**

- а) ота-оналик мажбуриятларини бажармаслик;

- б) спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;
- в) наркотик воситаларни истеъмол қилиш;
- г) маошни нооқилона сарфлаш.

**22-тест.** Куйида берилган аломатлардан қайси бири юридик шахснинг белгиси ҳисобланади?

- а) алоҳида мулкка эгалик;
- б) таъсисчиларидан бирининг давлат эканлиги;
- в) кўчмас мулкнинг мавжудлиги;
- г) мазкур аломатларнинг барчаси.

**23-тест.** Юридик шахсларни ташкил қилишнинг муайян норматив тартибида:

- а) таъсисчининг фармойиши ва давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади;
- б) таъсисчининг фармойиши талаб этилади, аммо давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди;
- в) таъсисчининг рухсати талаб этилмайди, аммо давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт;
- г) таъсисчининг рухсати ҳам, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳам талаб этилмайди.

**24-тест.** Куйидагилардан қайси бири тижоратчи юридик шахслар ҳисобланади?

- а) фонд;
- б) уюшма;
- в) ишлаб чиқариш кооперативи;
- г) хўжалик ширкати.

**25-тест.** Тижорат ташкилотининг устав капитали илгаридан белгиланган миқдордаги улушларга бўлинган, бир ёки бир неча шахслар томонидан ташкил этилган, ушбу шахслар унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдиган тури нима деб аталади?

- а) фонд;
- б) акционерлик жамияти;
- в) тўлиқ хўжалик ширкати;
- г) масъулияти чекланган жамият.

**26-тест.** Тижоратчи юридик шахсларнинг қайси тури умумий ҳуқуқий лаёқатга эга эмас?

- а) хўжалик ширкати;
- б) унитар корхона;
- в) акционерлик жамияти;
- г) ишлаб чиқариш кооперативи.

**27-тест.** Юридик шахс фаолиятини ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсларга ҳуқуқий ворислик тартибида ўтказмасдан туриб тўхтатиш усули қандай номланади?

- а) ажратиш;
- б) тугатиш;
- в) ўзгартириш;
- г) қайта ташкил этиш.

**28-тест.** Юридик шахснинг ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарадиган, у бошқа турдаги юридик шахсга айланадиган қайта ташкил этиш тури қандай номланади?

- а) қўшилиш;
- б) бирлашиш;
- в) ажратиш;
- г) ўзгариш.

**29-тест.** Юридик шахс тугатилганда биринчи навбатда:

- а) меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг талаблари қондирилади;
- б) бюджетга тўловлар бўйича қарзлар тўланади;
- в) кредиторларнинг талаблари қондирилади;
- г) ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари қондирилади.

**30-тест.** Қуйидаги ҳоллардан қайси бирида юридик шахснинг тугатилиши мажбурий ҳисобланади?

- а) юридик шахс таъсисчиларининг қарори бўлганда;
- б) юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаганда;
- в) юридик шахсни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганда;
- г) барча жавоблар тўғри.

**31-тест.** Бир нечта юридик шахс ўз манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиш учун ташкил этган нотижорат ташкилот нима деб номланади?

- а) ишлаб чиқариш кооперативи;
- б) муассаса;
- в) жамоат бирлашмаси;
- г) ижтимоий фонд.

**32-тест.** Акционерлик жамиятининг бошқа жамиятга тегишли бўлган овоз бевучи акциялари қанча бўлганда, бировга боғлиқ ҳисобланади?

- а) 10 фоиздан кўп;
- б) 20 фоиздан кўп;
- в) 30 фоиздан кўп;
- г) 50 фоиздан кўп.

**33-тест.** Тўловга ноқобил корхонани тугатиш ва олинган маблағни кредиторлар ўртасида мутаносиб тақсимлаш таомили қандай номланади?

- а) сотиш;
- б) мусодара;
- в) реквизиция;
- г) танловдаги ишлаб чиқариш.

**34-тест.** Қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашё қандай номланади?

- а) ўзгартириб бўлмас ашё;
- б) бўлинмас ашё;
- в) истеъмол қилинмайдиган ашё;
- г) кўчмас ашё.

**35-тест.** Дорихонада рецепт бўйича сотиладиган дори-дармонлар қайси ашёларга киради?

- а) эркин муомалада бўладиган ашёлар;
- б) муомаласи чекланган ашёлар;
- в) муомаладан олинган ашёлар;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**36-тест.** Берилган фуқаролик ҳуқуқи объектларидан қайсилари интеллектуал мулк ҳисобланади?

- а) «Coca-Cola» фирмасининг товар белгиси;
- б) Жонатан Демминг «Кўзичоқларнинг сукути» фильми;
- в) «Microsoft Windows» компьютер дастури;
- г) «Сатирикон» театридаги «Гамлет» спектаклининг афишаси.

**37-тест.** Ҳаво ва денгиз кемалари қандай буюмларга киради?

- а) кўчар;
- б) кўчмас;
- в) жонли;
- г) бўлинадиган.

**38-тест.** Шахснинг кўрсатилган суммани муайян шахсга тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган ёзма топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз қандай номланади?

- а) вексель;
- б) чек;
- в) облигация;
- г) акция.

**39-тест.** Фуқаролик ҳуқуқининг мазкур объектларидан қайси бири номоддий неъмат ҳисобланади?

- а) оилавий сир;
- б) ахборот;
- в) хизмат сири;
- г) мевалар.

**40-тест.** Ашёнинг узвий ривожланиши маҳсули бўлган ва ашёдан унинг хоссаларини жиддий ўзгартирмаган ҳолда янги ашё сифатида ажралиб чиқадиган ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлган нарсалар қандай номланади?

- а) мевалар;
- б) маҳсулот;
- в) даромад;
- г) фоизлар.

**41-тест.** Индоссат – бу:

- а) қимматли қоғознинг орқа тарафида ёзиладиган ёзув;
- б) топширувчига бериладиган қимматбаҳо қоғоз;
- в) ҳужжатлаштирилмаган қимматбаҳо қоғоз;
- г) қимматбаҳо қоғозлар бўйича барча ҳуқуқлар бериладиган шахс.

**42-тест.** Фуқароларнинг қонунда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг камида 10 бараваридан иборат суммага тузилаётган ўзаро битимлари қандай шаклда бўлиши керак?

- а) оғзаки шаклда;

- б) оддий ёзма шаклда;
- в) нотариал тасдиқланган ёзма шаклда;
- г) юқоридаги шаклларнинг исталганида.

**43-тест. Низоли битим:**

- а) ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди;
- б) суд уни ҳақиқий эмас деб қарор чиқаргунча ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради;
- в) ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**44-тест. Автомашиналарни ишончнома бериш баҳонасида сотиш нима деб номланади?**

- а) сохта битим;
- б) асоратга солувчи битим;
- в) қалбаки битим;
- г) алдов таъсирида тузилган битим.

**45-тест. Мазмуни битим тузувчи шахснинг эрки шу шахсни битим тузишга мажбурлаш мақсадида унинг ўзига ёки яқин кишиларига келажақда жиддий зарар етказилиши билан қўрқитиб, ғайриқонуний тарзда руҳий таъсир кўрсатиш қандай номланади?**

- а) қўрқитиш;
- б) зўрлик;
- в) алдов;
- г) ғараз ниятли битим.

**46-тест. Даъво қилишнинг умумий муддати қандай?**

- а) 6 ой;
- б) 1 йил;
- в) 3 йил;
- г) 10 йил.

**47-тест. Қуйидаги ҳоллардан қайси бири даъво муддати ўтишини тўхтатиш учун асос бўла олмайди?**

- а) даъвогар ёки жавобгарнинг ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлиши;
- б) мажбуриятларни бажаришни кечиктириш (мораторий) тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори борлиги;
- в) даъво қилишга тўсқинлик қилувчи фавқулодда ва енгиб бўлмас ҳолатнинг юзага келиши;
- г) мажбуриятли шахснинг ўз мажбуриятини тан олганидан далолат берувчи ҳаракатларни содир этиши.

**48-тест. Шартнома асосида юзага келган, лекин тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вакиллик қандай номланади?**

- а) маъмурий вакиллик;
- б) қонуний вакиллик;
- в) ихтиёрий вакиллик;
- г) тижорат вакиллиги.

**49-тест. Ким ваколат берувчи шахс бўлиши мумкин?**



- а) фақат муомала лаёқатига эга бўлган шахс;
- б) фақат муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс;
- в) фақат муомала лаёқати чекланган шахс;
- г) ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган ҳар қандай шахс.

**50-тест.** Мулкдорнинг ушбу ашёнинг юридик тақдирини ҳал этишга қаратилган ҳуқуқи нима деб аталади?

- а) эгалик ҳуқуқи;
- б) тасарруф этиш ҳуқуқи;
- в) фойдаланиш ҳуқуқи;
- г) оператив бошқарув ҳуқуқи.

**51-тест.** Мулк ҳуқуқининг ворислик ҳуқуқи асосида бировга ўтиши қандай номланади?

- а) бировга бериш;
- б) ҳуқуқий ворислик;
- в) олиш муддатининг ўтганлиги;
- г) хусусийлаштириш.

**52-тест.** Биргаликдаги мулкчилик тартиби нималарга нисбатан қўлланилмайди?

- а) эр-хотиннинг никоҳга эга бўлган мулкига нисбатан;
- б) деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг умумий мулкига нисбатан;
- в) хусусийлаштирилган хонадонларда яшовчи шахсларнинг мулкига нисбатан;
- г) мазкур мулкларнинг барчасига нисбатан.

**53-тест.** Давлат мулки ва муниципал мулк бўлган нарсани фуқаролар ва юридик шахсларга мулк қилиб бериш қандай номланади?

- а) национализация;
- б) хусусийлаштириш;
- в) ижтимоийлаштириш;
- г) мусодара қилиш.

**54-тест.** Эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган мол-мулк, яъни ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки қимматбаҳо буюмлар нима деб номланади?

- а) эгасиз ашёлар;
- б) хазина;
- в) топилма;
- г) ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган нарса.

**55-тест.** Қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс ўзига бириктирилган мулкка хусусий мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас?

- а) акционерлик жамияти;
- б) хўжалик ширкати;
- в) ишлаб чиқариш кооперативи;
- г) унитар корхона.

**56-тест.** Қуйида санаб ўтилган усуллардан қайси бири мулкни ҳақ тўламасдан олиб қўйиш ҳисобланади?

- а) мусодара қилиш;
- б) ер майдонини ундан ногўғри фойдаланганлик учун олиб қўйиш;

в) қонун туфайли ушбу шахсга тегишли бўлиши мумкин бўлмаган мулкнинг бировга берилиши;

г) реквизиция.

**57-тест. Сервитут нима?**

а) давлат ёки муниципал мулк бўлган ер майдонидан доимий (муддатсиз) фойдаланиш ҳуқуқи;

б) бир умрга мерос қилиб бериладиган эгаликдаги ер майдонини тасарруф этиш ҳуқуқи;

в) ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

г) ўзганинг ер майдонидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи.

**58-тест. Мажбурият объекти нима?**

а) ашё;

в) мол-мулк;

б) ҳаракат;

г) облигация.

**59-тест. Мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатда кредиторнинг ўз талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериши қандай номланади?**

а) цедент;

в) цессия;

б) акцепт;

г) оферта.

**60-тест. Мажбуриятда шахсларнинг кўпчилик бўлиши, яъни бир кредиторга икки ва ундан ортиқ қарздор қарши турадиган мажбурият шакли қандай номланади?**

а) аралаш;

в) актив;

б) пассив;

г) субсидиар.

**61-тест. Қуйидаги функциялардан қайси бири бўнак (аванс)га хос эмас, лекин закалатга хос?**

а) таъминот;

б) тўлов;

в) тасдиқлаш;

г) мазкур функцияларнинг барчаси.

**62-тест. Қуйида саналган юридик фактлардан қайси бири мажбуриятни тўхтатмайди?**

а) қарздан кечиш;

б) новация;

в) воз кечиш;

г) юридик шахсни қайта ташкил этиш.

**63-тест. Шартнома ни тузишда тарафларнинг келишуви талаб этилмайдиган, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ва шартнома тузиш пайтида ёки бошқа пайтда ўз-ўзидан амалга кирадиган шарт қандай номланади?**

а) муҳим;

б) тасодикий;

в) одатий;

г) мажбурий.

**64-тест. Қуйида саналган шартномалардан бепул тузиладиган шартномаларни танланг.**

а) қарз шартномаси;

б) олди-сотди шартномаси;

в) ҳадя шартномаси;

г) мулк ижараси шартномаси.

**65-тест.** Шартномани изоҳлашда ҳуқуқни талқин этишнинг қайси туридан фойдаланилади?

- а) сўзма-сўз;
- б) чекловчи;
- в) кенг изоҳловчи;
- г) юқоридагиларнинг ҳеч қайсиси.

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

**1-тест.** Меҳнат ҳуқуқи ҳуқуқнинг қайси тармоғига киради?

- а) асосий тармоқларига;
- б) махсус тармоқларига;
- в) комплекс тармоқларига;
- г) процессуал тармоқларига.

**2-тест.** Меҳнат бозори ва самарали бандлик соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш сиёсатини ифодалайдиган асосий принципларни таърифланг.

- а) меҳнат функциясининг аниқлиги;
- б) меҳнат шароитларининг ягоналиги ва табақалашуви;
- в) меҳнат шартномаси (контракти)нинг эркинлиги;
- г) ходимлар меҳнати ва соғлиғини сақлашнинг таъминланиши.

**3-тест.** Қайси шахслар қонунда белгиланган «иш билан банд фуқаролар» рўйхатига кирмайди?

- а) тўлиқсиз иш куни шароитида ёлланиб ишловчи шахслар;
- б) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар;
- в) ички ишлар органларида ҳарбий хизмат ўтаётган шахслар;
- г) фарзандлари тарбияси билан шуғулланаётган шахслар.

**4-тест.** Қўшимча вазифада ишловчи шахснинг иш вақти қанча давом этади?

- а) кунига 2 соат билан чекланади;
- б) кунига 4 соат билан чекланади;
- в) кунига 6 соат билан чекланади;
- г) умуман чекланмайди.

**5-тест.** Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда ходим иш берувчини ёзма равишда қачон огоҳлантириши шарт?

- а) 2 ҳафта аввал;
- б) 1 ой аввал;
- в) 2 ой аввал;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**6-тест.** Ташкилотнинг тугатилиши, ходимлар сони ёки штатининг қисқартирилиши оқибатида ишдан бўшатиладиган ходимларнинг узлуксиз иш стажини ҳодим бўшагандан сўнг қанча муддат давомида сақланади?

- а) 2 ҳафта;
- б) 1 ой;
- в) 2 ой;
- г) 3 ой.

**7-тест. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш куни қанча вақт давом этади?**

- а) ҳафтасига 12 соат;
- б) ҳафтасига 18 соат;
- в) ҳафтасига 36 соат;
- г) ҳафтасига 40 соат.

**8-тест. Ички ишлар идоралари хизматчилари асосий таътилининг давомийлиги қанча муддатни ташкил этади?**

- а) 24 календарь куни;
- б) 30 календарь куни;
- в) 45 календарь куни;
- г) 48 календарь куни.

### **ОИЛА ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР**

**1-тест. Қуйида санаб ўтилган ҳуқуқ манбаларидан оилавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлганларини топинг:**

- а) Оила кодекси;
- б) Фуқаролик кодекси;
- в) Жиноят кодекси;
- г) Фуқаролик-процессуал кодекси;

**2-тест. Оила ҳуқуқида тўлиқ муомала лаёқати неча ёшдан бошланади?**

- а) 16 ёшдан;
- б) 18 ёшдан;
- в) 21 ёшдан;
- г) 25 ёшдан.

**3-тест. Никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқланг.**

- а) никоҳга кираётганларнинг ўзаро розилиги;
- б) бўлғуси эр-хотиннинг яқин қариндошлиги;
- в) никоҳга кираётганларнинг никоҳ ёшига етганлиги;
- г) никоҳга кираётганлардан бирининг муомала лаёқатига эга эмаслиги.

**4-тест. Қуйида саналган ҳолатлардан қайси бири никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди?**

- а) эр-хотинлардан бирининг ихтиёрий розилиги йўқлиги;
- б) эр-хотинлар ўртасида узоқ қариндошликнинг мавжудлиги;
- в) эр-хотинлардан бирининг ўзида ОИТС инфекцияси борлигини яширганлиги;
- г) эр-хотинлардан бирининг муомала лаёқатига эга эмаслиги.

**5-тест. Нотўғри фикрни кўрсатинг.**

- а) никоҳ ФХДЁ органларида қайд этилади;
- б) никоҳ фақат никоҳга қирувчилар шахсан бўлганларида қайд этилади;
- в) никоҳни вакиллар орқали қайд этишга йўл қўйилмайди;

г) никоҳни қайд этиш чоғида гувоҳларнинг бўлиши шарт.

**6-тест. Никоҳни тўхтатиш учун нима асос бўлади?**

- а) эр-хотиндан бирининг ўлими;
- б) оиланинг тузатиб бўлмас даражада барбод бўлиши;
- в) эр-хотиннинг ўзаро розилиги;
- г) юқорида саналганларнинг ҳаммаси.

**7-тест. Никоҳ шартномаси қайси ҳолатда ҳақиқий эмас ҳисобланади?**

- а) башарти у қонунга зид бўлса;
- б) башарти эр-хотиндан бири унга рози бўлмаса;
- в) ҳақиқий эмас деб умуман тан олинishi мумкин эмас;
- г) юқоридагилар орасида тўғри жавоб йўқ.

**8-тест. Қуйидаги ҳоллардан қайси бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўла олмайди?**

- а) ота-оналардан бирининг узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатли хизмат сафарида бўлиши;
- б) ота-оналардан бирининг сурункали ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка берилганлиги;
- в) болалари билан шафқатсиз муомалада бўлиши;
- г) ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаши.

**9-тест. Ёш болаларга васийлик неча ёшда тўхтатилади?**

- а) 6 ёш;
- б) 12 ёш;
- в) 14 ёш;
- г) 16 ёш.

**10-тест. Алимент мажбурияти нима?**

- а) давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- б) давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- в) мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўймайдиган ҳолат;
- г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат.

**11-тест. «Васийлик» тушунчасининг таърифи қайси жавобда тўғри берилган?**

- а) давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- б) давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- в) мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўймайдиган ҳолатлар;
- г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат.

**12-тест. «Ҳомийлик» тушунчасининг таърифи қайси жавобда тўғри берилган?**

- а) давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- б) давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл.
- в) мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўймайдиган ҳолат;
- г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат.

## **ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР**

**1-тест. Экологик ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни кўрсатинг.**

- а) атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муносабатлар;
- б) табиий ресурсларга бўлган мулкчилик муносабатлари;
- в) жисмоний ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар;
- г) юқорида саналганларнинг барчаси.

**2-тест. Экологик ҳуқуқ қайси ҳуқуқ тармоғига киради?**

- а) ҳуқуқнинг асосий тармоқларига;
- б) ҳуқуқнинг махсус тармоқларига;
- в) ҳуқуқнинг комплекс тармоқларига;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**3-тест. Табиий ресурс сифати ва миқдорини, ундан фойдаланувчилар таркиби ва тоифасини ифодаловчи иқтисодий, экологик, ташкилий ва техникавий кўрсаткичлар нима деб номланади?**

- а) давлат кадастри;
- б) давлат реестри;
- в) экологик паспорт;
- г) ердан фойдаланиш ҳуқуқини кўрсатувчи ҳужжат.

**4-тест. Қуйидаги ҳуқуқбузарликлардан қайси бири экологик жиноят ҳисобланади?**

- а) вақтинча эгаллаб турилган ерни ўз вақтида қайтармаслик ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ярайдиган ҳолатга келтирмаслик;
- б) ўрмонларни чиқиндилар ва ахлат билан ифлослантириш;
- в) ёввойи ҳолда ўсувчи дарахт ва буталарнинг меваларини белгиланган муддатни бузган ҳолда териш;
- г) экоцид.

**5-тест. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга нималар киради?**

- а) давлат кўрикхоналари;
- б) давлат миллий табиат боғлари;
- в) алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар;
- г) барча жавоблар тўғри.

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

**1-тест. Жиноят ҳуқуқи қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солади?**

- а) жазони ижро этиш муносабати билан юзага келадиган ижтимоий муносабатларни;
- б) жиноят содир этилиши муносабати билан давлат ва фуқаро ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни;
- в) жиноят иши бўйича иш юритиш тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни;
- г) юқорида санаб ўтилган ҳамма жавоблар тўғри.

**2-тест. Жиноят ҳуқуқида ҳуқуқий тартибга солиш усулини белгиланг.**

- а) жавобгарликка сабаб бўлувчи жиноятни ва қилмишнинг жазога лойиқлигини аниқлаш;
- б) жиноят ишини қўзғатиш асоси, тартиби ва шарт-шароитларини, суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиш, ишни судда кўриш;
- в) жазони ижро этиш ва ўташ тартиби ҳамда шарт-шароитларини белгилаш;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**3-тест. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қачон қабул қилинган?**

- а) 1994 йил 29 августда;
- б) 1994 йил 22 сентябрда;
- в) 1995 йил 1 апрелда;
- г) 2001 йил 29 августда.

**4-тест. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қачон амалга киритилган?**

- а) 1995 йил 1 апрелда;
- б) 1996 йил 5 июнда;
- в) 1996 йил 13 июнда;
- г) 1997 йил 1 январда.

**5-тест. Жиноят ҳуқуқининг қилмишнинг жиноийлиги, жазога лойиқлиги ва бошқа жиноий-ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланишини билдирадиган принцип нима деб номланади?**

- а) адолатлилик принципи;
- б) қонунийлик принципи;
- в) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи;
- г) инсонларварлик принципи.

**6-тест. Жиноят кодексининг «Ветеринария ёки зоотехника қондаларини бузиш» тўғрисидаги 200-моддаси диспозициясининг турини аниқланг.**

- а) оддий;
- б) тавсифловчи;
- в) бланкет;
- г) ҳавола қилувчи.

**7-тест. Жиноят кодексда қуйида санаб ўтилган санкция турларидан қайси бири йўқ?**

- а) мутлақ аниқ;
- б) нисбий аниқ;

- в) муқобил;
- г) юқоридагиларнинг ҳеч қайсиси.

**8-тест.** Қуйида санаб ўтилганлардан қайсилари кўп маротаба жиноят содир этишга крмайди?

- а) такроран жиноят содир этиш;
- б) жиноят содир этишга тегишлилик;
- в) жиноятлар мажмуи;
- г) рецидив жиноят.

**9-тест.** Инсонда жиний фаолиятга қарши мақсадни юзага келтириш жиноят ҳуқуқи қайси функциясининг мазмунини ташкил қилади?

- а) қўриқлаш функциясининг;
- б) олдини олиш функциясининг;
- в) тарбиявий функциясининг;
- г) рағбатлантирувчи функциясининг.

**10-тест.** Қилмишнинг жинийлигини истисно этиш (қилмишни жиний эмас деб топиш) қандай номланади?

- а) декриминализация;
- б) превенция;
- в) пенализация;
- г) ротация.

**11-тест.** Қуйида берилган ҳолатларнинг қайсилари Жиноят кодекси Умумий қисмининг мазмунига крмайди?

- а) жиноят ҳуқуқи, унинг вазифалари ва принциплари ҳақидаги таълимот;
- б) жиноят, унинг белгилари ва таркиби ҳақидаги таълимот;
- в) муайян турдаги жиноят ва уни содир этганлик учун жазо таърифи;
- г) жазо ҳақидаги таълимот.

**12-тест.** Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонуни:

- а) қайтиш кучига эга эмас;
- б) доимо қайтиш кучига эга;
- в) аниқ қилмиш учун жазо оғирлашадиган ҳоллардагина қайтиш кучига эга;
- г) жиноят содир этган шахсга белгиланган жазо енгиллаштирилиши ёки бошқача тарзда осонлаштирилиши мумкин бўлган ҳоллардагина қайтиш кучига эга.

**13-тест.** Жиноят қонунини шарҳлашнинг қуйида берилган турларидан қайси бири ҳажм бўйича шарҳлашга киради?

- а) тизимли;
- б) судлов тартибида;
- в) грамматик;
- г) сўзма-сўз.

**14-тест.** Қонунда қандай жазо муддати назарда тутилган қасддан содир этилган жиноят оғир жиноят ҳисобланади?

- а) 3 йилдан ортиқ, аммо 5 йилдан ортиқ бўлмаган;
- б) 5 йилдан ортиқ, аммо 10 йилдан ортиқ бўлмаган;
- в) 5 йилдан ортиқ, аммо 8 йилдан ортиқ бўлмаган;



г) 5 йилдан ортиқ, аммо 15 йилдан ортиқ бўлмаган.

**15-тест.** Жиноят кодексининг айни бир моддасида ёки моддасининг айни бир қисмида назарда тутилган ва икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилганлигини билдирадиган кўп маротаба жиноятлар содир этиш шакли қандай номланади?

- а) бир неча маротаба жиноят содир этиш;
- б) жиноятлар мажмуи;
- в) оддий рецидив;
- г) хавфли рецидив.

**16-тест.** Қуйидагилардан қайси бири жиноятнинг объектив томонига кирувчи белги ҳисобланади?

- а) айб;
- б) қилмишни содир этиш вақти;
- в) мақсад;
- г) сабаб.

**17-тест.** Жиноятнинг асосий таркиби нимани ўз ичига олади?

- а) ушбу турдаги барча жиноятларга хос бўлган, лекин жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлардан ташқари белгилар;
- б) ушбу турдаги барча жиноятларга хос бўлган ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни ўз ичига оладиган белгилар;
- в) ушбу турдаги барча жиноятларга хос бўлган ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига оладиган белгилар;
- г) ушбу турдаги барча жиноятларга хос бўлган ҳамда жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига оладиган ҳолатлар.

**18-тест.** Жиноят объектларини вертикал тарзда тўғри таснифлашни кўрсатинг.

- а) умумий, тур бўйича, қўшимча;
- б) асосий, қўшимча, бевосита;
- в) умумий, тур бўйича, бевосита;
- г) асосий, қўшимча, факультатив.

**19-тест.** Қуйида берилганлардан қайси бири жиноятнинг субъектив томони белгисини ташкил этмайди?

- а) айб;
- б) сабаб;
- в) жиноят предмети;
- г) мақсад.

**20-тест.** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноят субъекти сифатида кимлар тан олинади?

- а) фақат жисмоний шахслар;
- б) фақат жисмоний ва юридик шахслар;
- в) фақат юридик шахслар;
- г) фақат ақли норасо шахслар.

**21-тест.** Жиноят қонунда қуйида санаб ўтилган ҳолатлардан қайсилари жиноят содир этиш босқичларига кирмайди?

- а) қасднинг шаклланиши ва аниқланиши;
- б) жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш;

- в) жиноят содир этишга суиқасд қилиш;
- г) тугалланган жиноят.

**22-тест.** Бошқа шахсни кўндириш, унга пора бериш, қўрқитиш ва бошқа йўллар билан жиноят содир этишга оғдирувчи шахс қандай номланади?

- а) ижрочи;
- б) ташкилотчи;
- в) далолатчи;
- г) ёрдамчи.

**23-тест.** Жиноят содир этишдан ихтиёрый воз кечиш:

- а) жиноий жавобгарликни оғирлаштиради;
- б) жиноий жавобгарликни енгиллаштиради;
- в) жиноий жавобгарликни истисно этади;
- г) жиноят ҳуқуқида инобатга олинмаган.

**24-тест.** Қуйидагилардан қайсилари қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолат ҳисобланмайди?

- а) зарурий мудофаа;
- б) охирги зарурат;
- в) қилмишнинг кам аҳамиятлилиги;
- г) айбсиз равишда зарар етказиш.

**25-тест.** Қуйидагилардан қайсилари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жазо турига кирмайди?

- а) хизмат бўйича чеклаш;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- в) мол-мулкни мусодара қилиш;
- г) озодликдан маҳрум этиш.

**26-тест.** Озодликдан маҳрум этиш қайси муддатга белгиланади?

- а) уч ойдан 20 йилгача;
- б) олти ойдан 20 йилгача;
- в) уч ойдан 12 йилгача;
- г) олти ойдан 25 йилгача.

**27-тест.** Қуйида санаб ўтилган жазо чораларидан қайси бири Жиноят кодексига фақат ўлим жазосига муқобил чора сифатида белгиланган?

- а) 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш;
- б) олти ойгача қамоққа олиш;
- в) бир умрга озодликдан маҳрум этиш;
- г) юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси.

**28-тест.** Жисмоний шахсларнинг қайси тонфасига нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас?

- а) аёлларга нисбатан;
- б) 18 ёшгача бўлган ёшда жиноят содир этган шахсларга нисбатан;
- в) суд қарори чиққан пайтда 65 ёшга етган эркакларга нисбатан;
- г) юқорида саналганларнинг барчасига.

**29-тест.** Қандай жиноятларни содир этишга тайёргарлик учун жиноий жавобгарлик юзага келади?

- а) ўртача, оғир ва ўта оғир жиноятларга;

- б) оғир ва ўта оғир жиноятларга;
- в) фақат ўта оғир жиноятларга;
- г) оғирлик даражасидан қатъи назар, ҳар қандай жиноятларга.

**30-тест.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, жарима қанча миқдорда белгиланади?

- а) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 300 бараваригача;
- б) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 600 бараваригача;
- в) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 600 бараваригача;
- г) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 15 бараваридан 600 бараваригача.

**31-тест.** Оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб ўтадиган жазо қўлланиладиган муддат қанча вақтни ташкил этади?

- а) 5 йил;
- б) 7 йил;
- в) 10 йил;
- г) 15 йил.

**32-тест.** Ўзбекистон судлари жазога ҳукм қилган шахсларни афв этиш ҳуқуқи кимга тегишли?

- а) Олий Мажлисга;
- б) Конституциявий судга;
- в) ҳукуматга;
- г) Президентга.

**33-тест.** Вояга етмаган шахсга қандай жазо тури тайинланиши мумкин эмас?

- а) жарима;
- б) қамоқ;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) бир умрга озодликдан маҳрум этиш.

**34-тест.** Жазо чораси сифатида озодликдан маҳрум этиш кўпи билан қанча муддатга жазога ҳукм қилинган вояга етмаганларга нисбатан тайинланади?

- а) 5 йил;
- б) 10 йил;
- в) 15 йил;
- г) 20 йил.

**35-тест.** Турли хил жазоларни қўшиш чоғида озодликдан маҳрум этишнинг бир куни нимага тўғри келади?

- а) қамоқнинг 1 куни ёки интизомий қисмга юборишга;
- б) озодликни чеклашнинг 2 кунига;
- в) ахлоқ тузатиш ишларининг 8 соатига;
- г) юқорида санаб ўтилган вариантларнинг исталганига.

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

**1-тест.** Қуйида берилган принциплардан қайсилари халқаро ҳуқуқ принципларига кирмайди?

- а) тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш принциплари;
- б) халқаро ҳамкорлик принциплари;

- в) инсон, халқлар ва миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принциплари;
- г) миллий ҳуқуқнинг устунлиги принципи. ✓

**2-тест.** Қуйидаги халқаро ҳуқуқ манбаларидан қайсилари асосий манбаларга киради?

- а) халқаро ташкилотларнинг қарорлари;
- б) халқаро одатлар;
- в) ҳуқуқнинг умумий принциплари;
- г) санаб ўтилганларнинг ҳаммаси. ✓

**3-тест.** Давлатлар, ҳукуматлар (ёки бошқа ҳокимиятлар) бир-бирлари билан мажбуран, қандайдир аниқ масалаларни ҳал этиш учун расмий алоқага киришадиган, аммо, шу билан бирга, бир-бирларини тан олишни истамайдиган эътироф этиш тури қандай номланади?

- а) de-facto;
- б) de-jure;
- в) ad hoc;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**4-тест.** Халқаро шартнома тузишнинг охириги босқичини кўрсатинг.

- а) шартноманинг имзоланиши;
- б) изоҳларни эълон қилиш;
- в) шартнома матни бўйича келишув;
- г) БМТда шартномани расмий тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш.

**5-тест.** Халқаро тартибли ҳудудларга нима киради?

- а) континенталь шельф;
- б) очик денгиз;
- в) иқтисодий зона;
- г) ҳудудий денгиз.

**6-тест.** Тальвег (энг чуқур чизик) бўйича қайси турдаги чегаралар ўрнатилади?

- а) кўллардаги чегаралар;
- б) кема қатнайидиган дарёлардаги чегаралар;
- в) кема қатнамайдиган дарёлардаги чегаралар;
- г) бошқа сув ҳавзаларидаги чегаралар.

**7-тест.** Маифаатдор шахснинг илтимоси бўйича якка тартибда фуқароликка қабул қилиш нима деб номланади?

- а) натурализация;
- б) оптация;
- в) реинтеграция;
- г) экспатриация.

**8-тест.** Ажнабий фуқароларга бирон-бир соҳада муайян ҳуқуқлар бериладиган, шунингдек, уларга ушбу соҳада давлат ўз фуқароларига назарда тутганидан фарқ қилувчи муайян мажбуриятлар белгиланадиган ҳуқуқий тартиб қандай номланади?

- а) махсус тартиб;
- б) миллий тартиб;
- в) энг қулай тартиб;
- г) шаргли тартиб.

**9-тест.** Давлатнинг муайян шахсни хорижий ваколатхона бошлиғи сифатида қабул қилишга розилиғи қандай номланади?

- а) агреман;
- б) депортация;
- в) персонал нон грата;
- г) инсуррекция.

**10-тест.** Қабул қилувчи давлат томонидан хорижий давлат консулига тегишли консуллик округида ўз вазифаларини бажариши учун бериладиган рухсат қандай номланади?

- а) консуллик патенти;
- б) экзекватура;
- в) консуллик мандати;
- г) консуллик ёрлиғи.

**11-тест.** БМТ қачон ташкил топган?

- а) 1942 йилда;
- б) 1945 йилда;
- в) 1949 йилда;
- г) 1953 йилда.

**12-тест.** Қайси давлат БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эмас?

- а) Хитой;
- б) Ҳиндистон;
- в) Франция;
- г) Буюк Британия.

**13-тест.** БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси қачон қабул қилинган?

- а) 1945 йилда;
- б) 1948 йилда;
- в) 1966 йилда;
- г) 1984 йилда.

**14-тест.** Шартномада белгиланган ва муайян ҳудуд ёки макондан тинчлик вақтида ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқловчи халқаро ҳуқуқий тартиб қандай номланади?

- а) демилитаризация;
- б) ремилитаризация;
- в) нейтрализация;
- г) гуманизация.

**15-тест.** Қуйида санаб ўтилган шахсларнинг қайсылари комбатантлар деб аталади?

- а) хўжалик персонали;
- б) тиббий персонал;
- в) қуролли кучларнинг жанг қилувчи қисми;
- г) руҳонийлар.

**16-тест.** Қандай ҳолларда давлат жиноят содир этган фуқароларини бошқа давлатга ушлаб бермайди?

а) ушлаб беришни талаб этаётган мамлакатда бу мамлакатдагидан кўра оғир-роқ жазо тайинланган бўлса;

б) ушбу жиноят содир этилганидан сўнг кўп муддат ўтган бўлса;

в) агар ушлаб бериш ҳақидаги талаб ирқий белгилари, дини, миллати ёки сиёсий эътиқоди бўйича таъқиб этиш ёки жазолаш мақсадида берилган, деб ҳисоблаш учун жиддий асослар бўлса;

г) юқорида санаб ўтилган ҳолларнинг барчасида.

**17-тест.** Халқаро иқтисодий ҳуқуқда дискриминация қилмаслик принципи нимани билдиради?

а) бир давлатнинг шерик давлат билан бир қаторда (шунингдек, фуқаролари ва миллий ҳуқуқининг бошқа субъектларига) бошқа барча давлатларга бериладиган мақбул умумий шарт-шароитларга эга бўлиш ҳуқуқи;

б) давлатнинг шерик давлатга ҳар қандай бошқа томонда амал қиладиган ёки жорий этилиши мумкин бўлган имтиёзли (энг қулай) шароитларни бериш мажбурияти;

в) ҳуқуқий муносабатларнинг айрим турлари бўйича хорижий давлат жисмоний ва юридик шахсларнинг маҳаллий жисмоний ва юридик шахсларга тўла тенглаштирилиши;

г) хорижий давлатга, аввало, савдо божлари соҳасида муайян савдо имтиёзлари берилиши.

**18-тест.** Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Европа конвенцияси қачон қабул қилинган?

а) 1948 йилда;

б) 1950 йилда;

в) 1966 йилда;

г) 1994 йилда.

**19-тест.** Қайси халқаро ташкилот атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг маркази ҳисобланади?

1) ЭКОСОС;

2) МАГАТЭ;

3) ЮНИДО;

4) ИКАО.

**20-тест.** Денгиз соҳилидаги давлатнинг ички сув ҳавзалари деб қирғоқлари айни бир давлатга тегишли бўлган ва кириш жойларининг кенглиги кўпи билан қуйидагича бўлган денгиз бухталари, бўғозлари, лиманлари ва қўлтиқлари ҳисобланади:

а) 12 денгиз мили;

б) 24 денгиз мили;

в) 36 денгиз мили;

г) 48 денгиз мили.

**21-тест.** Фуқаро авиацияси фаолиятига гайриқонуний аралашув ҳаракатларига қарши кураш билан шугулланишга асос бўладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатни кўрсатинг.

а) 1963 йилги Токио конвенцияси;

б) 1970 йилги Гаага конвенцияси;

- в) 1971 йилги Монреаль конвенцияси;
- г) юқоридаги ҳужжатларнинг барчаси.

**22-тест. Антарктида тўғрисидаги шартнома қачон имзоланган?**

- а) 1959 йилда;
- б) 1972 йилда;
- в) 1980 йилда;
- г) 1982 йилда.

**23-тест. Уруш ҳуқуқининг иккинчи номини кўрсатинг.**

- а) Гаага ҳуқуқи;
- б) Женева ҳуқуқи;
- в) Европа ҳуқуқи;
- г) тўғри жавоб йўқ.

**24-тест. БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенцияси қачон имзоланган?**

- а) 1972 йилда;
- б) 1982 йилда;
- в) 1984 йилда;
- г) 1987 йилда.

## **XXI АСР БОШИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ** (хулоса ўрнида)

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқининг XXI аср бошидаги ривожланиш стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Мақсадимиз — Ватан мустақиллиги ва гуллаб-яшнаши, халқ озодлиги ва фаровонлиги», «Адолат — қонун устуворлигида», «Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди» маърузаларида белгилаб берилган.

### **Парламент ислоҳоти — демократик давлатчиликни ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари шаклланди, миллий парламентчилик анъаналари ривожланди. Олий қонун чиқарувчи орган бўлмиш Олий Мажлиснинг қарор топишига Ўзбекистон Республикасининг Президенти — мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг асосчиси И. А. Каримов улкан ҳисса қўшди. Айнан у Олий Мажлиснинг тўғри, барча тан олган маънодаги олий қонунчилик органи — парламент бўлиб шаклланишига ва ҳуқуқий ҳолатига кўра давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан тенглашишига, бу билан зарур конституциявий-ҳуқуқий мувозанатнинг таъминланишига ёрдам берди.

Давлатимиз бошлиғининг икки палатали парламентни тузиш зарурлиги ҳақидаги ғоялари Ўзбекистон Республикасини XXI аср бошида ривожлантириш стратегиясининг таркибий қисми бўлмиш миллий давлатчилик институтларини ислоҳ қилишнинг асосини ташкил этди. Давлат ҳокимияти барча органларининг ишини замон талабларига мос равишда тубдан яхшиламай туриб демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ўзбек жамияти ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Халқ қўллаб-қувватлайдиган кучли ва адолатли ҳокимият демократик фуқаролик жамияти ва келажаги буюк давлатни шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

2001 йил 6 декабрда Олий Мажлис икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияда белгиланган ваколатларини ўзгартириш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ҳақида тарихий қарор қабул қилди.

2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда икки палатали парламентни тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Ушбу қарор мамлакат ривожланишида ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш билан боғлиқ янги босқич бошланганлигидан далолат берди.

«Референдум, — деди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, — фуқароларнинг эркин фикр билдириш минбари, уларнинг ўтказилаётган ислоҳотларга ва уларнинг келажагига бўлган муносабати бўлди». Шундан сўнг юртбошимиз: «Халқимиз танлаган йўлимизни, яъни тоталитар режимдан воз ке-



чиш, очиқ, демократик давлат барпо этиш йўлини қўллаб-қувватлади...»<sup>1</sup>, — деб таъкидлади.

Доимий амал қилувчи икки палатали қонун чиқарувчи органни яратиш ҳозирги парламентаризмнинг ўзига хос тамойилидир. Жаҳондаги демократик мамлакатларнинг кўпчилигида икки палатали парламентлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлинишидан иборат конституциявий принципни изчил амалга ошириш давлат ҳокимияти барча институтларининг самарали амал қилиши мамлакатимизнинг демократия ва тараққиёт йўлидан изчил илгарилаб боришининг ҳал қилувчи шартидир. Ушбу йўналишдаги барқарорликни, узоқ муддатли дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилишини, жамият ва давлат ҳаётининг қай тарзда ривожланишини олдиндан айтиш мумкинлигини таъминлашга хизмат қиладиган зарур қадамни давлат бошлиғи ваколатларининг энг мақбул конституциявий муддатларини белгилаш ташкил қилади.

**Ислохотларнинг натижалари — давлат ҳокимияти органлари тизимини янада такомиллаштириш асоси.** Референдум натижалари фуқароларнинг юксак сиёсий онгга эгаллигини ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан фаол эканлигини, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлашини намойиш этди. Референдум Ўзбекистоннинг ҳозирги жамиятида давлатнинг конституциявий тузилишини ривожлантириш борасидаги энг муҳим масалаларида юксак даражадаги келишувга эришилганлигини кўрсатди ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини ислоҳ қилиш учун туртки берди.

Референдум ўзбек жамияти давлат-ҳуқуқий тизимининг олдинга ривожланиши учун кенг истиқболлар очди, давлат ҳокимияти органларига, мансабдор шахсларга демократик ислохотларни ўзказиш учун зарур бўлган ишонч билдирди ва уларнинг зиммасига улкан масъулият юкледи.

Референдумнинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга бўлган қарори миллий давлатчилик ривожланишидаги ва қонун ижодкорлигини фаоллаштириш борасида янги босқичнинг бошланиши бўлди. Халқимиз референдумга қўйилган масалаларни маъқуллаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятини давом эттириш зарурлигини тасдиқлади. Референдум қарорлари фуқаролик жамияти асосий институтларининг изчил ривожлантирилиши учун зарур бўлган энг муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Референдум қарорларини ҳаётга жорий этиш қуйидагиларга имкон беради:

1) ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни тўлароқ амалга ошириш, уларнинг самарали хамкорлиги учун зарур шароитни яратиш, тийиб туриш ва мувозанатга солиш тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

2) қонун чиқариш иши ва давлат қарорларини қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш;

3) қабул қилинаётган қонунларнинг самарадорлигини ошириш;

4) суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳамда халқнинг қонун ва адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

5) фуқароларнинг сиёсий ва ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш;

<sup>1</sup> Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди // Халқ сўзи. 2002. 5 апрель.

б) мамлакатда ҳақиқий кўп партияли тизимни ривожлантириш;

7) демократик жараёнларни ривожлантиришни рағбатлантириш.

Референдум натижалари давлат ҳокимияти органлари ҳақидаги қонунларни янгилаш ва ривожлантиришни ҳамда фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш, қонунчилик қарорларини қабул қилишда ҳолисона изчилликни талаб этади. Бунда амалга ошириладиган ишлар у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш билан чекланиб қолмаслиги керак, зеро уларнинг миқдори ўз-ўзидан давлатчилик институтлари ривожланганлигидан, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги даражаси юксалганлигидан ва қонунчиликнинг мустақкамлигидан далолат бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Референдуми яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 2002 йил 4 апрель қарорида шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда, миллий давлатчилик асосий институтларини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, XXI бошидаги қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналишлари, шунингдек, қонунларни қабул қилиш кетма-кетлиги белгилаб берилди. қонунларни ривожлантириш жараёнида, аввало, иккита асосий вазифа келишилган ҳолда ҳал этилмоқда: биринчидан, ўтказиладиган ислохотларнинг ишончли ҳуқуқий асоси яратилмоқда, илгарилама сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш мақсадларига эришиш кафолатланмоқда; иккинчидан, ҳуқуқий принципларнинг барқарорлиги ҳамда қонун ҳужжатлари тузилишининг яхлитлиги ва унинг жадал суръатларда ривожланиб бориши таъминланмоқда.

Референдум натижалари «биринчи галда Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топиши лозим»<sup>1</sup>, яъни миллий давлатчилигимизнинг конституциявий асосларини такомиллаштириш талаб этилади. Парламент саккизинчи сессиясида қонун ижодкорлиги ишининг асосий йўналишларини белгилаб берди. «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги 2002 йил 4 апрель конституциявий қонуни кейинги ўзгаришларни чуқур ўйлаб ва асосли амалга ошириш имконини берувчи норматив асос бўлиб хизмат қилади. Унда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари белгилаб берилди. Унга конституциявий қонун статусининг берилиши референдум қарорларини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий асосни яратиш ҳамда қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш имконини беради. Бинобарин, янги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтиради. Конституциявий қонун, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — муҳраб беради ва асосий қонунимиз бўлиши Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади»<sup>2</sup>.

Асосий қонунда яхлит, принципаал концепция ўз ифодасини топади, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ҳамкорлигининг турли жиҳатлари уйғунлашади. Ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, Конституциянинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимини, яъни Ўзбекистон Респуб-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

ликаси Олий Мажлиснинг ва палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, жойлардаги давлат ҳокимияти ва суд ҳокимияти органларининг конституциявий ҳолатини тартибга солувчи нормаларига киритилади.

XXI аср бошида Ўзбекистон қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1) икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги парламент ислохотларини давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг асосий вазифаси сифатида амалга ошириш;

2) давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов ўтказиш тартибини янгилаш ва такомиллаштириш;

3) президентлик институтининг конституциявий нормаларини ривожлантириш;

4) ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, аввало, Вазирлар Маҳкамаси, прокуратура, жойлардаги давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

5) суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

6) сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тайёрлаш, халқро шартномалар, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

**Давлат ҳокимияти органлари тизимини ислоҳ қилиш ва фуқаролик жамияти институтини ривожлантириш.** «Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 2-моддасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг бешта асосий принциплари белгиланган:

биринчи принцип — қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

иккинчи принцип — халқро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали тизимни яратиш;

учинчи принцип — сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

тўртинчи принцип — нодавлат, нотижорат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

бешинчи принцип — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларни жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизминини шакллантириш ва кучайтириш.

Конституциявий қонунда икки палатали парламентнинг ҳуқуқий ҳолати ва тузилишига доир асосий қондаларгина мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати бир қатор масалаларни, жумладан, парламентни шакллантириш, ташкил қилиш, унинг амал қилиши ва ваколатларини тўхтатиши, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан ҳамкорлиги каби масалаларни қамраб олади.

Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлис — Ўзбекистон Республикасининг доимий амал қилувчи вакиллик ва қонун чиқарувчи органи бўлиб, Қонун чиқарувчи қўйи палата ва Сенат номли юқори палатадан иборат. Таъкидлаш жоизки, парламентнинг назорат қилиш ваколатлари қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият муносабатларини ташкил қилишнинг демократик тизимидаги муҳим элемент бўлиб, парламент назорати ғоясини жаҳон парламент тараққиётидаги ҳозирги замон тамойилларига жавоб берувчи шаклларда амалга ошириш имконини беради.

Ҳар бир палатанинг ваколат муддати — беш йил.

Палаталар кўриб чиқиши учун тақдим этиладиган масалаларни дастлабки кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун қонун чиқарувчи палата ва Сенат ўз таркибидан кўмиталар (комиссиялар) сайлайди. Уларни шакллантириш принциплари, ваколатлари ва фаолият тартиби қонунда белгиланади.

Қонун чиқарувчи палатанинг фаолият кўрсатишида депутатлар фракциялари катта ўрин тутadi. Қонунда фракцияларни тузиш тартиби, уларнинг парламент фаолиятида иштирок этиш шакллари назарда тутилган.

Қонун чиқарувчи палатанинг асосий вазифаси қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат. Сенат қонун чиқарувчи палата қабул қилган қонунларни минтақаларнинг манфаатларини ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда маъқуллайди. Сенат ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяларини сайлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини ва унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва бўшатиш, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг ҳисоботларини тинглаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, мамлакатнинг давлат ва жамоат ҳаётига оид бошқа муҳим масалаларни ҳал этиш киради.

Қонунларни Қонун чиқарувчи палата қабул қилади, сўнгра Сенатга маъқуллаш учун юборади. Сенат қонунни қабул қилмаган тақдирда палаталар юзага келган низоларни ҳал этиш учун келишув комиссиялари ташкил қилишлари мумкин.

Қонун чиқарувчи палата қабул қилган ҳамда Сенат маъқуллаган қонун Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш учун юборилади (Конституциявий қонуннинг 10-моддаси).

Сенатнинг Қонун чиқарувчи палата қабул қилган қонунга қўйган ветосини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонун чиқарувчи палата қабул қилган ва Сенат маъқуллаган қонунга қўйган ветосини бартараф этишнинг маърифий механизми ишлаб чиқилган.

Сенат қўйи палата билан параллел тарзда қонун чиқариш фаолияти билан бевосита шуғулланмайди. Сенат аъзолари мамлакат ҳамда тегишли минтақалар манфаатларини инобатга олган ҳолда, қўйи палата тақдим этган қонун лойиҳала-

рини маъқуллаш ёки маъқулламаслик орқали қонунчилик фаолиятида иштирок этадилар. Қуйи палатадан фарқли ўлароқ, Сенат доимий асосда ишламайди, балки ўз фаолиятини сессияларга тўпланиб амалга оширади, қуйи палата қабул қилган қонунларни муҳокама қилади ва улар бўйича ўз қарорини чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қонун чиқариш ҳокимиятини амалга ошириши Қонун чиқарувчи палата депутатлари ва Сенат аъзоларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида ташаббус билан ва фаол иштирок этиши ҳамда уларнинг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этишига асосланади. Қонунчилик жараёни демократик тартибининг ҳуқуқий кафолатини кучайтирмай туриб Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантириш мумкин эмас. Ушбу кафолатлар сиёсий партиялар ва депутатлик бирлашмаларининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишнинг барча босқичларида иштирок этишини таъминлашга қаратилган. Бу эса парламент ишининг юксак даражада ошкоралигини, оммавий парламент муҳокамаларининг ўтказилишини тақозо этади. Мазкур кафолатлар парламентнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларнинг бутун тизимига сингиб кетган.

Қонун чиқарувчи палатанинг барча депутатлари профессионал, доимий асосда ишлайдилар ҳамда педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Қонун чиқарувчи палата депутатлари ва Сенат аъзолари бутун ваколат муддати давомида дахлсизликка эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги 2000 йил 4 апрелда қабул қилинган конституциявий қонуни референдумнинг давлат бошлиғи ваколатларининг конституциявий муддатини ўзгартириш масаласига оид натижаларини ҳаётга жорий этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг етти йиллик муддатга сайланиши ҳақидаги қондан мустаҳкамлади.

Референдум қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш давлат бошлиғига қуйидаги имкониятларни беради:

— давлат ҳокимияти барча тармоқларининг мувозанатлашган ва оқилона ҳамкорлигини таъминлаш;

— Конституциянинг ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг кафили вазифасини бажара бориб, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан иборат муҳим вазифани изчил ҳал этиш;

— сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш;

— ўз ваколатларидан жамиятнинг барча сиёсий куч ва ижтимоий гуруҳларини селиштириш ва бирлаштиришда самаралироқ фойдаланиш;

— қонунлар ижро этилишининг самарадорлигини ошириш ва уларга риоя этилишининг амалий назорат қилинишини таъминлаш.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини марказдан маҳаллий идораларга бериш, марказий бошқарув органларига тегишли бир қатор функцияларни давлат ҳокимиятининг жойлардаги органларига ўтказиш, шунингдек, давлат органларининг баъзи ваколатларини фуқаролик жамияти институтларига топширишга қаратилган сиёсат давом эттирилмоқда.

Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, давлат органлари ҳамда мансабдор

шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг энг муҳим кафолатидир.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги мустаҳкамланмоқда, судларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятлари такомиллашмоқда.

Фуқаролик жамияти институти амал қилишининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, парламент қўйи палатасини шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрнини кучайтириш, парламентда депутатлик фракциялари ишининг самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Фуқаролик жамияти институти ривожланганлигининг сиёсий-ҳуқуқий ва институционал кўриниши давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ижтимоий назорат қилишдан иборат.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига» принципини амалда жорий этишнинг ҳуқуқий асосини яратиш зарур. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар талаб этилади:

биринчидан, давлат бошқарувининг марказий ва олий органлари ваколатларини қўйи тузилмаларга, жумладан ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш;

иккинчидан, уларнинг фаоллигини оширишда қўллаб-қувватлаб ва кўмаклашиб, нодавлат, жамоат ташкилотларини, аввало, фуқаролик жамияти барча институтларини ривожлантириш учун шарт-шарот яратиш;

учинчидан, жамият ва фуқаролар томонидан давлат идоралари, энг аввало, унинг маъмурий органлари устидан назорат ўрнатиш<sup>1</sup>.

**Давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларини шакллантириш.** Давлат ҳокимияти энг муҳим институтларини шакллантиришнинг янги стратегияси ҳамда парламент демократиясини ривожлантиришнинг асосий белгиловчи жиҳати Ўзбекистон Республикаси Президенти, парламент, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатларини сайлашга бағишланган сайлов қонунларини такомиллаштиришдан иборат.

Қонун чиқарувчи палатага сайлаш учун Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлинишини инобатга олган ҳолда тахминан тенг сонли сайловчилардан бир мандатли сайлов округлари ташкил этилади. Депутатларни сайлаш кўп партиязий асосда умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи билан яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари улар ташкил этадиган ташаббускор гуруҳлар орқали ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантиришда минтақаларнинг тенг вакиллиги таъминланади. Бунда Сенатга вакиллик нормаси ҳар бир минтақадан олти кишидан иборат қилиб белгиланган ва Сенатга минтақаларнинг вакилларини сайлаш тартиби кўрсатилган. Сенат аъзоларини сайлаш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллик органлари-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша жойда.

нинг қўшма мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан ушбу вакиллик органларига сайловлар ўтказилганидан сўнг кўпи билан бир ой ичида амалга оширилади.

Юқори палатада қарорлар қабул қилишда умумдавлат манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳамда халқаро парламентаризм амалиётидан келиб чиқиб, давлат бошлиғига катта амалий тажрибага эга бўлган, фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш ҳамда давлат ва жамоат фаолиятининг бошқа соҳаларида алоҳида хизматларга эга бўлган энг обрўли фуқаролар орасидан 16 нафар Сенат аъзоларини тайинлаш ҳуқуқи берилган.

Конституциявий қонунда қонун чиқарувчи палата депутатлигига ва Сенат аъзолигига кўрсатиладиган номзодларга қўйиладиган талаблар мустаҳкамланган.

Айни бир шахс бир вақтнинг ўзида қуйи ва юқори палаталарга сайланиши мумкин эмас.

Конституциявий қонунда сайловларни ўтказиш муддатлари белгиланган. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ушбу масалани ҳал этишнинг энг мақбул йўли — сайлов ўтказиладиган вақтни (кунни) қонунда аниқ белгилаб қўйиш. Конституциявий қонуннинг 3-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентини, Олий Мажлиснинг ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қонун чиқарувчи палатасини, вилоят, шаҳар, туман, вакиллик органларининг сайловлари ягона тегишли муддатларда — уларнинг конституциявий ваколатлари тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи яқшанбасида ўтказилади.

Президент ва парламент сайловларининг муддати мос келган тақдирда, давлат ҳокимиятининг узлуксизлиги ва ворисийлигини таъминлаш, унинг барча тармоқлари конструктив ҳамкорлигини сақлаб қолиш мақсадида, Конституциявий қонунда парламент ваколатлари муддатини 1 йилга узайтириш ҳақидаги норма мавжуд. Бундай ҳолларда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколатлари ҳам худди шу муддатга узайтирилади.

Сайлов учун бундай тартибнинг белгиланиши катта амалий аҳамиятга эга:

биринчидан, сайлов ўтказиш муддатини аниқ белгилаш ушбу соҳада ўзбошимчалик ва ҳар кимнинг ғаразли манфаатлари намоеън бўлиши ҳамда бошқа шу каби субъектив ёндашувларнинг олдини олади;

иккинчидан, кўпгина демократик давлатларда мавжуд бўлган тартибга мос келади;

учинчидан, фуқаролар сайлов фақат йил охирида, хотиржам шароитда, йил учун мўлжалланган барча режалар ва ишлар яқунланганидан кейин ўтказилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар;

тўртинчидан, бундай тартиб қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида мувозанат ва келишувни таъминлаш учун, уларнинг фаолиятида такрорлашга йўл қўймаслик, ушбу органларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун шароит яратади<sup>1</sup>.

Давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг янги тартиби қуйидаги имкониятларни беради:

1) янги парламентни, давлат ҳокимиятининг сайланадиган бошқа институтларини шакллантиришнинг демократик ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

<sup>1</sup> Ўша жойда.

2) фуқаролар, фуқаролик жамиятининг барча институтлари сайловлар ўтказилишида иштирок этишини фаоллаштириш;

3) кўп партиявий тизимнинг ривожланишини таъминлаш;

4) аҳоли ва минтақаларнинг тегишли равишда Қонун чиқарувчи палата ва Сенатда кенг вакилликни таъминлаш учун шароитлар яратиш;

5) давлат ҳокимияти барча тармоқларининг барқарорлиги ва ворисийлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши ва конструктив ҳамкорлигини таъминлаш.

Махсус қонун ҳужжатларида қонун чиқарувчи палата депутатлари ва Сенат аъзоларининг, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларнинг статуси, энг муҳим ваколатлари ва фаолиятининг кафолатлари белгиланади. Уларда депутатнинг унинг номзодини илгари сурган сайловчилар ва сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти, ҳуқуқ ва эркинликлари, депутатлик ахлоқи масалалари акс эттирилади.

Конституциявий қонун қоидаларининг амалга оширилиши қонун чиқарувчи органдан давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини, шунингдек, уларга эришиш йўллари ва воситаларини аниқ тушунишга қаратилган юксак касб маҳоратини талаб этади. Бу иш жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда манфаатли иштирокини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 27 январь Референдумининг натижалари бўйича қонунчилик ишларининг асосий йўналишларида назарда тутилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш ишнинг якунланишини билдирмайди, чунки уларнинг қабул қилиниши барча қоидалар тўла амалга ошишини таъминламайди. Бу жараён яқин келажаккагина эмас, балки узоқ муддатли истиқболга ҳам мўлжалланган. Зеро, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини тартибга соладиган, конституциявий қонуннинг қоидалари билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларини қабул қилиш талаб этилади.

Бутун дунёда давлат қурилиши жараёни узлуксиз жараён ҳисобланади. Шу боис референдум қарорларини давлат ҳокимиятининг барча органлари сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий чоралар орқали, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ва давлат ҳаётига оид энг муҳим масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиш йўли билан ҳаётга жорий этишлари керак.

### **Қонунчиликни эркинлаштириш — ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши**

Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиш йилларида давлат-ҳуқуқий қурилиш соҳасида, қонун ижодкорлиги ва ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида мислсиз муваффақиятларга эришди. Мамлакат тараққиётининг янги аср бошларидаги стратегияси мазмунини эркинлаштириш, адолат ва қонун устунлигини таъминлаш ғоялари ташкил этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг янги, умуминсоний ва миллий қадриятларимиз уйғунлиги замирида яратилган ҳуқуқий доктринасига эга. Унга кўра, ҳуқуқ—



ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолат ва тенгликни, вужудга келтириш воситасидир<sup>1</sup>.

Эркинлик ва адолат ғояларини қонунчилигимиз мазмунига сингдириш ўта муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этишга Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақриқ Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган олтинчи сессияси салмоқли ҳисса қўшди. Ушбу сессияда «Жинойий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши улкан ислоҳий қадам бўлди. Мазкур қонун собиқ совет тузуми даврида жорий этилган тоталитар жинойий жазо тизимига чек қўйди. Халқимизнинг давлатга, унинг адлия, суд ва тергов идораларига ишончини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. Эндиликда эркинлаштириш ва муносабатларнинг ошкоралиги шароитида Фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида фаоллик намоён этиш имкониятлари вужудга келди.

Янги қонуннинг туб моҳияти — Жиноят кодексидagi озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатларини қисқартириш, уни айрим ҳолларда жарима билан алмаштириш орқали жинойий-ҳуқуқий жазоларни енгиллаштиришдан иборат.

Президент И. А. Каримовнинг «оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш, ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда»<sup>2</sup>, деган сўзлари айни ҳақиқатдир. Озодликдан маҳрум этишнинг кўплаб маҳқумларни ахлоқан тузатиш воситаси сифатида самараси камлиги кўпгина илмий тадқиқотлар билан тасдиқланган. Жиноятчиликка қарши кураш барча иқтисодий, ижтимоий ва тарбиявий омиллар ҳаракатга келтирилгандагина самарали бўлади. Шу боис, аввалги қонунларда мавжуд бўлган жазолаш йўналишининг устунлиги, умуман олганда, ижтимоий муносабатларнинг демократлашувига мос келмас эди. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришнинг мазмунига киритилган ўзгаришлар ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан.

Амалдаги қонунчилигимизни эркинлаштиришнинг муҳим ифодаси ўлим жазосини қўллашнинг қисқартирилишида намоён бўлди. Ўлим жазосини жиноят содир этган 60 ёшдан ўтган эраклар, аёллар ва 18 ёшгача бўлган шахсларга тайинлашнинг тақиқлангани катта инсонпарварлик намоёишидир. Президентимиз таъкидлаганидек, «фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ... халқимизнинг ўзига хос бетакрор ва бебаҳо фазилатларидан ҳисобланади».<sup>3</sup>

Қонунчилигимиздаги яна бир муҳим янгилик: **томонларнинг ярашуви** институтидир. Унинг миллий қонунчилик даражасида жорий этилишини давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатидаги ҳал қилувчи бурилиш, деб эътироф этиш лозим. Томонлар ярашуви янги ҳуқуқий ҳодиса бўлишига қарамай, чуқур тарихий илдизга эга, зеро бағрикенглик, сабр-тоқатлилик ва фуқароларнинг бир-бирларини кечира олиши миллий маданиятимизга доимо хос бўлган.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ватан саждағоқ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., 1996. 20-б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Адолат — қонун устуворлигида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маъруза // Халқ сўзи. 2001. 30 август.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

Ушбу қонуний ечимнинг аҳамияти жуда катта, чунки фуқаролик жамияти сари бориш жараёнида илк бор фуқарога унга зарар етказувчи ишлар бўйича ўз айбловини қувватлаш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга, томонлар ярашуви институти жиноят содир этган шахсни ўз айбини бўйнига олиб келиши, жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф этиши, одил судлов органларига айбдорларни фош этишда ёрдам беришига ундаб, жиноят ҳуқуқининг рағбатлантирувчи нормалари кенг қўлланилишига олиб келади.

Томонларнинг ярашуви институти, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш шакли сифатида, ўз айбини тан олган ва жабрланувчига етказилган зарарни қоплашга тайёрлигини билдирган тақдирда суриштирув, тергов ва суд органлари фаолиятига ҳам баъзи тузатишлар киритади. Улар суддан олдинги ва суд давридаги муҳокама жараёнларини соддалаштириш ва томонларнинг ярашуви учун ҳақиқий процессуал имкониятлар бериш билан боғлиқдир. Бироқ, томонларнинг ярашуви тўғрисидаги қарор суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга эмас, аввало, томонларнинг бир-бирларини тушунишларига боғлиқ эканлиги муҳимдир.

Туб ўзгариш хусусиятига эга бўлган яна бир янгилик **мулкни мусодара этиш** чорасини мулкнинг дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидаларга зид қоида сифатида жиноят учун жазолар тизимидан чиқариб ташлашдир. Демократик давлатда мулк бирор орган ёки мансабдор шахснинг қарори билан олиб қўйилиши (бегоналаштирилиши) мумкин эмас. Зеро, бу бировнинг мулкни маъмурий буйруқбозлик услубида тасарруф этишдан иборат «социализм» вақтидан қолган зарарли услубдир. Мусодара қилиш жазосидан оиланинг умумий мулки, судланувчининг фарзандлари ва рафиқаси кун кечириши учун зарур бўлган барча мулк мустаснодир. Аммо, жиноят предмети ва воситасини ташкил этган мулк суд ҳукмига асосан давлат ихтиёрига ўтказилади.

Мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазодан воз кечиш асосида ўз-ўзидан зарарни қоплаш муаммоси долзарб аҳамият касб этади. Ушбу муаммони ҳал этишда янги муқобил йўналиш кўзга ташланмоқда, чунки зарарни қоплаш механизмига, мажбурлов усули билан бир қаторда, ишонтириш усули ҳам киритилди. Қонун айбдорга етказган моддий зарарини қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум этиш ёхуд ҳибсда сақлашга ҳукм қилинмаслик чорасини танлаш ҳуқуқини берди. Энди унга жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Жиноят туфайли жамиятга, давлатга ва фуқароларга кўп миқдорда моддий зарар етказган шахсларга ҳамма вақт ҳам қамоқ жазосини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Уларга катта ҳажмда жарима солиш, зарарни тўла ундириб олиш билан боғлиқ жазо қўллаш ўринли бўлади. Бир қараганда, бундай қарор жазонинг муқаррарлиги принципини бузаётгандек бўлиб туюлади. Аслида ундай эмас, зеро, кўпчилик учун жазо қўллаш шаклидаги оқибатлар эмас, адлия идоралари тизими билан тўқнашувнинг ўзи жиноятнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қамоққа олишдан иборат эҳтиёт чорасини қўллаш мезонларининг ўзгаришини эркинлаштиришга доир ягона концептуал сиёсатнинг давоми сифатида изоҳлаш лозим. Бу — «ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш» тушунчасини янгилаш ушунининг бевоқиф натижаси. Бугунги кунда улар қаторига суд томонидан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан содир этилган жиноятлар ва қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш назарда тутилган эҳтиётсизлик орқасида

содир этилган жиноятлар киради. Бундай янгилик давлатнинг жазолаш сиёсатини юмшатиш билангина чекланиб қолмайди. У шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, амнистия актларини қўллаш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш каби жазо турларини белгилаш, бошқа ҳуқуқий институтларни қўллаш учун ҳуқуқий асослар кенгайиши туфайли криминоген муҳитни яхшилаш учун шароитлар яратишга қаратилган.

Инсонпарварлик ғояларини босқичма-босқич амалга ошириш ҳуқуқий соҳада эълон қилинган жиноий жазо сиёсатини эркинлаштиришнинг бошланишидир. Бўлғуси ислохотларнинг муваффақияти адлия идоралари фаолиятининг демократлашуви ва очиқлик даражасига бевосита боғлиқдир. Бу эса ҳозирги шароитда катта аҳамият касб этмоқда.

Эркинлаштириш серқирра ҳодиса бўлиб, у нафақат жиноий-ҳуқуқий жабҳага, балки ҳуқуқнинг барча соҳаларига етиб бориши шарт. Бу борада жиноят қонунчилигининг мукамаллиги муҳим ўрин тутаети.

Собиқ совет тузуми даврида Жиноят кодекси ижтимоий хавфи жиноятлар даражасига етмайдиган кам аҳамиятли қилмишларга тааллуқли моддалар билан ҳаддан ташқари «тўлдириб юборилган» бўлиб, унда ўзаро рақобатлашувчи маъмурий мазмундаги нормалар ҳам кўп эди. Янги Кодекста унчалик оғир бўлмаган қилмишларни жиноятлар қаторидан чиқариш масаласига алоҳида аҳамият беради. Аввал савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини анча миқдорда бузганлик учун шахс жиноий жавобгарликка тортилар эди. Энди бундай қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилди.

Жиноят қонунчилиги бозор иқтисодиётининг мазмуни ва руҳига мувофиқлаштирилмоқда. Унда иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятлари кенгайтирилди. Гап иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига жарима тарзидаги чораларни кўпроқ қўллаш хусусида бормоқда. Амалга оширилган либераллаштириш оқибатида Жиноят кодексидаги жиноятларнинг 46 та таркиби бўйича санкциялардаги жарима миқдорлари оширилди, жиноятларнинг 12 та таркиби бўйича эса жарима жазо чораси сифатида киритилди. Қонунчилигимизда юз берган жами ўзгаришларга кўра, судлар жиноятларнинг 187 та таркиби бўйича озодликдан маҳрум қилиш чораси ўрнига жарима санкцияларини қўллаш имкониятига эга бўлдилар.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни эркинлаштириш ишларни судда кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш масаласини ҳам қамраб олди. Асосий эътибор терговдаги шахсни ва судланувчинини ҳибсда сақлаш муддатини қисқартиришга қаратилди. Илгари тергов муддати икки йилгача узайтирилиши мумкин эди. Қонунга киритилган янгиликка кўра, дастлабки тергов муддатлари фақат тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда эса жиноятнинг оғирлиги ҳамда терговдаги ишнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда фақат Бош прокурор ва муддатни бир йилгача узайтириши мумкин. Айбдорни ҳибсда сақлаш муддатлари ҳам қисқартирилди. Агар илгари ҳибсда сақлашнинг энг кўп муддати бир ярим йил деб белгиланган бўлса, энди бу муддат тўққиз ойни ташкил этади. Жиноят ишлари бўйича суд жараёнининг асосий мақсади — инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш, қонунни қўллаш орқали, бир томондан, жабрланган шахснинг ҳуқуқини тиклаш, иккинчи

томондан, айбдорга қилмишига яраша адолатли жазо чорасини белгилашдир. Бугунги кунда суд халқимиз кўз ўнгида адолатни қарор топтирувчи нуфузли маскан қиёфасини эгаллаши лозим.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ислоҳ қилиш, айна вақтда, жазони ижро этиш тизимини эркинлаштиришни ҳам назарда тутати. Мазкур соҳадаги либераллаштириш иккита муҳим жиҳатни қамраб олади. *Биринчидан*, жазони ўташ шароитларини енгиллаштириш, ўринсиз ва асоссиз чекловларни олиб ташлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг кафолатларини мустаҳкамлаш. *Иккинчидан*, маҳкумлар билан бўладиган муносабатларда қаттиқ жазолаш сиёсатидан кўпроқ тарбиялаш сиёсатига ўтиш.

Шундай қилиб, бугунги кунда энг долзарб бўлган жиноий жазо қўллаш тизимига янгича ёндашув, унинг демократик мазмунда эркинлаштирилиши жамият билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Бунинг натижасида ижтимоий онда ҳуқуқни қўлловчи, амалга оширувчи органлар ўзининг аввалги жазоловчи орган сифатидаги қиёфасини ўзгартириб, инсоний қиёфа касб этиб бормоқда. Хулоса шундай: башарти, оммавий ҳуқуқ соҳалари бўлмиш жиноят ва маъмурий қонунчилик мазмунига эркинлаштириш руҳи сингдирилдими, демак, хусусий ҳуқуқ соҳаларига оид бутун қонунчилик тармоқларининг мазмунини эркинлаштириш, демократлаштириш ва инсон манфаатларига хизмат қилиш ғоялари тўла қамраб олишига шубҳа йўқ.

### Суд ва ҳуқуқий ислоҳот

Демократик ислоҳотлар юртимиз ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий ҳаётининг барча соҳаларида фаол амалга оширилмоқда. Пировард мақсади ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш бўлган ушбу ислоҳотлар республикамиз судлов тизимини ҳам тўла қамраб олди. Суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас зарурий таркибий қисмидир. Суд-ҳуқуқий ислоҳот мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг, мустақил кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилдир.

Суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари ҳамда демократияни таъминлашнинг ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолат учун курашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 257 та суд мавжуд. Улардан 215 таси туман ва шаҳар судлари, 14 таси вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар, 14 таси вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари, 11 таси ҳарбий судлар, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларидир. Бу судларда жами мингга яқин судья фаолият юритади.

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тақсимланиши реал жорий этилиши билан том маънода чинакам суд ҳокимияти қарор топишига йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим масала судни давлат ҳокимиятининг бир бўғини, тегишли

қатъий ваколатлар соҳиби сифатида тан олишдир. Ижтимоий онг суд ҳокимиятини эътироф этиши, унга кўникиши лозим. Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Одил судловни жорий этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқий ислоҳотини амалга ошириш мавзуси Ўзбекистон Президентининг нутқларида такрор-такрор таъкидлаб келинади. Масалан, биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида (1995 йил 23 февраль) И. А. Каримов шундай деган эди: «**Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонуларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонуларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир**»<sup>1</sup>.

Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (1995 йил 21 декабрь) юртбошимиз қуйидаги мулозаҳаларни билдирди: «**Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир... мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса кишиларнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаришимиз лозим**»<sup>2</sup>.

Маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд маъмурий кўмондонлик тизимининг тўқмоғига айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгига суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланди. Эндиги ислоҳотларнинг бош вазифаси эса судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат. Пировардида судга муносабат тубдан ўзгариб, унга ҳурмат шаклланиши лозим. Бу ўринда қуйидаги сўзлар муҳим методологик, йўналтирувчи аҳамиятга эга: «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак.

